

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси  
«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси

# Кор қўйнида лолалар

Қатагон этилган аёллар ҳакида очерклар



Тошкент - 2001  
«Академия»

Таҳрир ҳайъати: *Дилбар Ғуломова, Диlorom Алимова, Шарифа Салимова, Дилбар Жаҳонгирова, Холида Аҳорова, Наим Каримов*

Масъул мұхаррир: *Бобохон Шарипов*

Көр күйнида лолалар (қатағон қилинган аёллар ҳақида очерклар). //Масъул мұхаррир: Б.Шарипов/. - Тошкент, «Академия», 2001 й. - 213 б.

Йиіллар ва даврлар ўтади. Аммо мұстабид совет тузумининг ўзбек халқыга келтирған жабру жафолари асло унугилмайды.

Францияла ўрта асрларда рўй берган қатағонни Варфоломей кечаси, деб аташади. Шу бир кечанинг ўзида юзлаб одамлар кириб ташланған. Мұстабид совет тузуми даврида эса бундай кечалар оз бўлмаган. Биргина 1937-1938 йилларнинг даҳшатли кечаларида минглаб ватандоцларимиз қамоққа олиниб, йўқ қилиб юборилган. Ана шу бечора, жабрдийда, жафокаш кишилар орасида “инсониятнинг гўзал бўлаги” - аёллар ҳам бўлишган.

Қўлингиздаги китоб ана шу мунис аёлларимиз ҳақида.

63.3 (5 ў)-4+66.74(5 ў)

© «Академия» нашриёти, 2001 йил

*Ҳур ва озод Ватанимиз —  
Мустакил Ўзбекистоннинг шонли  
10 йиллигига багишиланади.*

## МУҚАДДИМА

Хуррият кўйчиси Чўлпоннинг 1923 йили ёзилган гўзал бир ҳикояси бор. Бу ҳикояда ошини ошаб, ёшини яшаган кекса бир эшоннинг ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган қизга уйланиши тасвирланган. Ҳикоя ярим кечаси тўйхонадан чиқсан бир неча йигитнинг ёш келин ва куёв ҳақидаги изтиробли сўзлари янграган қуйидаги лавҳа билан яқунланган.

“Шу вакт эшоннинг эшигидан икки ёш йигит чиқдилар.

- Хўх-ху, кўча жуда қоронгу-ку!
- Шуни айтгил-а, осмонда дорига ҳам битта юлдуз топилмайдир.
- Юра бер. Бу кеча худди эшон бобонгнинг кўнглидек бўлибдир.
- Тўғри-я, мен қизга ачинаман, бояқиши келиб-келиб кимники бўлди-я!...
- Нимасини айтасан, отасининг уйи қуйсин, одам эмас экан!
- Соқолини оппоқ тутамдек қиб, неварашибек бир қизни аравадан олишини қара, киши чидамас экан. Шуни бир нарсага ўхшатгим келди-ю, ўхшата олмадим-да!

Шу чоқ бир бурчақда кўча пойлаб ётган Мамат коровул йиглагандай қилиб хуштагини чалиб олди-да:

- Нимасини айтасиз, йигитлар, дунё ўзи шундай тескари дунё экан... Лоланинг устига қор ёғди!.. - деди.

Йигитлар жавоб бермадилар ва қоронгилик кучогига кириб йўқ бўлдилар...”.

Шу вактгача хотин-қизларнинг энг катта фожиаси оталари tengi бўлган, бой-бадавлат кишиларга иккинчи ё учинчи хотин бўлиб турмушга чиқишлиари, ёхуд эрлари томонидан камситилиб, таҳқирланишлари эди.

Совет давлати 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб аёлларнинг эркаклар билан тенг хукукли бўлишлари учун

турли-туман чораларни кўрди: саводсизликни тугатиши курсларини ташкил этиб, хотин-қизларни ўқитди; “Хужум” кампаниясини эълон қилиб, юзлаб хотин-қизларни қурбон қилиш ҳисобига паранжини жамият ҳаётидан кувиб чиқарди; хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга жалб этди; улардан таникли жамоат ва давлат арбоблари, шифокорлар, санъаткорлар, маърифат ва адабиёт намояндалари етишиб чиқди. Сўнг 1937-1938 йилларда қатағон бўрони авж олиб, минглаб ватандошларимиз манглайига “халқ душмани” тамғаси ўйилгач, улар билан тенг хуқуқли бўлган хотин-қизларимиз ҳам мислсиз жабр ва зулмнинг бегуноҳ қурбонлари бўлдилар. Агар Чўлпон хикоясининг бояги қаҳрамонлари бу даҳшатли воқеанинг гувоҳлари бўлганида, улар орасидан кимдир, албатта, хўнграб йиглаб:

- Нимасини айтасиз, йигитлар, дунё ўзи шундай тескари экан... Лолаларнинг устига көр ёғди!... - деган бўларди.

Хали ҳалқимизнинг аксар қисми ўзбек хотин-қизларининг қатағон қурбонлари бўлганини мутлақо билмайди. Архивда олиб борилган тадқиқот ишлари шундан гувоҳлик берадики, 1937-1938 йилларда қатағон қиличининг ўтқир тиги аёлларимизнинг дур ва марварид шодалари илиниб келинганд нозиккина бўйинларига қадалган экан. Уларнинг баъзи бирлари Тожиҳон Шодиева сингари таникли давлат ва партия арбоблари бўлгани, бошқалари эса, Марям Султонмуродова сингари Германияда таҳсил кўриб келгани учун аксилинкилобчи ва миллатчи сифатида, баъзан эса чет эл разведкасининг жосуси сифатида қамоққа олинган. Улар ё ўша кезларда ёқ отиб ташланган, ёхуд олис ва совуқ ўлкалардаги лагерларга юборилган. Яна ўнлаб ва, эҳтимол, юзлаб аёллар бўлганки, улар “халқ душмани”га чиқарилган фарзандлари, эрлари ва оталарининг “аксилинкилобий, миллатчилик фаолиятлари” ҳақида сиёсий идораларга ўз вактида, Павлик Морозов сингари, хабар бермаганлари учунгина қамоққа олиниб, не-не азоб-уқубатларни бошдан кечирмаганлар. Бу аёлларнинг аксари саводсиз бўлганлари ё майший ташвишлари билан ўралашиб қолганлари учун эрлари ё оталари, ё фарзандларининг нима билан нафас олаётганларидан хабарсиз эдилар. Терговчилар ҳам шу ҳолни

яхши билганларига қарамай, улардан жигар гўшаларининг душманлик фаолиятини тасдиқловчи кўргазмалар беришни талаб этганлар. Бундай кўргазмаларни бера олмаган аёллар турли-туман кийнокларга дучор этилган.

Тўгри, уларнинг аксари хеч бир гувоҳи бўлмагани учун 1939 йилда - 1937-1938 йиллардаги даҳшатли бўронлар бир оз тингач, озод этилди. Мавжуд қонун-қоидаларга кўра, улар қатагон қурбонлари ҳисобланмайди. Лекин НКВДнинг коронғи ертўлалари ёхуд турманинг кўланса камераларида икки-уч йил азоб-укубатда яшаган, эрлари ё яқин кишиларининг кийнокхоналар оша фарёдларини эшитган ва ҳатто озод этилганларидан кейин ҳам шубҳа, гумон, таҳқир ва ҳақорат хукмрон мухитда яшаган бу аёлларни қайси тил билан қатагон қурбонлари бўлмаган, дейишимиз мумкин?!

Биз рус халқи тарихи орқали Декабристлар қўзголони ҳақида муайян билим ва тасаввурга эгамиз. Декабристлар мавжуд подшолик тузумига қарши қуролли қўзголон кўттарган эдилар. Чор хукуматининг хуқук ва тартибот идоралари уларнинг факат бир нечасинигина дорга осиб, колганларини Сибирга сургун қилган. Адолат қиличи уларнинг оила аъзоларини мутлақо четлаб ўтган. Аммо шоҳона шароитдан воз кечиб, эрлари ортидан ўз хошилари билан Сибирга борган рус аёлларини бутун дунё шу вақтгача миллий қаҳрамонлар сифатида шарафлаб келади.

Ушбу тўпламдаги мақолаларнинг бирида таникли ёзувчи Ғози Юнуснинг хотини Хадича Алиева ҳаётидан олинган бир шингил хотира бор. Бу хотира Чўлпон номи билан боғлик бўлиб, атоқли шоир камерадан маҳфий бир тарзда чиқарган хатида турмада азоб чекаётган “халқ душманлари”нинг хотинларини ўша даврнинг қаҳрамонлари, деб атаган экан.

Ўйлаймизки, халқ тарихининг бурилиш нуқталарида ё истило ва истибдод йилларида яшаган жабрдийдалар каторида тарих бу аёл қаҳрамонларимизнинг номларини ҳам ўз бағрида - авлодлар хотирасида сақлаши лозим. Кела-жақда улар ҳақида роман ва қиссалар, спектакль ва фильмлар яратилиши, авлодлар уларнинг фожиали тақдирлари мисолида мустабид советлар тузумининг гайриинсоний

қиёфасини кўриши ва бугунги истиқлол даврининг қадрига етишилари лозим.

Президент Ислом Каримов 2001 йил 9 май - Хотира ва қадрлаш кунида матбуот ва адабиёт ходимлари билан қилган сұхбатида ёзувчилар олдида уруш даҳшатларини, урушнинг миллионлаб оиласалар бошига келтирған фожиаларини очиш вазифаси турганини айтган эди. Шундай муқаддас вазифа қатагон даври билан шугулланувчи олимлар ва ёзувчилар олдида ҳам турибди.

Кўлингиздаги китоб ана шу кутлуг вазифани бажариш йўлидаги дастлабки қадамdir.



## **Хадича Алиева**

Мен бу аёлни умрим бино бўлиб ҳеч қачон кўрмаганман, ҳатто у ҳақда эшитмаганман ҳам. Фақат унинг эри Ғози Юнусни орқаворотдангина билардим. Биз ҳаёт саҳнасига чикқан кезларда ўттизинчи йилларнинг фаоллари аллақачон ҳаётдан ўтиб кетишган эди. Ва мен хужжатгоҳда ишлаш чоғимда, ҳар гал улардан қай бирининг бўлса-да, аянчли қисмати билан яқиндан танишар эканман, хужжатлар менга очган сир-асрорларни муштдеккина юрагимга сифдиролмай, уларнинг асоратда тортган азобларидан изтиробга тушардим.

- Булар ҳақида сўзла, сўзла, - дейди онгимда бир товуш.  
- Ота-оналаримиз бошига мустабид тузум солган жабр-жафолардан одамлар огоҳ бўлсин. Ахир ёргу жаҳонда чорак кам бир асрни яшаб қўйиб ҳам шу чокқача бу зугумлардан бехабар ўтдик-ку, дейди қалбимдаги товуш.

- Буни сен биласан, билмаганларга билдиргин, анави аёлга ўхшаб анойилигича қолиб кетишмасин яна. Кечаги ўтмишимиздан огоҳ бўлишсин, - дейди қалбимдаги ўша

овоз яна ва бирдан куни кеча ёшгина бир қўшни аёлнинг айтган сўзлари ёдимга тушади.

Гап орасида у қўшни аёл давримиз хақида сўз очдида: “Хар ҳолда совет даврида яшаш енгилроқ эди”, - деди. Бу сўзларни у айтмади - бошимга гурзи билан туширди, гуё. “Давлат идорасида ишлайдиган, ҳар куни газета ўқиб, телевизор кўриб, радио тинглаган одамнинг сўзини-ю”, - дедим ўзимга ва ҳисоблаб чикдим: ёши йигирма бешга чиқкан бўлса, уларнинг ўн-ўн беш йили болалик ва ўсмирликда ўтди десак, нимани кўрибди бу жувон, дея уни оклаган ҳам бўлдим. “Сенга ўхшаб тарих саҳифаларини титкилаяптиимики, совет даврида халқнинг бошига солинган азоб-укубатларни 1920 ва 1933 йиллардаги очарчилик, қаҳатчилик азобини қайдан билсин? Бу қаҳатчилик коммунистик партия раҳбарияти тарафидан маҳсус қилинганини ўзинг ҳам энди билдинг-ку, ахир... 1930 ва 1950 йиллардаги қама-қамалар хақида нимани билади, бу ёшлар? Эрини миллатчи, деб қамагач, ёт унсурлигини била туриб, тегишли ташкилотларга хабар етказмаган, деб, хотинини қамаганларни қаёқдан билсин... Бундай шўрпешоналар кўп бўлганини қайдан билсин... Ва ўргангандан хужжатларим орасидан лоақал биттаси хақида сўзлаб беришга аҳд қиласман.

Ха, эрини “халқ душмани” деган тавқи лаънатга гирифтор қилгач, хотинларига ЧСВН (“член семьи врага народа” - яъни халқ душманининг оила аъзоси) деган айб тиркалиб қамалган, бадарга қилингандардан бири хақида, унинг бошига тушган кулфатлар ҳақида хикоя килишга уриниб кўраман.

У аёлнинг - Хадича Алиеванинг - баҳти бескам эди, дейишарди билганлар. Аллоҳга шукур, ўғилда ўғил, қизда қиз, фарзанддан қисмаган. Тўнгичи Тўлқин катта йигит бўлиб қолган - ўн тўққиз ёшга тўлди. Врач бўладиган. Институтни битирса, бас, тўй бошлайдилар. Кизлари Шарофат билан Туйгун хали ёш - мактаб ўкувчилари. Ҳар икки гапнинг бирида онаси Солия буви тўйдан сўз очиб, Хадичани никтайди: “Кўзим очигида Тўлқиннинг тўйини кўрсам,” - деб орзулайди. Фарзанд бўйига етгач, ҳар қандай ота-она унинг тўйини кўришни ўйларкан... Аммо... Хадича

опанинг ана шундай орзу-хәёллар-ла яшнаб юрган кунлари-нинг бирида қўққисдан хонадонлари азахонага айланди-колди. Унинг эри - таржимон, ношир Ғози Юнусни 1937 йил 6 августда ҳибсга олдилар. Уни аксилинқилобий “Миллий иттиход” ташкилотига аъзоликда айбладилар. Оила бошидаги ҳамма фалокат айни шу кундан бошланди. Орадан кўп ўтмади -1937 йилнинг 14 сентябрь куни Ҳадича опа устидан ҳам жиноий иш қўзғатилди. Уй-рўзгор иши билан шутулланган, чаласавод аёлга қўйилган айб - Ғози Юнуснинг рафиқаси бўлганлиги эди.

НКВД Давлат Хавфсизлиги бўлим бошлиги муовини чиқарган қарорда: “... Ҳадича Алиева халқ душманининг хотини ва қўмакдоши сифатида жиноий жавобгарликка тортилсин, Тошкент турмасида ҳибсда сақлансан...”, - дейилади.

Тошкент шаҳрининг Янги шаҳар кисми Коммунал кўчасидаги 10-ҳоялида (хозирда Амир Темур музейига яқин ерда) истиқомат қилган Ғози Юнуснинг етти кишидан иборат оиласи шу-шу бўлди-ю, тараф-тараф қилиб юборилди. Ҳужжатгоҳда ўрганилган 1937 йилнинг 10 сентябрида ёзилган маълумотномага кўра:

1. Ғози Юнуснинг 1897 йилда дехқон оиласида таваллуд топган, эрининг советларга қарши фаолиятидан хабардор бўла туриб, бу ҳақда тегишли ташкилотларни огоҳ қилмаган рафиқаси Ҳадича Алиевани ҳибсга олиш ва лагерга жўнатиш;

2. Ғози Юнуснинг 1870 йилда тугилган дардманд қайнонаси Солия Аҳмаджоновани Ўзбекистон ҳудудидан ташкаридаги социал таъминот ташкилотларига қарашли кариялар уйига жойлаштириш;

3. Унинг ўн тўрт яшар қизи Туйгун Ғозисвани халк маорифи тизимидағи болалар уйига жўнатиш;

4. Ғози Юнуснинг 16 яшар қизи Шарофат Ғозисвани эса ишга жойлаштириш лозим эди.

Олтмиш уч йил бурун битилган бу маълумотномада кўрсатилишича, Ғози Юнуснинг тўнгич ўғли Тўлқин Ғозисев ўша пайтда Ҳатирчи туманида ишлаб юрган бўлади. (У кейинроқ ҳибсга олинади.)

Хуллас, 1937 йилнинг 31 октябрида тўлдирилган айблок

хулосасида рақам этилишича, Хадича Алисванинг иши СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлари Совети хузуридаги Алоҳида Мажлис судига топширилади.

Бу ҳужжатларни ўрганар эканман, СССР деб номланган, яқин-яқингача биз тобе давлатнинг қонун-қоидалари бунчалар даҳшатли бўлганини англайман ва тагин ҳам қирилиб битмаган - худо ярлақаган бир халқ эканлигимизга тасаннолар ўқийман. Ахир бир ўқувчи кизни оила багридан юлқиб олиб, болалар уйига жўнатиш, кекса ва дардчил аёлни бола-чақаси багридан ситиб чиқариб, қариялар уйига жойлаштириш хақида кўрсатма берилса-да, ўшанда ҳам уларни республика ҳудудидан ташқарига чиқариш лозимлиги таъкидланса, ахир, бу даҳшат эмасми? Борса-келмасга жўнатилса-ю ва бундай даҳшатга ўша давлатнинг қонунлари йўл қўйиб берса! Ахир бу мустабид тузумнинг ўзбек халқи бошига солган жабру жафолари кўламини кўрсатувчи ҳужжат эмасми?!.

Бу жафолар ҳам ҳали камлик қилгандай, уй-жойи мусодара қилинди. Мусодара қилиш вактида баҳоси 880 сўм турадиган буфет, диван, сандик, қути, стол-стул ва катта-кичикнинг пальтоларидан тортиб, болалар либоси, сочиқ, белбог, галстуккача, резина грелка, аёллар лозими, чойнак-пиёла ва нархи 1 сўмлик термометргача, вилка-кошиккача ҳамма нарса хатланиб, қолдирилмай, шипириб кетилса!

Мен Хадича Алиева ҳақида ўйлайман. Кечагина эмин-эркин нафас олаётган аёлни бир лаҳзанинг ўзида қаро қилдилар. 1937 йил октяброда ҳибсга олинган Хадича Алиева бир ярим йил турмада азоб тортганидан сўнг, 1939 йил 27 апрелда Ички Ишлар Халқ Комиссари номига ёзган аризасида кўрган-кечирган азблари ҳақида ломмим демайди. Кисқа-лўнда ёзади:

*Уч йил муддатга меҳнат посёлкасига  
сургун қилинган Хадича Алиевадан*

*Ёшим қирқ бешда, саводсизман, уй бекасиман.  
Ишимни қайта кўриб чиқиб, кекса онам ва ўқувчи  
болаларим хузурига қайтишимга имкон бсрингиз...*

*Хилково станцияси, Биринчи меҳнат посёлкаси.*

*Ушбу ариза кўл келди чоги - унинг иши қайта кўрилди.*

Бу иш юзасидан чиқарилган хulosани рус тилидан ўзбекчага ўгириб, ўқувчи эътиборига ҳавола қиласман.

*Менким, НКВД тергов бўлими терговчиси Семёнов, Хадича Алиеванинг нотури ҳукм этилганлиги хақидаги аризасини ва тергов материалларини ўргандим. Ҳалк душмани Ғози Юнуснинг хотини бўлгани туфайли эрининг аксилинқилобий, миллатчилик харакатларини билгани ҳолда буни ҳукумат ташкилотларидан яширишда айбланиб, ЎзССР НКВД учлик комиссияси тарафидан 1938 йилнинг 5 апрелида уч йил муддатга меҳнат посёлкасига бадарга килишга ҳукм этилган.*

### **АНИҚЛАНДИ:**

*Тергов материалида Хадича Алиевага қўйилган жиноят исбот этилмаган. Ана шу сабабга кўра, хисоблайманки:*

*Хадича Алиева зудлик билан жазодан озод этилмоги, иш тўхтатилиб, хужжатгоҳга топширилмоги жоиз.*

*ЎзССР ИИХК Тергов бўлими терговчиси (Семёнов).*

Хадича Алиеванинг шахсга сигиниш даврида бутун советлар мамлакатида рўй берган хақсизликлар қурбони бўлганлигини жиноят ишининг кейинги саҳифаларидағи хужжатлар ҳам исботлаб турибди.

Ўзбекистон ССР Олий Суди 1957 йилнинг 1 февралида учликнинг 1938 йил 15 апрель санали қарори бўйича Ўзбекистон ССР Прокурорининг эътирозини кўриб чиқди.  
“...*Аввало Хадича Алиева прокурор санкциясиз қамокка олинган. Ишдаги материаллар билан Алиева таништирилмаган ва яна айлов хulosаси прокурор тарафидан тасдиқланмаган...*”.

Шундай қилиб, замона зайли биланми ё кимларнинг-дир хатоси туфайлими гулдек бир оила тўзиди-кетди: оила бошлиги Ғози Юнус 1942 йили Вологда шахрида оғир хасталиқдан вафот этди. Унинг тўнгич ўглони Тўлқин Ғозиевга иниститутни тутатиш насиб этмади. Тегишли ташкилотлар тарафидан аксилинқилобий миллатчилик харакатига мойил деб топилиб, институтдан ҳайдалди, сиёсий ишончсиз шахс саналиб, комсомолга қабул килинмади. Охир-оқибатида СССР ИИХКнинг буйруига

асосан Тўлқин Ғозиев ҳам ҳибсга олинди ва энг гуллаган ёшлик чогини тутқунгоҳларда ўтказди...

Отаси туфайли неча йиллар ҳибсда азоб чекиб қайтган Тўлқин Ғозиев билан бўлган бир мулоқотда у қўлимга икки варак қоғоз тутқазди. Бу Ҳадича Алиеванинг бадаргадан қайтган чогида ёза бошлаган хотиралари эди. Унда сиз Ҳадича Алиеванинг турмада ёлгиз аёл бўлмагани, улар орасида Файзулла Хўжаевнинг онаси Малика ая, журналист Собира Холдорова, шоир Чўлпоннинг рафиқаси ҳам бўлганини биласиз.

“... 1938 йилнинг 20 октябрь куни эрталаб соат саккизларда эшик такиллади. Очганимни биламан, ўн чоғлиқ милиция ходими, булардан ташқари, яна иккичуҷ граждан кийимидағи кишилар йўлакка кириб, эшикни ёпишиди. Шулардан бири:

- Уйда сиздан бошқа ким бор? - деб сўради.
- Болаларим... - дедим мен тутила-тутила.
- Улар қани?!
  - Чой ичишяпти.
  - Қаерда?
  - Овқатхонада.
  - Кўрсатинг, - дея ўшқирди у.

Мен уларни овқат қиласиган хонага бошлаб кирдим. Қизларим сакраб туриб (оғзидағи нони билан) салом беришди. Салом жавобсиз қолди.

- Гап шундай! Сизлар шу бугундан бошлаб қамоққа олинасизлар.

Шунинг учун ҳам ҳар бирингиз ўзингиз кўтара оладиган даражада кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ олинглар. Таомлардан ҳеч нарса олманглар. Эҳтимол сўроқ қилиб, қайтариб юборишар, - деди.

Кўйлак, либос ва бир донадан кўрпа-ёстиқ, олдик. Мен “мабодо учратиб қолсам, берарман”, - деб эримнинг костюмини кийиб олдим. Эрим 6 августда қамалгандага битта кўйлакда олиб кетилган эди.

Мени турмада олиб қолиб, қизларимни бақиртириб, бошқа жойга олиб кетишиди. Ҳамма “ол кетди - ол қолди” - сўраб-суриштиришдан кейин камерага киргизиш-ди. Кирсам, бир камера аёллар, булардан ярмидан кўпини

танийман. Буларнинг ичида Собира Холдорова, Файзулла Хўжаевнинг хотини, хуллас, жамоа жам. Чўлпон аканинг хотини Катенька югуриб келиб, мени кучоқлаб олди (Чунки мен Москвага борганимда Чўлпон аканинг уйидатуар эдим, улар Тошкентта келишса, бизларнинг уйда туришар эди. Хуллас, келди-кетдимиз жуда куюқ эди).

Бир куни терговга олиб бораётганда Ашурали Зохирини ҳам олиб кетишаётган экан. Кўришчик, менга сабртоқат тиладилар, “домладан бошқа ҳаммамиз бир жойдамиз”, - дедилар. Кўнглим равшанлашди.

Бир куни овқат олиб келган одам туйнуқдан қараб: “Хадича опа ким?” - деб сўради. Мени кўрсатишди. Галим келиб, тогорачани овқатга узатганимда астагина бир неча букилган қоғоз берди.

Собира Холдорова дарров кўлимдан олди. Бу Чўлпон ака томонидан менга ва мен билан бирга бўлган ўзбек аёлларини (Катянинг шу камерада эканлигини билмаганлар) замон қаҳрамони қилиб кўрсатиб ёзган шеъри эди. Ўзининг жаранглаган шоирона овози билан Собира Холдорова қайта-қайта ўқиб берди. Бизлар роҳатланар эдик.

Бизларни галма-галдан иккита-учта қилиб, ҳаммомга кир ювгани олиб боришар эди. Мен: “мабодо эт-бетда кўриб қолсан, берарман,” деб ҳамма вакт эримнинг костюмини кийиб борар эдим. Бу гал борганда ҳаммомнинг нариги бўлмаси эшиги очилиб, кимдир мени чақирди, қарасам, эrim. Дарҳол олдига кирдим. Йигладим, костюми-ни бердим, менга тасалли бердилар ва тез чиқиб кетдилар.

1938 йилнинг апрель ойлари эди. Бу учрашув охирги учрашувимиз эди...”.

Хадича Алиева бу ёруг оламдан ёруглик кўрмай ўтди.

Юқорида бир-бир санаб ўтилган баҳтиқароликлар республикамиздаги “халқ душмани” деган тавқи лаънатга гирифтор этилган минглаб оиласаларнинг бошидаги кўргиликлар, холос. Улар қанча эди? Ҳали аниқ билмаймиз.

Сатрларим шу жойга келганда ҳалқимизнинг севимли шоираси ёши саксондан ошган чоғида ёзган “Хотира синиклари” достонидаги қуйидаги сатрлар ёдимга келди:

*Келдинг, эй истиқлол, истиқбол бўлиб,  
Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.  
Сен шу хур назмга ихтиёр бериб,  
Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим...*

Зулфия опа 1938 йили санаторийда дам олаётган чогида акаси Хоразм вилояти партия комитети котиби Нормат Истроилов ҳам ҳибсга олинган ва қалбидаги қўрошин билан минглардан бири бўлмиш шоира шу мудҳиши воқеани эслаб, оғир булутдек бир ёғиб олган эди. Мен ҳам Ҳадича Алиеванинг бошига тушган савдоларни чала ярим қоғозга туширканман, унинг зил юки қалбимни поралади ва мен ҳам Зулфия опа каби оғир булутдек бир ёғиб олдим.



## Кимёхон Ашуроева

1999 йилнинг 28 май куни. Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини агадийлаштириш комиссияси эндиғина тузилиб, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг эски биносида аризачиларни қабул қилаётган кунларимиз. Қатагон қурбонларининг яқин кариндошлари оқими ошибтошиб келаётган пайт.

Кутимаганда, бундан 15-20 йил илгари, Тил ва адабиёт институтида бирга ишлаганимиз Динарахон Ашуроева онаси билан кириб келди. Мен дастлаб Динаранинг ёнидаги аёлни опаси, деб ўйладим. Улар она-боладан кўра, опа-сингилга кўпроқ ўхшар эди. Маълум бўлишича, Динаранинг отаси 1937 йил қурбонларидан бири бўлган экан. Биз у билан неча йил давомида институтда ёнма-ён ишламайлик ва шу вактда қатагон қурбонлари бўлган ёзувчилар номини тиклашга қаратилган қанчадан-қанча уринишлар, йигилишлар, сўроклар бўлиб ўтган бўлмасин, Динарахон оиласининг даҳшатли сирини очмаган эди. Энди

бilsam, uning otasigina emas, balki yoni dagi munisa onasi ham "xalq dushmani"ning хотини сифатида қатагон-нинг аччиқ тузини тотган экан.

Афуски, Кимёхон ва Ўринбой Ашуревлар Душанбе шаҳрида қамоққа олинганлари учун уларнинг "жиноий-архив иши" билан ҳозирча танишиб чиқишининг иложи бўлмади. Аммо, бахтимга, Кимёхон опанинг ўша куни ёзib келган хотиралари менга қўл келиб, ушбу мақолани шу хотирага суянган ҳолда ёзишга аҳд қилдим.

Кимёхон ва Ўринбой Ашуревлар гарчанд Тожикистон пойтахтида қамоққа олинган бўлсалар-да, улар ўзбек юртининг фарзандлари бўлишган. Ўринбой Ашурев 1903 йили, Кимёхон опа эса 1909 йили Фарғонада туғилиб, вояга етишган. Кимёхон опа 1925 йили, ўз ифодаси билан айтсак, "фарғоналик лочин йигит"га турмушга чиққанида у Марғилон шаҳар партия қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб хизмат қиласр эди. Бу вақтда уларнинг бири - шаҳар партия қўмитасининг котиби, эндиғина 22 га, иккинчиси - унга турмушга чиққан фарғоналик лобар қиз эса, эндиғина 16 ёшга қадам қўйган эдилар. Орадан икки йил ўтгач, Ўринбой ака Андижон округ партия қўмитасига масъул котиб этиб юборилди. 1929-1930 йилларда Москвада партия ходимлари учун ташкил этилган курсларда ўқиди. Сўнг янги-янги лавозимлар ва янги-янги манзиллар... Нихоят, 1936 йил ВКП(б) МҚ аппаратида маълум вақт хизмат қилгач, Ўринбой Ашурев Тожикистонга иккинчи котиб этиб тайинланади. Кўп ўтмай, у биринчи котиб вазифасини бажара бошлиди. Аммо бу, унинг охирги лавозими бўлди. 1937 йилнинг қонли бўрони кўтарилигандан Ўринбой Ашурев ўтирган баланд хизмат дарахти кулаб, уни мажақлаб ташлади.

Кимёхон Ашуреванинг хотираларидан:

"Бундан кейинги азоб-укубатда ўтган кунларимни кўз ёшлирасиз эслай олмайман. Ишонгим келмайди. Бир кечада гап-сўзсиз уларни ишдан олишди. Қандай ўқтам, эл-юртининг белига қувват бўладиган одам эдилар! Бир кечада "халқ дushmani" дея қамоққа тикишди. Эртасига ёқ НКВД ходимлари уйимизга бостириб киришди. Китобларини, суратларини, кийимларини топтаб-топтаб чиқиб кетишди.

Уч гўдагим этагимга маҳкам тирмасиб олишган, юраклари сезганми, менга қараб: “Уларга айтинг, дадамни олиб келишсин!” дея зорланишарди. Менинг тилим эса гунг, нафратга тўлган кўзларим кўр бўлиб қолганди, бамисоли. Ўша кундан бошлаб бизни оч-наҳор қолдиришди...”

Бу ҳали ҳолва эди. “Халқ душмани”нинг оиласи хукумат берган уйда, “халқ дўстлари” билан бир шаҳарда яشاши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам ўша кунлардаёқ кўч-кўронини аравага ортишиб, унинг устига болаларни ўтказиб, қаёққадир ҳайдашди. Бечора Кимёхон қаёққа юбораётганларини билмай, кўз ёшлари билан тўлган юзларини енги билан арта-арта, титраб-қақшаган овоз билан аравакашдан сўради:

- Тогажон, бизларни қаерга олиб кетаяпсиз? Айтинг, юрагим қон бўлиб кетди-ку!

Аммо “тога”дан садо ҳам чиқмади. Худди оғзига талқон ютгандек. Ниҳоят, арава олис бир дала ўртасидаги хароба уй яқинига келиб тўхтади. “Тога” юкларни чакқонлик билан туширди-да, оғзини бир оғиз сўзга ҳам очмай, аравани ҳайдаб, изига қайтди.

Ўринбой Ашурев Тожикистонга бориб ишлай бошлаганига кўп бўлмаган эди. Шунга қарамай, у эл-юртнинг меҳрини қозонган экан. Кўп ўтмай, “Ашуревнинг оиласи кўчиб келипти”, деган хабар тарқалиб, уй атрофида қишлоқ аҳли тўплана бошлади. Кимдир танча куриб берди, кимдир тандир, кимдир уйни тартибга келтирди. Ҳатто, одамзод орасида кўрқув ва ҳадик шарпаси кезиб юрган пайтда ҳам оддий кишилар мусибатга ғарқ бўлган оилани ёлгизлатиб кўймадилар. Шу тарзда ҳаёт, ҳар қандай даҳшатли тўлқинларга қарамай, ўз оқимида давом этди.

Кимёхон Ашуревнинг хотираларидан:

“Бир куни, кишининг узун тунларида, эримнинг ёрдамчиси Ананьев келди. Мен эримдан хушхабар келтирган, ё бўлмаса, унинг ёнига олиб боради, деган ўй билан ўн ойлик қизчам Кларани олиб унинг машинасига чиқдим. Ахир, унинг келиши юрагимнинг тубида тутаб ётган умид учқунларини алангалатган эди-да! Афсуски, қамоқхонага етиб келганимизда у қизчамни кўлимдан олди-да, мени ичкарига итариб юборди. Уёгига нима содир бўлганини

эслай олмайман. Фақат темир панжаларга чирмашиб йигла-гандарим, “болам”лаб фарёд урганларим, Ананьевни бор овозлаб қарғаганларим ёдимда қолган. Ранги захил турма бошлигининг: “Сен халқ душманининг хотинисан! Эринг-нинг аксилинқилобий-миллатчилик фаолиятини хукуматдан яширгансан!” деган таҳди迪 ҳамон ёдимда...”

Тожикистон марказқўми котибининг ёрдамчиси шунчаки партия ходими эмас, балки НКВД томонидан Ўринбой Ашуроннинг орқасига кўйилган соя эди. Шунинг учун хам унинг вазифаси Ўринбой Ашуроннинг ишини енгиллатиш, унга кўмаклашиш эмас, балки унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар бир гап-сўзини кузатиш, унинг фаолиятидан жиноят белгиларини ахтариб топиш эди.

Бинобарин, у худди шу куни Ашуроловлар оиласи назарида ўзининг ҳақиқий башарасини кўрсатган эди.

Шундай қилиб, эридан бир мунча кейин Кимёхон ҳам “халқ душмани”нинг хотини сифатида қамоққа олинди. У қамоққа келтирилгандан кейин терговчилар уни бирмунча фурсат давомида “унутиб кўйдилар”. Аммо бу “унутиш” НКВДнинг шу йиллари ишлаб чиккан тактикаси эди. Ушбу тактикага риоя қилиб бўлингач, терговчи Кимёхонни чақириб, ундан эрининг аксилинқилобий-миллатчилик фаолиятини далилловчи кўргазмалар беришни талаб этди, унга тайёр сўрок қайдномаларини бериб, имзолашни буюрди. Эрининг оиласада ҳам, хизмат жойида ҳам покиза инсон ва покиза раҳбар эканига амин бўлган Кимёхон тухматдан иборат кўргазмаларга имзо чекишдан қаттий бош тортди.

Кимёхон Ашурованинг хотираларидан:

“Қамоқ азобини айтишга юрак дов бермайди. Ҳар иккита аёлга биттадан карават. Мен менышевичкалар билан бирга юрардим. Орамизда Лиза исмли аёл бўлиб, у жуда зийрақ, кўп нарсани билгувчи эди. У: “Сизларни Сибирь ўрмонлари кутяпти!” деб бизни жисмоний жиҳатдан тарбиялади. Яъни ҳар куни бадантарбия, совук чўмилиш, оғир машқлар билан щуғулланардим. Орадан икки ярим йил ўтди. Шунча муддат мен қизларимнинг хаёли билан яшадим. Уларни бир марта кўрсам, дийдорларига тўйсам,

майли ўлсам-да, армоним йўқ эди.

Бир куни қамоққа янги бир аёл кириб келди. Назоратчи тўсатдан:

- Фуқаро Ашуронинг хотини ким? - деб сўради. Унга тикилиб туриб, юрагим “шиғ” этиб кетди. У эса бамайлихотир сўзлади:

- Кизинг Кларамиди? У болалар уйида ўлиб колди!!! Бундан-да азоблироқ, мудхишроқ хабар борми, она учун?! Кўз олдимни зулмат қоплади. Кўрган тушларимни эсладим. ...Кларамни дадаси олиб кетмоқда эди. Мен уни чакирав эдим: “Кетма, қизим, кетма! Онагинангни ташлаб кетма! Ахир эмизикли эдинг-ку, қара, кўксимга сутларим тўлди!”

Кенжা кизидан ажралиб қолган аёлнинг хаёлини энди бошқа кизлари эгаллаб олди. У имкони борича қолган икки қизи-ю, эрининг такдири билан қизикди. Келган хабарлар бир-биридан даҳшатли эди. Биров: “Ўринбой Ашуров отувга ҳукм килинди” деса, бошқаси “халқ душманлари”нинг болалари учун алоҳида стимхоналар очилган. Қизларингиз ўша ерда!” дейди. Бундай хабарлардан Кимёхоннинг чекаётган изтироблари, азоб-укубатлари яна ҳам ошди. Айни пайтда, бундай совуқ овозалар қамоқхонадаги шароит-у терговчиларнинг дўқ-пўписалари билан кўшилиб, Кимёхонни тоблантириб борди.

Мана, ниҳоят, тергов тугади. У билан бирга ётган аёлларнинг қайси бирлари озод этилди, қайси бирлари эса турли олис жойларга жазо муддатини таш учун юборилди. Кимёхон Ашуронинг Совет давлат олдидаги “жинояти” катта эди: у эрининг аксилик қилобий-миллатчилик фаолиятини НКВДдан “била туриб” яширган, шу йўл билан унинг жиноятига шерик бўлган эди. Суд унинг “хатти-харакати”ни шундай талқин этиб, уни 5 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Кимёхон жазо муддатини ўташ учун Красноярск ўлкасига юборилди. У бу мудхиш манзилга кетиши олдида болалари такдиридан хабарсизлиги учун юрак-багри қон бўлиб оқмоқда эди. Хайриятки, акаси Мирзараҳмоннинг Роза билан Динарани ўз бағрига олганини эшитиб, кўнгли

таскин топди. Шундан кейин ҳийла хотиржамлик билан йўлга чиқди.

Кимёхон Ашуреванинг хотираларидан:

“Красноярсқда қор гупилаб ёғиб турарди. Мен Енисей дарёси бўйида бир чол билан кампирнинг уйида ижарага тура бошладим. Ана ўшанда отамнинг талаби билан ўргангандан ҳунарларим жуда аскотди. Тикувчилик ҳунарини яхши билганим учун дарё яқинидаги посёлкада бадиий тикувчилик цехига ишга кирдим. Кундузи ишчилар, болалар кийимларини тикаман. Одамзод баҳтга ҳам, байрамга ҳам, аза-мотамга ҳам кўнікаркан. Мен ҳам пешонамга ёзилган тақдир туфайли ўзга юртларда, ўзга миллият аёллари билан бир дастурхондан туз-намак тотдим...”

Иродаси мустаҳкам, бу дунёнинг ситам ва аламларини кўриб, кўзлари кўнинккан кишилар ҳатто ёзма хотираларида ҳам кўрган ноҳақликлари учун нолимайдилар. Улар учун қатагон бир кўргилик эди.

Кимёхон Иккинчи жаҳон урушининг мусибатли йилларида, 33 ёшида она юртига қайтди. Бу 1942 йил эди. Унинг эри урушда эмас, ундан олдин, 1938 йилда отиб ташланди. На унинг, на ўзининг Совет давлати олдида тариқдек гунохи йўқ эди. Шунга қарамай, бу давлат унинг оиласини пайҳон қилиб ташлади. Айниқса, эмизикли қизалоги... Кимёхон олис Энасой бўйларидан қайтар экан, ана шу жигарбанди хотираси яна унинг юрагидан қон бўлиб отилди.

Кимёхон Ашуреванинг хотираларидан:

“Шаҳарнинг уруш нафаси кезган, бироқ осуда кўчаларидан ўтиб бораяпман-у хаёлимда минглаб, балки миллионлаб қатагон қилинганлар орасида қизалогим, бегуноҳ фарзандим Кларанинг руҳи оппок қабутар мисоли учиб юрарди. Энг аянчлиси шуки, мен унинг совук дийдорини ҳам кўрмадим. Эҳтимол, у тирикдир, деган ўй-хаёл ҳамиша кўксимни кемираверади...”.

Бу изтиробли сўзлардан кейин яна нимани ёзишим мумкин, муҳтарам китобхон? Унинг шу дориломон кунларга юрагидаги қонли жароҳатлари билан етиб келганинimi?... Балки қолган ҳамма нарса сукут оламининг туб-тубида қолиши керакдир.

## Тожихон Аҳмедова

Тошкентнинг Бешқайрагоч даҳасида Абдулҳай Тожиев номида катта кӯча бор. Асримиз бошларидағи талатўп даврларда ижтимоий фаолият юритган ўзбек зиёлилариға мансуб қатагон қурбонлари рўйхатида у кишининг ҳам номи бор.

XIX асрнинг сўнгти йилида Тошкентда дунёга келган Абдулҳай Тожиев бор-йўғи мадраса таълимини олиб, уч йил рус-тузем мактабида, олти ой муаллимлар курсида, яна қисқа фурсат Озарбайжондаги гимназияларнинг бирида таҳсил кўрганига қарамай, Эски шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг котиби лавозимидан собик СССР Марказий Ижроия Кўмитаси Миллатлар Советининг котиби мартабасига қадар бўлган масофани босиб ўтди. Унинг энг сўнгти хизмат жойи эса Тошкент шаҳар совети бўлди.

1937 йил бўрони гурлаб, барча таниқли ёзувчилар, журналистлар, давлат, партия ва жамоат арбобларини, уларга кўшиб эса бошқа минглаб бегуноҳ кишиларни ҳам ўз қуюнига тортганида Абдулҳай Тожиевдек кўзга кўринган арбобнинг омон қолиши ғайритабиий ҳол эди. Шунинг учун ҳам унинг 1937 йил 3 август куни хибсга олиниши кутилмаган ҳодиса бўлмади. Аммо унинг оддий уй бекаси бўлган, қозон-товоргу бола-чақа ташвишидан ортмаган хотинининг қамалиши, ёз кунларидаги даҳшатли момагулдиракдек таниш-билишларни ларзага келтирди.

Тўтри, ўша мудҳиш кезларда Тожихон Аҳмедова билан бирга бошқа таниқли кишиларнинг хотинлари ҳам НКВДнинг қоронги ергўлаларига келтириб ташланди. Аммо уларнинг аксари бир-икки йилдан кейин, Совет давлати олдидаги айблари исботланмагач, чиқариб юборилди. Чиндан ҳам, сиёсий ишлардан гоят узок бўлган уй бекаларидан қандай аксилинқилобчи ва миллатчи “халқ душманлари” чиқиши мумкин?

Тожихоннинг ҳам тез орада бола-чақалари бағрига қайтишига умид қилгани, шубҳасиз. Лекин золим НКВД ходимлари “халқ душмани”нинг мусичадек беозор

хотинини куйиб юборишни хаёлларига ҳам келтирмадилар.

“Тожихон Ахмедова - аксилик қиlobий фаолияти учун қамоққа олинган, “Миллий иттиҳод” ва “Миллий истиқ-lol” аксилик қиlobий-миллатчилик ташкилотининг собиқ фаол аъзоси, ўнг троцкийчи аксилик қиlobий ташкилот аъзоси, ҳалқ душмани Абдулҳай Тожиевнинг хотини бўлиб, эри Тожиевнинг аксилик қиlobий фаолиятига ёрдам берган, ҳалқ душманини Совет ҳокимияти органларидан яшириб келган...”.

Карийб “тўрт девор”дан нарига чикмаган аёлга шундай даҳшатли айнома қўйилди. 1937 йил 2 октябрда, эри ҳибсга олинганидан кейин икки ойдан сўнг, Тошкент шаҳридаги Бородино кўчасига қарашли 57-уйига бостириб кирган энкеведечилар шундай қарор асосида тинтув ўтказиб, муштипар аёлни қамоқхонага олиб бориб ташладилар. Шундан кейин кечган қора кунларда ундан ўша қарорда айтилган “айб”ларни тасдиқловчи маълумотларни олишга ҳаракат қилдилар.

Тожихон Ахмедова эридан етти ёш кичик бўлиб, 1906 йили Тошкентда туғилган. У 1922 йили турмушга чиқди. Эри Абдулҳай Тожиевни тақдир араваси тинмай у шаҳардан бу шаҳарга олиб юрди. Ёш оила факат биргина фарзанд кўрган эди. 1923 йили дунёга келган ўғлига Абдулҳай не-не яхши ниятлар билан Учкун деб исм берди. Ундан уч йил кейин туғилган Латофат эса, аслида, Абдулҳайнинг акаси Тўхтахўжа Тожиевнинг фарзанди бўлиб, ёш ота уни икки ёшидан ўз тарбиясига олган эди. 2 октябр куни Тожихон Ахмедовани қамаш учун келган энкеведечилар икки норасидага тегишли шахсий буюмлар - кийим-кечаклардан бошқа хамма нарсани хатга тушириб, театр дурбани-ю телефон симидан тортиб, эр-хотиннинг пайпогига қадар бўлган ҳамма нарсасини олиб кетдилар. Оиланинг бутун умри давомида йикқан бойлиги - 138 номдан иборат буюм-лари давлат фойдасига мусодара этилди. Бородино кўчасидаги уй тортиб олиниб, 4 ва 5-синфда ўқиётган болалари якка ўzlари хувиллаган кўчада дийдираб қолдилар.

Одатда ҳибсга олинган маҳбус қоронги оламга тушганининг дастлабки кунлари ёқ сўроқ килинади. Лекин бу

қоида ўзи эмас, болалари деб қон қақшаб қолган аёлга нисбатан ҳам жорий этилганми ё йўқми - буни ёлғиз Оллоҳнинг ўзи билади.

Тожихон фариштадек покиза аёл бўлгани учун айблари исбот қилинмагач, озод бўлишига, полапонлари сари учеб боришига ишонган. У ана шундай ишонч билан 25 октябрь куни бўлиб ўтган сўроқда терговчининг саволларига шартта-шартта жавоб берган.

Сўроқ терговчининг талқинига кўра, бундай кечган:

Савол: Сиз қамоқقا олинган Тожиев Абдулҳай билан қандай муносабатда бўлгансиз?

Жавоб: Фуқаро Тожиев Абдулҳай хибсга олингунга қадар мен унинг хотини бўлганман. Мен унга 1922 йили турмушга чикканман. Бу - менинг биринчи никоҳим.

Савол: Эрингиз Тожиев Абдулҳайнинг аксилинқи-лобий фаолияти тўгрисида нималарни биласиз?

Жавоб: Эрим Тожиев Абдулҳайнинг аксилинқилобий фаолияти тўгрисида ҳеч нарсани билмайман.

Савол: Сизнинг кўрсатмаларингиз нотўғри. Терговчига шу нарса маълумки, сиз эрингиз Тожиев Абдулҳайнинг аксилинқилобий фаолиятидан хабардор бўлгансиз. Бу нарсани яшириб, унинг аксилинқилобий фаолиятига ёрдам бергансиз. Ҳақиқатни гапиришингизни тавсия қиласиз.

Жавоб: Яна бир маротаба такрорлайман: эримнинг аксилинқилобий фаолияти ҳакида бирор нарсани билмайман.

Савол: Эрингиз кимлар билан алоқада бўлган? Айтиб беринг.

Жавоб: Эримнинг энг яқин кишиси Исломов Акбар бўлиб, у баъзан-баъзан эрим билан бирга бўларди.

Савол: Эрингиз Тожиев Абдулҳай Исломов Акбарнинг уйида бўлганми?

Жавоб: Бундан хабарим йўқ.

Савол: Эрингизнинг бошқа дўстларини айтиб беринг. Бу дўстлик нимадан иборат бўлган?

Жавоб: Мирҳамид Ҳўжасев, собиқ шахар фаровонлик бўлими бошлиғи. Ғуломов, сув канали директори. Мирза Раҳматов, Текстил комбинати директори ўринбосари, Али Мусаев. Буларнинг ҳаммаси эрим Тожиев Абдулҳайнинг

хузурида бўлишган. Шунингдек, ички савдо наркоми Мухиддин Турсунхўжаев ҳам бўлган ва бир маротаба Тошмуҳамедов Абдулла ҳам бўлган.

Савол: Эрингиз тилга олинган шахсларнинг уйида кўп бўлганми?

Жавоб: Эримнинг кимнинг уйига борганини қаёқдан ҳам билай? Фақат бир нарса ёдимда, 1936 йили 1 май байрамида эrim билан бирга Турсунхўжаев Мухиддиннинг уйида бўлганмиз.

Савол: Эрингиз билан Турсунхўжаев Мухиддин ўртасида қандай сұхбат бўлиб ўтган?

Жавоб: Улар нима тўғрисида гаплашганидан хабарим йўқ. Мен унинг хотини билан бошқа хонада эдим, биз ўзимиз сұхбатлашиб ўтирган эдик.

Савол: Эрингизнинг дўст-ёрлари сизларнинг уйингизда кўп бор бўлишганми?

Жавоб: Йўқ, кўп бор бўлишмаган.

Савол: Акбар Исломов, Мирҳамид Хўжаев, Ғуломов, Мирза Раҳматов, Али Мусаев, Мухиддин Турсунхўжаев ва Тошмуҳамедов Абдуллалар уйингизга келишган пайтда улар нима тўғрисида гаплашишган?

Жавоб: Мен уларнинг сұхбатлари билан қизикмаганман. Шунинг учун ҳам уларнинг нима ҳақда гаплашганларидан хабарим йўқ.”

Чиндан ҳам, Тожихон Аҳмедова эри ва унинг дўст-ёрлари тўғрисида бошқа ҳеч нарсани билмаган.

Ўша йилнинг 21 ноябрида Тожихон Аҳмедованинг “иши” СССР НҚВДси Алоҳида Мажлиси ихтиёрига узатилди ва у “ватан хоини” оиласининг аъзоси сифатида 8 йилга ҳукм қилинди. Шундай қилиб, эри Абдулҳай Тожиев 1938 йил 4 октябр куни Тошкентнинг Юнусобод туманидаги қатлгоҳларнинг бирида отиб ташланганида, Тожихон Аҳмедова Мордва автоном республикасидаги қамок лагерида азоб-уқубат чекаётган эди.

Тожихонни бирдан-бир эслайдиган ва у ҳақда қайтуриши мумкин бўлган киши унинг якка-ю ёлғиз акаси эди. Саидгани Аҳмедов синглиснинг кўчада қолган фарзандларини ўз багрига олиб, уларга ҳам ота, ҳам она бўлишга уринди. 1938 йил 11 декабрда - рус қишининг

қаҳрли кунларида НКВДнинг Потма станцияси яқинидаги лагерига этап қилинганидан кейин Тожихондан бирор хат-хабар олмаган ака нима қилишини билмай, арз-додини кимга айтишни билмай, сарсону саргардон бўлди. Ниҳоят, 1939 йил 15 апрелда НКВДнинг Ўзбекистон бўлимига мурожаат этиб, синглисинг тақдири хақида маълумот беришларини сўради. Эндиғина ўн туккиз ёшга қадам қўйган Учқун эса, синглиси Латофат билан бирга 1942 йил 14 март куни ариза ёзиб, отаси туфайли қамалган бегуноҳ онасининг “иши”ни қайта кўриб чиқишлигини сўраб ёлборди. Бу пайтда бошқа “халқ душманлари”нинг хотинлари аллақачон озодликка эришган, Тожихон Аҳмедованинг ҳибсга олиниб, жазо муддатини ўтай бошлаганига эса, беш йил бўлган эди. Шунга қарамай, НКВДдаги шафқатсиз раҳбарлар “Аҳмедованинг 15 йил давомида бирга яшаган эри содир этган жиноятлар оғир бўлгани учун” на унинг, на қариндош-уруғларининг аризаларини назар-эътиборга олишиди. Шу орада “халқ душмани”нинг ёлғиз ёдгори Учқун Тожисев армия сафига олиниб, 79-максус ўқчи бригадага юборилди. Учқун армия сафида хизмат қила туриб ҳам баҳтсиз онасининг ташвиши билан яшаб, М.И.Калинин номига ариза йўллади.

Ниҳоят, 1945 йил 2 октябрь куни Тожихон Аҳмедованинг қамоққа олинганига роппа-роса 8 йил тўлганида у меҳнат-тузатув лагеридан озод этилган.

У шу кунни йиллар давомида орзиқиб қутган эди. Лекин у камоқдан озод бўлиб ҳам ўзининг пароканда бўлган оиласи бағрига қайта олмади. Судланганлиги бекор қилинмаган Тожихон оиласи, ҳатто она Ватани -Ўзбекистон яқинига ҳам йўлатилмади.

Ҳали ҳам рус тилини яхши ўрганолмаган аёл кимларнингдир ёрдами билан 1950 йилнинг сўнгти кунида қуийдаги аризани ёзди.

*КозССР Саригоч тумани МГБсига Саригоч тумани,  
Бўстонлик кўчасидаги 13-уйда яшовчи Аҳмедова  
Тожихондан*

#### АРИЗА

1937 йили “халқ душмани” сифатида фош этилганидан кейин собик эрим Тошшаҳарсовет раиси Тожисев

*Абдулҳай ўша йилнинг 3 августида қамоққа олинган. Эрим қамоққа олинганидан сўнг, 1937 йил 2 октябрда, мен ҳам жазоланган эримнинг хотини сифатида хибсга тушдим. МВД органлари меҳнат-тузатиш лагерларида ўташ шарти билан мени 8 йилга озодликдан маҳрум этилганимни эълон қилишди. Лагерларда бўлавериб, 1945 йил 4 октябрда муддатни ўтадим. Ҳозир 45 ёшдаман. Мен, ҳеч қаерда ишламаган, уй хўжалиги билан машғул бўлган аёл, қамоққа олинган собиқ эрим учун жазога мубтало бўлганман. Мен онамнинг 87 ёшга кирганини, менинг ёрдамимга муҳтоҷ эканини хисобга олишингизни сўрайман, зоро, унга кимнингдир доимо қараб туриши лозим. Шунинг учун ҳам судланганим ҳакидаги моддани олиб ташлашингизни ва 14 йил давомида жудо этилганим - оиласам бағрига қайтишимга имкон беришингизни илтимос киласман. Мен ўз вақтида Тожиевнинг хотини бўлганим учун етарли даражада жазоландим. Илтимосимни рад этмаслигингизни Сиздан ўтиниб сўрайман.*

*Ахмедова.*

Ана шу бир парча хатда дўзах азобини тортган аёлнинг машаққатли тақдирни ва азоб-укубатдан иборат ҳаёти ётибди. Бу ҳаётнинг даҳшатли манзараларини қанчалик тасвир этишга ҳаракат этмайлик, у чеккан азобнинг мингдан бир бўлагини ҳам тасаввур этолмаслигимиз шубҳасиз.

1959 йил 11 декабрда Тожихонни масъулиятга тортиш ва 8 йилга қамаш ҳакидаги суд хукми, ниҳоят бекор қилинди.

Тожихон йигирма тўккиз ёшида - авжи атлас кўйлакларини хилпиллатиб, хусни жамолини кўз-кўз қилиб юрадиган ёшлиқ фаслида қамоққа олинган эди. Унинг бутун умри бекордан-бекорга мустабид тузумнинг ер усти зинданларида ўтди. Унинг вужудидаги ҳаёт белгиларини сассик қамоқхоналарнинг совуқ деворлари ютди. Унинг кўзларида Аллоҳ берган нурни тузумнинг юлдузиз тунлари симирди. У қоп-кора чилвир соchlарини азоб ва уқубат дарёсида ювишга мажбур бўлди...

Тожихон озод бўлганида эндиғина эллик ёшни қоралаган эди. Аммо Тожихонни кўрган кишилар назарида, у ошини ошаб, ёшини яшаб бўлган, қадди-қомати

буқилган, оқсоч аёл эди. Шунинг учун ҳам озодликка эришган куни шукроналар айтмаган, Учқуннинг 28 номдан, Латофатнинг 20 номдан, ўзининг эса 138 номдан иборат рўйхатдаги кийим-бошлари-ю рўзгор буюмларини қайтариб олишни хаёлига ҳам келтирмаган бўлиши, шубҳасиз. Агар Совет ҳокимиятининг иштаҳаси ўша театр дурбини, дала қиблномаси, фотоаппаратнинг уч оёғи-ю кассетали кутичаси, 50 та фотосурат ва бошқа жиҳозлар билан қонган бўлса, майли, қониб-тўйиб ўлсин. Лекин нега ота-бобосидан қолган уйини тортиб оладилар? Энди у қаерга боради?.. У-ку, бир амаллаб кекса онасиға суюнчик бўлар. Лекин унга энди ким суюнчик бўлади?..

Тожихон эришилган эркинлик оша олдинга каради. Кексайган кўзларига бирор нур илинмади. Шундан сўнг у ортга назар ташлади: баҳтли ва баҳтсиз йиллар силсиласи секин-аста кўз ўнгидан ўта бошлади.

Ана, 1906 йил - унинг туғилган йили.

1922 йил - унинг Абдулҳай Тожиевга турмушга чиккан йили.

1923 йил - ёлғиз ўғли Учқуннинг туғилган йили.

1924 - 1925 йиллар. Эри Абдулҳай Тожиев билан Москвада кечган давр.

1927 - 1929 йиллар - Самарқанд. Эрининг Марказқўмда ишлаган кезлари.

1929 - 1935 йиллар - кутимаганда эри Абдулҳай Тожиевнинг Миллатлар Советига котиб этиб сайланиши ва у билан бирга яна Москвада яшashi.

1935 йил - Тошкентга қайтиши.

1937 йил 3 август - эрининг қамоққа олиниши.

1937 йил 2 октябрь - ўзининг қамоққа олиниши

1938 йил - 8 йилга кесилиб, Мордва автоном республикасидаги лагерга этап билан жўнатилиши.

1939 йил - Карело-фин автоном республикасидаги лагерга кўчирилиши. 1941 йил - уруш бошланиши туфайли бошқа маҳбуслар қатори Қарағанда вилоятидаги лагерлардан бирига этап қилиниши.

1943 йил - ёлғиз ўғли Учқуннинг урущда ҳалок бўлиши.

1945 йил 2 октябрь - 8 йиллик қамоқ жазосини ўтаб, ўша ерда ёлланган ишчи сифатида яшashi.

1946 йил сентябрь - ниҳоят, унинг аризалари эътиборга олиниб, она юртига яқин бўлган Сариоғоч посёлкасига этап билан келиши.

1951 йил 1 январь - Тошкентдаги Карл Маркс номли колхозда ишлай бошлиши.

1956 йил 11 декабрь - Тожихон Аҳмедова устидан бошланган тергов ишининг тўхтатилиши.

Агарда бу саналар орқасида ётган баҳт ва баҳтсизликни, шодлик ва фожиаларни тароз паллаларига кўйиш иложи бўлса, умид билан дунёга келган бир инсоннинг умри дўзах азобларида қовурилиб ўтгани кундек равшан бўлади.

Агарда Тожихон Аҳмедованинг ҳаёти йўлларида ўзицек мунгайиб турган бу саналарни қўча фонарлари, деб тасаввур этгудек бўлсангиз, дастлабки фонарларгина ёниб, озми-кўпми нур сочиб турди-ю, қолганлари эса кимларнингдир отган тошларидан чил-чил бўлган чироқлардек гарип ва нотавон қиёфага киради. Бу ёнмай турган фонарлар Тожихон Аҳмедова яшаган дўзахнинг белгилари, зое кетган умрининг қора бекатларидир. Ана шу даҳшатли бекатлардан омон чиққан ва инсон иродасининг, сабртоқатининг, руҳий кувватининг чексизлигини намойиш этган жарбдийда ўзбек аёлига Аллоҳнинг раҳматлари ёғилиб, қабри арши аълонинг нурлари билан тўлсин.



Валентина Васильева

Валентина Петровна Васильева - оташин ўзбек шоири, катагон курбони Боту (Махмуд Ҳодиев)нинг умр йўлдоши. Боту 1930 йил қамоққа олиниб, сўнг “халқ душмани” тамғаси билан ўлимга хукм этилгач, унинг оила аъзолари, яқинлари ҳам машъум даврнинг кўп жабру зулмларини чекишли. Жумладан, унинг яқин, ҳамфир дўсти, маслақдоши, шу билан бирга умр йўлдоши бўлган Валентина Петровна бошига ҳам ниҳоятда оғир кунлар тушди. Садоқатли, сабр-бардошли бу аёл тақдирнинг аччик синовларига мардана дош бера олди.

Валентина 1904 йил октябрида Туркманистонни Гелонжик шаҳрида дунёга келди. Отаси руҳоний, онаси уй бекаси эди. Оиласа уч ўғил, икки киз эдилар. Ота-она фарзандларининг илм-маърифатли, тарбияли, ўқимишли бўлиб етишишига катта эътибор беришди. Шу сабаб, ўғил-қизларининг ҳаммаси аввал мактабда, сўнг турли олий ўқув даргоҳларида таҳсил олиб, зиёли инсонлар бўлиб етишли.

Валентина 1924 йил Москвага бориб, Плеханов номидаги Иктисадиёт университетига ўқишига кирди. Бу пайтда уларнинг оиласи Туркманистандан Тошкентта қўчиб келади ва отаси Тошкентдаги давлат архивида ишлай бошлади.

Валентина Москвада талабалик даврида Боту билан дўстлашди. Бу дўстлик ниҳоятда самимий ва мустаҳкам бўлиб, икки ёш турмуш қуришга қарор қилишади. 1925 йилда уларнинг тўйи бўлиб ўтади. 1927 йилда иккови ҳам ўқишини тугатиб, Тошкентта қайтишади. Ғайратли, ўқимишли оловқалб икки ёш бир-бирини қўллаб, суяб, ҳамкор, ҳамфир бўлиб, қайноқ меҳнат жабҳасига отилишди. Валентина Ўрта Осиё Давлат университетидага ўзбек гурӯҳларига рус тилидан сабоқ бера бошлади. Боту қизгин ижтимоий ва ижодий фаолият билан шугулланди. У ўша даврнинг илгор зиёлилари Чўлпон, Фитрат, Элбеклар билан тез-тез йигилишиб турар, бундай учрашувлар Ботунинг уйида ҳам бўларди. Бу йигинларда Валентина нафакат оддий тингловчи, балки фаол зиёли сифатида қатнашарди. Умуман, Валентина нафакат турмушда, балки ҳар бир ишда Боту билан ҳамкор, ҳамнафас эди.

Валентина рўзгор ишлари, болалар тарбиясига ҳам кўп вақт ажратар, у ўзбекона расм-руссумларни, одат-маросимларни яхши ўзлаштириб олганди. Оиладагиларнинг хурматини жойига қўяр, айниқса, қайноаси Тўхтабуви билан жуда инок, худди она-боладек меҳрибон эдилар. Валентинанинг инсоний фазилатлари, оққўнгил, меҳрибон ва хушмуомала аёл сифатидаги жиҳатларини қайнисинглиси Хайри опа меҳр билан эслайди.

1930 йили кутимагандага Ботуни халқ душмани сифатида қамоққа олишди. Оила аъзолари, хотини Валентина ҳам бундан довдираб қолишиди. Буни қандайдир англашилмовчилик, деб ўйлашди. Лекин бу қаттол тузумнинг қалтис ҳазили эди.

Кўп ўтмай, Ботуни Москвага олиб кетишади ва учлик карори билан ўлимга хукм этишади. То хукм ижросига қадар - 1938 йилгача уни Соловец оролида саклашди. Бу даврда Валентина Петровна эрининг ноҳақ камалгани ҳақида ёзмаган жойи, кирмаган идораси қолмади. Тинмай

елиб югурди. Бир ёқда оила ташвиши, болалари ёш. Шунга қарамай, метин иродали бу аёл эрининг ҳақлигини исботлаш учун, уни ноҳақ жазодан саклаб қолиш учун кўп харакат қилди. Фақат 1936 йилдагина Боту билан кўришишга рухсат бўлди. Учрашувга Валентина билан бирга Тўхтабуви ва Хайри опалар ҳам борищди. Энди Боту озод бўлиш умидидан воз кечган, хотинига болаларини яхши тарбиялашни, ҳақиқат бир кун рӯёбга чиқажагини айтиб, далда берди. Шундан сўнг бошқа кўриша олмадилар. Фақат 1941 йили Ботунинг касал бўлиб, вафот этганлиги ҳақида хабар келди. Лекин Валентина Петровна бунга ишонмади, у Ботунинг қайтиб келишига, окланишига умид қилиб яшади. Бу йилларда унинг ўзига кўп тазиклар бўлди. Уни университетда ўқитувчиликдан бўшатиб, кутубхонага ишга ўтказиши. Бу ҳам таҳқирлаш эди. Боз устига, кутубхона ишларини бот-бот текшириб, камчилик излашар, мажлисларда мухокама килишарди. Ҳуллас, Валентина Петровнага нисбатан адолатсиз, ҳатто душманларча муносабатда бўлишарди. У эса аёл боши билан буларнинг барига чидади, ёруғ кунлар келишига умид қилди. Умуман, ўша пайтлар барча “халқ душмани” деб бадном этилганларнинг оила аъзоларига нисбатан шундай совук муносабатда бўлинганлиги маълум. Ботунинг оиласи ҳам шундай айбсиз айборлар сифатида хўрланди, таҳқирланди.

Валентина Петровнанинг қизи Наима опанинг эсласича, 1941 йили, уруш бошланган пайтларда, уйларига САГУ ходимларидан бири кириб келади ва онаси билан сухбатлашади. Шу сухбатдан кейин, кўп ўтмай, 1941 йил июль ойида кечаси уларнига бир машина келади. Халқ бу машинани “қора қарга” деб атар, чиндан ҳам, у фалокат, ёмонлик белгиси эди. Келганлар уйларини тинтуб қилиб, қимматли китобларни ва Валентина Петровнани олиб кетишиади. Бу пайтда унинг ўғли Эркли 15, қизи Наима эса 13 ёшда эдилар.

Уч ойдан сўнг ёпиқ суд бўлиб, Валентина Петровнани ҳам “халқ душмани” сифатида 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этиб, Сибирга юборишиади.

Қизи Наима Маҳмудованинг айтишича, Валентина

Петровна уйларига борган САГУ ходимининг чақуви билан қамоққа олинган. Буни улар кейин аниқлашган.

Шу тариқа оқ кўнгил, зиёли аёл Валентина Петровна ҳеч қандай айбсиз ўн йил давомида узоқ Сибирь ўлкасида қамоқ жазосини ўтади. У ердан 1950 йилда озод этилиб, Тошкентга қайтади. Уни вокзалда ўғил-қизи, яқинлари кутиб олишади. Шу вақтда Эркли Тошкент Тиббиёт институтининг 6-курсисида ўқир, қизи Наима эса институтни тутатиб, Хивага ишга тайинланган эди. Наима онасини Хивага олиб кетади ва Валентина Петровна у ердаги пахта заводи қошидаги болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайди.

Бир йилдан сўнг, Валентина Петровна Тошкент вилояти, Қибрай туманига кўчиб келиб, ўрта мактабда рус тилидан дарс беради ва кейинчалик Тошкент шаҳрига келиб, болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайди.

Валентина Петровна 1958 йилда оқланди, унга қўйилган ноҳақ айб бекор қилинди. Мусодара қилинган уий қайтиб берилди.

1965 йилгача ҳалол, сидқидилдан хизмат қилиб, нафакага чиқди. У ўз бошидан кечирганлари, кўрган-билганлари ҳакида кўп хотиралар ёзди. Бу хотиралар ҳозирги кунда Марказий давлат архивида сақланмоқда. Улар орасида бешта катта қисмдан иборат “Давр, ўзим ва Боту ҳақида” деб номланган қўлёзма ҳам бор. Валентина Петровнанинг “Юлдуз” деган қиссаси эса 1979 йилда “Ёш гвардия” нашриётида чоп этилган. Унда уруш йилларида ота-онасини йўқотиб қўйган қизчанинг қисмати ҳакида ҳикоя қилинади.

Ботунинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кўп тадқиқотлар қилган адабиётшунос олим Бобохон Шарипов Валентина Петровна ҳаётлигида у билан бир неча марта учрашиб, сухбатлашган. Бобохон Шарипов Валентина Петровнани ниҳоятда беозор, оқ кўнгил, болаларига меҳри, иродали аёл сифатида эсладилар. Не-не оғир кунларни бошидан ўтказган бу аёл қамоқдан кейин ҳам умр йулдоши - Ботуга тегишли маълумотларни тўплаб, унинг қўлёзмаларини асрраб, йигиб, давлат архивига топширган. У ҳаётининг

сўнгти нафасигача Ботуга мухаббат ва садоқат билан яшаган экан.

Валентина Петровна 1980 йилда вафот этди. Қизи Наима опанинг айтишича, у ўзини қайноаси Тўхтабуви қабри ёнига дағн этишларини васият қилган. Ўлганда ҳам Ботуга ва унинг қариндошларига яқин жойда бўлишни хоҳлаган.

Ҳозирда Тошкентдаги Минор қабристонида Ботунинг ота-онаси, қариндошлари қабри ёнида Валентина Петровнанинг ҳам қабри бор. Унинг ёнида Боту хотирасига ёдгорлик ҳам ўрнатилган.

Машъум 1930 йилда улар бир-биридан айрилган бўлсада, энди абадий бирга эдилар.

Уларнинг фарзандлари ўқимишли, олим инсонлар бўлиб етишди. Ўғиллари Эркли Махмудов ҳам, кизлари Наима Маҳмудова ҳам тиббиёт фанлари доктори, профессор. Наима опа кўп сўров хатлари ёзиб, 1990 йиллардагина отаси Ботунинг қисмати ҳақидаги ҳақиқатни аниклади. У Боту 1938 йил 9 майда Москва ёнида отилгани, қабри эса номаълумлиги тўгрисида жавоб хати олди.

## Яна Валентина Васильева тўғрисида

30-йилларда бўлиб ўтган суд жараёнлари орасида “Наркомпрос иши”-маориф ходимлари устидан бўлиб ўтган суд офтоб чараклаб турган пайтда момагулдирак гулдираб, чор атрофни зулмат қоплагандек даҳшатли таассурот қолдирди. Айниқса, Совет давлатининг ишонган кишиларидан бири Боту (Махмуд Ходиев) нинг 1930 йил 23 июль куни қамоққа олиниши мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг кескин ўзгарганидан дарак берди.

Боту шу кезларда шеърий асарлари билан ёшларнинг севимли шоири даражасига эришган, хизмат пиллапоясидан кўтарилиб, йигирма уч-йигирма тўрт ёшидаёқ ҳалқ маорифи комиссари ўринbosари лавозимини эгаллаган умидли, келажаги порлоқ камёб кишилардан эди. Унинг, айниқса, Москва Давлат университетида ўкиб, коммунистлар партиясининг тарбиясини кўргани, шу тарбия боис Москвада Валя деган рус кизи билан танишиб, унга уйлангани Ботунинг баҳти ва ёруғ келажагига кафолатдек эди. Аммо большевиклар учун забт этилмайдиган ва бузуб ташланмайдиган кўрғон бўлмаган.

Боту қамоққа олиниши билан хотини уни озод этиш учун елиб-югурди. Кирмаган идораси, шикоят ёзмаган ташкилоти қолмади. Аммо унинг арз-додини тинглайдиган мард топилмади. У энди бегуноҳ эрини ҳимоя қила олмаслигини сезиб, ўз бурчини Ботудан қолган ёдгорлари - ўғли Эркли билан қизи Наимага ҳам она, ҳам ота бўлиб тарбиялашда деб билди. Бунинг учун ишлаш, пул топиш зарур эди. “Миллатчи” ва “аксилинқилобчи” Ботунинг хотинини ишга олиш учун эса ҳар қандай корхона раҳбарида ҳам отнинг калласидек юрак бўлиши лозим эди. Шунинг учун нафақат Валентина Петровна, балки фарзандлари ҳам азоб ва уқубат ботқогига ботдилар.

1933 йил 30 март куни бўлиб ўтган суд Ботуни отувга хукм қилди. Кейинроқ бу хукм 10 йиллик қамоқ жазоси билан алмаштирилди. Ва Боту қамоқ муддатини ўташ учун Шимолий Муз океанидаги Соловец оролларига бадарга

этилди. Ушбу муддат тугаши арафасида у Москвага чакиришиб олинниб, 1938 йил 9 май куни отиб ташланди.

Лекин Боту оиласи бошига тушган фожиали эпопея бу билан тугамади. 1941 йил 31 июль куни хотини В.П. Васильева ҳам қатагон этилди. Аммо у, аксар аёллар сингари, эри туфайлигина қамалмади. Аксинча, НКВД ходимлари унинг 1936 йили Розенблюм деган кимса билан аллоқада бўлганлиги учун ВКП(б) аъзолигидан ўчирилган-лигидан, кечикиб бўлса-да, “тегишли” хуоса чикардилар.

Валентина Петровна, шу пайтгача Боту ҳақидаги адабиётларда айтиб келинганидек, Ашхабодда эмас, балки Курск вилоятидаги Ржаво қишлоғида, поп оиласида түғилган. Отаси дастлаб қишлоқ ўқитувчиси сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган бўлса-да, кейинчалик руҳонийлик билан шугулланган, сўнгроқ эса ҳатто партия ва касаба уюшмалари ходими бўлиб хизмат қилган. Қизи Валя 1904 йили, яъни Боту билан бир вақтда түғилганда эса, у қишлоқда поплик қилар эди.

Валя 1917 йилга қадар ота-онаси қарамогида яшаб, таҳсил кўрди. Сўнг 1921-1922 йилларда Красноводск уезд комсомол қўмитасининг раиси, 1922-1923 йилларда эса Ашхабод уезд комсомол бюроси аъзоси бўлиб ишлади. 1-Москва Давлат университетида ўқиётган кезлари Боту билан танишиб, яшаш манзилини бир умрга ўзгартирди. Боту республиканинг баланд мартабали кишилари сафидан ўрин эгаллаганда Валентина Петровнанинг таклифи билан отаси Петр Михайлович Васильев ҳам оиласини олиб “нон шахри”га кўчиб келди ва Шахрисабз кўчасидаги уйларнинг бирида яшай бошлади. Қизи қамоққа олингач, 1941 йили у тахминан 65-67 ёшларда бўлиб, ногиронлик нафақаси билан турмуш кечирмоқда эди.

Валентина эрининг ноҳақ қамалгани ҳакида бонг уриб юрган кунларида уни тегишли идорага чакириб, нафақат Ботуни озод қилиш истагидан, балки “халқ душмани”нинг никоҳидан ҳам воз кечиш лозимлигини айтдилар. Шундан кейин у, 1937 йили ёзиридан расман ажралиб, фарзандларини ўзининг исм-фамилиясига ўтказди. Шу тарзда Эркли - Эрик Валентинович Васильев, қизи эса Найма Валентиновна Васильева бўлиб колдилар. Аммо никоҳ

гувоҳномасининг бекор килиниши-ю, исм-шарифларнинг ўзгартирилиши Валентина Петровнанинг севимли эрга хиёнат килиши эмас, балки фарзандларининг бегубор ҳаёти йўлида, қонли даврнинг тазъйики остида қилинган “кўзбўямачилик” эди.

Валентина Петровна ана шундай “кўзбўямачилик” туфайли 1937 йили Ўрта Осиё Давлат университетининг ишчилар факультетида ўқитувчи бўлиб ишлади. Ўша пайдада факультет ўкув бўлими мудири Раҳмон Ниёзий деган киши бўлиб, у 1941 йил 23 июль куни гувоҳ сифатида бундай маълумот берган:

“Тахминан 1938 йил бошларида Валентина мен билан сухбат чогида бундай деган эди: “Боту ҳозир Беломор-Болтик каналида иқтисодчи бўлиб ишламоқда, соғлиги ёмон эмас. Боту менга ёзган хатида: “Ҳаёт яаш учун курашдан иборат, шунинг учун ҳам барча азоб-уқубатларга бардош бериш лозим бўлади”, - деган. Боту ор-номусли киши эди, у ўз ҳалқига вижданан хизмат қилди, шунинг учун ҳам у ўз насибасини олди”.

Раҳмон Ниёзийнинг бу сўзларидан Валентина Петровнанинг эридан расман воз кечганига қарамай, уни ҳали ҳам чин юракдан севгани ва ҳурмат қилаётгани сезилиб турарди. Шунга қарамай, у 1941 йил 1 август куни биринчи сўрокаҳ чакирғанлари ва Боту билан муносабати масаласи юзасидан савол берганларида “Эри Ҳодиев (Боту) ҳибсга олиниши билан, яъни 1930 йили ёқ эри билан шахсан ҳар қандай алоқасини узгани”ни айтади. Аммо Валентина Петровнанинг 1936 йили Ботуни кўргани, Соловец оролларига боргани НКВД ходимлари эътиборидан четда қолмаган эди. Шунинг учун ҳам терговчи маҳбусани ёлгон кўргазма берганликда айблаганида, у “Ҳа, мен 1936 йили Икромовнинг Боту билан муносабатини билиш ва уни фош этиш учун Соловкига борган эдим”, деб усталик билан ўзини ҳимоя қилган.

Бечора аёл ана шундай йўллар билан Тошкентда, 1 май кўчасидаги 56-йида тинч яаш, Ўрта Осиё Давлат университетида лаборант сифатида тинч ишлаш имконига эга бўлди. Аммо галаёнли даврда тинч яаш ва тинч ишлаш мовий орзу эди, холос. Валентина Петровна 1941 йили

бир кун-ярим кун ишга келолмагани учун 4 ой давомида уни мажбурий равища ишлатиб, иш хақининг 29 фоизини чегириб олдилар.

Рахмон Ниёзий ўқув бўлими мудиригина эмас, балки Васильевлар оиласининг қўшниси ҳам эди. У 1941 йил 3 июль куни кундуз соат 2 билан 3 орасида Валентина Петровнанинг уйига қадам ранжида қиласди. Уй бекаси гап орасида: “Ҳарбий ҳаракатлар зўрайгандан-зўрайиб бормокда, немислар хужум қилиб келишмоқда. Ким билади, балки Москвадаги барча ҳукумат идоралари Тошкентта кўчиб келар. Совет хоқимияти ана шу ахволни ҳисобга олиб, ички душманларни йўқ қилишга киришади. Сенга маълумки, мен “халқ душмани” Ботунинг хотини бўламан. Отам менга Тошкентдан кетишни маслаҳат бермокда, аммо мен қаерга бош олиб кетишни билмай турибман”, деган.

В.П.Васильеванинг бу сўзлари унинг зийрак келажакни олдиндан кўра билувчи, мавжуд сиёсий вазиятни тўгри таҳлил эта оловчи аёл бўлганидан шаҳодат беради. Демак, Боту турмуш ўрготи ва маслақдош дўсти сифатида бежиз уни танламаган экан.

Рахмон Ниёзий Валентина Петровнанинг бояги сўзларини шунчаки эшитибгина қолмайди. Аслида, Ботунинг рафиқаси ҳам унга ўз дардини айтиб қўя қолмай, ундан маслаҳат ва ёрдам ҳам сўрамоқчи бўлган. Буни, шубҳасиз, Раҳмон Ниёзий тўгри тушунган.

“Мен, - дея кўргазма берган у, - Васильевага Ленин-обод шаҳрида кўпгина таниш-билишларим ва қариндош-уругларим борлигини айтиб, унга ўша ерга кўчиб боришини маслаҳат бердим ва шу захотиёқ Васильевани бирор ўзига муносаб ишга жойлаштириш ҳақида Ленин-ободдаги таниш-билишларимга тавсиянома ёзиб беришига ваъда қилдим.

В.П.Васильеванинг бу сўзлари унинг Совет давлати сиёсатидан норози бўлган кишилар гурухига кирганидан далолат беради. Шунинг учун унинг троцкийчи Розенблюм билан яқин муносабатда бўлгани қамашлари учун кичик бир баҳонаи сабаб эди, холос.

Юқорида қайд этилган сўзлардан маълумки, Валентина

Петровна 1936 йили Ботуниг синглиси Хайри опа билан бирга олис ва машакқатли йўлни босиб, Соловец оролларига борган. Озодликка чикишга ишончи қолмаган Боту шу кезларда маҳбуслар оролидаги бошқа бир аёлга уйланиб, у билан ҳамнафас яшаётган эди. Валентина Петровнанинг бошқа бир якин таниши Клавдия Данилованинг кўргазма беришича, Боту бу - иккинчи хотинидан ҳам фарзандлар кўрган, шунинг учун ҳам у Валентинадан ўзини кутмаслигини сўраган.

Бу икки дугона ўзаро ҳасратлашар эканлар, Валентина Петровна уйдан ва ишдан ҳайдалгани, бунинг устига одамлардан тинмай ҳақорат сўзларини эшлитиб, бу дунёдан тўйганини айтади. Шундан кейин Клавдия Яковлевна ҳам эри Ханиф Ризаевнинг қамалганини айтиб, оғир турмуш кечираётганидан шикоят қиласди. В.П. Васильева унинг дардчил сўзларига ҳамдардлик билдириб, бундай дейди: “Ким кўп, сиз, менга ўхшаган маҳбусларнинг хотинлари кўп. Сизнинг аҳволингиз қандай бўлса, бошқаларнинг аҳволи ҳам худди шундай. Барча қамоққа олинган кишиларнинг хотинларини йигиб, биз, маҳбусларнинг хотинлари, устимиздан бўлаётган ҳақоратлар ҳақида Москвага кўплашиб шикоят ёзишимиз даркор”.

Валентина Петровнанинг бундай оқилона сўзлари, Шимолий Муз океанита бориб, маҳбус эрининг аҳволидан хабар олиши уни менинг қаршимда инсон ва аёл сифатида беҳад юксалтиради. Мен шуларни ўйлаб, уни машхур рус декабрист аёллари билан бир сафга кўйишни истардим.

Боту ва Валентина Петровнанинг қизи - тиббиёт фанлари доктори, таникли жамоат арбоби Наима Махмудованинг хотирлашига кўра, онаси Ботуни шу қадар севганки, ҳатто умрининг сўнгги йилларида ҳам унинг соғ-омон экани ва бир куни оиласи багрига қайтиб келишига астойдил ишонган.

Валентина Петровна юқори идораларга ёзган аризаларининг бирида Москва Давлат университетида таҳсил кўрган дастлабки йилини эслаб, бундай деган эди:

“1924 йили кутубхоналар ва кўча-кўйлар бўйлаб сарсон-саргардан юрган кезларимда 19 яшар бир йигит менга йулдош бўлиб колди. Мен унга ҳамма нарсани кўрсатдим,

ўзим билган ҳамма нарсани айтдим. Бу йигит қобилиятли, табиатига кўра олижаноб, ҳамма нарсага қизиқувчан эди. У чин дўстликнинг нима эканини биларди ва бу дўстлик бир йилдан кейин муҳаббатга айланди.

Мен ўзбек тилини билмас эдим, унинг барча дўстёлари Сталин билан алоқада бўлган катта кишилар, унинг ўзи эса бор-йўти 1-МДУнинг талабаси эди. Кейинчалик унинг Боту деган миллий шоир эканлигини билдим.

Мен университетда ёмон ўқимаганман, аммо ёш бўлганим учун профессорларнинг мени рағбатлантириб турганлари мен учун қанчалик мухим эканини сезмаганман...”.

1924-1925 йилларда ёқилган муҳаббат чироғи Валентина Петровнанинг кўнглида абадул-абад порлаб турди.

Ким билади, балки Боту ҳам Соловец оролларида ўзига бошқа умр йўлдошини топиб олганига қарамай, дилида, аслида Валя-Валентинани севиб, ардоқлаб бу дунёдан ўтгандир. Акс ҳолда у Бутиръка қамоқхонасидан ҳам, Соловец оролларидан ҳам унга, оиласига хаёти ва яратаетган асарлари ҳақида ёзмаган бўларди.

Хуллас, мустабид тузум баҳтли оила ҳаётига чанг солиб, оила бошлигини олис манзилларга юборди, унинг хотинини камоққа олиб, болаларини саргардон этди.

1941 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган “учлик” мажлисида В.П.Васильеванинг шахсан ўзига тегишли мол-мулки мусодара этилиб, ўзи 8 йилга кесилди. Маҳбусанинг шикояти 1941 йил 27 декабрда қайта кўрилиб, 8 йиллик қамоқ жазоси 10 йилга узайтирилди. У 1944 йил 30 июнда ишини қайта кўришларини сўраб, Маринскдаги аёллар лагеридан ариза юборди. Унинг барча аризаларига рад жавоби келди. Нихоят, “халқлар дохийси” Сталиннинг ўлими арафасида, 1951 йили Валентина Петровна озодликка эришди.

Аммо бу озодлик унга ва оиласига мислсиз даражада катта қимматга туциди.

## Кетеван Исломова

Камина Акбар Исломов номини илк бор 90-йиллар арафасида, Чўлпоннинг ўша пайтда КГБ архивида сакланыётган иши билан танишганимда учратган эдим. Бу ишдан маълум бўлишича, атоқли шоир 1934 йил охирларида Москвадан Акбар Исломов билан бир поездда қайтган ва Тошкентта келганида Акбар Исломов вокзалда, хайрлашиш олдида, унга моддий ёрдам тариқасида маълум миқдорда пул берган эди. Мен ўша вақтда Чўлпонга меҳрибонлик кўрсатган кишининг ким эканлигини билолмаганман. Аммо кейинроқ унинг ўша кезларда Ўзбекистон Молия халқ комиссари бўлганлигини аниқладим. 1896 йили Кўконда камбағал бир оиласда туғилган Акбарнинг харф терувчиликдан халқ комиссари даражасига қадар бўлган хизмат пиллапоясини қисқа муддатда босиб ўтгани унинг қандай инсон бўлганини ёрқин кўрсатади.

Ушбу мақола гарчанд молия комиссари эмас, балки унинг хотини хусусида бўлса-да, у ҳақда бир оғиз сўз айтиш ўринлидир. Акбар Исломовнинг шу кеча-кундузда МХХ архивида сакланыётган тергов ишида унинг ҳаёти ва ижтимоий фаолиятига оид бирор жўяли гап йўқ. Аммо унинг ўша пайтда Тошкент шаҳридаги 2-Оққўргон кўчаси, 5-йида яшагани ва 1937 йил 3 августда қамоққа олинниб, 1938 йил 4 октябрда отиб ташлангани, шу билан бирга, мол-мулкининг мусодара этилгани, 1956 йил 29 июнда оқланганини билиш қийин эмас. Ўша пайтда мазкур хонадонда 32 ёшли хотини, 10 ёшли ўғли Темур (Аскар), марҳум акасининг 6 ёшли қизи Муқаддас ва 81 ёшни қоралаган онаси Ойшадан бошқа 28 яшар синглиси Комила Тўрақулова, шунингдек, 55 ёшли акаси Умар Исломов ҳам яшаган.

Акбар Исломов қамоққа олинганидан кейин кўп ўтмай, унинг хотини Кетеван Давидовна Исломованинг ҳам озодлиқдаги ҳаётига нуқта қўйилди: 1937 йил 2 октябрь куни у хибсга олинди. Агар шу кунларда Кетевен

Давидовнанинг Маҳаллий саноат халқ комиссарлигига иқтисодчи-режачи бўлиб ишлагани туфайли Халқ Комиссарлари Советига карашли Дзержинский қўчасидаги 46-йда яшаганига эътиборни каратсак, эри Акбар Исломов қамоққа олингандан кейин улар оиласининг 2-Оққурғон қўчасидаги 5-йи ҳам тортиб олингани аён бўлади.

Ўша кезларда бошқа “халқ душманлари”нинг хотинлари ҳам қамоққа олинаётгани учун Кетеван Давидовна эҳтиёт юзасидан қизи Муқаддасни Чимёндаги болалар лагерига юборган, ўғли Темур эса 2-Оққурғон қўчасига карашли 26-йда истикомат қилаётган акаси билан яшамоқда эди.

СССР НКВДсининг 1937 йил 13 август буйруғига кўра, Кетеван Давидовна “халқ душмани”нинг хотини сифатида қатагон этилиши, фарзандлари Темур билан Муқаддас эса давлат тарбия муассасалари ихтиёрига ўтказилиши лозим эди. Ана шу буйруқни ўзларининг дастур ул-амали деб билган ходимлар Акбар Исломовнинг 3 августдаги тинтувдан омон қолган нарсалари - 4 минг 60 сўмлик заёми, “Павел Бурс” русумли тилла чўнтақ соати, Марказий Ижроия Кўмитасига аъзо бўлганлиги хақидаги 2 нишони, 17 бетлик ёзишмаси, ён дафтар ва расмлари, шунингдек, Кетеван Давидовнанинг минг сўм пули, “Невада” русумли тилла билиқузукли соати - жами 70 номдан иборат мол-мулкни хатга тушириб, давлат фойдасига мусодара этдилар.

Кетеван Давидовнанинг қизлик фамилияси Клдиашвили бўлиб, 1905 йил 20 январда Батумида туғилган. Унинг отаси Давид Самсонович Клдиашвили грузин халқининг ифтихори бўлган сиймолар жумласига киради. 1862 йили Ғарбий Грузиядаги Симонети қишлоғига камбагалашган дворян оиласида туғилган Давид Самсонович етти ёшида Кутаисига ўқишга боради. Чор ҳокимияти ўша йилларда грузин дворянларининг фарзандларини ҳар йили Россиядаги ҳарбий ўкув юргарига юбориб турарди. 1872 йили Д. Клдиашвили ҳам Киевдаги ҳарбий гимназияга юборилади. Орадан саккиз йил ўтгач, у Москва ҳарбий билим юргита бориб, ўқишни давом эттиради. Сўнг Батуми шаҳрига ҳарбий хизматни ўташ учун келади.

“Сен дўстингнинг кимлигини айт? Мен сенинг кимлигингни айтиб бераман”, деган накл бор. Бу накл яқин-яқинларгача грузин халқида бошқа бир шаклда яшаб келган: “Сен отангнинг кимлигини айт? Мен сенинг кимлигингни айтиб бераман”. Аслида бу накл ўзбек халқи учун ҳам бегона бўлмаган.

Келинг, шу наклдан келиб чиқсан холда Кетеванни бир оз яқиндан билиш учун отаси билан яхшиrok танишайлик.

Давид Самсонович Батумига кўчиб келганида, Ожаристон пойтахти эндиғина Туркия тасарруғидан тортиб олиниб, Грузияга қайтарилган эди. Боку-Батуми темир йўли ва керосин трассасининг ўтиши билан йирик саноатчилар, савдогарлар оқими маҳаллий аҳолини бу ердан сикиб чиқара бошлади. Шунда Давид Клдиашвили машҳур грузин ёзувчиси Георгий Церетели билан бирга маҳаллий аҳолининг ижтимоий ва миллий манфаатларини химоя этишга киришди. Чор армиясининг подполковниги бўлгани холда ўз халқининг миллий озодлик учун олиб борган курашига мададкор бўлди. Шунинг оқибатида у 1905 йили ҳарбий хизматдан четлаштирилди. Кутаисига кўчиб бориб, қайноқ адабий ва ижтимоий фаолиятга берилди.

Кетеван ана шу олижаноб грузин зобити ва грузин адабиётининг классиги оиласида туғилиб, шу оиласининг илғор анъаналари руҳида тарбия топди. Хуллас, машҳур ёзувчи ва ажойиб инсоннинг қизи бўлган Кетеван ўзининг порлоқ гўзаллиги билангина эмас, балки юксак маданияти билан ҳам ўзбек йигитини ром этди.

1927 йили Москвада Акбар Исломов Кетеван билан танишиб, унга уйланди. 1928 йилнинг бошларида уларнинг якка-ю ягона фарзандлари туғилди.

Акбар Исломов бу вактда Ўзбекистон ҳукуматининг Москвадаги доимий вакили эди. Афсуски, уларнинг қандай танишганлиги ва романтик муҳаббатларининг мағтункор сахифалари бизга маълум эмас. Эҳтимол, келгуси изланишлар кутлуг натижалар билан тугаса, ўзбек йигити билан грузин қизининг, айни пайтда ҳам баҳтли, ҳам фожиали муҳаббати бирор санъат ё адабиёт асарида шарафланиб, улар номи ўз абадиятини топар.

Уларнинг якка-ю ягона фарзандлари ҳам Москвада тугилди. Ёш ота ўз исмига қофиядош килиб унга Асқар деб ном берди. Аммо оиласда уни нима учундир Темур деб чақирдилар. Лекин орадан анча йиллар ўтиб, Акбар Исломовдан ном-нишон ҳам қолмаган пайтда уни Темур деб аташ марҳум ота хотирасига нисбатан ҳурматсизлик бўлиб туюлди. Ва қўқонлик олижаноб ўзбек йигити - Акбар Исломовнинг ёлғиз ёдгори Асқар Акбарович Исломов исм-шарифи билан ҳаётдан ўз ўрнини олди.

Аммо бунга ҳали анча-мунча вакт бор эди. Зеро, “халқ душмани”нинг хотини Кетеван Давидовна ҳали қамоқхона азоблари-ю, терговхона изтиробларини бошидан кечириши лозим эди.

2 октябрь куни қамоққа олинган Кетеванни ўша ойнинг 25-кунига қадар ҳеч ким сўроқка чакирмади. Бу муддат ичида, терговчининг фикрига кўра, унинг иродаси синиши, фожиали қисмати олдида таслим бўлиши ва терговчининг барча саволларига кутилган жавобларни бериши керак эди. Қолаверса, қалаванинг Акбар Исломов қўлидаги учи ҳам ҳамон ечилмаётган ва уни отиб ташлаш учун зарур бўлган далил-ашёлар, анқонинг уругидек топилмаётган эди. Шунинг учун ҳам 25 октябрь куни бўлиб ўтган биринчи ва сўнгти сўроқ пайтида терговчи ундан эрининг аксиликлобий фаолиятини фош этувчи маълумотларни олишга озмунча куч сарфламади. Лекин терговчи Кетеван Давидовнани исканжага олишга қанчалик уринмасин, ундан фақат бундай жавобларнигина эшитди, холос:

“... 1934 йилга қадар Исломов Акбарнинг уйида қўйидагилар бўлишган:

Болтабоев, Каримов, Енгил саноат ҳалқ комиссарлиги ходими Ёқубов Гулом, 1934 йилдан Исломов Акбар қамалгунга қадар Тошкент шаҳар советининг собиқ раиси бўлган Тожиев, Фрунзе тумани партия кўмитасининг собиқ котиби Тошмуҳамедов, УзК(б)П МҚ қишлоқ хўжалиги бўлимининг собиқ мудири Шермуҳамедов. Тошмуҳамедовдан бошқа ҳаммалари ахён-ахёндагина бизникига келишган”.

Терговчининг илмоқли саволига жавоб бериб, Кетеван

Давидовна бундай сўзларни айтган:

“... Мехмонлар уйимизга тўп-тўп бўлиб келишмаган”.

“... Менинг ҳузуримда ҳеч қандай гап-сўз бўлган эмас. Икромов ва Файзулла Хўжаев хотинлари билан бизникига келишганда сиёсий мазмунда сухбат бўлмаган”.

Шубҳасиз, терговчи йигирма кундан зиёд вакт мобайнида тек ўтирамай, Акбар ва Кетеван Исломовларнинг уйларига келиб-кетиб юрган кишилар ҳақидаги маълумотларни дикқат билан ўрганганд. Улар ҳақидаги саволга жавоб берар экан, маҳбуса бундай деган:

“...Самарқанд шаҳар совети раисининг ўринbosари Сорец Тошкентга келганида бизницида бир марта ётиб қолган. Яна қўшимча қилишни истардим:

1936 йили, молия ходимлари аълочиларининг слёти бўлган кунларда уйимизда аълочилар шарафига зиёфат берилди. (Сорец бир неча маротаба бизницида тунаган.) Шунда (биз билан бирга) тахминан 12 киши бўлган: Тошкент шаҳар молия бўлими мудири Манс, унинг ўринbosари Обиджонов, Қўқон шаҳар молия бўлими мудири Коваленко, Молия Халқ Комиссарлиги ходими Черкасов ва бошқалар (уларнинг исм-шарифларини билмайман”.

Сорецнинг Исломовлар уйида тунаб туришининг сабаби маълум эди: Акбар Исломов бир мунча вакт ўша ерда Сорец билан бирга ишлаган. 12 кишилик зиёфат пайтида эса турли миллатларга мансуб кишилар ўртасида аксилинқилобий мазмундаги гап-сўзларнинг бўлмаслиги табиий. Аммо, наҳотки, уч-тўртта маҳаллий миллатчилик тўплланган пайтда бундай сухбатлар бўлмаган бўлса?! Ўйлаб кўринг, Кетеван Давидовна, ахир сиз Совет ҳокимиятининг ишонган кишиисиз!..

Тахминан шундай аврашлардан кейин Кетеван сўнгти саволга жавоб бериб, дейди:

“... 1930 йил август ойида, таътилга чиқиб, Самарқандга бордим. Эрим ўша ерга хизматга юборилган эди. Ўша кунлари у яшаган уйга Ёкубов Ғулом билан Али Мусаевлар келишди. Улар дастурхон атрофида ўзбек тилида бир оз кизишиб гаплашиб ўтиришди. Ўзбек тилини билмаганим учун уларнинг нима ҳақда гаплашганларини айта олмайман”.

Бор-йўги бир марта бўлиб ўтган сўрек пайтида Кетеван Давидовнадан эри ҳақида олинган маълумот шулардан иборат, холос. Шак-шубҳасиз, Акбар Исломовнинг аксилик-инқилобий фаолияти тўгрисида унинг хотинидан бирор асосли далил-ашёни олиш амри маҳол эди. Кетеван эрининг ҳалқ комиссари сифатидаги фаолиятида бундай ҳолни сезмаган, бинобарин, унинг олижаноб инсонгина эмас, балки ҳалол ва покиза ҳалқ комиссари эканига ҳам астойдил ишонган. Шунга қарамай, терговчилар 1937 йил 30 октябрда “ҳалқ душмани”ни яшириб келган ва унинг аксилик-инқилобий фаолиятига ёрдам бергани учун Кетеван Исломовани жавобгарликка тортиш ҳақида қарор чиқариб, унинг ишини СССР НКВДси Алоҳида Мажлисига кўриб чиқиш учун юбордилар. Кетеван Давидовна 1939 йил 9 февралда хатти-ҳаракатида жиноят асари бўлмагани учун озод этилди.

У бор-йўги бир йил-у тўрт ой қамоқда бўлди. Аммо 1937-1938 йиллар даҳшатини назарда тутадиган бўлсак, қамоқхонада кечган бу муддат олдига “бор-йўги” деган сўзларни қўшиш, нафакат мантиқсизлик, балки жабрдийда аёлга нисбатан ҳақорат ҳамдир. Аммо бундай ҳақоратнинг муаллифи, умуман, 1937 йил деган, қатагон деган даҳшатларнинг ижодкори биз эмас, мустабид тузум ва унинг қонхўр дояларидир.

Ағуски, Кетеван Исломова озодликка эришгач, уни Тошкент билан, Ўзбекистон билан боғлайдиган ришталар тамом узилган, улар ўрнига даҳшатли хотиралар қолган эди, холос. Уйи, мол-мулки, севимли эри тортиб олинган Кетеван Давидовнанинг ота юртига қайтиб кетищдан бошқа иложи йўқ эди.

Давид Клдиашвили мазмунли ва унутилмас ҳаёт кечириб, 1931 йили Кутаисида вафот этади: миннатдор Грузия, кўп ўтмай, унинг жасадини Тбилисига кўчириб келиб, улуг фарзандлари ётган пантеонга кўяди. Кетеван ҳам Тбилисида, ана шу пантеон яқинидаги яшай бошлайди. Лекин у, орадан йиллар ўтса-да, “ҳалқ душманлари”нинг баъзи бир хотинлари сингари, эрини унутмай, турли идораларга хат ёзиб, унинг тақдири билан фаол қизикди. Бу идоралар эса Акбар Исломовнинг 1938 йил 4 октябрь

куни отиб ташланганига қарамай, унинг 10 йилга кесилгани ва тегишли жойларда жазо муддатини ўтаётгани ҳакида риёкорона жавоблар йўллашдан чарчамадилар. Кўйида эълон қилинаётган Кетеван Давидовнанинг фарёд тўла хати эса нафакат ўзининг, балки эрининг ҳам қандай ажойиб инсонлар бўлганидан шаҳодат беради:

*ССР Иттифоки Бош прокурори ўрток Руденкога  
Тбилиси ш. Бақрадзе кўч., 16-йида яшовчи  
Кетеван Давидовна Клдиашвили-Исломовадан  
АРИЗА*

*1937 йил 2 авгуистда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ССР ГПУ органлари томонидан миллати ўзбек, 1896 йили Ўзбекистон ССРнинг Кўкон шаҳрида туғилган, хибсга олингунинг қадар Ўзбекистон ССР молия ҳалқ комиссари лавозимида бўлган, айни пайтда Ўзбекистон К(б)П МК бюроси аъзоси, СССР МИҚ аъзоси эрим Исломов Акбар Исломович қамоққа олинган эди.*

*НКВД органлариidan олганим расмий маълумотномага кўра, эрим маҳсус қснгашнинг қарори билан 10 йил муддатга хат ёзиш ва хат олмаслик шарти билан қамалган.*

*Эримнинг айбланишига оид расмий хабарга эга бўлмаганим учун 1937 йилнинг август ойида эълон қилинган газета мақоласи ва Ўзбекистондаги айrim раҳбар ходимларнинг чиқишиларидан менда ҳосил бўлган таассурот шундан иборатки, унинг айби маорифга ажратилган маблагни республика ирригация тармоқларини кенгайтириш учун сарфлаши, худди шунингдек, уйимизда немис аёлини бола тарбиячиси сифатида сақлаши бўлган.*

*Бундай айбноманинг моддий асосларини билмаганим учун уйимизда яшаган Фибих Мария Карловна, боламнинг тарбиячиси, ўзига ҳеч бир доғ туширмай, хозир ҳам Совет Иттифокида фуқароликнинг барча ҳукуқларидан фойдаланган ҳолда яшаб келаётганини Сизга маълум қилмай ўтломайман.*

*Маблагни маорифдан олиб, мамлакат ирригациясига ўтказишга келганда, бу ерда жиноят унсурининг бўлиши мумкин эмас, зеро, бюджетнинг хар қандай ўзгариши ҳукумат қарорисиз амалга ошмайди, бундай тадбирларнинг*

*сувсиз Ўрта Осиё шароитида мақсадга мувофиқлиги түгрисида эса сўзламаса ҳам бўлади.*

Эримга қўйилган барча айбларнинг уйдирма эканлиги ва асоссизлигини шундан ҳам билса бўладики, Москвада Бухарин устидан суд бўлган пайтда бу иш бўйича жиноий жавобгарликка тортилган Ўзбекистон партияси ва ҳукумати раҳбарлари ўз кўргазмаларида жиноий ишлари ва алоқалари түгрисида батафсил маълумот берганлари ҳолда йигирма йилдан зиёд вақт давомида Ўзбекистондаги раҳбар лавозимларда хизмат қилган эримни бир оғиз сўз билан ҳам тилга олмаганлар ва унга тухмат қилмаганлар.

Акбар Исломовнинг мутлақо айбсиз эканлиги хақидаги фикрим, шахсан мен учун, у билан бирга кечган ўн йиллик (1927дан 1937 йилгача) ҳаётим билан тасдиқланган. Шу йиллар давомида ундан бир кун ҳам узоклашмай, унинг шахсиятини ақл-хушимдан айрилмаган ва теран инсоний таҳлил этганим ҳолда, ҳеч қандай иккиланишсиз, ўз даврининг энг маданий ўзбекларидан бўлган, партия ва ҳукуматта содик бу зукко инсонга ишонгандман. Менинг бутун оиласи, шу жумладан, отам - грузин адабиётининг классиги, инсон руҳиятининг кўзга кўринган билимдонларидан бири, Грузия халқ ёзувчisi Давид Клдиашвили ҳам у ҳақда шундай фикрда бўлган.

1938 йил ноябрь ойида хибста олинганимдан кейин, Тошкент турмасида тасодифан учрашиб қолган пайтимида у менга заррача ҳам айбордor эмаслиги, тухматдан иборат айблар орқасида қабиҳларча ҳақоратлашганлари ва таҳкирлашганларини айтган.

Акбар Исломов на ўзининг зуваласи, на маънавий фазилатлари, на таржимаи ҳоли-ю, келиб чиқиши билан ватанига хоинлик қиласидан кишилардан эмас.

Ўзбекистоннинг Кўқон деган чекка шахарчасида, дурадгор ишчи оиласида тутилган бу инсон ўзининг ҳаётий фаолиятини ҳарф териувчи ишчининг дастгоҳидан бошлаб, советлаштиришнинг дастлабки кунларидаёқ Бухоро амирини Ўрта Осиёдан кувишда, кейинчалик фуқаролар урушидан кейинги энг оғир даврда эса гоя ва ватан йўлида жонидан ҳам кесиб, хорижий разведкалар раҳбарлик қилган оқ гвардиячи ва босмачи бандаларига қарши курашда фаол

раҳбарлардан бири бўлган. 1925-27 йилларда у Тошкент округ ижроия қўмитасига раис этиб тайинланган. 1927 йили эса Ўзбекистон ҳукуматининг Москвадаги, ССР ҳукуматидаги доимий вакили, айни пайтда, *Иттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси Раёсатининг аъзолигига номзод* эди.

1929 йилдан у Ўзбекистон Госплани раиси ва, ниҳоят, 1930 йилдан хибсга олингунига қадар ЎзССР молия халқ комиссари бўлиб ишлади.

Дастгоҳ ишчисидан ҳукумат аъзосига қадар бўлган бу узоқ машаққатли ва ор-номусли йўл катта муҳабbat билан, ўз халқи манфаатлари ва орзу-умидларига эътиқод билан ўтилди. Бу унинг, нафақат, Ўзбекистон, балки Россия ва Грузиядаги пешқадам зиёлилар, айниқса шоир ва ёзувчилар билан дўстлиги ва самимий муносабатлари билан ҳам тасдиқланади.

Эрим қамалганидан кейин икки ой ўтгач, 02.10.37 йилда мен ҳам хибсга олиндим ва бор-йўти битта сўрқ натижасида (шу сўрока менинг демографик маълумотларимгина қайд этилган) мен *Исломов Акбар оиласининг аъзоси сифатида қамалдим*. Оиласиз батамом хонавайрон этилди - кейин эса бизга қолдирилган якка-ю ягона хона ҳам тортиб олинди, ўн йиллик меҳнатимиз орқасида тўплаган барча нарсамиз ташиб кетилди, кейинчалик олис Грузиядаги қариндош-уругларим бағридан паноҳ топган полапоним болалар уйига юборилди.

Афтидан, эримга қўйилган айблар унчалик оғир бўлмаган, зеро, мен унинг оиласи аъзоси сифатида қамоққа олинганимга қарамай, бир йилу тўрт ой деганда ишим тўхтатилиб, озодликка чиқдим, шундан кейин эримнинг тақдирни билан доим қизиқиб, “у тирик хат ёзиш ва хат олиш ҳукувидан маҳрум, жазо муддати тутагач, қайтади”, деган мазмундаги жавобларни олдим ва ҳамма нарсага чираб, ҳар сафар наъбатдаги шундай жавобни сабр-бардош билан кутиб яшадим.

Бу сафар эса, энди ёнимда физкультура институтини бу йил тутатган ва мактабга ўқитувчи қилиб юборилган, қиличбозлик буйича спортчи - бундан 18 йил илгари кўчага чиқариб ташланган 26 ёшли ўглим Аскар Акбарович

*Исломов борлиги учун Сизга мурожаат этиб, эрим  
Исломов Акбар Исломовичнинг ишини сўратиб олиб, уни  
қайта кўришингиз ва агар унда жиноят таркиби бўлмаса,  
унинг жиноий ишини тўхтатиш ва тўла оқлаш учун ССР  
Иттифоки Олий Судининг жиноий ишлар бўйича  
Коллегиясига протест билан киришингизни сўрайман. Бу  
нарса мендан эрим учун, менинг ҳеч бир айби бўлмаган  
ўглимдан эса отаси учун шармандалик тамгасини олиб  
ташлаш ва эҳтимолки уни кўриш имконини берарди.*

*Шу нарсани эслатаманки, 10 йиллик жазо муддати  
1947 йилдаёқ тугаган.*

*К.Д.Исломова-Клдиашвили  
1954 йил 31 июль.*

Ғиж-ғиж алам, изтироб ва умид жилвалари чақнаб турган бу хатни лоқайдлик билан ўқиш мумкин эмас. Мен Кетеван Давидовнанинг ўзбек эрига бўлган афсонавий садоқати, меҳр-муҳаббати порлаб турган бу хатни ўқир эканман, у қаршимда фақат аслзода кишиларгагина хос бўлган поклиги, фидойилиги, самимийлиги, закийлиги билан қад кўтаради. Эри Техрондаги хунрезлик пайтида ваҳшийларча ўлдирилган Нина Чавчавадзе - машҳур Чавчавадзенинг муҳаббати ва садоқати билан улуғвор қизи - қолган ҳаётини шундай садоқат билан ўтказган ва Грибоедов қабрига оташин юрак сўзлари битилмиш муҳташам бир ёдгорликни ўрнатган эди.

Кетеван Давидовна ҳам грузин аёлларининг ана шу илохий нур билан йўғрилган анъанасига содик қолди.



Элмира Исломова

Ер ишлари халқ комиссари Рустам Исломов 1937 йил 25 сентябрь куни қамоққа олингач, бошқа йирик давлат ва партия арбобларининг хотинлари қатори, Элмира Исломова ҳам озодликдан маҳрум этилди. Бу мудҳиш вокеа ўша йилнинг 30 октябрь куни содир бўлди.

Элмира 50-70-йилларда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театридаги ижодий фаолияти билан шуҳрат қозонган Ойниса ва Рафоат Кучиковаларнинг опаси бўлиб, ўз даврининг сохибжамол қизларидан бири бўлган. Шунинг учун ҳам унининг оддий кишининг эмас, балки халқ комиссарининг меҳр-муҳаббатини козониши табиий эди.

Сулаймон Юнусович Кучуков - Элмиранинг отаси - чор армиясида штабс-капитан лавозимиғача бўлган жанговар йўлни босиб ўтган, учта Георгий нишонининг совриндори, рус, қозоқ, ўзбек тилларидан ташқари, француз тилини ҳам озми-кўпми билган киши эди. Оренбург-

даги кадет корпуси, шунингдек, юнкерлар билим юргида таълим олган Сулаймон Кучуков малакали зобит бўлгани учун 1917 йилдан кейин юз берган воқеаларда большевиклар ҳам, “босмачилар” ҳам унинг ҳарбий билими ва тажрибасидан фойдаланмоқчи бўлганлар. Сулаймон Кучуковнинг шу йиллардаги мураккаб жанговар ҳаёти М. Поликовскийнинг “Мадаминбекнинг тугатилиши” китоби, Г. Жильцов ва Н. Кузьмичевнинг “Фронтсиз уруш” романидаги ўз тасвирини топган.

Элмиранинг онаси Хосият Миркаримова ҳам эри билан бирга фуқаролар урушининг оловли сўқмоқларида топланниб ўеди. Бу маълумотли аёл хорижий тиллар билан кизикиди, миллий чолғу асбобларида Шарқ қўшиқ ва куйларини ижро этиб, фарзандларида мусиқага нисбатан меҳрни тарбиялади. Унинг нафақат Рафоат (1932) ва Ойниса (1927), балки Гулнур (1924), Элмира (1917) деган қизлари ҳам қўшиқ айтишни, музикани севишарди.

Сулаймон ака билан Хосият опалар уйида “Вессе” фирмасида ишланган ажойиб бир рояль бўлиб, хонадон соҳибаси бу роялда севимли қўущикларини ижро этиш билан бирга, рус ва Европа композиторларининг оммабоп асарларини нотага қараб ҳам чалган. Улар хонадонидаги дид билан жамланган кутубхонада араб, рус, француз тилларидағи китоблар ҳам бўлган. Бу китоблар оила бошлиқлари томонидан ўқилиб, фарзандларга хикоя қилиб берилгани сабабли уларда нафақат музика, балки бадиий адабиётга ҳавас ҳам барвақт уйғонди.

Элмира ана шундай мухитда тарбия топди.

Агар Рафоат Кучликовани 50-60-йиллардан билган кишиларга Элмиранинг 30-йилларга оид фотосуратини кўрсатсан, уларнинг бу суратдаги навқирон аёлни Баттер-фляй хоним ролининг ижрочиси, деб айтишлари ҳеч гап эмас. Зоро, бу суратдан, гўзал ва нозанин Рафоатнинг ёшлиги сизга жилмайиб тургандек туолади.

Халқ комиссари Рустам Исломов кунларнинг бирида Ер ишлари халқ комиссариатида офтобдай чараклаб турган Элмирани кўрганида ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бу вақтда у Тошкентнинг Ўрол кўчасидаги 12-йида якка ўзи афсонавий маликани топиш орзузи билан яшарди.

Сулаймон ака 1931 йили Самарқанддан, хизмат сафаридаң қайтишида, Мирзачўлда фожиали равишда ҳалок бўлди. Номаълум сабабларга кўра, у поезд тагида қолиб, икки оёғидан ажралди, сўнг ўз хоҳиши билан навбатдаги поезднинг гилдираклари остига бўйинни қўйиб берди. Унинг фожиали ҳалокати бутун оиласи ларзага солди. Шундан кейин Хосият опа оила жиловини ўз қўлига олиб, гўзал қизларининг фоний хушторлари кўп бўлиши мумкинлигини сезгани учун уларнинг ҳар бир қадамига қўзкулوك бўлди.

Кунларнинг бирида бўйдоқ нарком қўрпа-ёстик қилиб ётиб қолди. Котиба бошлигига келган хат-хабарларни элтиб берганида, хастанинг ночор аҳволини кўриб, унга бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатди. Ёшлик жозибаси ва ҳаваскор шифокор қўлининг тафтидан кўнгли суст кетган нарком согайганидан сўнг Элмиранинг атрофида парвона бўла бошлади. Қаттиққўл опа дастлаб унинг ҳаракатларига чек қўйишга уринди. Аммо орага Акмал Икромов тушди:

1935 йили Элмира опаси ва сингиллари орасида биринчи бўлиб, ўз фамилиясини ўзгартириб олди. Энди отадан етим қолган қиз нафақат ўзи, балки сингилларининг ҳам манглайига офтоб тегишига умид қилди.

Ўша йиллари шаҳар чеккасида юқори идораларнинг шинам чорбоғлари бўлган. Ер ишлари халқ комисарлигининг чорбоги эса ҳозир “Агрономия мактаби” деб юритилаётган бескатда эди. “Она ва бола” мажмууга қарашли эски бинолар ўша пайтда шу чорбоққа қараган. Чорбогнинг мовий сувлари мавжланиб турган ховузида оккушлар сузган.

Рустам Исломов хотини билан бирга шу ерга дам олдиргани Диляра-ю, Ойниса-ю, Рафоатни ҳам олиб келиб турарди. Рафоат Кучикованинг айтишича, Рустам Исломов Акмал Икромовнинг яқин қариндоши. Шунинг учун бўлса керак мазкур чорбоғда опа-сингил Кучликовалар Комил Икромов билан бирга ўйнаб яйрашган.

Рустам Исломов оиласининг ўз қонун-қоидалари бор эди. Оқшом дастурхони олдидан улар ювениб-таранишган ва яхши кийинишган. Шу сабабли ҳам ишдан кейинги

кечки таомланиш соатлари байрамона бир рухда кечган. Оила бошлиги, Рафоат Кучикованинг хотирлашига кўра, хотинига меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиб, уни ўша йиллари “Волга-Волга”, “Цирк” фильмларидаги мағтункор роллари билан машхур бўлган Любовь Орловага қиёс килишни севган.

Рустам Исломовнинг ноёб китоблардан иборат кутубхонаси бўлиб, улар кечки таомдан кейин мутолаага берилишган. Бу китоблар орасида Байрон, Гюго, Бальзак сингари Европа адабиёти титанларининг асарлари ҳам бўлган. Уйнинг деворларида эса қимматбаҳо расмлар осигълик туради. Афсуски, 1937 йили бу маданий бойлик олиб кетилиб, бир пайтлар Тошкент зиёлиларининг гўзал масканларидан бўлган хонадон бойўғлининг мулкига айланган-қолган.

Шу ўринда Рустам Исломовнинг сиёсий портретига бъязи бир чизгиларни қўйиш ўринли бўлади. Тергов материалларида айтилишига кўра, у 1917 йил февраль воқеаларидан кейин Фарғонада тузилган “Шўрои ислом” ташкилотининг фаолларидан бўлган. Кўконда Туркистон Мухторият ҳукумати барпо этилганида у Кори Ёкубов билан бирга бу ҳукуматнинг оташин тарғиботчиси сифатида майдонга чиқкан. Рустам Исломов Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам маълум муддат ўз маслагига содик қолиб, миллий иттиҳодчилар сафида бўлган. Шу йилларда факат партия аъзоларигина масъул лавозимларни эгаллаётганини кўрган Мунавварқорининг ташабbusи билан, бошқа иттиҳодчилар қатори у ҳам партия сафига кирган.

Тошкент вилоят партия архивида сакланаётган ҳужжатлар Рустам Исломовнинг 1917 йил майидан қайси бир озиқ-овқат қўмитасида ташкилотчи, шу йилнинг октябридан кутубхона мудири (1918 йил октябрига қадар) бўлиб ишлагани ҳақида маълумот беради. Шундан кейин унинг фаолиятида 8 ойлик танаффус бўлган. Сўнгра у инқилобий ҳарбий кенгашда тарғибот гурухи мудири, Туркфронт озиқ-овқат қўмитасида бўлим мудири сингари лавозимларда хизмат қиласди. 1923 йил февралидан Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари, 1924 йил

январидан эса ХКС раиси вазифасини адо этади. 1925 йил сентябрида Свердлов номидаги Коммунистик университетга ўқишига юборилади.

Рустам Исломовнинг ана шу ижтимоий йўлиниң ўзиёқ унинг республика миқёсидаги катта арбоб бўлганидан шаҳодат беради. Бинобарин, унинг 1937 йилниң конли гирдобидан омон колиши маҳол эди.

Куни кечаки бўлиб ўтган гулгун воқеалар Элмира учун бамисоли бир туш бўлиб қолди. У қамоқдаги терговлар, кийноклар, изтиробларни оддий ҳодиса сифатида қабул қилмаган бўлса-да, ота-онасининг мушкул қисматидан ер юзидаги ҳаётниң азоб-уқубатдан иборатлигини биларди. Қамоққа олинган ватандошларининг ана шу адолатсизликка қарши курашгандар, уларниң Совет давлати олдидаги гуноҳлари фақат шунда эканига ишонарди. Шунинг учун ҳам кечалари қўзини чирт юмиди, Рустам Исломов билан кечган ширин ҳаётини эслар ва бу хотира лавҳалари унинг шикаста хаёли оша тушдек кечар эди. Ана шу тушга ўхшаш хаёли ва хаёлга ўхшаш тушида ўлик туғилган фарзандини тез-тез кўрарди. Агар у ўша мусибатли кунларда юм-юм йиглаб, фалакнинг унга нисбатан шафқатсизлигидан нолиган бўлса, энди бечора гўдакнинг азоб-уқубатларни кўрмай ҳаётдан ўтганига шукроналар айтарди.

Дастлабки терговда Элмира Сулаймоновнадан эрининг “халқ душмани” бўлганлигини тасдиқловчи кўргазмалар беришни талаб этишди. Элмира бундай сўрокқа тайёр эмас эди. У эрининг фаолиятида Совет давлатига нисбатан бирорта ғаразли ҳолни кўрмаган эди. Шунинг учун ҳам у эрини ноҳақ қамашганини айтди. Шундан кейин ўйлаб кўриши ва хәёlinи бир жойга қўйиши учун Элмирани якка хонага кўчиришди. Бу НКВДга қарашли камералардан бири бўлиб, маҳбус унда фақат тик ҳолдагина туриши мумкин эди, холос. Элмира кечаси билан шу камерада кимир этмай турди. Бошига эса тепасидаги челакдан чакчак этиб узун-узун томчилар тўкилиб турди. У дастлаб бу жазони писанд қилмади. Лекин орадан бир-икки соат ҳам ўтмай, сув томчилари унинг бошchanогини пармалаб, миясини айронга айлантириб юборгандек бўлди. Тонгга

яқин эса нафақат нозик оёқлари, балки боши ва умуман бутун вужуди яроқсиз бир ҳолга келган эди.

27 ноябрь куни бўлиб ўтган сўроқ шундай воқеадан олдинми ё кейинми бўлиб ўтган - биз учун қоронги. Аммо шу нарса аниқки, Элмира Исломованинг имзоси бўлган ягона сўроқ қайдномаси шу кунга оид бўлиб, унда, жумладан, куйидаги сўзлар ёзилган:

*1935 йил декабридан бошлаб биз бирга яшаб келлик, у вақт ичида мен уни куйидаги яқин дўстлари даврасида кўрганман: 1) Шермуҳамедов Муслим, 2) Болтабоев, 3) Исроилов, 4) Данчик. Улар бизнинг уйимизга тез-тез келиб туришарди. Рустам Ер ишлари халқ комиссариатининг чорбогида Данчик билан бирга бўлар, Икромов билан унинг чорбогида учрашиб турар эди. Курортга кетаётib, биз Москвага тушганимиз. Рустам Исломов СССР Ер ишлари халқ комиссарлигига бориб, Чернов, Поскудский билан учрашган. Курортдан қайтаётib, яна Москвага тушлик. Шу вақтда Москага Ўзбекистон Ер ишлари камиссарлигининг ишлари билан Данчик, шунингдек, Болтабоев ва Исроилов ҳам келишган экан, улар ҳам шу меҳмонхонада яшаши. Исломов билан Данчик Тўрабеков-нинг ҳузурида меҳмонда бўлишган. Тўрабеков икки маротаба бизни кўргани меҳмонхонага келган.*

Махбуса терговчининг “Рустам Исломов Сочида, курортда ҳордиқ олаётганида кимлар билан учрашган?”, деган саволига жавоб бериб, бир неча кишининг номини тилга олган, холос. Уларнинг нима ҳақда суҳбатлашгани унга номаълум ва мутлақо аҳамиятсиз эди.

Хуллас, Элмира Исломовани ҳибсга олишдан мақсад эрининг аксилинқилобий ва аксилишўровий фаолиятини тасдиқловчи ва уни отиб ташлашлари учун асос бўла олуви чўрғазмани олиш эди. Терговчилар ундан бундай чўрғазмани ола билмадилар. Рустам Исломовнинг ўзи эса мислсиз қийноклар остида аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлганини бўйнига олди ва 1938 йилнинг 4 октябрида Тошкентда отиб ташланди.

Аммо шу билан ҳам Элмиранинг иши бирёклик бўлмади. У эрининг аксилинқилобий фаолиятини яширган киши сифатида алоҳида мажлис ҳукмини кутиб ётди.

Ниҳоят, 1939 йил 10 февраль куни у билан боғлиқ тергов иши тўхтатилган, деб топилди ва Элмира Исломова озодликка чикди. Уйсиз-жойсиз, эрсиз, ишсиз Элмира Исломова энди аросатда яшай бошлади.

Опаси ва сингиллари Элмирага қанчалик меҳрибонлик кўрсатиб, унинг оғирини енгил қилишга уринмасинлар, у жигаргўшаларининг ўз такдирлари, ўз оламлари борлигини биларди. Шунинг учун ҳам у қариган чогида суюнч бўлиши учун фарзандли бўлишни орзу қилди. 1941 йили Абдураҳмонов деган бир киши билан турмуш қуриб, ҳомиладор бўлганига ишонч ҳосил қилгач, ундан ажралдида, бу дунёда ўз қўли билан эришиши мумкин бўлган ягона бахтни кутиб яшади. 1942 йил 22 ноябрь куни унинг Темур исмли бахти дунёга келди. Элмира Сулаймоновна Исломова - она, шу бахтни бергани учун Оллоҳдан миннатдор бўлиб, 1996 йил 6 апрелга қадар яшади ва шу куни ҳаётдан кўз юмди.



## Мақсада Исҳоқова

Мақсада Исҳоқованинг турмуш ўртоги Ғани Исҳоқовнинг номи бугунги авлод учун ҳеч нарсани англатмайди. Ҳолбуки, у камоқقا олинган 1937 йилда республиканинг хурматли кишилардан бири бўлган. 30-йилларнинг ўргаларида раҳбарлик лавозимларида бўлган энг истеъодли кишилар номини тилга олганда тарихчилар Абдулла Каримов, Мирмуслим Шермуҳамедов, Рустам Исломов, Абдулхай Тожиев, Исройл Ортиков сингари таникли арбоблар қаторида унинг номини ҳам эҳтиром билан тилга олишади. Хатирчи тумани партия ташкилотининг котиби лавозимини адo этаётган пайтида хибсга олинган Абдулла Низомхонов эса журналист Ислом Усмонов билан килган сухбатида (“Ёш ленинчи”, 1989 йил 27 сентябрь) бу шахс ҳакида бундай сўзларни айтган:

“1928 йилдан бери партия аъзоси, собиқ ҳарф терувчи Ғани Исҳоқовнинг аянчли такдири ўша даврдаги қўпларникидан асло қолишмасди. Ғ.Исҳоқов дастлаб Октябрь (ҳозирги Шайхонтохур - Н.К.) районидаги савдо

базасида ишлади. Сўнг район партия комитетининг биринчи котиби бўлиб сайланган. Ундан кейин Тошкент округ партия комитетида, Ўзбекистан Коммунистик партияси Марказий Комитети кадрлар бўлимининг мудири вазифаларида меҳнат қилди... Ф.Исҳоковнинг айби фақат унинг А.Икромов билан бирга ишлагани бўлди, холос. У Москвадаги Кремль касалхонасида кўзини операция қилдириш учун ётганида қамоққа олиниб, Тошкентга келтирилган”.

Катағон қурбонларидан бирининг бу сўзларида меҳнатсеварлиги, камтарлиги, олижаноблиги ва ишбилармонлиги туфайли оддий ҳарф терувчиликдан кўтарилиган Ғани Исҳоковга нисбатан хурмат туйгулари учқунланиб туради.

1902 йили Тошкентда туғилган Ғани Исҳоков 1923 йилдан 1928 йилгача Эски шаҳардаги босмахонада ҳарф терувчи ва бошқа лавозимларда хизмат қилди. 1937 йил 29 сентябрда Ақмал Икромовнинг яқин кишиси бўлғанлиги учун “аксилинқилобий-миллатчилик ташкилоти”нинг аъзоси сифатида қамоққа олинди. Орадан бор-йўги икки кун ўтгандан кейин, 1 октябрда унинг хотини, оддий уй бекаси Максуда Исҳокова ҳам эрининг фожиали тақдирига шерик бўлди.

Асли Тошкентнинг Олмазор кўчасидаги берк кўчаларнинг бирида дунёга келган Ғани ака 1935 йили Янги шаҳардаги 1 Май кўчаси, 69-уйга кўчиб ўтди. Унинг ва хотинининг қамоққа олиниши билан ота-онаси - кексалар уйига, Абдураҳим, Абдуҳаким ва Тўлкин деган 7 ёщдан 1 ярим ёшгacha бўлган фарзандлари, шунингдек, 14 ёшли синглиси Муқаддам болалар уйига юборилди.

Уларга тегишли уй-жой ва мол-мулк эса давлат фойдасига мусодара этилди.

Ғани аканинг отаси Исҳок Шукуров ўша пайтда 63 ёшда - пайғамбар ёшида бўлган. Исҳок отанинг набираси Саида Холикованинг хотирлашига қараганда, у оддий ҳарф терувчи бўлган ўглиниң ўзига, билимига муносиб бўлмаган мартабаларга кўтарилишини қўллаб-қувватламаган. Аксинча, ўтли Ғанига:

“Большовойлар давлатига ишонма! Кўтарил, деса,

кўтарилаверма! Оқ подшони йиқитган большовойлар камбагалга эл бўладими?!” - деган, ўғли ва келини қамалиб кетишганидан кейин ҳам шу сўзларни ўзича айтиб, жавраб юрас экан.

Яна шу набиранинг айтишига кўра, унинг бувалари зиёлилар уруғига, бувилари эса оддий халққа мансуб кишилар экан. Ана шу икки томирга мансуб аждодлари нинг бирида зукколик, иккинчисида ўта меҳнаткашлик фазилати устувор бўлган. Агар Сайданинг шу мезонидан келиб чиқсан, Фани аканинг қон томирларида закийлик зарралари, Мақсада опанинг юрагида эса меҳнат ишки мавж урган бўлиб чиқади. Аммо меҳнат ишки билан уриб турган юракнинг бошқа фазилатлари ҳам йўқ эмас эди. Улар эр-хотин ҳар иккиси бир бўлиб, фарзандларини яхши тарбиялашга, қариндош-уруглари билан меҳрли-оқибатли бўлишга ўргатдилар. Бироқ уларниң қамалишлари билан ҳаттоқи ён қўшнилари, қариндош-уруглари ҳам “халқ душманлари”нинг ота-онаси-ю, фарзандлари билан саломлашмай қўйдилар.

Ушбу сўзларни айтишдан мурод шуки, Совет давлати бутун бир оиласи вайрон этибгина қолмай, шу оиласа якин ўнлаб кишиларнинг юрагидаги эзгу фазилатларни ҳам қонли болтаси билан чопиб ташлади. Кўркув, хадик, шубҳа аҳд ва юракни идора этувчи кучга айланганида эзгулик майсалари топтилиб кетади, кишида.

З октябрь куни Мақсада опа биринчи маротаба сўрока чакирилди. Терговчи ундан “халқ душмани” бўлмиш Эрининг аксилинқиlobий-миллатчилик фаолиятини яхши била туриб, бу ҳақда хабар бермаганини айтди-да, уни жар ёқасига бошлади. “Сенинг олдингда бир-йўл бор, холос: ё эрингнинг ғаразли фаолияти ҳақида кўргазма берасан, ё сен ҳам унинг изидан шу жарликка қулайсан!” - деди у.

Торгов қайдномасида Мақсада опанинг сўзлари қуидаги тарзда баён этилган:

“Мен шу кунларда хибсга олинган Исҳоқов Фанининг хотини бўламан. Мен у билан 10 йил бирга яшадим. Саводим кам бўлгани ва сиёsatни тушунмаганим учун унинг аксилинқиlobий фаолиятидан хабарсизман. Умуман,

у мен билан сиёсий мавзуларда сұхбатлашмаган. Унинг олдига Содиқов Карим, Юнусов Солих, Холиқов Содик, Низомхонов Абдулла келиб туришар эди. Күп пайтида икки марта ашулачи Карим Зокирий келган. Лутфулла, (фамилиясини билмайман) укаси Асад ҳам келишган, аммо менинг ҳузуримда хеч қандай сұхбат бўлмаган... Яна бир маротаба айтаман:

Эрим Исҳоқов Ғанининг аксилиңқилобий фаолияти тўтрасида мен хеч нарсани билмаганман”.

Мақсада опа терговчи томонидан қачон ва қанча сўроққа чакирилган бўлмасин, шу сўзлардан бошқа гапни айтиши маҳол эди. Шунинг учун ҳам уни қанчалик қийнаган бўлмасинлар, ундан бошқа маълумотни ола билмаганлар.

Энди унинг юкорида келтирилган сўзларига эътибор берсангиз, эри Ғани Исҳоқовнинг “аксилиңқилобчилар”-дан иборат давраси оддий кишилардан иборат бўлган. Аммо у Акмал Икромовнинг назар-эътиборига тушиб, хизмат пиллапоясидан кўтарилигани учун мазкур “халқ душмани”га садоқатли киши сифатида қамоқقا олинган. Шунинг учун ҳам терговчи уни Акмал Икромовнинг “жиноят”ларига щерик қилишга ҳаракат қилиб, уни ўзига ва Акмал Икромовга тухмат қилишга мажбур этди. Терговчи янги-янги соҳта сўрок қайдномаларини “ижод” қилиб, уларни имзолатмоқчи бўлди, аммо маҳбус буюк бир ирова кучи билан бу тухматномалар тагига қўл қўймади. Шундан кейин уни “биринчи категория” бўйича шафкатсизлик ва ёвузлик билан қийнади.

Шубҳасиз, терговчи шу орада Мақсада опани ҳам унутмади. Уни тинмай чакириб, таҳдид ва тазийик ўтказиб, қийнаб, таҳқир этиб турди. Аммо қийноқнинг ўзи билган “олий” шаклларини Ғани Исҳоқовга нисбатан қўллади.

Мақсада опа қамоқда бир-биридан даҳшатли тушларни кўрарди. Бир куни у ажабтовур бир тушни кўрди. Уйида қандайдир муносабат билан худойи бўлипти. Қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар йигилишипти. Яхши ош дамланипти. Мақсада опа бир коса ош суздириб, уни эрига олиб борипти ва косани эрига узатипти. Эри косага қўл узатиши билан коса ерга тушиб чил-чил синипти. Ош

ерга сочилиб кетипти-да, аллақаердан бир кўпак пайдо бўлиб тўқилган ошни ся бошлапти. Кейин борган сайин катталашиб, эрига хамла қилипти. Бу шундай қўрқинчли манзара эдики, Мақсуда опа эрини куткармоқчи бўлиб, дод-фарёд кўтарипти. Ва шу заҳоти уйгониб кетибди.

Мақсуда опа бу тушни кўргач, ўзига келмади. “Эримга бир бало бўлди. Уни ўлдиришди”, деб ўйлади.

У алданмаган эди. Чиндан ҳам, терговчи конхўр шериклари билан бирга Ғани Исҳоқовни НКВДнинг ички қамоқхонасида қийнаб ўлдиришган эди. Бу даҳшатли воқеа 1938 йилнинг 17 марта содир бўлди. Вафодор аёл бу мудхиш воқеани ўша қуниёқ сезди.

1 октябрь куни бўлиб ўтган тинтуб пайтида НКВД ходимлари Исҳоқвлар оиласининг бошқа мол-мулклари қаторида Ғани аканинг севимли хотинига совға қилган тилла узукни ҳам мусодара этган ва ким билади, эҳтимол, ўзлаштирган эдилар. Энди эса ана шу узук рамзи бўлган баҳтли никоҳни ҳам ифлос гавдалари билан таҳқирлаб ташладилар.

1938 йил 7 апрель куни турмада азоблаб ўлдирилган Ғани Исҳоқовнинг айбсиз айборд хотини Мақсуда Исҳоқова эрининг аксилиниклибий фаолиятига ёрдамлашган унсур сифатида 3 йилга НКВДнинг меҳнат посёлка-ларига сургун қилинди.

Бечора аёлнинг сургундан қачон қайтиб келгани аниқ эмас. Ҳар ҳолда 1940 йилнинг охири - 1941 йилнинг бошларида Мақсуда опа эркинликка чиккан бўлиши мумкин. У қамоқдан чиққанидан то 1985 йили, вафот этгунига қадар қамоқ ва сургундаги ҳаётини эсламасликка уринди, шу ҳақда гап очилганда халқумига тош келгандек нафас олиши оғирлашиб, “қора дастурхон”ни очишга тоқати йўқлигини маълум қилиб турди. Лекин... у чекаётган алам унинг юз-кўзларидан яққол кўриниб турарди. У қамоқда бўлганида терговчи уни истаганича ҳақоратлади, истаганича таҳқирлади ва истаганича зўрлади. Хуллас, Мақсуда опа қамоқ ва сургундан бир қизча билан қайтди. Унинг эрини ваҳшийларча ўлдириган қотил бу кизчанинг отаси эди. Мақсуда опа бу дунёга келиб, қанча адолатсизлиги бедодликни кўрган бўлса, бундай ўта

бедодликнинг бўлиши мумкинлигини тасаввурига ҳам сифдиролмади. Бир томони - ўзининг қизи. Иккинчи томони - ...

У қизчага Мазлума деб ном берди. Мазлума Мақсада опанинг бошидан кечган мудхиш кунларнинг ёдгори бўлиб яшади.

“Бувим тиниб тинчимайдиган кишилардан эдилар, - деб эслайди Саида. - Эрталаб соат 4 дан туриб супурсилирга тушар ва кун буйи чарчашиб нималигини билмай, меҳнат қиласидилар. “Гапдан иш яхши”, дердилар доим. Хатто кексайиб, чеккан азоб-уқубатлари оқибатида бод бўлиб қолган ва ҳамма жойлари зирқираб оғриган пайтларида ҳам дам олишни билмадилар... Овозлари чиройли, гап-сўзлари ёқимли, ўзларининг ҳам истаралари иссик эди”.

Саида бир оз нафас олгач, давом этди: “Кўлларининг кучи кўп эди. Бир куни мени чойшабни сикиб юборишга чакирдилар. Мен чойшабнинг бир учини ушлаб, сика бошладим. Лекин кучим етмади. Бувимлар қўлимдан дарҳол олиб, чойшабни бир ўзлари шундай гижимлаб бурдиларки, “шов” этиб чойшабдаги нам оқиб кетди... Бувимлар болаларини яхши тарбиялаган эдилар. Мен ҳамма болалар шунаقا бўлса керак, деб ўйлардим. Аммо бошқа хонадонларга бориб, бошқа болаларни кўришга тўғри келганда, бувимларнинг ўз фарзандларини бошқача тарбиялаганларига амин бўлдим... Бувимлар бошқача, покиза, фариштадек покиза одам эдилар. Шунинг учун ҳам кўп нарсани тушларида олдиндан кўриб билардилар... Аммо уларнинг дардлари ичларида эди...”.

Мақсада опа 1983 йили 73 ёшида ўғли Абдурахимнинг вафотини кўтара олмай, оламдан ўтди. Шу билан катта бир оиланинг баҳтили ва баҳтсиз тарихи тугади.



## Хайринисо Мажидхонова

Хайринисо 1905 йили Тошкентда, маърифатпарвар оиласида дунёга келди. Унинг отаси Мажидхон aka Тошкентнинг машхур Миробод маҳалласида турли миллатларга мансуб зиёлилар мухитида яшаган. У XX аср бошларида Москва, Петербург каби шаҳарларда бўлиб қайтган, ўз даврининг илфор фикрлари билан “чанглангани” учун қизларига замонавий билим беришга, турли тилларни ўрганишга ҳаракат килган. Шунинг учун хам мутаассиб руҳонийлар унга “Мажид ўрис”, “Мажид коғир” деб лақаб берганлар, қизларининг юзларини очиб, ўқиб юришларини қоралаганлар. Хайринисо шундай бир вазиятда яшаб, маҳалласидаги ўқимишли татар, рус, немис қизлари билан дугона бўлиб ўсади. У опаси Ойпошша билан бирга Мунаввар кори, Саодат Еникеева каби ўз даврининг илфор зиёлиларидан сабок олди.

1922 йил охирларида Туркистондан Германияга ўқишига юборилган бир гурух ўзбек йигит ва қизлари орасида Хайринисо ҳам бор эди. У 1924-1926 йилларда Марям Султонмуродова билан бирга Дармштадт шаҳрида Ўқитувчилар семинарийсида, тиббиёт курсларида ўқиди, немис тили ва адабиётини ўргана бошлади. 1927 йил ёзида, таътил вақтида, Хайринисо дугонаси Марям Султонмуродова билан бирга Парижга саёҳат қилди. Улар инсоният маданиятининг цукухли пойтахтларидан бири бўлмиш бу шахарда яшаб турган юртдошлари бухоролик Аҳмад Наим ва Туркистон Мувакқат хукуматининг собиқ раиси Мустафо Чўқаевлар билан иттифоқо учрашиб қолдилар. Аҳмад Наим уларни Парижнинг кино, театр каби маданият ўчоқлари билан таништириди. Германиядаги ўқиши вактида Хайринисо бир неча муддат Австриянинг Вена шаҳрида ҳам бўлади.

Хорижга таҳсил олиш учун бораётган ўзбек қизларининг жасорати 20-йилларнинг бошларидағи тараққий-парвар кишиларнинг олқишига сазовар бўлди. Чунончи, Хайринисо Мажидхонованинг номи Чўлпон, Боту, отаси Мажидхон думанинг мақола ва шеърларида, айниқса, фахр билан тилга олинди. Жумладан, Боту 1922 йил нояброда бир гурух туркистонлик талабалар қаторида ўзбек қизи Хайринисо Мажидхонованинг Берлинга жўнаши муносабати билан ёзган “Кичкина армугоним” шеърида унга оқ йўл тилаб, шундай ёзган:

*Кора турмуш чангалидан қутулиб,  
Эрк чечагин теша олган кучли киз.  
Эски одат санамларин парчалаб,  
Эрк-тангрига сажда қилган руҳли киз.  
Йўлинг тўтри, ортга боқма, кета бер,  
Илгарилаш ашуласин айта бер!*

Хайринисонинг отаси Мажидхон ака хорижга кетган талабалар орасида қизининг ҳам бўлганидан чексиз мамнун бўлиб, бу воқеадан суюнган ҳолда узок-яқиндан табрик хатлари йўллаган кишиларга ва, айниқса, шоир Ботуга миннатдорчилик билдириб, бундай ёзган:

“Эзилган миллатлар, коронгуликда қолган юртини келгусида чин билим билан ёритмок учун бу йил хорижга кетган талабалар орасида қизим Хайринисо ҳам бор эди.

Билим учун узоқ элларга биринчи ўзбек қизини юбориш шарафи, шукрлар булсунким, менга насиб бўлмиш. Ҳозир мен шу муносабат билан ҳар ердан қутлаш хатлари олмоқдаман... Уларнинг ҳаммасига бирдан, айниқса, қизгин туйғулар билан қутлаган Москва ва Бокудаги талабаларимизга, Қозон ва Оренбургдаги маданият ва маориф ходимларига, ёш шоиримиз Боту ўртокка ташаккуримни билдириб, билим истаб, дунёнинг ҳар томонига ёйилатурғон йигит ва қизларимизни кўпайсин, дейман”. Германияда олти йил таълим олган Хайринисо 1928 йили Ўзбекистонга қайтиб, то 1937 йил 13 сентябрга қадар Касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси ходимлари ҳамда жумхурият бошлангич ва ўрта таълим ўқитувчиларининг дам олиш уйида шифокор бўлиб ишлайди. Европа тиббиёти ютуклари бўйича эришган билимлари, машҳур немис олимлари ва шифокорларидан ўргангандан малакалари меҳнаткашларни даволашда, айниқса, кўл келади.

Хайринисо шу йилларда опаси Ойпошша билан бирга ҳозирги “Россия” меҳмонхонаси якинида - Конституция (аввалги Файзулла Ҳўжаев) кўчасидаги 34-үйда турган. У шу ерда 1937 йил 13 сентябрда тўсатдан камоққа олинган. Унга 1922-1928 йилларда Германиядаги “Туркистон” аксилиңқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлган, 1928 йилда унинг топшириклиари билан СССРга жосус бўлиб келган, СССРдаги ўша “Туркистон” ташкилоти аъзолари билан алоқада бўлган”, - деган тухматкорона айблар кўйилган.

Ўша куни унинг отаси яшайдиган катта Миробод кўчасидаги 43-үй, 1-хонадонда тинтуб ўтказилиб, Хайринисонинг паспорти, Германиянинг юз маркали тангаси, ўша ердан келган 112 та мактуб, немис тилидаги 4 та ёзишма, 5 та ён дафтар, 3 та китоб олиб кетилди.

Сўрокда ундан Берлиндаги туркистонлик талабаларнинг Мустафо Чўкаев, Заки Валидий ва Аҳмад Наим иштироқидаги умумий йигилишларида нималар бўлганлиги, мажлислар қачон ўтказилганлиги ва ерда туркистон-

лик талабалардан кимлар иштирок қилғанларни сўралди. Ўз халқига чин юракдан хизмат қилаётган ҳалол инсон - Хайринисо Мажидхонова терговчининг барча саволларига тўғри ва аниқ жавоб берди. Мустафо Чўқаев, Заки Валидий, Аҳмад Наимлар билан учрашувлари, талабаларнинг ўзаро тўпланиб, сұхбатлашиб туришлари, юртдошлари ўртасидаги ўзаро табиий муносабат ҳаёт эҳтиёжи эканини тушунтириди. Хеч нарсадан гумонсирамай, учрашувларда иштирок этган талабалар - Мажидий, Вали Қаюм, Тўлаган Мўмин, Султон Матқул, Саттор Жаббор, Темирбек Казбековнинг номларини тилга олди. Ҳатто Совет ҳокимииятидан норозилик руҳидаги гаплар бўлганлигини ҳам яшириб ўтирумади.

“Менга, - деди у бу ҳақда терговчига берган жавобида, - Туркистон талабаларининг Мустафо Чўқаев ва Заки Валидийлар иштирокида ўтказган 4 та йигилиши маълум: биринчи йигилиш тахминан 1924 ёки 1925 йилда Берлин ресторонларидан бирида бўлиб ўтди. Мазкур йигилишда Мустафо Чўқаев иштирок қилди. Эҳтимол, Заки Валидий ҳам бўлгандир. У ерда туркистонлик талабалардан: мен, Мажидий, Вали Қаюм, Тўлаган Мўмин, Султон Матқул, Саттор Жаббор, Казбеков ва бошқалар бўлишиди. Агар янгишмасам, бу йигилишнинг ташаббускори Вали Қаюм эди. Мазкур йигин советларга қарши характерда бўлиб, у ерда нималар бўлганлиги ва нималар ҳақида гапирилганлиги хозир аниқ эсимда йўқ. Иккинчиси ... тахминан 1927 йил ёзида Марям Султонмуродова билан бирга саёҳат мақсадида Германиядан Франциянинг Париж шаҳрига бордик. Боргунга қадар, хозир эсимда йўқ, ким орқалидир биз Мустафо Чўқаевнинг адресини топдик ва Парижга келгач, мавжуд адрес буйича Чўқаевни қидирдик ва топиб, унинг ёрдами билан вактинча меҳмонхонага жойлашдик ва у ерда бир ойча яшадик. Мазкур меҳмонхонада турган вактимизда Мустафо Чўқаев билан Аҳмад Наим (у шу вақт Парижда яшарди) бир неча бор олдимизга келишиди, биз билан бирга юриб, Париж шаҳрини кўрсатишиди. Биз ҳам, ўз навбатида, Мустафо Чўқаев ва Аҳмад Наимнинг хоналарида бир неча бор бўлдик”.

1937 йил 22 декабрда бўлган сўроқ қайдномасида эса

юқоридаги каби савол-жавоблардан сўнг “Сиз ўз айбингизни бўйнингизга оласизми?” - деган саволга жавобан Хайринисо Мажидхонова барча айбларнинг асоссизлигини айтиб, уни мутлақо тан олмаслигини яна бир бор таъкидлади:

Жавоб: Мен ўзимнинг гүё Ватанга хоинлик ва айгоқчилик-миллатчилик ташкилотига алоқадор бўлганлигимни, айбордлигимни тан олмайман. Мен ўзимнинг айбимни факат қуйидагиларда, деб биламан:

а) 1922-1928 йилларда Германияда ўқиган вактларимда аксилинқиlobчи Мустафо Чўқаев ва Заки Валидийлар аксилишўровий нутқлар сўзлаган Туркистон талабалари-нинг учта йигилишида қатнашганман;

б) Германияда бўлган пайтимизда 1927 йили дугонам Марям Султонмуродова билан бирга Парижга боргандиз, аксилинқиlobчи Мустафо Чўқаев ва Аҳмад Наимлар билан бир неча бор учрашганмиз;

в) СССРга қайтганимдан кейин, 1931-1932 йилларда Ўзбекистонда Ўрта Осиё тиббиёт институтида илмий ходим сифатида ишлаган Германия фуқароси профессор Энглянд билан муносабатда бўлдим. Унинг хонасига кириб турганимга сабаб мен унга ўзбек тилидан дарс берар, ўзим эса ундан (Энглянддан) немис жонли сўзлашув тилини ўрганар эдим.

Кўшимча қиласман: мен ва Султонмуродова 1927 йили Францияга Парижни томоша қилгани борган эдик”.

Масала шундай равшан бўлганига карамасдан, тергов бир йилдан ортиқ давом этади ва СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг Алексеев бошчилигидаги сайёр гурухи 1938 йил 9 октябрда Хайринисо Мажидхоновани ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 62, 64 ва 67-моддалари буйича айборд хисоблаб, олий жазо - отувга ҳукм қиласми. Ҳукм 1938 йил 9 октябрда ижро этилади. Шундай қилиб, эндиғина Европада ўқиб қайтган ўзбек қизларидан бири Хайринисо Мажидхонова тузумнинг бегуноҳ қурбони бўлади. Унинг оила аъзолари, ота-онасининг ҳам бошига кўп азоб-уқубат ва қийинчиликлар тушади.

“Куз ойларининг бошларида мен темир йўл мактабининг 2 - 3-синфида ўқирдим, - дейди Тошкент Темир

йўллар бош бошқармаси кадрлар бўлимнинг бошлиги Холида опа Қодирова, ўша машъум йилларни эслаб, - Хайринисо холам ишхоналарида иш билан бўлиб, уйга келолмай қолган кунларининг бирида, тонг сахарда уйимизга икки кишининг назорати остида кириб келдилар. Бу формасиз кишилар уйимизни роса тинтуб қилишиб, унинг Германиядан олиб келган китоблари, хатлари ва бошқа хужжатларини талаб килдилар. Холам хамма нарса Мирободдаги ховлимиздалигини айтгач, улар Хайринисо холамни ўша ёқقا олиб кетдилар. Мен мактабга боролмай, кўркиб, алахлаб, қиска йўл билан бобомнинг олдиларига чопдим. Бобомга иккита одам холамни ишхонасидан олиб келиб, уйимизни тинтуб қилишганини айтдим. Бобом бувимга караб:

- Онаси кизингдан айрилибсан, - дедилар. Бир пастдан кейин НКВД ходимлари бу ерга ҳам етиб келишиб, холамни бобомнинг уйига киритишди-да, бир зумда ҳаммаёкни титиб ташлашди. Хайринисо холамнинг Германиядан келтирган китоблари, хатлари ва ўқиши йилларида тузган альбомларини ҳовлида ёкишди.

Холамни олиб кетишгач, бизни ҳам тинч қўйишмади. Мажидхон бобом ва онамни ҳам 3-4 ой терговга чақиришиб, “Кизингнинг Германия билан алоқаси, жосуслик ишлари ҳақида маълумот берасан”, деб бир неча бор сўрок қилишди, баъзи вакълар уларни ҳатто камаб ҳам қўйишди. Кейинчалик Файзулла Хўжаев кўчасидаги уйимиздан хайдаб ҳам чиқардилар.

- Хайринисо холамнинг орзулари катта эди, - дейди Холида опа кўз ёши билан сўзида давом этиб. - Холам Германиядан келтирган тиббиётга оид турли қўлланмаларни немис тилидан ўзбек тилига таржима қилишга киришган, илмий тадқиқотларини бошлаган эдилар. Мени ҳам келажакда шу соҳада ўқишига ундан, маърифат нуридан баҳраманд бўлишга тинмай даъват этардилар. Шунинг учун менга рус ва немис тилларини ўргатар, менга Москвадан, Берлиндан олиб келган русча ва немисча болалар журналларини кўрсатиб, ўқиб, тушунтириб берар эдилар. Германияда немис газета ва журналларида чоп этилган суратларини кўрсатиб, ўқиши ва тажриба ўтказиш жараёнлари ҳақида

кувониб сўзлар, “Сен ҳам катта бўлсанг ўшандай илгор мамлакатларга бориб ўқиб қайтасан”, деб мени орзуларга қанотлантирар эдилар. Ёндирилган китоблар орасида Германиядан олиб келинган тибий асарлар, болалар китоблари билан бирга Гёте, Шиллернинг немис тилидаги китоблари, Абдулла Кодирий, Чўлпон каби буюк ўзбек шоир ва ёзувчиларининг ўзбек тилидаги асарлари ҳам бор эди.

Мен бир сафар бобом билан холамни кўраман, деб турмага борганимда Хайринисо холамни бизларга кўрсатишмади. Онам норозилик билдирганларида уни кечгача камаб қўйиб: “Сенларни турмада чиритаман!” деб бакириб беришди. Шундан сўнг биз узоқ йиллар у ерга боришига, холамнинг номларини тилга олишга ҳам қўркиб яшадик.

ХХ съезддан кейин онам синглиси Хайринисонинг охирги тақдирини суриштириб, республика хуқук органларига мурожаат қилганларида, улардан холанг 1942 йили вафот этган бўлса керак, деган совуққина мужмал бир хабарни олдик. Лекин Хайринисо холам қаерда, қандай ахволда вафот этганларини Ўзбекистон мустақилликка эришгунигача билмай юрдик. 1999 йил 7 октябрдагина Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг биринчи ўринbosари имзоси билан холамнинг тамомила оқланганлиги ҳақидаги қоғозни олдик. Шунинг учун ҳам биз Ватанимиз мустақил бўлганидан чексиз миннатдормиз, шу мустақиллигимиз абадий барқарор бўлсин.



## Асҳоб Миршаропова

20-30-йилларда таникли ўзбек зиёлиларига тан маҳрами бўлган сохибжамол татар аёллари орасида Асҳоб Миршаропованинг муносиб ўрни бор. Афсуски, бугун бу аёлни якиндан билувчи бирор киши қолмаган. Камина уни таниган, билган қайси бир кишига мурожаат этмай, Асҳоб Миршаропова ва унинг тақдиди тўгрисида бирорта жўяли маълумотни топа олмадим. Шунинг учун хам қуйида баён этилган маълумотлар фақат архив ҳужжатларига асосланган, холос.

Асҳоб Миршаропова, 1903 йил 3 апрель куни Тошкентда дунёга келган. Асҳобнинг отаси Нури Назировнинг қаҷон ва қасрда тугилгани номаълум. Аммо у вафот этгач, онаси Зулайҳо Назирова Мамед Гусейновга турмушга чиқиб, Тошкентдаги Боровский кўчасига қарашли 1-торкӯча, 26-йида икки фарзанди билан истикомат қилган.

Асҳобнинг 1923 йили машхур саркарда Миркомил Миршароповга турмушга чиққунига қадар бўлган ҳаёти тўгрисида архив ҳужжатларида бирорта маълумот йўқ. Агар

Миркомил Миршароповнинг 1921 йил аувгустидан 1923 йил декабрига қадар Хоразм Ҳалқ Республикасида ҳарбий нозир бўлиб хизмат қилгани ва хизмат юзасидан шаҳарма-шахар кўчиб яшаганини инобатга олсак, Асҳобнинг афсонавий саркарда билан ё Хоразм, ё Тошкентда танишиб, унга турмушга чиққани ҳамда эри билан ҳамнафас ҳолда жаҳонгашта кишидек яшагани маълум бўлади.

Миркомил Миршаропов ўз даврининг билимдон, маданиятли, хушахлок, хушсухбат ва сергайрат кишила-ридан бўлган. Шунинг учун ҳам у нафақат аскарлар, балки хотин-қизлар ўртасида ҳам катта ҳурмат-эътибор қозонган. Ана шундай ажойиб йигитнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган Асҳоб чакана кизлардан бўлмаган, албатта. У гўзаллиги билангина эмас, айни пайтда, ички маданияти, муомаласи, аёллик жозибалари билан ҳам нозирнинг кўнглини овлаган.

1937-1938 йилларда “халқ душмани” деган тавқи лаънатга учраган таникли кишиларгина эмас, балки уларнинг хотинлари ҳам эрларининг аксилинқилобий миллатчилик фаолиятларини яшириб келганликда айбланиб, қамоққа олиндилар. Бундай уқубатдан Асҳоб Миршаропова ҳам бенасиб қолмади. У 1937 йил 25 ноябрда хибс этилди. Саркардага қўйилган асосий айб унинг 19-тогли отлик ўзбек дивизияси ёрдамида Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаб, Ўзбекистонда мустақил буржуа демократик давлатни барпо этиши бўлгани учун ундан шу масала бўйича кўргазмалар олишга харакат килдилар.

Ўша йилнинг 21 декабрида маҳбуса биринчи маротаба сўроққа чакирилди. У терговчининг сўроқларига аниқ ва лўнда жавоб берар экан, эрининг Акмал Икромов билан яқин муносабатда бўлганинингина айтиб, унинг аксилинқилобий миллатчилик фаолияти тўгрисида ҳеч нарса билмаслигини таъкидлади. Шундан кейинги саволларга берилган жавоблар муайян аҳамиятдан ҳоли бўлмагани учун қуйида сўроқ қайдномасини тўла келтирамиз:

Савол: Миршаропов тогли элатлар бригадасига командирлик қилган пайтда (сўз саркарданинг Шимолий Кавказ ҳарбий округидаги фаолияти ҳақида бормоқда - Н.К.) қайси миллатчилар билан алоқада бўлган?

**Жавоб:** Миршаропов тоғлик әлатлар бригадасида командирлик қилган вактда мен Оржоникидзе шаҳридан “Интурист” меҳмонхонасида у билан атиги тўрт ойгина бирга яшадим ва унинг аксилиинқилобчи миллатчилар билан алоқада бўлгани ҳақида хабар топмадим.

**Савол:** Сиз Миршароповнинг аксилиинқилобий миллатчилик фаолиятини била туриб яширмокдасиз. Тергов сиздан бу масала бўйича ҳакконий кўргазмалар беришни талаб этади.

**Жавоб:** Миршароповнинг аксилиинқилобий миллатчилик фаолияти ҳақида менга ҳеч нарса маълум эмас. Бераётган кўргазмамнинг самимий эканига ишонишин-гизни сўрайман.

Ушбу сўроқдан кейин орадан салкам бир йил ўтгач (бу даврда эри отиб ҳам ташланган), 1938 йил 11 ноябрь куни Асҳоб Миршаропова иккинчи марта сўроққа чакирилди. Агар шу сўроқ пайтида бўлиб ўтган савол-жавобларга эътибор берсангиз, ундан кутилган мақсад сиз учун коронги бўлиб қолади. Бунинг сабаби шундаки, Миркомил Миршаропов шу сўроқдан бир ой аввал - 1938 йил 10 октябрда отиб ташлангани учун маҳбусадан эрининг аксилиинқилобий фаолияти ҳақида яна бирор далил-ашё олишга ҳеч қандай зарурат йўқ, хатто бу иш кип-қизил бемаънилик эди. Агар терговчининг эндиғи мақсади Асҳоб Миршаропованинг ўзини сиёсий масалада айблаш ва унга бирор жазо муддатини бериш, деб ўйласангиз, сўроқ худди аввалгидек бошқа ўзанда кечган ва терговчининг қора нияти ҳали ҳам марҳум саркардага қарши қаратилган. Бинобарин, бу ерда ва кейин ҳам бошқа манфаатларнинг бўлганлиги аниқ сезилиб туради.

Бизнинг мақсадимиз эса, 1937 йил 25 ноябрдан бошлаб Тошкент қамоқхонасига “халк душмани”нинг хотини сифатида олиб келинган аёл тўғрисида нақл қилиш бўлгани учун шу сўроқда руёбга чиққан баъзи бир маълумотларни ўртага ташламоқчимиз.

Эр-хотин Миршароповлар ҳаётининг НКВД учун қизиқарли даври, шубҳасиз, уларнинг Самарқандда кечирган йилларидир. Миркомил Миршаропов ҳарбий академияни тутатгач, 1929 йил 15 июня Самарқандга

академия йўлланмаси билан келиб, ўзбек отлиқ полкининг командири лавозимига тайинланади ва шу лавозимда 1935 йилга қадар хизмат қиласди. НКВД назарида, Ўзбекистондаги аксиликотлабий кучлар худди шу даврда советларга қарши курашибни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган ташкилотлар атрофида бирлашганлар. 19-тоғли отлик дивизия эса, асосан, миллий кадрлардан ташкил топгани учун, НКВД назарида, у аксиликотлабчиликнинг уяси бўлган. Шунинг учун ҳам терговчи Асҳоб Миршароповадан уларнинг Самарқанддаги уйига шу йилларда кимлар келиб тургани билан қизиккан. Асҳоб Миршаропованинг сўзларидан шу нарса маълум бўладики, улар хонадонида, биринчи навбатда, мазкур дивизиянинг Великанов, Соколов, Ястребов, Головацкий, Наримонов, Медведев сингари бошликлари бўлишган. Ҳарбий хизматта алоқасиз бўлган кишилардан эса Самарқанд шаҳар партия ташкилоти котиби Ҳожиметов, ЎзССР соглиқни саклаш халқ комиссари Абдуллаев, санъат ишлари бошкармаси раиси Босит Кориев, ЎзКП(б)МКси котиби Акмал Икромовлар келиб туришган. Бу, шунчалик оддий рўйхат бўлмай, эр ва хотиннинг оиласидан олами ҳакида ҳам тасаввур берувчи хужжатдир. Шубҳасиз, агар ҳарбий хизмат ва куролдош дўстлар Миршаропов учун бир олам-у шахсий ҳаёт иккинчи бир олам бўлганида, дивизиянинг аксари рус бўлган командирлари Миркомил Миршароповнинг уйига танда қўймаган бўлардилар. Бинобарин, Асҳоб Миршаропованинг майший ҳаёти ҳам ҳарбий кишилар даврасида кечган. Агар Миркомил Миршароповнинг адабиёт ва санъат аҳли билан ҳам яқин бўлганини эътиборга олсак, демак, унинг хотини Қизил Армиянинг катта зобитлари билан бирга ўзбек шоирлари ва санъаткорлари муҳитидан-да баҳраманд бўлиб яшаган. У ҳатто Самарқанддан Тошкентга бот-бот келиб турганида Ҳамза театрининг атоқли артисткаси Маъсума Кориеванинг уйида яшаган. Юқоридаги рўйхатдан эса, унинг турмуш ўртоги Босит Кориевнинг ҳам Миршароповлар хонадонига тез-тез ташриф буюриб тургани маълум бўлади.

Миршароповлар хонадонида эр-хотиндан бошқа бирор киши яшамаган. Оила бошлиғи, шунга қарамай, хотини

маиший турмуш ботқогига ботиб қолмасин учун 1935 йили Екатерина Леонидовна Шипицина деган 46 ёшли аёлни уй ходимаси этиб тайинлаган. У Миршаропов Самарқанддан Шимолий Кавказга кетгунига қадар беш ой давомида оила ҳолидан хабар олиб, катта-кичик сирлардан вокиф бўлиб турган. У берган маълумотга кўра, Миршароповлар хонадонига Ўзбекистон Давлат университетининг ўқитувчиси Петриченко, Асҳобнинг холаси Ойша ва яқин таниши Раја Файнштейн мунтазам равишда келиб туришган.

Маълум бўлишича, Миршаропов Самарқандга кўчиб келганидан кейин унинг хотини 2-болалар уйидаги маълум вақт мудир бўлиб хизмат қилган. Файнштейн эса шу вақтда Самарқанд округ маориф бўлимида ишлаган. Болалар уйи округ маориф бўлими қарамогида бўлгани учун Асҳоб билан Раиса тез-тез учрашиб турганлар. Улар ўргасидаги алоқа тобора самимилашиб, у хатто Миршароповлар хонадонига бот-бот келадиган ва хатто ётиб ҳам коладиган бўлган. Бунинг сабаби шундаки, Асҳоб 1931 йили ишдан бўшаб, Ўзбекистон Давлат университетининг геолого-география факультетига ўқишига киради. Тайёргарлиги яхши бўлмагани туфайли ўқиши жараёни Асҳоб учун хийла оғир кечади. У хатто рус тилидан қийналгани сабабли Файнштейн унга ёрдам қўлинини чўзиб, шу баҳона унинг ҳаётига кириб олади. Шу тарзда Асҳоб Оржоникидзе шахрига кўчиб кетгунига қадар унинг оёги Миршароповлар хонадонидан узилмайди. 1935 йил сентябрида эса Асҳоб ўқишини тутатиши учун Самарқандга қайтиб келади ва Раиса 1936 йил майига қадар у билан бирга яшайди.

НКВДга эса худди Файнштейндек ҳамма нарсадан, хусусан Миршароповлар хонадонининг сир-асроридан огоҳ кимсалар керак эди.

Раиса Давидовнанинг 1938 йил 4 март куни берган кўргазмасида бундай маълумотлар ҳам бор.

1932-1933 йиллари, маълумки, собиқ советлар мамлакатида қурғоқчилик туфайли ғалла бўлмаган. Нон - анқонинг уруги. “Олтин-кумуш тош экан, арпа-буғдой ош экан”, деган мақол худди шу йиллари тугилган. Очликдан силласи қуриган одамлар кечалари билан киши совуғига навбатда туриб, уруш-жанжал билан нон сотиб

олганлар. Талабаларга, улар жумласидан, Асҳобга берилган стипендия ва паёқ (курук озуқа) тирикчилик учун етмаган.

1933 йил қиши кунларидан бирида Асҳоб Миршаропова ўқишдан қайтгач, кўча-куйда кўрган шундай даҳшатли манзаралар таъсирида шу ҳақда оғиз очиб, бу халқнинг оғир ахволига ҳеч ким парво қилмаётгани ҳақида ўксиниб сўзлаган.

1934 йили, яна қиши кунларининг бирида, кечкурун Асҳоб университетдан қайтиб, Абдуллаев деган ректорнинг Реве исмли ўқитувчига кун бермаётгани ва уни университетдан сикиб чиқармокчи бўлганини айтади. (Шу воқеадан кўп ўтмай, Реве университетдан троцкийчи сифатида ҳайдалган.) Шу вақт Миркомил Миршаропов баҳсга аралашиб, “Асҳоб, сен ноҳақсан, Абдуллаев яхши ва керакли ходим, уни, аксинча, кўтариш керак”, дейди. (Шундан кейин эр-хотин ўртасида шу масала сабабли келишмовчилик юз бериб, ҳатто қўмондон бир қанча вақт хотини билан сўзлашмай ҳам қўяди.) У бояги баҳсдан кейин хотинига “Қўйсанг-чи, шу гапларни!” дегандек қўл силтаб, ўз хонасига кириб кетади. Қизиб турган ва хали ҳам ғазаб отидан тушмаган Асҳоб эса, эри кириб кетган томонни кўрсатиб, “Улар ҳаммаси-миллатчи!” деб қўяди.

Чамаси, бу Асҳобнинг жаҳл устида айтган сўзларидир. Ҳар ҳолда терговчи Файнштейндан олган маълумотларини Асҳобнинг юзига соганида, у бу сўзларни айтганини мутлақо рад этган.

Шубҳасиз, Миркомил Миршаропов хотини Асҳобни яхши кўриб уйланган. У ўн тўрт йиллик биргаликда кечган ҳаёти давомида хотинини муҳаббат чечаклари билан қуршаб, уни баҳтли-садотли килишга уринган ва ўйлаймизки, бунга эришган. У 1936 йил февралида атайнин Оржоникидзедан Самарқандга келиб, севимли хотинини ўзи билан бирга олиб кетган. Асҳоб эри қалбидаги муҳаббатнинг ана шу эзгу чечаклари қадрига етибгина қолмай, ўзи ҳам севги ва меҳр туйгуларини унинг бошидан сочишга интилган.

1937 йил сентябрида ҳарбий комиссариатнинг даъвати билан Миркомил ва хотини Москвага боради. Барометр собиқ советлар мамлакатига совуқ ва даҳшатли оқимлар

келаётганини кўрсатаётган кунлар эди. Шунинг учун ҳам кўмондон Москва - Ростов поездига ўтирад экан, хотинини аввалгидек қучиб ўпмайди. Асҳоб ҳам унинг мушкул бир ҳолатда эканини сезади. У эри билан сўнгти марта хайрлашаётгандек эди.

Асҳоб Миршаропова қамоқда ётган азобли кунларида шуларни ўйлади. Унинг назарида, эрининг Ростовга кетиши ва кейин ҳар иккисининг қамоққа олиниши билан ҳаёт соати тақ-тақ тўхтагандек эди.

Аммо ҳаёт фақат бир киши учун - атоқли саркарда Миркомил Миршаропов учунгина тўхтаган эди, холос.

Файнштейн дугонаси ҳакида жиндек қалтис маълумот берганига, НКВД “учлик”лари эса кўплаб “халқ душманлари”нинг ўта содда ва гўл хотинларига бир неча йиллик жазо муддатларини берганига қарамай, Асҳоб Миршаропова 1938 йил 16 декабрда айбдорлиги аниқланмагани учун озодликка эришди. Хусусий хужжат ва суратлари унга қайтариб берилди.



## Матлуба Мухамедова

20-йиларда Ўзбекистондан Германия, Туркия сингари мамлакатлар катори Россиянинг турли шахарларидағи олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига ҳам бир қанча йигит ва қизларимиз ўқишга юборилган. Шулардан бири Москвадаги ўзбек ишчи ёшлар факультетида ўқиган Матлуба Мухамедовадир.

У асли фарғоналик бўлиб, 1911 йили ўқимишли оиласда таваллуд топди. Унинг отаси Нурмуҳаммад Даҳамуҳамедов ўз даврининг маърифатпарвар ва хур фикрли кишиларидан бўлгани учун ўғли Фатхулла, қизлари Маҳбуба ва Матлубаларнинг ҳам замонавий билимларни эгаллашига ёрдам берди. Қизларини дастлаб оила даврасида, сўнг янги мактабларга бериб, ўқита бошлади. Матлуба Қўқондаги болалар уйида, кейин Тошкентдаги хотин-қизлар билим ютида таҳсил кўрди. 1927 йилда эса Москвада очилган ўзбек ишчи ёшлар факультетига ўқишга кетди. Матлуба у

ерда яхши ўқиши билангина чекланиб қолмай, билим юртинга ижтимоий-маданий тадбирларида ҳам фаол қатнашди, ўша даврда Москвада яшаб ва ишлаб турган машхур ўзбек зиёлилари Чўлпон, Шокиржон Раҳимий, Абдулҳай Тоғиев ва Ҳамдам Тоғиевлар билан мuloқотдан баҳраманд бўлди, республикамизда чоп этилиб турган китоб, газета ва журналларни тинмай кузатиб борди, Чўлпон ва Абдулла Қодирий каби ёзувчиларнинг асарларидан завқ-шавқ олибгина колмай, ўзи ҳам шеърий машқлар қила бошлади. Унинг бундай машкларидан баъзилари деворий газеталарда босилиб, талабалар ўргасида кизикиш уйготди. Бу машқларда Чўлпоннинг миллий истиқлолга умид ва истибододга нафрат кайфиятидаги шеърлари таъсири кучли бўлиб, улар Москвадаги талабалар шуурига ҳам юқа бошлади. Бундан унинг бу шеърларидан сийсий хато излай бошладилар. Уни билим юрти комсомол ташкилотининг мажлисларида муҳокама қилдилар, шеърларida миллатчилик ва советларга қарши кураш руҳи бор деб, комсомолдан чикардилар, ўқищдан ҳайдадилар. Бугина эмас, бу муҳокамалар оқибатида мазкур ўзбек ишчи ўшларининг билим юрти ҳам ёпиб кўйилди.

Матлуба Москвада қолиб, музика билим юртига ўқишига киради, аммо кўп ўтмай, Тошкентга қайтади ва шу йиллари Ленинграддаги Политехника институтида таълим олиб қайтган Восик Мухамедовга турмушга чиқади. Матлуба кейинроқ Тошкент Давлат Тиббиёт институтига ўқишига киради. Шифокорлик касбини эгаллаб, ҳамشاҳарларининг сиҳат-саломатлиги йўлида хизмат қилишни орзулайди. Аммо унинг бу орзу-умиди мустабид тузумнинг зарбаларига учраб, пора-пора бўлади.

1937 йил декабрида севимли умр йулдоши Восик Мухамедов миллатчиликда айбланиб қамоққа олинди, уйи тинтуб килиниб, Матлубанинг ўзи ҳам сарсон-саргардон бўлиб қолди ва 1937 йил охири 1938 йил бошларида, унинг ўзи ҳам ҳибсга олинди. Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг 1938 йил 17 январда Матлуба Мухамедовани қамоққа олиш хақида чиқарган қарорига қараганда, у шу вақтда Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг 2-курсида ўкиб, 1 Май кўчасидаги 80-йда яшаган.

Унинг қамокда олинишига асос бўлган айбномада айтилишича, гуё “у ҳозир хибса бўлган Германиянинг айтакчиси Саттор Жаббор, аксиликандилобий миллатчи-лардан Чўлпон ва Мухамедовлар билан яқин муносабатда бўлган ва аксиликандилобий шеърлар битиб, уни яширин йўллар билан тарқатиб келган ва ўзига яқин бўлган совет ходимлари ўртасида аксиликандилобий таргибот ва ташвиқот ишларини олиб борган”.

Лекин Матлуба Мухамедова сўроқнинг биринчи кунлариданоқ ўзига қўйилган бу айбларнинг мутлақо асосизлигини айтади. Жумладан, 1938 йил 19 январда (яъни хибсга олинганининг учинчи куни) бўлган дастлабки сўроқ вактида ИИХК бўлимни бошлиги, терговчи Матлубадан қамоқдаги эри Восик Мухамедовнинг ҳалқ душмани сифатидаги фаолияти хақида кўргазма беришни талаб килганида, у мазкур айбнинг тамомила асосизлигини айтиб, бундай жавоб берди:

Савол: Восик Мухамедов ҳалқ душмани сифатида фош этилган. Унинг бу аксиликандилобий фаолияти сизга маълум. Шу хақда кўргазма беринг.

Жавоб: Восик Мухамедовнинг ҳеч қандай аксиликандилобий фаолияти менга маълум эмас.

Савол: Сиз аксилшўровий фаолиятингиз учун қамоқка олингансиз. Шу хақда кўргазма беринг.

Жавоб: Мен ҳеч қандай аксилшўровий фаолият олиб бормаганман”.

Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтгач, Матлуба 1938 йил 21 февраль куни яна терговга чакирилади. Терговчи бу сафар Матлубанинг айблари хақида кўргазма олиш учун уни узоқ дағдагали саволларга тутади. Уни Москвадаги ўқиши пайтида ёзган миллий руҳдаги шеърларидан тортиб, эри Восик Мухамедов ва опаси Маҳбубанинг Германияда ўқиган умр йўлдоши Саттор Жабборларнинг аксилшўровий миллатчилик фаолиятлари учун қамалганликлари-ю, Матлубанинг ушбу кишилар билан яқин муносабатда бўлганлигини юзига солиб, ундан ўз айбини бўйнига олишга талаб этадилар, унинг бу масалаларга оид жавобларини эса терговчилар ўз манфаатларидан келиб чикиб, бундай ўзгартирадилар:

**Савол:** Сизнинг аксиликобий миллатчилик фаолиятингиз нималарда кўринганлигини айтиб беринг.

**Жавоб:** ...Мен 1929 йили Чўлпоннинг ҳали босилмаган каттагина шеърини ўқигач, аксишўровий миллатчилик руҳида бир шеър ёздим. Мазкур шеъримда чоризмнинг ағдарилганига 12 йилча ўтганига қарамай, шу давр ичидагузбек халқи ахволида ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ, Ўзбекистон ҳали ҳам аввалтидай мустамлака шароитидадир, деб ёзган эдим. Шеър ишчилар факультетининг комсомол комитетига маълум бўлиб, талабаларнинг умумий мажлисида муҳокама қилинди. Мазкур мажлисда мен миллатчилик гояларимни химоя қилдим ва бунинг учун комсомолдан ўчирилдим. Шундан кейин мени талабалар сафидан ҳам хайдашди ва мен Тошкентта қайтиб келдим. 1932 йили ҳозирда қамоқда бўлиб, аввал Германияда ўқиган опамнинг эри Саттор Жаббор менга бир немисча журнални бериб, унда менинг 1929 йилда ёзган шеъримнинг немисча таржимада босилганлигини кўрсатган. Шеърга илова тарзида таржимоннинг мақоласи ҳам берилган бўлиб, унда тахминан: “17 ёшли ўзбек қизи Матлуба Муҳамедова ўз шеърида ўзбек халқини Совет ҳукуматига қарши куролли кўзголонга чақиради”, - деб ёзган ва менинг мазкур шеъримда акс этган миллатчилик гояларини мақтаган экан.

Айни пайтда, терговчилар Матлубанинг қамоқдаги эри Восик Муҳамедовдан ҳам унинг ишчилар факультетидаги “гоявий заарли” фаолиятига оид қўшимча айблов кўргазмасини олишга харакат қиласидар.

Терговчилар томонидан турли йўллар билан қўлга киритилган ахборот орасида яна бир маълумот бўлиб, унга кўра, Москвадалик пайтида Маҳбуба ва Матлуба исмли икки талаба қиз Италия элчихонасига бориб, хорижий паспорт олишга эришган. Улар гўё Италияга шикоят ёзишиб, унда Совет ҳукуматини турли миллатларга мансуб ёшларни эзиз, мустамлакачилик сиёсатини юргизишда айблашган экан.

Матлуба Муҳамедова устидан бўлган бундай уйдирма гаплардан сўнг 1938 йил 17 май куни Тошкент вилояти суди коллегияси мажлисига унинг жиноий иши кўриб чиқилди. Мазкур суд мажлисининг баённомасига ёзили-

шича, судланувчи Мухамедова ўз айбини қисмангина тан олиб, бошқа айблар терговчиларнинг “тўқимаси” эканлигини айтган:

“Мен, - деган у ушбу суд мажлисида, - талабалар орасида ҳеч қачон советларга қарши руҳда тарғибот олиб бормаганман. Мен рус қизлари билан хамиша дўст-иноқ бўлганман, улар менинг оғзимдан ҳеч қачон аксилин-килобий сзларни эшитишмаган.

Мен 1927 йили Москвада ўқидим. Шеъримнинг мазмуни хозир аниқ эсимда колмаган бўлса-да, ҳакиқатан ҳам, у яхши эмас эди. Опамнинг эри Германияда бўлган. Эрим 1937 йил 16 декабрда қамалган. Шеърим деворий газетада босилган эди. Саттор Жаббор 1932 йили менга немисча бир журнал бериб, у ерда менинг фамилиям борлигини ва унда шеърим босилганлитини айтди. Бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса айтмадим.

1937 йили акам ҳам қамоққа олинди. У ўша вақтларда курилиш институтининг талабаси эди... Шеърим бўлса, бор-йўги тўрт сатрдангина иборат бўлиб, унда мен дугонам эрининг хибста олиниши ноҳақ бўлганлиги, унинг ҳалол киши ва партия аъзоси бўлиб, ҳеч қандай айби йўқлиги ҳакида сўзлаганман, холос. Лекин шеъримнинг мазмуни кейинчалик қарорда терговчилар томонидан ўзгартириб юборилган.

“Мен ўзимнинг айбимни факат шеър ёзганлигимда, деб хисоблайман. Суддан ёшлигимни хисобга олиб, жазо чорасини енгиллатишларини сўрайман. Мен қамоқ лагерида ҳалол ишлаб, ўз хатоларимни тузатаман”.

Суд хайъати аъзолари айбланувчи Матлуба Мухамедованинг на самимий жавобларини, на соддадиллик билан айтган илтижоларини ва на ёшлигини инобатта олди. У 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди ва 5 йил сайлаш-сайланиш ҳукукидан маҳрум қилинди.

Шундай кейин Матлуба Мухамедова жазо муддатини ўташ учун узок Сибирнинг “Усольский” лагерига жўнатилиди. У ерда ўзига ўхшаган кўплаб бегуноҳ маҳбуслар билан бирга қаҳратон қиши кунларида ўрмонда дарахт кесди, баттол назоратчиларининг маҳбусларга нисбатан кўпол муомалалари ва ҳақоратларини ўз бошидан кечирди.

Матлуба рўй берган адолатсизликларга чидай олмай, ҳақиқатни талаб қилиб, СССР прокуратураси ва бошқа юқори суд органларига мурожаат кила бошлади. Орадан икки йилча вақт ўтгач, 1940 йил 26 февраль СССР Олий Суди жиноий ишлар бўйича суд коллегияси мажлисида Тошкент вилояти судининг 1938 йил 17 майдаги Матлуба Мухамедованинг иши юзасидан чиқарган хукми бекор килинди.

Хўш, унинг қамоқдан кейинги ҳаёти қандай кечди, дерсиз? Биз бу ҳақда маълумот олиш учун унинг опаси Маҳбуба Муҳамедова (1907-1978) нинг ўғли, хозирда меҳнат фахрийси, техника фанлари номзоди Урхон Жабборга мурожаат қилдик. У киши бизга қуйидагиларни хикоя килди:

“Матлуба холам узоқ Сибирдаги қамоқ лагерларидан қайтганларида мен таҳминан 7-8 ёшли бола эдим. У киши сургундан жуда озиб-тўзиб қайтган эдилар. Чунки, холам Сибирда ўрмон кесиш билан шугулланиб, кўп азоб чеккан ва у ердан ҳатто “бошқа Маҳмудова” деб ўзгартирилган фамилия билан қайтган эканлар. Шунга қарамасдан, холам ТошМИдаги ўқишиларини давом эттиришга киришиб, уни уруш йилларида тутатдилар ва Тошкентда шифокор-врач бўлиб ишлай бошладилар.

Урушдан сўнг Воркутадаги қамоқ лагеридан тогам Фатхулла Муҳамедов ҳам қайтиб келди. У 1937 йили Архитектура институтида талабалиги вақтидаёқ қамалиб, 10 йил қамоққа хукм этилган ва ўша ёқларга сургун қилинган эди. Тогам сургундан ўн йиллик оғир иш шароити ва совуқ оқибатида оғир хасталикка чалинган ва бунинг устига, унинг Тошкентда яшашига рухсат берилмай, маънавий эзилганлар. Шундан сўнг тогам ўз шахрига сифмай, Намангандаги кетиб яшаган. Холам тогамнинг кетидан кетиб, Намангандаги врач бўлиб ишлаш билан бирга уларнинг оғир дардларини даволаган, унга ва оиласига моддий ёрдам бериб турган. Тогамнинг Тошкентда яшашига фақат Сталин вафотидан кейингина рухсат берилиб, шундан кейингина у шу срга қайтган. Унгача биз онам билан Матлуба холам ва Фатхулла тогамларнинг аҳволидан хабар олиб туриш учун Намангандаги бориб турганмиз. Холам

Тошкентта келганидан кейин ҳам шифокор бўлиб ишлаб, қекса ота-онасидан, опаси Маҳбуба Мухамедова ва бизларнинг (холамнинг болалари йўқ эди) холимиздан ҳабар олиб турдилар. Чунки, менинг отам, машҳур химик олим Саттор Жаббор ҳам 1937 йилнинг бошларида Германия жосуси сифатида хибсга олинниб, биз, ёш гўдаклар ҳам, моддий ва маънавий кўмакка муҳтоҷ бўлиб қолган эдик.

Шундай қилиб, холам Намангандан қайтганларидан кейин ҳам кўп йиллар мобайнида ўз соҳаларида ишлаб, ҳалқимизнинг сиҳат-саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлдилар. Шуниси кувончилики, у киши хаётлик вактларида Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганини ўз кўзлари билан кўрдилар. Ҳалқимизнинг совет мустамлакачилиги зулмидан кутулгани учун беҳад кувониб, бизларни мустақилликнинг қадрига етишга ва унинг барқарорлиги йўлида тинмай кураш олиб боришга даъват этган эдилар. Ва шу васиятлари илиа у киши 1998 йили Тошкентда оламдан кўз юмдилар”.

Шундай қилиб, Матлуба Мухамедова ва унинг эри таникли ўзбек зиёлиси, Ўзбекистоннинг дастлабки бинокор муҳандисларидан бири бўлган Восиқ Мухамедов ва шу соҳанинг вакили бўлган акаси Фатхулла Мухамедов ҳамда опасининг эри, машҳур ўзбек химик олими Саттор Жабборнинг бегуноҳ қамалиши ва жабрланишлари етмагандай, унинг ўзи ҳам гуноҳсиз қамалиб, бир неча йиллар узок Сибир ўрмонларида оғир меҳнат ва ҳақоратларни бошдан кечирди. Шукрлар бўлсинки, бугунги мустақиллик йилларида улар қатл этилган жойларда зиёратгоҳ барпо этилиб, “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи қад кўтарди ва бу мажмуа тобора кенгайиб, пойтахтимизнинг муқаддас ва табаррук кадамжоларидан бирига айланиб бормоқда.



Зоя Оллоқулова

Зоя Александровна Оллоқулованинг қизлик фамилияси Алексеенко бўлиб, 1914 йили Кубань вилоятининг Ейск шаҳрида темир йўлчи оиласида туғилган. Миллати украин. Унинг отаси Александр Иванович Алексеенко 20-йилларда, фалакнинг гардиши билан Тошкентта кўчиб келган. Зоя бу вақтда эндиғина 10 ёшга тўлган, узун сап-сарик сочлари ўзига ярашган, украинча талафуз билан сўзловчи, қўни-қўшниларнинг ифодаси билан айтсан, қип-қизил “хоҳлушки” эди. У Тошкентта кўчиб келганидан сўнг Янги шаҳардаги кечки мактабда ўқиди.

7-синфдан кейин ўқишни ташлаб, “Осиё-нон” деган корхонага шогирд сифатида ишга кириб, 1931 йили шу ерда ярим йил ишлади. Сўнг яна бир неча корхонада ўз кучини синаб, ниҳоят, 1933 йили бир танишининг тавсияси билан Халқ Комиссарлари Советининг Ишлар бошкармасида хизмат қила бошлади.

Азов денгиз бўйларида тугилган Зоя Халқ Комиссарлари Советида иш бошлаган пайтда Орол ҳавзасидан келган Жуманиёз Оллоқулов исм-шарифли ўзбек йигити ҳам шу даргоҳда хизмат қилмоқда эди.

Жуманиёз Оллоқулов Зоя билан танишиши биланоқ шу кувноқ қўнғироқ овозли украин қизини севиб қолди, унинг ҳатто уч ойча бўлса-да, бошқа киши билан никоҳда яшагани ҳам Жуманиёзни аҳдидан қайтармади. 1934 йил 24 январда Жуманиёз Зояга уйланиб, у билан баҳти турмуш кечира бошлади.

Жуманиёз Оллоқулов 1898 йили Хивада тугилган, бинобарин, Зоядан 16 ёшга катта эди. У Халқ Комиссарлари Советига қишлоқ хўжалиги бўйича референт бўлиб ишга келгунинга қадар мураккаб йўлни босиб ўтди. МХХдаги у қадар ишончли бўлмаган манбаларга кўра, у 1907-1910 йилларда Тўрткўлдаги жадид мактабида таҳсил кўрган. 1910-1915 йилларда рус билим юргида таълим олган. Сўнг 1919-1920 йилларда Тошкентда Ёш хиваликлар инқилобий қўмитасида котиб бўлиб хизмат қилгунинга қадар турли идораларда тажриба ортириди. Унинг 1929 йили Халқ Комиссарлар Советига таклиф этилгунинга қадар кечган фаолияти ҳам ранг-баранг манзараларга эга. Бу манзаралар оша шу нарса кўзга ташланадики, гарчанд у қиска муддатларга бўлса-да, 1920, 1921, 1922 йилларда ГПУ қамоқхоналари билан яқиндан “таниша бошлаган”. Ниҳоят, у 1937 йил 11 июль куни Файзулла Хўжаевнинг яқин кишиларидан бири сифатида қамоққа олиниб, 1938 йил 7 январда Тошкентда отиб ташланган, шахсан унга тегишли мол-мулк эса мусодара этилган.

Ж.Оллоқуловнинг қамалиши тасодифий эмас. У қайси тузумда яшаётганини ўйлаб-нетмай, қўнглидагини гапирадиган кишилардан бўлган. Чунончи, у 1935 йили Халқ Комиссарлари Совети кутубхонасида янги газеталарни ўқиб туриб, Куйбишевнинг ўлгани тўғрисидаги хабарга кўзи тушиши билан бундай деган: “Куйбишев қонхўр киши эди. У Ўзбекистонга пахта терими пайтида келганида қанчадан-қанча кишиларни шахсан ўзи отиб ташлаган!”

Хоразмлик мард йигитнинг бундай гаплари пировардиди ўзининг бошига етди.

У қамоқقا олингандан сўнг кўп ўтмай, 1937 йил 23 октябрда хотини Зоя Александровна ҳам хибланди. Бу пайтда баҳтиёр келин-кўёвнинг биринчи фарзанди Элла эндиғина икки ярим ёшга тўлган эди. Шу куни Пушкин кўчасидаги 40-ўйда бўлиб ўтган тинтувда Зоянинг 18 номдан, Элланинг эса 9 номдан иборат шахсий буюмлари рўйхатта олиниб, уларнинг бири Зоя билан бирга Тошкент турмасига, иккинчиси эса икки ярим ёшлик гўдак билан бирга Сапёрлар кўчасидаги болалар уйига топширилди. Оллоқуловлар оиласи яшаган уй эса муҳрланиб, давлат фойдасига мусодара килинди.

Жуманиёз Оллоқуловни чекистлар олиб кетишаётганда у хотинига қараб, “Зоинъка, Совет давлати олдида менинг хеч бир гуноҳим йўқ. Ҳадемай қайтиб келаман”, деди. Аммо Зоя Александровна биринчи тергов пайтидаёқ эрининг 1920-1921 йилларда аксиликлобий фаолияти учун икки марта қамоқقا олингани, 1922 йили эса “Миллий иттиход” ташкилоти Хива бўлимининг раҳбари сифатида инклибий трибунал томонидан 5 йилга кесилганини эшитди. У ётган камерада эса Файзулла Хўжаевнинг онаси ҳам бўлиб, у кизи Вилоят билан бир тан, бир жон бўлиб яшарди. Кунларнинг бирида Райхон аянинг бағридан кизини тортиб олиб, уни бошқа ерга юбормоқчи бўлишди. Шунда бечора она шундай фарёд кўтардики, камерада она-бала билан қўшилиб йигламаган одам қолмади. Зоя Александровна шундай даҳшатли хақиқатларни кўриб, эрининг бу дўзахдан омон чиқиши мумкин эмаслигини тушунди.

Жуманиёз рус билим юртида ўқигани ва рус тилини билгани учун бўш вақтларида рус ва Ғарбий Европа ёзувчилари асаларини ўқир, шундай фазилат унинг хотинига ҳам бегона эмас эди. Эр-хотин ўзларининг тўнгич фарзандларини кутгандарида, агар ўтил туғилса, Жуманиёз унга Искандар деб ном қўймоқчи бўлган. Борди-ю киз туғилса, унга исм бериш хукуки, оиласи келишувга кўра, онанинг қўлида эди. Шунинг учун ҳам 1935 йил 14 апрель куни Зоя киз кўрганида қайсиидир француз адабининг каҳрамони шарафига уни Элла деб атади. Элла, Эллочка оиланинг ширин бир эрмаги бўлган пайтда ота-

она қамоққа тушган, қизалоқнинг ўзи болалар боғчаси деб аталган жажжи қамоқда сақланмокда эди.

Шу кезлари “халқ душманлари”дан туғилган ўнлаб гүдаклар, Эллочка сингари, болалар боғчасида ота-оналаридан айри яшаб, турли касалликларга чалинмокда ва ўлмокда эдилар. Шунинг учун ҳам Александр Иванович хотини билан бирга боғчани навбатма-навбат пойлашиб, Эллочкани бошқа жойга кўчиришаётгани ё қўчирмаётганларидан огох бўлиб туришиди. Кунларнинг бирида 1937 йилнинг ёвуз каҳрамонларидан бири Вишинский Тошкентга келгандা, унинг кўнглини топиб, набиралирини ўз бағирларига қайтариб олишиди.

Жуманиёз билан Зоянинг никоҳ нури остида кечган қиска хаётида, сўзсиз, баланд-паст ҳодисалар, гап-сўзлар ҳам ўтган бўлиши табиий. Аммо Зоянинг хотирасида эри ишқ-мухаббатнинг олижаноб тимсоли сифатида бир умрга қолди. Унинг хотинига бўлган муносабатида ўзгача бир назокат бор эдики, Зоя шу назокат жилваларини хотирлаш билан қамоқдаги даҳшатли йилларни бошидан кечирди. Унинг романслардан иборат репертуарида қайгуилари ҳам, шўҳроқлари ҳам бўлгани учун камерада - вазиятга қараб - гоҳ у, гоҳ бу рангдаги, оҳангдаги кўшиқларни айтиб, ҳамсояларига яшаш учун куч бағишлаб турди. Унинг ҳамсоялари орасида эса машхур кишиларнинг хотинлари, шу жумладан, бир умрга дугона тутингани Элмира Исломова ҳам бўлган.

Хуллас, дастлабки сўроқ пайтида терговчи Шевчук унинг Оллоқулов билан танишиши ва унга турмушга чиқиши тарихи билан қизикди. Сўнг унинг 1921 йилдан бери “Мишлий иттиход” аксилинкилобий ташкилоти Хива бўлимининг раҳбари эканлигини айтиб, ундан шу ҳақда кўргазма беришни талаб этди. Зоя Александрова учун эри аввало ошиқ бир йигит, колаверса, оила бошлиги, қизининг отаси эди. Шунинг учун ҳам у эрининг аксилинкилобий фаолиятидан тамомила бехабарлигини айтди. Шундан кейин терговчи улар хонадонига кимларнинг келиб-кетиб юрганини билмоқчи булди.

Жуманиёз Оллоқулов хизмат юзасидан бир қанча кишилар билан алоқада бўлган. Шулар орасида ҳамюрти

Давлат Ризаев ҳам бўлган. Жуманиёз Давлат билан гоҳ унинг, гоҳ ўзининг уйида учрашиб-кўришиб турган. Унинг сухбатдошлари, улфатлари орасида Госплан ходими Раҳим Мирзаев, ер ишлари ҳалқ комиссари Болтаев, “Узсувқурилиш” директори Оташев, Ҳамза театри режиссёри Витт сингари хилма-хил соҳаларнинг вакиллари бўлишган. Буларнинг бир қисми ўша йили қамоққа олинган.

Ж.Оллоқулов қамалгач, газеталарда унинг “ҳалқ душмани” бўлганлигини “фош этувчи” мақолалар кетмакет чиқди. Кўни-кўшнилар Зояни “ҳалқ душмани”нинг хотини, деб ҳақоратлайдиган бўлишди. Шундан кейин Зоя эридан ажralиш ҳақида ариза ёзиб, уни 1937 йил 14 сентябрда, қамалиши арафасида, Куйбишев тумани ЗАГСига берди. Эҳтимол, шу хатти-харакати учун ҳам унинг қисмати бошқаларга қараганда анчагина енгил кўчди: уни ортиқча қийнашмади.

Кунларнинг бирида Ж.Оллоқуловга қамоқхонааро хизмат килиб юрувчи кимсалардан бири хотини Зояни кўрганини айтади. Жуманиёз ҳеч бир гунохи бўлмаган, ҳатто қизи туғилганидан кейин ишдан ҳам озод бўлган хотинининг қамоққа олинганига ишонмади. Шундан кейин бояги кимса Зояни навбатдаги “сайр” пайтида учратиб, ундан эри учун бирор далил-ащё беришини сўрайди. Зоя унга бошидаги қизил дуррани ечиб беради. Жуманиёз бу дуррани олганидан сўнг нафакат хотинининг камалгани, балки мамлакатда катта қирғин кетаётгани, шу қирғиндан ўзининг ҳам омон чиқа олмаслигига ишонч ҳосил қиласди.

Ким билади, балки бу дурра Ж.Оллоқуловнинг иродасини синдириш, таслим бўлиши учун НКВД ходимлари томонидан қилинган кичик “операция”дир. Агар шундай бўлса, у ҳолда бу ходимлар биз билмаган ва билишимиз маҳол бўлган бошқа ютуқларга ҳам эришган бўлишлари аниқ.

Зоя Александровна эрининг аксиликлобий фаолиятидан мутлако хабарсизлигини қайта-қайта тақрорлаганига ва ҳатто ундан ажralиш ҳақида ариза ёзганига қарамай, 5 йилга меҳнат посёлкасида ишлашга хукм қилинди. Ва у 1938 йил майида Бекобод туманидаги Сретенский кишлогига яшаш ва ишлаш учун юборилди. Шу орада ўзи

ва онаси озод этишларини сўраб, турли идсраларга ариза ёзди. Нихоят, 1939 йил 21 апрель куни Зоя Александровна меҳнат посёлкасидан озод этилиб, ота-онасининг Карл Маркс кўчасидаги 67-рақамли уйида яшай бошлади. Шахсан унга тегишли мол-мулк қайтариб берилди.

Орадан кўп ўтмай, Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, уруш суронлари Ўзбекистонга қадар етиб келди. Бошка шаҳарликлар қатори, Зоя Александровна ҳам оғир иқтисодий ахволда қолди. Шунда Сретенский қишлоғидаги кенгмўл срлар ёдига тушди-да, онаси ва қизи билан бирга ўша ерга жўнади. Қишлоққа сургун қилинган таниш эсер аёллар ҳали ҳам шу ерда яшашмокда эди. У қишлоққа бориши билан собиқ маҳбуса дугоналари уни қувонч билан кутиб олдилар. Ҳатто унга қанчадир ер берилиб, у бу ерга мөш, лавлаги ва ҳатто бугдой ҳам экди. Қизи Эллочкани ўзбек тилидаги қишлоқ мактабининг 1-синфига ўқишга берди. Урушнинг этаги кўринган 1944 йили эса Зоя Александровна қишлоқдан, собиқ сургунгоҳдан оиласи билан қайтади ва энди қизини рус мактабига ўқишга беради.

У Тошкентга қайтгач, эрининг қариндош-уруглари билан яқинлашмокчи бўлди. Аммо “халқ душмани”нинг хотини билан алоқада бўлиш улар учун ҳам хавфли эди. Шу сабабдан улар на Зоя Александровнага, на Эллага рўйхушлик бердилар.

50-йиллар ҳам келиб, замон ўзгарди. Миллионлаб кишиларнинг қатагон этилгани Сталиннинг, Совет давлатининг, партиянинг катта хатоси сифатида эътироф этилди. Қамоқ ва лагерлардан катагон курбонлари қайтиб кела бошлади. Шундай кунларда отасининг омон-эсон қайтиб келишига ишонган Элла яшайдган кўча деворларига “Аллақулов”, “Аллақулов”, “Аллақулов”, деб ёзиб чиқди. Унинг мурғак назарида, бу сўзларга кўзи тушган Жуманиёз Оллоскулов ўз оиласини осон-гаров топа олар эди. Лекин у, Элла қанча кутса ҳам, қайтиб келмади. У аллақачон она тупрокнинг бир парчасига айланган эди.

Шу йиллари бўлса керак Зоя Александровна эрининг тақдири билан қизикиб, тегишли идорага мурожаат қилди. Буни қарантки, уни 1937 йили сўрқ қилган ва эрининг

“халқ душмани” эканлигини тасдиқловчи қўргазма беришни талаб этган киши қабул қилиб, унга Жуманиёз Оллоқуловнинг ноҳақ қамоққа олингани ва оқланганини эълон қилди.

Орадан бир неча йил ўтгач, Элла турмуш қуриб, ўтил кўрди ва уни Искандар деб атади. Бу ном ҳам унинг азиз отаси хотирасига бўлган чексиз ҳурматининг бир белгиси эди.

1996 йилнинг 27 апрелида Зоя Александровна Оллоқурова бу телба дунёни тарк этиб, эри Жуманиёз Оллоқуловнинг абадият оламига қанот қоқиб учди.



## Гулсум Раҳимова-Ашрафий

20-йилларнинг бошларида Туркистон ва Бухоро жумхуриятлари раҳбарлари, шунингдек “Кўмак” уюшмаси ёрдамида Германияга ўқишга юборилган 70 та яқин ўзбек ёшлари орасида бир неча қозоқ, тожик, татар йигит ва қизлари ҳам бор эди. Шулардан бири татар қизи Гулсум Раҳимова-Ашрафийдир.

Гулсум опа 1902 йили Қозогистоннинг Оқмулла вилояти Ўтбосар шаҳрида таваллуд топиб, то 1913 йилга қадар ўша ерда ўқиган. Отаси Каюм бобо Раҳимов кейинчалик турмуш тақозоси билан Туркияга кўчиб борган. Гулсум опа ҳам 1918 йилгача ўша ерда таҳсил олишга уринди. Лекин Туркиядаги таълим тизими шифокор бўлишни орзу қилган Гулсум опани унча қаноатлантирумади. Шу орада имкон топилиб, у 1918 йили Германияга ўқишга борди. Бунга шу йилларда Россия мусулмон ҳарбий асиirlари қаторида Туркияга келиб қолган Олимжон Идрисийнинг унинг отаси билан аввалдан таниш бўлганлиги ва Гулсум опанинг орзусидан хабардор бўлганлиги сабаб бўлди.

Бу хақда Гулсум опанинг ўзи шундай хикоя қиласи: “1918 йил куз ойларида уйимизга Идрисий, Бадри Сайфулмулуков<sup>1</sup> ва доктор Барий келишди. Улар билан бўлган сұхбат чогида мен Туркияда аёллар учун олий маълумот олиш йўлидаги қийинчиликлардан зорланиб, шифокор бўлиш истагим борлигини айтдим. Идрисий бунга жавобан мени Берлинга юборишга ва хоҳишим бўйича ҳар қандай ўқув юртига жойлаштиришга ваъда берди. Бунинг устига, Берлингача боришининг қийин эмаслиги, у билан Берлинга Исмоил Акчурин ҳам кетаётганинги, улар билан бирга боришим мумкинлигини айтди. Мен бу таклифни қабул этиб, 1918 йилда синглим (Руқия Раҳимова - Ш.Т.) ва Исмоил Акчурин билан бирга Германияга (Берлинга) бордим”.

Шундан сўнг Гулсум опа синглиси Руқия билан шаҳардаги бошланғич мактаблардан бирининг ўқув пансионатига ўрнашиб, ўша ерда яшаш билан бирга Дрездендаги қизлар гимназиясига кириб, ўқий бошлади. 1922 йилдан сўнг улар Бухоро Ҳалқ Республикаси таъминотига ўтиб, 1925 йилгача унинг хисобидан шу гимназияни битирдилар. Гулсум опа ўқишининг анча чўзилганига сабаб эса, унинг ўқиш давридаги бальзи бир моддий қийинчиликлари эди. Шу сабабдан у ҳатто орада Финляндияга ҳам кетиб, у ердаги татар ёшлари мактабида бир муддат дарс ҳам берди. Ўзи ва синглиси Руқиянинг ўқишилари учун имкон ҳозирлади. Унга шу даврда Финляндияда яшаб, савдо иши билан шуғулланиб юрган тошкентлик Ҳасан Назаров деган ўзбек йигити яқиндан ёрдам кўрсатди. Хуллас, у Германиядаги ўқишини тутатгач, Ўзбекистонга

<sup>1</sup> Бадри Сайфулмулуков миллати татар бўлиб, 1890 йилда Казалинский шаҳрида таваллуд топган. 1914-1917 йилларда Туркиянинг Константинополь шаҳрида яшаган. 1915 йили у ердан Берлинга бориб, француз ва турк тилларидан дарс берган. 1916-1925 йилларда Берлин университети шарқ факультетида турк ва араб тиллари бўйича магистр бўлган. 1925 йилда Ўрга Осиё Давлат университети таклифига биноан Тошкенттага келиб, у ерда маърузалар ўқиган. 1926-1927 йилларда Тошкентнинг Эски шаҳарила тиши лаволаш лабораторияси мудири бўлган. 1929 йил ноябрда Германиянинг жосуси деган айб билан қатаёнга учраган. 1930 йил майда Ўрга Осиё Давлат сиёсий бошқармаси суд коллегияси карори билан 5 йилга қамалган ва 1936 йилда камоқда ўлган. 1956 йили оқланган.

муайян назарий билим ва амалий педагогик тажрибага эга бўлиб қайтди.

Бу хакда Гулсум опа шундай хотирлайди:

“Мен Германияда бальзи бир танаффуслар билан 1918-1925 йилларда ўқидим. Шу вактлар орасида тахминан икки йилча Финляндиянинг Ильинский шаҳрида педагогик ҳам қилдим. У срда 1923-24 йилларда татар мактабларида дарс бердим. Менинг Финляндиядаги педагогик ишларга ўтишимга ўша вактларда Финляндияда яшаб, 1923 йилда у ердан Берлинга савдо иши билан келган Ҳасан Назаровнинг ёрдами катта. Ҳасан Назаров асли тошкентлик ўзбеклардан бўлиб, у 1923-1924 йилларда Финляндиядан СССРга қайтиб, у ердан тошкентлик хотини - ўзбек аёли ва 7-8 ёшли ўглини бу ерга олиб қайтган эди”.

Гулсум опа Дрезден кизлар гимназиясида ўқиётган даврда Туркистон ва Бухородан борган ўзбек, қозоқ, татар ёшлари билан бирга ўқишда, маданий ва маърифий ишларда фаол иштирок этади. Айниқса, Берлин университети биология факультетида ўқиётган тошкентлик ўзбек қизи Саида Шерахмедова, мазкур университетнинг туркийшунослик бўлимида таҳсил олаётган машҳур татар ёзувчиси Аёз Исҳоқийнинг қизи Саодат Исҳокова, Дармштат кизлар гимназиясида ўқиётган тошкентлик Хайринисо Мажидхонова, хиҷалик Марям Султонмуродова ва бошқалар билан яқин алоқада бўлиб, немисларнинг илгор фан-ютуқлари, маориф тажрибалари, тили ва адабиётини пухта ўрганади. Гёте, Шиллер каби дунёга машҳур шоир ва драматургларнинг асарларини бевосита оригиналда ўқиб, улардан баҳраманд бўлади. Уларнинг бу даврдаги ўқищдаги ютуқлари ҳақида мазкур йилларда Германияда ўқиб, кейинчалик Ўзбекистонда машҳур химик олим бўлиб стишган Саттор Жаббор ҳам қувонч билан ёзган:

“Орамизда Марямхон, Хайринисо, Саидахон отлик ўқиши учун мамлакатимиздаги тўсиқларга қарши Оврупога отланган фидойи қизларимиз ҳам бор. Уларнинг ўқишилари яхши. Бухоро таъминотидаги татар қизларидан Рукия ва Гулсум опалар Дрезден кизлар гимназиясидадир. Ёш ўртоқларимиз Кусин гимназиясида бирга туарлар. Ўз тилларини йўқотиб юбормасликлари учун ёнларида

туркийча муаллимлари-да бор. Ишларида, руҳларидан янгиликлар кўринган ёш гимназистикаларимиздан умид кўпдир” (Эртой. “Германияда Ўрта Осиё талабаларининг 2-йили”, “Туркистон” газетаси, 1924 йил 2 сентябрь).

Гулсум опа 1925 йили Дрезден қизлар гимназиясини муваффакиятли битириб, катта умидлар билан Ўзбекистонга келади. Хориждаги ўқиши давомида моддий кийинчиликлар ва меҳнат фаолияти билан анча чарчагани учун у дастлаб ўша вакътларда ота-оналари яшаб турган Кримнинг Богчасарой туман Яқчи кишлогида икки ойча туриб, бир оз хордик олади. Сўнг Тошкентга келиб, у ерда унинг отаси билан таниш бўлган, 1916-1925 йилларда Германияда яшаган, кейин Ўзбекистонга келган Бадрий Сайфулмулуковнинг уйида бир неча кун меҳмон бўлади. Кейин эса Бухоро ва Самарқандга кетади, у ерларда бирмунча вакът ўзбек, тожик, татар ёшлиари мактабларида немис ва рус тилларидан дарс беради, Германияда олган илғор педагогик тажрибаларини ишга солиб, маҳаллий ёшларни Европа адабиёти, тили билан бевосита таништиришга харакат киласди.

Шу йилларда Ўзбекистоннинг пойтахти бўлган Самарқандда педакадемия очилиб, у ерга республиканинг турли ерларидан атоқли олим, шоир ва ёзувчилар йигила бошлаган эди. Гулсум опа шу зиёлилар билан дўстлашиб, улардан бирига - мазкур дорилфунун педагогика факультетининг талабаси Ҳайдар Ашрафийга турмушга чиқади. Ҳайдар ака кейинчалик Ўзбекистон Давлат университетининг аспирантурасида ўқииди ва 1934 йили оиласи билан Тошкентга кўчиб келади ва бу ерда республика Халқ маориф комиссарлиги қошидаги маориф кадрлари малакасини ошириш институтининг ўқув бўлимида ишлай бошлайди. Гулсум опа ўғиллари Тўлқин, Учкун ҳамда эри билан бирга Тошкентдаги ҳозирги Шелковичная кўчасининг 39-уйида яшай бошлайди.

Опа шу ердан кўп узоқ бўлмаган мактаблардан бирида немис тили ва адабиётидан дарс бериб, кечқурунлари шаҳардаги Чет тиллар педагогика институтининг немис тили факультетида ўқий бошлайди. У шу вакътда эри туфайли маориф ходимлари малакасини ошириш институти

директори Назир Иноятий, кечки пединститут декани Арслон қори Валиев, Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари Бахшулла Хўжаев, шу институт илмий ишлар мудири Имомхон Ҳусанхўжаев, машҳур профессор Фиграт, Санъат ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Босит Қориев ва бошқалар билан яқиндан танишди. Ҳайдар Ашрафийнинг уйида бўлган вақтларида Гулсум уларни катта ҳурмат ва эъзоз билан кутиб, уларга самимий меҳмоннавозлик кўрсатган, уларнинг маориф, маданият ҳақидаги қизикарли сухбатларини марок билан тинглаган, айримларнинг эса, жумладан, Арслон қори Валиевнинг рафиқаси - таникли шоира ва маорифчи Хосият Тиллахонова, Босит Қориевнинг умр йулдоши - ўзбек театрининг таникли арбобларидан бири Майсумаҳон Қорисвалар билан яқиндан танишиб, уларнинг нафис сухбатларидан баҳраманд бўлган, улар орқали ўзбек адабиётининг нодир намуналари билан таниша бошлаган, ўз навбатида, унинг ўзи ҳам уларга немис тили ва адабиёти ҳакида қизикарли маълумотлар берib борган.

У Тошкентда таникли ўзбек зиёлилари даврасида яшар экан, ўзбек ёшларини немис тили ва адабиёти, хусусан Гёте, Шиллер асарлари билан таништиришни ўзининг виждан бурчи, деб билган.

Янги 1937 йилнинг дастлабки 4-5 куни ўтар-ўтмас, у терговга чакирилади ва ўша йилнинг 6 январь куни бўлиб ўтган терговда терговчининг тухматнамо саволларига дадил рад жавобини берди.

Савол: Германияда бўлган вақтингизда Германиядаги Туркистон талабалари жамиятига аъзо бўлганмисиз?

Жавоб: Германияда бўлган вақтимда ҳеч қандай ижтимоий ташкилотга аъзо бўлмаганман.

Савол: Терговга шу нарса маълумки, сиз Германиядан Финляндияга борганингизда Олимжон Идрисийдан маҳсус топшириқ олгансиз. Ана шу топшириқ ҳакида гапириб беринг.

Жавоб: Йўқ, мен Олимжон Идрисийдан ҳеч қандай топшириқ олмаганман. Мен Олимжон Идрисийдан топшириқ олиш у ёқда турсин, у билан ҳатто душманлик даражасида ёмон муносабатда бўлганман. Чунки, у менинг

ҳам, синглим Рукияниң ҳам стипендияларини қирқиб, бизнинг ўқишлошимизга катта тўсиклар яратади башлаган.

**Савол:** Терговга яна шу нарса маълумки, синглингиз Рукия Берлиндан Финляндияга, сизнинг олдингизга келганда у ерга Идрисийдан миллатчилик руҳидаги хат ва асарлар олиб борган, ўша миллатчилик руҳидаги хат ва адабиётларни кимга берганлигини айтиб беринг.

**Жавоб:** Йўқ бу туҳмат гап. Рукия менинг олдимга (Финляндияга) борганида менинг таклифим билан ва хисобим эвазига борган эди. У Идрисийдан ҳеч қандай маҳсус топширик олмаган ва олиши ҳам мумкин эмас эди.

Гулсум Раҳимованинг бундай дадил, мантикий раддиялари терговчини анча шошириб кўяди. Шундан сўнг улар сохта гувоҳлар топиб, Гулсум опага қарши қўшимча кўргазмалар тўплай бошлайдилар. Ва шулар асосида 1937 йил 18 июлда Тошкент шаҳар, Шелковичная кўчасининг 39-хонадонидаги Гулсум опа Раҳимова-Ашрафий уйи тинтуб килиниб, у қамоққа олинади. Бу ҳақдаги айбнома эса Гулсум опа қамалганидан сўнг икки ҳафтача кейин (яъни 1937 йил 1 август куни) тўқилиб, унда опанинг Германияда ўқиган вақтларида аксилинқилобий айғокчилик ташкилоти “Озод Туркистон”га аъзо бўлган, унинг топшириги билан СССРга келиб, совет мамлакати ҳақида жосуслик материаллари тўплаб, Берлиндаги “Озод Туркистон” ташкилотига юбормоқчи бўлган, деган тухматона айб ёзилади.

Бу ҳам етмагандай, орадан икки ой ўтар-ўтмас, 1937 йил 13 сентябрда унинг эри, Тошкент олий педагогика билим маскани ўқитувчisi Ҳайдар Ашрафий ҳам қамалади. Шундай килиб, Гулсум опа ҳам, эри - Ҳайдар Ашрафий ҳам дамба-дам сўрекқа чақирилиб турилади. 1937 йил 26 сентябрда Ҳайдар Ашрафийдан хотини Гулсум Раҳимованинг қандай аксилинқилобий ишлар олиб борганлиги сўралади:

**Савол:** Хотинингиз Гулсум Раҳимова қандай аксилинқилобий ишлар олиб борган?

**Жавоб:** Хотинимнинг аксилинқилобий ишлари ҳақида ҳеч нарса билмайман.

Терговчи Ҳайдар Ашрафийни 1937 йил 17 ноябрда

яна сўрокка чакириб, ундан хотинингиз Гулсум Раҳимованинг Германияда ўқиган вақтларида аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси сифатида Олимжон Идрисий билан алоқада бўлғанлиги Сизга маълум эдими?” деб яна сурайди. Хайдар Ашрафий эса бу нарсани мутлақо билмаслиги, хотини Германияда ўқиган йилларда Олимжон Идрисийнинг хатто унга катта тўсқинлик ҳам кўрсатганлигини айтади.

Гулсум Раҳимова қамалгунига қадар юрак хасталигига дучор бўлган эди. Шунга қарамасдан, у қарийб бир йилдан ортиқ НКВД қамоқхонасидағи тергов ва сўроқ азбларига чидали. Ва охири кийноклар остидаги эътирофи асосида СССР Олий Суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 4-15 октябрдаги сайёр сессияси ҳукми билан аксилинқилобий “Озод Туркистон” ташкилотининг аъзоси ва Германиянинг жосуси сифатида олий жазо - отувга ҳукм қилинди. Ва 1937 йил октябрда Германияда ўқиб қайтган дўстлари Саттор Жаббор, Тўлаган Мўмин, Хайринисо Мажидхонова ва бошқалар қатори шахид этилди.

Гулсум опанинг кексайиб қолган ота-онаси, айниқса, касалманд отаси Қаюм бобо Раҳимов, ёш фарзандлари Учқун, Тўлқинлар моддий ва маънавий химоясиз қолиб, оғир кийинчиликларни бошдан кечирдилар. Бу ҳам етмагандай, улар “халқ душманлари ва жосусларнинг қариндош-уруглари деган кора тамга остида сарсон-саргардон бўлдилар. Қизининг ноҳақ қамалганидан изтиробда бўлган Қаюм ота 1940 йил бошларида СССР прокуратурасига ариза бериб, гуноҳсиз қизининг тақдирини сўради, ўзининг қариб, невараларининг эса қўчада қолганлигини айтди, иложи бўлса, қизини оқлашга ёрдам беришларини сўради. Ҳарбий прокурор ёрдамчиси эса, 1940 йил 4 апрелдаги “хуроса” бўйича СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 9 октябрдаги отув ҳақидаги ҳукми ўз кучида қолдирилганлигини хабар қилди.

Биз Гулсум опанинг авлод-аждоди билан қизиқиб, унинг яқин кишиларидан бири, таникли шоир ва журналист Раим Фарҳодий билан сухбатлашдик. Раим Фарҳодийнинг айтишига қараганда, унинг онаси Мунжия

Рахимова Гулсум опанинг энг кичик синглиси бўлган.

“Онамнинг айтишларига қараганда, - дейди Раим Фарходий, - Гулсум Раҳимова ва унинг эри - таникли ўзбек зиёлиси Ҳайдар Ашрафий қамалгач, бобом - Каюм бобо Раҳимов кексайиб қолганига қарамай, унинг ёш гўдакларини ўзи яшаб турган уйга - Бухоро вилоятидаги қишлоққа олиб кетган ва у ерда ўқитиб, тарбиялаган. Бунинг устига, ўша вактларда Москвадаги Тожикистон ваколатхонасида хизмат қилган Иссохўжаев ва унинг рафиқаси кичик холам Руқия Раҳимова ҳам немис айгоқчиси деган тухмат билан қамалганлар. Гулсум холамнинг оиласига ҳам, Руқия холамнинг бола-чақаларига ҳам кейинчалик Самарқанд Давлат Тиббиёт институтида кафедра мудири бўлиб ишлаган отам Ҳаким Фарходий (бобом таникли зиёли Абдураҳмон Фарходий ҳам бу даврда қатагон қурбони бўлган) ва шу институт доценти онам Мунжия Раҳимовалар моддий ва маънавий кўмак бериб турганлар. Болалар кейинчалик улар кўмагида ўсиб-улгайиб, муайян касб эгалари бўлганлар. Гулсум холамнинг ўғли Тўлкин Раҳимов нафақага чиққунига қадар Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида дарс берган, у ердаги таникли олимлардан бири бўлиб, кўплаб шогирдлар етиштирган. Хозир у Уфа шаҳрида яшайди.

Қаюм бобом кизлари Гулсум ва Руқияларнинг оқла-ниш кунларини кўролмай, 1953 йили оламдан ўтганлар. Лекин у ўз кизларининг гуноҳсиз эканликларини билган ва бу гапни кўркмасдан айтиб юрган. Онамнинг айтишларига қараганда, 1953 йил мартауда, Сталин вафотидан кейин, бобом ўз болалари ва набираларини йигиб, “Ер юзидағи энг ёвуз кишидан ва кўпгина халқлар бошига бало бўлган бу жаллоддан кутулганимиздан кейин энди тинчгина кўзимни юмаман”, - деган ва ўша кунлардан кўп ўтмай, барча қариндошлари ва яқин кўшниларини чакириб, бирга овқатланган. Кечки намозини ўқиб, тўшакка киргач, икки кўлини кўксига кўйиб, дунёдан кўз юмган.

Шукрлар бўлсинки, эркимиз ва баҳтимиз қарор топди. Мустақилликка эришганимиз туфайли ўтмишда бегуноҳ қамалган - қатли омга учраган кўплаб аждодларимиз қатори марҳум холам Гулсум Раҳимова ва унинг умр

йўлдоши Ҳайдар Ашрафийлар ҳам оқланди. Улар қатл этилган Юнусобод туманида Президентимиз Фармойиши билан “Шаҳидлар хотираси” зиёратгохи яратилди. Мен ҳам уни бир неча бор зиёрат қилиб қайтдим, ҳар иккала холам руҳига тиловат қилдим”.

## Сабоҳат Раҳматова

1937-1938 йилларда қатағон гирдобига тортилган аёллар - оддий уй бекалари оз эмас. Улар Совет давлати олдида тарикдек гуноҳлари бўлмагани учун ҳам 1939 йилнинг биринчи ярмида суд қилинмай, қамоқхонадан чиқариб юборилган. Улар, оз бўлса-да, бирор муддатга кесилмаганлари учун қатағон қурбони саналмайди. Аммо улар 1937 йилнинг ёзидан 1939 йилнинг ёзигача - 2 ярим-3 йил қамоқда ит азобида яшаганлар. Эрларининг “аксил-инқилобий миллатчилик фаолияти”ни НКВДдан яшириб келганликда, бинобарин, уларнинг “халқ душмани” сифатидаги фаолиятига шерик бўлганлиқда айбланиб, не-не зулмларни кўрмадилар, бу баҳти қаро аёллар!

Сабоҳат ая - ана шундай жабрдийда аёллардан бири. Унинг фамилияси Раҳматова бўлиб, 1897 йили Андижонда туғилган. У 1914 йили фаргоналик Шомансур Алихўжаевга турмушга чиққанидан кейин ҳам ўз фамилиясида қолган.

Шомансур Алихўжаев 1887 йили Фарғонада имом оиласида дунёга келган. 1917 йилга қадар бир мунча вақт миршаб бўлиб хизмат қилган. Февраль инқилобидан кейин “Шўрои ислом” ташкилотига аъзо бўлиб кирган. 1917 йил октябрида, Кўқонда Туркистон Мухторият ҳукумати эълон қилинган кунларда эса у мухториятнинг ҳарбий отрядлари аъзоси сифатида ёш Совет давлатига қарши курашган. Шу туфайли Шомансур aka 1919 йилда ҳарбий трибунал қарори билан 6 йилга қамалган. Унинг ушбу жазо муддатини қачон ва қаерда ўтагани тўғрисида архив хужжатларида маълумот учрамайди. Аммо Мансур Алихўжаев 1937 йил 7 апрель куни, 1937 йил қатағони ҳали йўргакда эканида қамоқقا олинган ва унинг анкетасига 1920 йилдан бошлаб “Иттиҳод ва тарақкий” аксилинқилобий ташкилотига аъзо, кейинчалик “Миллий иттиҳод” ташкилоти Марғилон бўлимига раҳбар бўлган, деб ёзилган. Тахмин қилиш мумкинки, у 1920 йили эмас, балки 1918-1919 йилларда, мухторият тутатилгандан кейин “Иттиҳод ва тарақкий” ташкилотининг аъзоси сифатида озми-кўпми фаолият кўрсатган. Ҳар

холда Тошкентнинг таникли арбоблари жойлашган масканлардан бири - Гоголь кўчасидаги 5-йда истиқомат килган, шаҳар курилиш трести бошқармаси бошлигининг ўринбосари лавозимида хизмат килган кишининг “халқ душмани” сифатида қамоққа олиниши унинг 20-йиллардаги “аксилинқилобий” фаолияти билан боғлик.

Шомансур Алихўжасев қамоққа олинган пайтида оиласи - хотини Сабоҳат Раҳматова ва 11 ёшли қизи Санобардан иборат бўлган. 1937 йил 15 июлда НКВДнинг шармандали буйруги кучга кирганида бу буйрукнинг заҳарли тиги Сабоҳат аяннинг ҳам юрагига бориб санчилди. Мудҳиш йилнинг 2 октябрида Гоголь кўчасидаги 2-үйга бостириб кўрган НКВД ходимлари Сабоҳат Раҳматованинг қамоққа олиниши, 3-синф ўқувчиси Санобар Алихўжасеванинг эса Кўйлик шоссесидаги етим-есиirlар сақланаётган 44-үйга юборилиши ҳақидаги қарорни кўrsatdilar. Шу заҳоти тинтуб бошланиб, ҳамма нарса қора рўйхатга тушди, уйжой муҳрланиб, уй бекаси қамоққа юборилди. Аммо НКВД ходимлари канчалик қидирмасинлар, Санобарни топа олмадилар.

Отаси қамоққа олинганидан кейин 11 ёшли Санобар юқумли касалликка чалинган эди. 26 август куни Сабоҳат ая уни Полторацкий кўчасидаги поликлиникага олиб борди. Аммо тиббиёт ходимлари “халқ душмани”нинг кизига зарур ёрдамни кўrsatiшмади - Санобар 18 кундан кейин дунёдан ўтди. Гоголь кўчасидаги кўни-кўшнилар юқумли касаллиқдан вафот этган кизнинг жасадини ўз уйидан чиқаришга қаттиқ каршилик кўrsatdilar. Бечора она ёлғиз ёдгорини Эски шаҳардаги қабристонлардан бирiga, докторларнинг назорати остида кўмди. Бу мусибатли воеа 14 сентябрь куни юз берди. У ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган кизнинг йигирмасини ўtkазib ултурмаган ҳам эдики, чакирилмаган меҳмонлар, Азроил сингари, унинг уйига бостириб келдилар.

Сабоҳат ая қизининг вафот этганини айтиб, канчалик йигламасин, унга ишонишмади. “Топиб берасан”, деб қистовга олишибди, уни. Фақат маҳалла идорасининг раиси қизнинг ўлганлиги, кўни-кўшниларнинг тазиики билан ва улар иштирокисиз Эски шаҳарда дафн этилганлиги

тўғрисида ёзма кўргазма берганидан кейингина хотиржам бўлишиб, Сабоҳат Раҳматова(Алихўжаева)ни Тоштурмага олиб бориб ташлашди.

Архивдаги хужжатларда Шомансур Алихўжаевнинг қачон Тошкентта кўчиб келгани, қурилиш трестидаги сўнгги хизматига қадар қаерларда ишлагани хақида маълумот учрамайди. Аслида бундай маълумотга ортиқча зарурат ҳам йўқ. Аммо, шуниси ҳам борки, Сабоҳат аянинг 1925-1936 йилларда Фаргона ва Самарқанддаги турли идораларда, хусусан, Тошкентнинг Октябрь туманида хотин-қизлар ташкилотчиси бўлиб хизмат қилиши, айниқса, партия аъзоси бўлиши-ю, эри фаолиятидаги эврилишлар туфайли партиядан хайдалиши унинг - Шомансур Алихўжаевнинг ижтимоий хаёти билан чамбарчас боғлиқдир.

Бас, модомики, у эри туфайли партиядан ўчирилган экан, демак, НКВД назарида, эри туфайли қамалиши ҳам қонуний эди.

Агар хужжатлар алдамаса, Сабоҳат ая қамоққа олинганинг ўттиз еттинчи куни биринчи марта сўроққа чақирилган. Қамоққа олинган кишининг шунча вакт давомида сўроққа чақирилмай ўтирганига ишонгинг келмайди, киши. Лекин қамоқхоналар маҳбуслар билан тўлиб ётган бир даврда терговчиларнинг оддий уй бекасини сўроқ қилишга вакти стмаган бўлиши ўз-ўзидан аён. Шунинг учун ҳам у 9 ноябрь куни сўроққа биринчи ва охирги марта чақирилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Эри қамоқда азоб чекаётган, ёлғиз фарзанди эса ҳали гунчалик пайтида вафот этган аёл бу сўроққа қандай кайфиятда келган бўлиши мумкин? Аммо тирик эрининг ва ўзининг тақдирини ўйлаб, терговчидан шафқат ва марҳамат сўраган бўлиши, на ўзи, на эрининг давлат олдида тирнокдек гунохи йўқлигига қасам ичган бўлиши эҳтимол. Лекин тергов ва сўроқ қайдномасида бундай “пачаки” гаплар эмас, балки қўйидагидек жиддий, маҳбусани исканжага олувчи, унинг юрагидаги сирни юлиб чиқарувчи саволлар ва жавоблар қайд этилади:

Савол: Сиз хибсга олинган Алихўжаев билан қандай муносабатда бўлгансиз?..

Бундай маъноли саволни фақат НКВДнинг 1937

йилдаги доно терговчиларигина беришлари мумкин.

Шубхасиз, Сабоҳат ая ким билан, қандай савиядаги кимсалар билан гаплашаётганини яхши билган. Унинг қаршисидаги кимса, аслида, сўроқ қилиш учун эмас, балки урищ, қалтаклаш, қийнаш учун тугилган. Унга аёлни эмас, балки унинг эрини сўроқ қилиш, гапирмаса - гапиртириш завқли эди. Шунинг учун терговчи Сабоҳат аяни терговга қайта чакирмаган бўлиши хам мумкин.

Биз мазкур сўроқ қайдномасини ўқир эканмиз, Шомансур Алихўжасвинг Фаргона, Андижон, Самарқанд ва бошқа жойларга тез-тез хизмат сафари билан бориб тургани, давлат банки, райсовет, ер ишлари халқ комиссарлиги, марказкўм ходимлари билан иш юзасидан учрашиб турганидан вокиф бўламиз. Сабоҳат ая эрининг шу руҳдаги ҳаётидан озми-кўпми хабардор эди. Лекин унинг “аксилинкилобий миллатчилик фаолияти” ҳақида кўргазма беришини қўк кўз терговчи қанчалик талаб килмасин, унда бундай маълумот мутлақо бўлмаган.

Шунга қарамай, терговчи 1937 йил 21 ноябрь куни тузган айбномаси билан жиноий фаолиятини яширгани учун Сабоҳат Раҳматова(Алихўжаева)нинг жиноий ишини СССР НКВДси Алоҳида Мажлис ихтиёрига йўллади.

Алоҳида Мажлиснинг бу соҳта, ўйлаб тўқилган ишни кўриб чиқиши учун эса бир йил-у уч ой вақт даркор бўлди.

Нихоят, 1939 йил 4 февраль куни Алоҳида Мажлис Сабоҳат Раҳматова (Алихўжаева)нинг эри Алихўжаев Шомансурнинг жиноий фаолиятида иштироки аниқланмаган, деб ҳисоблаб, уни қамоқдан озод этиш ҳақида қарор чиқарди. 5 февраль куни Сабоҳат аяни Тошкент қамоқхонасидан чиқариш ҳақидаги талонга имзо чекилди. 8 февраль куни эса С.Раҳматова (Алихўжаева)нинг ишини тўхтатиш ҳақида яна бир ҳужжат тайёрланди.

Хуллас, жабрдийда аёл 1939 йил февралнинг ўрталарида озодликка чиқди. Аммо унинг оппок тонгга қадар аллаларни айтиб ўстирган қизи аллақачон ўлган, эри 1938 йил 4 октябрь куни Чўлпонлар билан бирга отиб ташланган, Гоголь кўчасидаги уй-жойи ва мол-мулки эса давлат томонидан мусодара этилган эди.

## Екатерина Сулаймонова

...Ҳали Чўлпон номини ифтихор ҳисси билан тилга олиш маҳол бўлган, аммо шунга қарамай, бу муazzам исм секин-аста яна жилва қила бошлаган кунлар... Чўлпоннинг бошқа барҳаёт замондошлари қаторида афсонавий овоз соҳибаси Ҳалима Носирова билан у ҳақда сұхбат курмокда эдим. Ҳалима опа бир пайт “Майли, Яшин нима деса десин, мен Чўлпон акани хурмат қиласман, жуда яхши одам эди”, деди-да, сўнг қўшиб қўйди: “Чўлпон акани миллатчи дейишади. Йўқ, у миллатчи бўлмаган. Унинг хотини рус бўлган...”

Мен Ҳалима опанинг бу соддадиллик билан айтган сўзларини тез-тез эслаб тураман. Эҳтимол, 20-30-йиллардаги ўзбек зиёлиларининг маълум бир қисми “миллатчи” деган тамғадан қочиб қутулиш учун бошқа миллат вакилаларига уйланганмикан, деб ўйланиб қоламан. Ҳар ҳолда қандай сабаблар билан бўлмасин, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон сўнгги маротаба рус аёлига уйланган эди.

Мен бу аёл тўгрисида кўп эшитаман, унинг исми Катя, демак Екатерина бўлган. Аммо узоқ вақтгача у ҳақда аниқ бир маълумотта эга бўлишнинг иложи бўлмади. Чўлпоннинг замондошларидан бири Юнус Мақсудийнинг 90-йилларда эълон қилинган хотираларида бу исм тез-тез тилга олинади. Унинг айтишича, Катя - Екатерина 60 - йилларда бир пайдо бўлиб, кейин яна гойиб бўлган. Мустақиллик арафасида Чўлпоннинг тергов иши билан танишиш имконияти туғилганида Катя - Екатеринанинг кейинчалик шоир Ботунинг акаси ё укасига тегиб, Кисвга кўчиб кетганлиги ва Ҳодиева фамилиясини олганлиги маълум бўлди. Тахминан худди шу кезларда В.Ян исм-шарифли рус адабининг кундаликларидағи Чўлпон ва унинг хотинига оид хотиралар эълон қилиниб, унинг образи бир қадар ойдинлашди, “Чингизхон” романи билан машҳур бўлган бу ёзувчи 1933 иили “Катта совет қомуси” таҳририятининг буюртмаси билан Чўлпон ҳакида мақола тайёрлаш учун ўша вактда Москвада, Мешчанлар

кўчасидаги 115-йда яшаган ўзбек шоири билан учрашган ва бу хақда кундалик дафтарига кўйидаги сўзларни ёзган:

“Оқшом чогида ўзбек шоири Чўлпоннинг уйида бўлдим. У палов пишириб келди, паловни примусда тайёрлаш осон эмас. Чўлпоннинг ёшгина рус хотини (уни Катенка деб чакиракан) эски, ёмон жихозланган уйдаги кичик бир хонада унга Шарқ руҳини яратишга уринмоқда”.

Шундай қилиб, Чўлпон 1931 йили “қама-қама” тўлқинидан қочиб, Москвага Халқ Комиссарлари Советига таржимон бўлиб ишга борганидан кейин Катя - Екатеринага уйланган ва бу аёл миллатан рус бўлган.

Шубҳасиз, Чўлпоннинг Москвадаги уйида В.Яндан ташқари, яна бир қанча ватандошлари ҳам бўлишган ва уларнинг айримлари ўз хотираларини ёзиб ҳам қолдиришган. Шундай хотиралардан бири Дишод Олимхон ўғлига мансуб бўлиб, у баҳсимиз мавзуи бўйича бундай маълумотни берган:

“Солиҳа опа билан ажralишгач, Абдулҳамид ака Москвада бир немис аёлига уйланади. Ҳозир у кишининг оиласаларини рус дейишади, бу тўғри эмас. Рус эмас, немис аёли эди, Екатерина Рихтеровна. Мен у кишини Екатерина Рихтеровна, деб чакирсан, у киши:

- Мени келинбуви, денг, ҳеч унақа деманг. Жуда бўлмаса, ўрисчасига қилиб, “тётя Катя” деяверинг, дердилар”.

Ана шу тарзда яқин-яқингача, биз, Чўлпоншуносларнинг Катя-Екатерина ҳақидаги билимимиз ҳам кемтиқ, ҳам зиддиятли маълумотлардан иборат эди. Шунинг учун ҳам архивдаги изланишларимизнинг катта илмий қимматга эга натижа билан тугагани бизни беҳад кувонтиради.

Маълум бўлишича, “келинбуви” мизнинг тўла исм-шарифлари Екатерина Ивановна Токарева бўлган ва у 1904 йили Ленинградда туғилган. 1931 йили Чўлпонга текканидан кейин эса, ўзига “Сулаймонова”ни фамилия қилиб олган.

Чўлпон 1931 йили Файзула Хўжаевнинг ёрдами билан Москвага кўчиб бориб, Халқ Комиссарлари Советида таржимон бўлиб ишлаб юрган кезларида бу рус аёли билан танишган. Бир томондан, шоирнинг қамоққа олинган

Мунавварқори Абдурашидов ва Боту сингари биродарлари туфайли, иккинчи томондан эса, Солиҳа билан ажрашгани сабабли изтироб чекаётганини кўрган Абдуллахон Тошмухамедов исмли талаба Чўлпонни Катя билан таништирган. Шу воқеадан кўп ўтмай, шоир Катяга уйланган.

Катя гарчанд 1904 йил 23 ноябрда Ленинградда туғилган бўлса-да, болалиги Киевда ўтган. У шу ерда гимназиянинг олти синфини тутатган. Отаси ҳам шу ерда яшаган. Механика устахонасига эга бўлган отаси чилангарлик билан машғул бўлган.

Катя 1921 йилга қадар Киевда, ота-онаси бағрида яшайди. Кейин мустақил ҳаёт кечириб, турли корхоналарда қора ишларни бажариб юради. Чўлпон билан танишган кезларида эса, Москвадаги фабрикаларнинг бирида хизмат килаётган эди. Унинг қачон Москвага бориб қолганлиги тўғрисида ҳужжатларда бирор маълумот учрамайди. Лекин Екатеринанинг Чўлпонга қадар ҳам турмуш кургани ва биринчи эридан номаълум сабабларга кўра ажрашгани, шунингдек, баъзи яқин қариндошларининг ўша пайтда Ригада истиқомат қилаётгани қайд этилган.

Катя Чўлпонга қадар Александр Анисимов исмли ҳарбий учувчига турмушга чиқиб, у билан бир ярим йил яшаган, аммо эри 1930 йили автомобиль ҳалокатига учраб, оламдан кўз юмган.

Катя Чўлпон билан яқиндан танишгач, унинг нозиктаблица, олижаноб ва ўта маданиятли инсон эканлигини кўриб, унга муносиб хотин бўлишга ҳаракат қилган. Улар хонадонида меҳмон бўлган В.Ян Катяning гаригина жиҳозланган, эски бир уйда Чўлпон учун шарқона бир рухни яратишга уринганини бежиз айтмаган.

Чўлпон қамоққа олингач, Екатерина Ивановна Сулаймонова ҳам “халқ душмани”нинг хотини сифатида Дзержинский кўчасидаги шоир яшаган кичик бир хонадондан хайдаб чиқарили. Чўлпонга тегишли мол-мулк мусодара этилиб, мудхиш йилнинг 22 сентябрида Екатерина ҳам ҳибсга олинди.

Е.И.Сулаймонованинг тергов ишида Чўлпоннинг “аксилиңқилобий миллатчилик фаолияти” тўғрисида бундай сўзларни ўқиймиз:

## *МАЪЛУМОТНОМА*

*Махбус Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон)нинг аксилинқилобий иши тўғрисида. “Миллий иттиҳод”, кейинчалик эса “Миллий истиқлол” аксилинқилобий ташкилотларнинг аъзоси...*

*Хибсга олингунга қадар (1937 йил, июль) Ўзбекистонда тутатилган аксилинқилобий троцкийчи-миллатчилар блокининг аъзоси бўлган. Ўзбекистондаги аксилинқилобий троцкийчи-миллатчилар блокининг бўлими хисобланган аксилинқилобий миллатчилар (ёзувчилар ва илмий ходимлар) гуруҳига шахсан раҳбарлик қилган...*

*1932 йили Англияга ёлланган Мусабоев ва Собиров деган инглиз жосуслари билан бевосита алоқада бўлиб, уларнинг ҳар иккаласига жосуслик характеристидаги маълумотларни бериб ва улардан пул олиб турган (шахсий кўргазмаси).*

*Ўзининг адабий фаолияти давомида ҳамма вақт ўз асарларида аксилинқилобий пантуркизмнинг мафкурачиси сифатида намоён бўлиб, мустақил буржуа миллатчилик давлатини барпо этишини тарзиб қилган.*

*Чўлпон аксилинқилобий миллатчилик шеърларини - Анвар пошонинг ўлимига багишланган марсияни тузган.*

*У шунингдек, аксилшўровий ва аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги “Бузилган ўлкага” (достон), “Амалнинг ўлими”, “Қилич ва қон”, “Виждон эрки” ва бошқа асарларини ёзган. Бу асарлар 1926 йилгача бўлган даврга мансуб, кейинчалик 1927-28 йилларда “Чекинг бундай “Эпоха”ни, кули кўкларга соврилсин” сингари аксилинқилобий тўртликларни ёзган.*

*1928 йилдан 1935 йилга қадар бўлган даврда ўнлаб аксилинқилобий шеърлар ёзиб, уларни ёшлар ўртасида кўлёзма ҳолида тарқатган (шахсий кўргазмалари).*

*1927 йил майида Самарқандда бўлиб ўтган илмий курутой вақтида Чўлпон ўз шеърларини ўқиши йўли билан илмий ходимлар ўртасида аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги тарзиботни олиб борган.*

*Сўнгги вақтларга қадар ҳалқ душманлари Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Акбар Исломов билан яқин алоқада бўлган. Улар берган топшириқ асосида “Кечা”*

*аксилшўровий романини ёзган “Ҳар доим бу ҳалқ душманларининг ҳимояси остида яшаган, уларнинг моддий ва сиёсий мададидан фойдаланган (шахсий кўргазмалари).*

Ушбу маълумотнома Е.И.Сулаймонованинг ишига шунчаки тиркалган хужжат эмас, балки терговчиларнинг маҳбусадан тасдигини олишлари лозим бўлган даҳшатли айбномадир. Мазкур маълумотноманинг “муаллиф”ларидан бири Тригулов санаси қайд этилмаган биринчи сўрок пайтидаёк шу маълумотномадан келиб чиқсан ҳолда маҳбусани сўроққа тутади. Аммо Е.И.Сулаймонова рус аёли бўлган учун, чамаси, терговчи унга бир оз юмшоқроқ муносабатда бўлган ва савол-жавобни унинг Чўлпон билан қачон ва қандай танишганини сўрашдан бошлаган. Мана, ўша хужжат:

**Савол:** Айтинг-чи, сиз аксиликилобий миллатчилик ташкилотининг ҳибсга олинган аъзоси Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) билан қандай танишгансиз?

**Жавоб:** Мен Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон)ни 1931 йилдан, яъни Сулаймоновга турмушга чиқсан вақтимдан бери биламан.

1931 йили Москва шаҳрида тўқимачилик фабрикасида ишлаётган пайтимда Абдуллажон Тошмуҳамедов исмли бир талаба (хозир Тошкентда музика техникумининг директори бўлиб ишлайди) мени Абдулҳамид Сулаймонов билан таништирган, у ўша вақтда ССР Иттифоқи Ҳалқ Комиссарлари Советида таржимон бўлиб ишлар эди.

Танишганимиздан кейин кўп ҳам ўтмай, мен Абдулҳамид Сулаймоновга турмушга чиқдим ва шу пайтдан бошлаб унинг қонуний хотини сифатида яшаб келдим.

Мен шунга қадар ҳарбий учувчи Александр Анисимовнинг хотини эдим. У билан бир ярим йил бирга яшадим. Анисимов 1930 йили аварияга учраб ўлган.

**Савол:** Эрингиз Сулаймоновнинг аксиликилобий миллатчилик ишлари тўғрисида, шунингдек Сулаймоновнинг Москва ва Тошкентдаги алоқалари хусусида нималарни биласиз? Шулар ҳақида сўзлаб беринг.

**Жавоб:** Абдулҳамид Сулаймонов, чиндан ҳам, ўзбек зиёлилари ўртасида анча-мунча танилган киши эди, чунончи, Тошкентдаги хонадонимизга Фитрат, Санжар

Сиддиқов, Фози Юнусов, Абдулла Қодирий, Уйгун, Яшин, Мажидий сингари таниқли кишилар гоҳ якка-якка, гоҳо эса гурух-гурух бўлиб турардилар.

Бундан ташқари, Сулаймоновнинг хузурига турли ўкув юртларининг талабалари ҳам келиб туришган.

Сулаймоновнинг аксиликобий ишлари тўғрисида менга ҳеч нарса маълум эмас. Аммо мен уни таниқли миллатчи бўлган, деб эщитганман.

Шахсан Сулаймонов (бу хақда) ҳеч нарса демаган. Москвада яшаган пайтида Тожиев билан алоқада бўлган.

Сулаймонов собиқ молия комиссари Акбар Исломов билан таниш бўлган, у гоҳо-гоҳо Сулаймоновни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган. (Мен 1934 йили руй берган бир воқеани биламан: биз Акбар Исломов бир поездда Тошкентта келганимизда у Сулаймоновга 90 сўм берган).

Савол: Айтинг-чи, хорижда яшаётган кишилар билан қандай алоқаларингиз бор?

Жавоб: Рига шаҳрида менинг қариндошларим яшайди: чунончи, бувим Марим Ағеевна Токарёва ва унинг кизлари - Евгения билан Улита Васильевналар (уларнинг ҳар иккиси ҳам бева бўлиб қолишган), амакиваччаларим Александра, Мария ва бошқалар. Уларнинг фамилиясини билмайман.

1913-1914 йиллардан мен ҳам Ригага бориб, истироҳатда бўлганман.

1925 йилга қадар мен қариндош-уругларим билан хат орқали алоқада бўлиб турганман. (Бир марта хат ёзганман.) 1925 йилдан кейин эса алоқам узилган.

Екатерина Ивановна тўғрисида бизга маълум бўлган маълумотлар ҳозирча шулардан иборат. Бор-йўти Чўлпон билан олти йил бирга яшаган аёлнинг терговчиларга берган маълумотида улут ўзбек шоири тўғрисида бирор ножӯя сўзнинг йўқлигига эътибор бермаслик мумкин эмас. Терговчилар ундан нохолис маълумотни олишга ҳарчанд уринмасинлар, у эрига нисбатан заррача бўлсин, хиёнат қилмаган. Сирасини айтганда, Екатерина Ивановна Чўлпон ҳаётининг энг хавфли кунларида уни рухан қўллаб-қувватлаб, унинг елкасига тушаётган тақдир зарбаларини

бир қадар енгиллаштиришга ҳаракат қилган. Чўлпон қамоққа олингандан кейин ҳам унинг “халқ душмани” бўлмаганини айтиб, НКВД эшиклариға танда қўйган бирдан-бир киши ҳам шоирнинг ана шу вафодор хотини эди.

Мустабид тузумнинг даҳшатлари уни ҳам четлаб ўтмади. 1937 йил 31 октябрь куни тузилган айбномага кўра, Екатерина Ивановнанинг “иш”и “халқ душманининг аксилиңқилобий ишларини яширгани ва уларда иштирок этгани” учун судга оширилди. Суднинг бўлган-бўлмагани тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Аммо 1939 йил 4 февралда қабул қилинган қарорга кўра, у озод этилган.

Екатерина Ивановна хуфялар изғиган, шубҳа ва гумонлар бўрони халқнинг аксар қисмини ўз домига тортган, бу ҳам стмаганидек, уй-жойи тортиб олинган шаҳарда яшай олмай, қамоқдан озод бўлган кезларда Киевга, кариндош-уруглари бағрида қайтиб кетади. 50-йилларнинг сўнгида Чўлпон ва унинг тақдирдош дўстлари оқданганидан кейин у яна Тошкентга келиб, севимли эрининг қулёзмалари, мусодара этилган бир сиқим молмулки билан кизикади. Бироқ ҳеч ким унга рўйхущ бермайди. Шундан кейин уни Тошкент билан боғловчи ришталари бир умрга узилади.

Чўлпон кемаси 30-йилларнинг пўртаналарида gox тўлқинлар устига чиқиб, gox ботмон-ботмон долғали сувларнинг тагида қолган пайтларда унга ҳамроҳ бўлган, у билан бирга “капитан қўпприкчаси”да дадил турган Екатерина Ивановна Сулаймонова номини хурмат билан тилга олиш адолатдан бўлади.



## Марям Султонмуродова

Несча-неча туylарни бедор ўтказдим. Кўзим энди уйкута илинганда рўпарамда Марям пайдо бўлади. Узун қора соchlарини силлиқ тараган. Иккита қилиб ўриб, орқасига ташланган сочи пўстини ёқасига кисилиб қолган. Бу Марям устидан қўзгатилган “жиноятнома”га тиркалган сурати.

То 1990 йилнинг декабригача мен уни танимасдим ҳам. Ҳужжатгоҳда Марям Султонмуродовани ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 57-1 ва 67-моддалари билан уни айбловчи “жиноятнома”ни қўлимга олгандан кейингина танишдим.

Бу танишув мен учун жуда оғир кечди. Марям эрта-ю кеч кўз олдимда қолди. Мен у тўғрида одамларга сўзлаб бермасдан бу азобдан кутула олмаслигимга ишонч ҳосил қилдим. Замонанинг зайли билан баҳти қаро бўлган - Сталин даврининг қатли омиға гирифтор бўлиб, умрининг

ўн беш йилини турмада ва узок ўлкаларда бадаргада саргардон ўтказган аёл қисматидан бир заррани хикоя қиласман... Бу зарранинг ўзини кўтариш оғир. Бу юк тўлалитика зиммасига тушган аёлга қанчалар қийин бўлган экан-а! Ёраб, ўзинг қўлла, бу баҳти қарони!

Мана, уни ҳибсга олиш учун 1937 йилнинг 15 сентябрь куни ёзилган фармон-ордер. “Жиноятнома”нинг иккинчи сахифасига тиркалган бу ордерда Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги хизматчисига Тошкент шаҳридаги Уездная кўчаси 13-йда истиқомат қилувчи Марям Султонмуродовани ҳибсга олиш топширилганлиги қайд этилган.

Бир сўмлик пулдек келадиган бир парча қоғоз қанчалар қудратли: шу қоғозни кўрсатиш билан куни кечагина кўзи ёритган аёлни қўлидаги норасида гўдаги билан ҳибсга тикиш мумкин бўлса-я?!

Бу “жиноятнома”нинг учинчи сахифасида ҳибсга олинувчининг анкетаси бор. Унда кўрсатилишича, Марям Султонмуродова 1905 йилнинг 13 февраляда туғилган. Ихтисоси журналист, ижтимоий келиб чикиши хизматчилардан, 52 ёшли онаси Дуржон Султонмуродова Хоразм округининг Хива шаҳрида истиқомат қиласди. Маряннинг ўзи даҳшатли 1937 йилнинг 15 сентябрида ҳибсга олинган. Тошкент турмасига қамалган.

Марям Султонмуродованинг қисмати мени қизиқтириб колди. Негаки, у менинг ҳамкасабам-журналист. Боз устига, биз у билан бир таҳририятда хизмат қилган бўлиб чиқаяпмиз. Марям мендан атиги ўн уч йилгина муқаддам “Ёркин турмуш” журнали таҳририятида хизмат қилган экан. Мен хизмат қилган “Саодат” журнали 1937 йилгача “Ёркин турмуш” номи билан чоп этилган ва Марям бу таҳририятда адабий ходим бўлиб ишлаган. Марям ҳибсга олинган чогида 32 ёшда бўлган, икки фарзанди - етти ёшли ўғли Пўлат ва Анор исмли эмизикли қизи бўлган.

“Жиноятнома”нинг еттинчи сахифасидаги тергов кайдномаси билан танишаман. Бунда кўрсатилишича, хозирча Марям Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ДҲБси гувоҳ тариқасида сўраляпти. Гувоҳ тариқасида сўралар экан, “элдан бурун ҳибсга бунча

шошилмасалар-а?!” - деган саволлар гужгон ўйнайди, дилимда.

Юзаки қаралганда, терговчининг саволлари жўнгина кўринади. Лекин бу саволлар диккат билан ўрганилса, терговчининг ўз олдига кўйган мақсади шу саволданоқ намоён бўлади-қолади.

Савол Айтинг-чи, Олмонияда неча йил ва қачон ўқигансиз?

Жавоб: Мен Олмонияда 1922 йилдан 1928 йилгacha ўқидим. 1923 йилдан 1924 йилгacha Берлинда, 1924 йилдан 1926 йилгacha Дармштадт шахрида педагогика мактабида тасхил олдим, 1926 йилдан 1928 йилнинг май ойигача, яъни СССРга қайтиб келгунимча Берлинда хизмат қилдим.

Бундан кейинги саволларга Туркистонда ўқиш учун Олмонияга борган талабалардан кимларни яхши таниши сўралади ва табиий, Марям кимларни танишини очик кўнгиллик билан санаб беради. Улар Саттор Жаббор, Абдуваҳоб Муродий, Олимжон Қодирий, Аҳмад Наим, Аҳмаджон Иброҳимов, Абдуваҳоб Исҳоқов, Афзал, Саида Шермуҳамедова, Темурбек Казбеков, Тўлаган Мўмин, Султон Матқул, Саид Али Хўжаев...

Соддадил жувон номини атаганларнинг бир қанчаси ҳибсдалигини, шу ондан бошлабоқ терговчи унинг устидан ҳам “жиноятнома” очиш харакатига тушганини билмайди...

...Орадан бир ҳафта ўтади. Марям энди шу кундан бошлаб айбланувчи сифатида сўроқ килина бошлайди. Бунда терговчи Марямнинг Олмонияга Хоразм Xалқ Шўролар Жумҳурияти Марказий Кўмитаси йўлномаси билан, кетганлиги Дармштадт шахрида 1928 йили педагогика семинарийсини тамомлаганлигини қайд қилади. Ўқишига кетганлардан кимлар қайтиб келганлигини суриштиради.

Уч кундан кейин яна тергов. Буниси-даҳшатли. Бу терговда Марямга тақалган гуноҳ ниҳоятда даҳшатли. Ўзимни Марямнинг ўрнига кўйиб кўриб, бирдан гунг ва кардек караҳт бўлиб қолдим. Ахир уни Олмониядан СССРга жосуслик иши олиб бориш учун келганликда айблашяпти-я!..

Терговчи савол беряпти: “Сизга ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 62 ва 67-моддаларига асосан кўйилган

Берлиндаги “Озод Туркистон” деган жосуслик ташкилоти ишида иштирокингиз ҳакидаги айбни тан оласизми?”

Бунга жавобан Марям: “Менга Ўзбекистон ССР Жиноят Мажмуасининг 62 ва 67-моддалари бўйича тақалайётган айбни тан олмайман - ўзимни айбдор ҳисобламайман”, - дейди.

Аммо терговчи анойи эмас. У: “Тергов сизнинг “Озод Туркистон” деган советларга қарши жосуслик уюшмаси аъзоси эканлигингири, СССРга жосуслик топшириги билан келганлигингири жуда яхши билади” каби сўзлар билан Марямни караҳт килади...

Кўз олдимда куролланган ҳарбийларнинг терговдан ҳолсизланиб чиқкан аёлни олдига солиб камерага бошлаб кетаётгани гавдаланади. Яна у - эмизикли аёл... Даҳшат! Даҳшат! Даҳшат! Шундай пайтларда нималар ҳақида ўйладинг, Марям? Балки сен қишлоқда яшаб, ерсизликдан кийналиб, тириклик дардида шаҳарга кетиб, Урганчда Черников деган заводчи бойнинг пахта тозалаш заводида қора ишчи бўлиб хизмат килган отангни эслагандирсан? Мехнат билан суяги қотган отанг Мулла Жуманиёз заводда тарозбонлик килибди, пахта қабул қилувчи бўлибди, ахийри, бошқарувчилик ҳам қилибди. 1916 йилдан бошлаб унинг сиёсий фаолияти бошланган - Хоразм хонига карши кўтарилган кўзғолоннинг фаол иштирокчиси бўлган. Марям, эҳтимол отангни эслаганингда хон тарафидан қатл этилган тўрт амакинг ёдингга тушгандир?..

Ҳеч кимнинг бошига солмасин, қамоқ азобини, солғанга эса, Оллоҳнинг ўзи тўзим берсин. Аёл киши учун қанчалар оғир, бу азоб. Марямжон, ўй-хаёллардан бошинг говлаб кетгандир роса... Шу ёшгача кўрган-кечиргандарингни қайта бошдан ўтказгансан, ёру дўстларинг, отонанг, жигарларинг кўз олдингдан ўтган, албатта... Отанг кейинроқ Хоразм Халқ Шўролар Жумхурияти Ижроия Кўмитасида раислик килди. Сен эса, унинг таъсирида 1919 йили комсомол сафига ўтдинг. 1921-22 йилларда Хоразм Округ Коммунистик партияси Марказий Кўмитасида маданият ишларини бошқардинг, кейинчалик хотин-қизлар бўлими мудири вазифасида ишладинг. Кейин... Олмония.

Урганчнинг Чандир Қиёт қишлоғидан чикқан кизнинг на рус тилини, на олмон тилини билмагани ҳолда Олмонияга ўқишга боришга розилик беришининг ўзи қаҳрамонлик эмасмиди?!

Ўшанда Хоразм музофотидан ёлгиз уни йўлладилар, Олмонияга. Камоқда ўтиаркан, шуларни ўйларди Марям. Ўшанда Олмониянинг Штерн шаҳригача пароходда боришганди. Кейин уч йил давомида 1924 йилдан 1926 йилгача Дармштадт шаҳрида ўқитувчилар тайёрлаш семинарийсида ўқиганини эслайди. 1926 йилдан 1927 йилга ўтар кишида Потсдам шаҳрида “Фрауншулла” мактабига қатнади. Ёш эди. Мусофиричиликнинг барча машаққатларига бардош берди. Муаллимлар тайёрлаш семинарийсини тугаллагач, шафқат ҳамшираларини тайёрлаш курсида ўқиди. Муаллим ҳам, шафқат ҳамшираси ҳам Хоразм музофотига зарур. Аммо афсус, минг афсус... Орзу-умидлари пучга чиқди... Ҳаммаси кунпаякун бўлди... Ўшанда унинг ҳар бир кўйган қадами ўзига қарши айбнома бўлиб тақалиши етти ухлаб тушига кирмаган эди. Мана, Мустафо Чўқай билан Парижда тасодифан учрашув... (Кўкон мухториятининг раиси бўлмиш Мустафо Чўқайнин мафкурамиз яқин-яқингача “ватан хоини” деган тамға билан таҳқирлаб келган.)

Ўшанда таътил чоги дутонаси Хайринисо Мажидхонова билан Парижга сафар қилдилар. Бу сафардан мурод Парижни кўриш, музейларда бўлиб, жаҳон маданияти дурдоналари билан танишиш эди.

Мусофир бўлганликларидан икки дугона энг арzon пансион топиб, жойлашдилар. Кунларнинг бирида улар операга борадиган бўлдилар. Ўша чоғларда Парижда таҳсил олаётган Аҳмад Наим билан Мустафо Чўқайга дуч келдилар. Ҳозир ўша тасодифий учрашув Марямга яна бир айбнома бўлиб тақалаяпти...

Терговчиларнинг ҳаммаси бир: айбланувчининг илтимоси, талаби улар учун бир пул. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ходими савол беради, аммо Марямни сўзлагани кўймайди. Қилмаган ишини қилдим, деб тан олишини талаб қиласди.

Хўпам шўри қайнаган аёл экансан-да, баҳтиқарогинам!

Марямнинг шўри қайнамаган бўлса, барча умидлари рўё бўлиб чиқармиди?! Ахир у Олмонияга не-не орзулар билан кетмаганмиди? Унинг “Илм оламан. Оlam танийман, халқимнинг корига ярайман, билимимни она юртим хизматига баҳшида этаман”, - деган орзулари поймол бўлди. Марямни ва унга ўхшаш олтмиш йигит-қизни Олмонияга ўқишга жўнатган жумҳурият раҳбарларининг ҳам нияти катта эди. Улар ақлли, идрокли, билимдон, йирик вазифаларни бажаришга қодир ёшларни тарбиялашни мақсад қилган эдилар.

Орадан олтмиш йилдан ортиқ вақт ўтиб, айни чогда жумҳуриятимизнинг ҳозирги раҳбарияти ҳам худди шу масалаларни режалаштирибди-ку! Яхши ниятлар билан қилинаётган ишлар бу.

Лекин... минг афсус... Ўттизинчи йилларга келиб, собик Иттифоқнинг гарбий сарҳадларидан шарий сарҳадларигача, шимолдан жанубгacha бўлган дисернинг энг билимдон, сара фарзандлари таъқибга гирифтор бўлди, хаёлларига келмаган айблар тақалиб, хибсга олинди, кўпларига “халқ душмани”, “миллатчи” деган тавқи лаънат осилиб, отиб юборилди, ўн йиллаб каторгага маҳкум этилди.

Марям Султонмуродованинг ҳам қисмати шунга яқин.

1937 йил сентябрь охири ва октябрь ойи давомида Олмонияда ўқиб қайтган талabalardan Султон Матқул, Саттор Жаббор, Фузаил Шераҳмедов, Олимжон Қодирий ва Аъзам Аюблардан Марям ҳакида кўрсатма талаб қилинди. Буларнинг бари олдинма-кейин хибсга олинган бўлиб, уларнинг асосий айблари Олмонияда ўқиб қайтганлари эди.

1937 йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтган терговда Марямга:

“Туркистон талabalарининг Олмонияда бўлиб ўтган советларга карши йигилишиларда шахсан иштирок этганмисиз?” қабилида савол берадилар. Марям бу йигинларнинг бир нечасида иштирок этганини айтади. Лекин у шу ўринда рост гапирган эди. Марям Султонмуродованинг бўлмаган ишни бўлди, деб кўрсатишининг сабаби сўнгроқ очилади. Орадан ўн тўкқиз йил ўттач, 1956 йилнинг 13 сентябридаги терговда Марям: “1937 йилнинг 21 сентябрда бўлган

терговдаги кўрсатмаларимни тасдиқламайман. Шахсан ўзим бундай кўрсатма бермаганман. Мени тергов қилган чоғларида қайдномага имзо чекишига мажбур қилдилар. Лекин унда нима ёзилганлигини ўқимаганман, ўқишига беришмаган ҳам. Бу ҳужжатларнинг мазмунни билан танишишига ихтиёр билдирганимда, “болангни олиб қўямиз” - деб кўрқитиши (Эсингида бўлса, у эмизикли боласи билан хибсга олинган эди - Х.А.), шу сабабли мазмунидан бехабар бўлсан ҳам, тергов қайдномасига имзо чекканман”, - дейди.

Шу кунги тергов сўнгидаги яна: “Шахсан мен, ҳеч қачон Совет давлати зиёнига хизмат қилган эмасман, ҳеч қандай уюшмага аъзо бўлмаганман. Шу сабабдан ўзимни 1938 йилда ҳам, 1949 йилда ҳам ноҳақ маҳкум этилганман, деб ҳисоблайман”, - деган.

“Сизнинг, туркистонлик бошқа талабалар каби, СССРга жосуслик иши олиб бориш учун қайтганингингиз терговга маълум. Шуни тан оласизми? - деб уни қистоққа оладилар. Марям Султонмуродова аксилинқилобий жосуслик топшириғи билан СССРга қайтганини инкор этади. Бу галги терговда Марямга яна икки айбни тақайдилар.

“Терговчи: Сизнинг “Ёрқин турмуш” ва “Гулистон” журналларида аксилинқилобий миллатчилик ишларини олиб борганлигингиз терговга маълум, Шу ҳақда кўрсатма беринг”.

Ажабо, “Терговга маълум”, дейдилар-у, аммо бу гуноҳлар нималардан иборатлигини айтмайдилар.

Маряннинг жавоби қатъий. У ҳеч қандай аксилинқилобий иш олиб бормаганлигини айтгади.

Терговчи бўш келмайди: “Ўрта Осиё Тиббиёт институтининг профессори, химик Энглянд билан Тошкентда тез-тез учрашиб турганмисиз?” - деб суриштираверади. Марянни Олмония фуқароси Энглянд билан жосуслик алокасида, олмон разведкаси тарафидан тузилган жосуслик уюшмасига аъзоликда ва Ўзбекистон ССР худудида жосуслик иши олиб борган “Озод Туркистон” деган ташкилотга даҳлдорликда айблайдилар.

Шундай қилиб, 1937 йил декабрининг 20-куни айблок

ҳақида қарор чиқарилади. ЎзССР Жиноий Процессуал Мажмуасининг 62 ва 67-моддаларига кўра жавобгарликка тортилган Марям Султонмуродова энди шу мажмуанинг 57-1 ва 67-моддалари билан айбланади. Орадан икки кун ўтгач, Марямга тергов тугаганини хабар қиласилар. Марям профессор Энглиянд билан юзлаштиришни талаб этади. Лекин унинг талаби қондирилмайди.

Марямга доир “жиноятнома”нинг 28-саҳифасида 1938 йилнинг 4 сентябридаги яна бир терговга доир сатрлар бор. Бу терговда факат икки саволга жавоб бор, холос. Жавобда Марям Олмонияда “Озод Туркистон” деган советларга қарши яширин миллий ташкилот борлигидан бехабарлигини ва унинг ишида иштирок этмаганини тъкидлайди. Профессор Энглиянд билан алоқада бўлганини тан олмайди. Энглиянд деган кимсани умуман танимаслигини айтади.

Лекин Марямнинг тақдирин аллақачон ҳал қилиб қўйилган эди. Негаки, Олмонияда ўқиб қайтган ёшларнинг ҳаммаси жосусликда айбланиб қамалаётган эди. Уларнинг кўплари отиб ҳам юборилди. Марямнинг дугонаси, Олмонияда ўқиб, врач бўлиб қайтган Хайринисо Мажидхонова, Тошкент Тиббиёт институти доценти, кимёгар олим Саттор Жаббор, мухандис Омонулла Нусратуллаевлар отиб юборилди, бошқалари узок муддатларга қамоқ жазосига маҳкум этилди, бадарға қилинди. Олмонияда ўқиган ёшларнинг бир грухи, кисматлари нима бўлажагини олдиндан ҳис этган бўлсалар керакки, Ватанларига қайтиб келишмаган. Буни эшитган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Кўмитасининг ўша чоғдаги котиби Акмал Икромов: “Биз мутахассисларни марказдан чақириб юрсагу, ўз кишиларимиз ўзга юртларда қолиб кетишса”, деб хафа бўлган, дейишади.

Хулласи қалом, орадан беш кун ўтиб, 1938 йилнинг 9 октябь куни Тошкент шаҳрида СССР Олий Судининг ҳарбий ҳайъати сайёр сессияси ёпик суд мажлисида Марям Султонмуродованинг ЎзССР Жиноят процессуал Мажмуасининг 14-54 ва 67-моддалар билан айблаш бўйича иши кўрилиб, мазкур Мажмуанинг 128 ва 131-моддаларига биноан ўн йил муддатга қамоқ жазосига, беш йил

муддатта сиёсий хукуклардан маҳрум этишга ҳукм этилди ва унга тегишли мол-мулкни мусодара қилиш лозимлиги қайд этилди. Аммо тўққиз йил мусофиричиликда ўқиб қайтган, совет идораларида хизмат қилган аёлда мол-мулк нима ҳам килсин?!

“Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ”, - дейилди ҳукм сўнгига.

Осмон узок ср каттиқ. Қайга борсин, кимга дод десин, маҳкума, ҳамма йўллар унинг учун берк.

Боякиш аёл! Кўлидаги гўдагини кекса қайноаси Хосият Иброхимовага қолдириб, 1939 йилнинг 10 март куни Қозон турмасига жўнатилади.

Шу ўринда бир нарсани эсламай ўтолмайман, Марям Олмония фуқароси профессор Энглянд билан то у СССРдан чиқариб юборилгунга қадар, яъни 1932 йилгача жосуслик алоқаси бўлишда айбланди. Аммо бу жосуслик алоқаси нимадан иборат бўлганлиги фактлар билан исботланмади. Марям яна “Озод Туркистон” ташкилоти раҳбарияти топшириғига кўра, СССРда аксилинқилобий миллатчи шахслар билан алоқа боғлаб, “Гулистон” ва “Ёрқин турмуш” журналларида советларга қарши иш олиб боришда айбланди. Аммо бу ишлар қандай кўринишда бўлган, қай мақола ёки лавҳада советларга қарши ташвиқот олиб борганлиги кўрсатилимади, исботланмади.

Исботлашнинг имкони ҳам йўқ эди. Зеро, бундай факт ҳеч қачон бўлмаган. Марям Султонмуродованинг журналистик фаолияти эндинина бошланган бўлиб, у олмон тилида қилган таржималари ва бир қатор лавҳалари билан кўзга кўриниб, умид уйготаётган чоғлар эди. Шунинг учун бўлса керак СССР Олий Суди ҳарбий ҳайъатининг 1938 йил декабрида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ёпик суд мажлиси қарорида кўрсатилишича:

“Саркотиб маҳбуснинг суд залига келтирилганлигини, гувоҳлар судга чақирилмаганини хабар қилди”, - дейилади. Бир одамнинг хаёт-мамоти ҳал этилса-ю, судга гувоҳлар чақирилмаса... Инсон хукуқининг бунчалар поймол этилишини нима деса бўлади?! Яна бу “адолат посбони” деб жар соганимиз Совет Социалистик Республикалар Иттифоқида бўлиб турса-я!..

Қайдномада кўрсатилишича, суд мажлиси соат 11.35да бошланади ва 11.55, яъни йигирма дақиқа ичидаги тугаб, хукм чиқарилади.

Мен юрист эмасман. Лекин бу жиноий иш билан танишиб чиккач, унда социалистик қонунчилик қўпоп равишда бузилганлигини англаб етдим. Онгим, қалбим, шуурим билан англаб етдим. Аввало, Марям Султонмуродованинг жосуслигини тасдиқловчи бирон бир ашёвий далил ёки гувоҳларнинг аник кўрсатмалари йўқ. Олмония разведкасига Марям қандай маълумотларни, қай йўл билан етказиб турди? “Гулистан” ва “Ёркин турмуш” журналларининг қайси сонида, қайси мақола ёки лавҳада аксилиниклибий ғояларни илгари сурган? Боз устига, на тергов жараённада, ва на суд давомида Марямнинг нечача талабларига қарамай, уни гувоҳлар билан юзлаштириладилар. Нега?

Менимча, Марям Султонмуродованинг тақдири ҳали жиноий иш очилмасданоқ ҳал қилинган. Унинг айби Олмонияда ўқиб келгани эди.

Жиноий иш кўзгалса бас, уни озодликда қолдирмайдилар. Марямни дарҳол турмага камадилар.

Ўн йил хибса бўлиш беиз кетмаганди. Бу йиллар ичидаги Марям сарсон-саргардон юравериб, фарзандлари догида куя-куя дардман бўлиб қолган эди.

Янги “Жиноятнома”нинг 37-саҳифасида медицина холосаси берилган. 1949 йилнинг 12 апрель санали маълумотномада маҳкуманинг юрак хасталигига, пневмосклерозга гирифтор бўлганлиги, жисмоний меҳнатга яроқлизлиги қайд этилган. Лекин ўз меҳнати билан давлат қудратига қудрат кўшаётган ишчи, колхозчи ва зиёлиларга шафқат бўлмаган бир мамлакатда маҳкумага нисбатан шафқат бўлармиди?!

Не кунларни кўрмади Марямнинг азиз боши, не жафолар чекмади унинг ширин жони. Ўн йил маҳкумлик камлик қилгандай, яна беш йил Красноярск ўлкасида бадарга килинди. Аёл киши учун фарзандидан бир кун, бир ой жудо бўлиш азобини оналар яхши биладилар. Унинг бетоблиги билан ҳам, фарзандлари она дийдорига тўймаганлиги билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ. У маҳкума.

“Жиноятнома”нинг сўнгти сахифасидаги конвертда унинг СССР Давлат Хаўфсизлиги вазирига 1949 йилнинг 30 августида ёзган аризаси бор. Аризанинг ярмидан кўпи дўконда буюм ўраладиган дагал қозогга, қолган қисми хитой қозогза қора қалам билан ёзилган. Вакт ўтганидан ёзуви хиралашган. Адолат қилишларига умид билан ёзилган бу аризада у ўзининг бегуноҳлигини, дардман бўлиб қолганини баён этган. Ҳеч қачон ҳеч қандай аксилин-қилобий ташкилотга аъзо бўлмаганлигини, “Озод Туркистон” деган ташкилотнинг мавжудлигидан тамомила бехабарлигини айтган. Энглянд деган кимсани танимаслигини, эндиликда уруш тугаб, Олмония разведкаси хужжатгоҳларидан текшириб кўриш имкони борлигини назарда тутиб, бу тахминни текшириб кўришни талаб қиласди. Олмон разведкасига алокаси йўқлигини, жосуслик билан ҳеч қачон шугулланмаганлигини айтади. “Шуниси қизикки, мени жосусликда айблайдилар-у, на тергов чогида ва на тергов давомида менинг жосуслик фаолиятим нимадан иборат бўлганини, менга қандай топшириклар берсилганини тилга олмайдилар. Жосусни тутсалар-да, унинг фаолияти, тафсилоти билан қизикмасалар”, деб нола чекади у Москвага йўллаган мактубида.

Бу мактубга маҳкума жавоб олган-олмаганлиги бизга қоронги... Ўзинг учун ўл етим, деганларидаи Марям яна ўзи ёнди, ўзи қўйди, ўз ёғига ўзи қовурилди...

Хақиқат ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди, дейди доно халқимиз. Сўнгти йиллардаги ошкоралик сиёсати шарофати билан шахсга сигинишнинг оғир оқибатларини бартараф этиш борасида катта ишларга кўл урилди. Сталин даврининг қатли омига дучор бўлган миллионлаб кишиларнинг “жиноятнома”си қайта кўрила бошланди. Марям Султонмуродова СССР Бош прокурори номига 1957 йилнинг 10 майида йўллаган аризасида тергов ташкилотлари ўзига нисбатан катта адолатсизлик қилганликларини, совет қонунларига хилоф иш тутганликларини, Олмонияга ўқишга боришга розилик бергандан ўзга гуноҳи йўқлигини баён этади: “Уйдирмадангина иборат мана шу “жиноятнома” туфайли йигирма йил давомида азоб чеқдим, ёлғиз менгина эмас, менинг фарзандларимдан тортиб иниларим,

сингилларим, онамгача азоб-уқубатларга гирифтор бўлишиди. Шунинг учун ҳам ишимни қайта кўриб чиқишингизни, ҳақиқат тантана қилишини истайман. “Жиноятнома”даги менинг шаънимга айтилган гаплар уйдирма ва тухматдир. Шу сабабли менинг ишимни қайта кўриб, бу шармандаликдан халос қилишингизни сўрайман”.

Ойнинг ёруг кунларидан унга ҳам насиб этди, чоғи, Москвага йуллаган аризасидан бир наф чиқишидан умид узиб юрган кунларининг бирида уни Хоразм вилояти Даълат Хавфсизлиги Кўмитасига чакирадилар. 1956 йилнинг 13 сентябрь куни Марям гувоҳ тариқасида сўроқ қилинади.

Яна ўша таниш саволлар. Лекин савол-жавоб чогидаёк Марям даврнинг ўзгарганини хис қилди. Энди илгаригидек пўписа билан гапириш йўқ. Олмонияга қачон кетди, нега кетди, ким билан кетди, қаерда ва қачон ўқиди, кимлар билан ўқиди, кимлар билан танишди, қандай йигинларда қатнашди ва ҳоказо...

Марям тергов давом этган кунлар Олмонияда ўқиб юрган ёшлик вақтини қайта бошидан кечирди ва тергов сўнгидаги ҳеч қачон советларга қарши ҳаракатда бўлмаганигини, 1938 йилда ҳам, 1949 йилда ҳам ноҳак қамалганигини айтди.

Орадан бир ой ўтди. Марямни бир ҳужжат билан таништирдилар. Ҳужжатни ўқиб, охирига етганда Маряннинг кўз ўнги қоронғилашди, юраги қинидан чиккудай бўлиб, гупиллаб уриб кетди. СССР Олий Суди ҳарбий ҳайъатининг 1957 йилнинг 2 август санали ажримида бундай дейилган эди:

“Янги маълум бўлган ҳолатларга биноан СССР Олий Суди ҳарбий ҳайъатининг 1933 йил 9 октябрдаги ҳукми ва СССР Даълат Хавфсизлиги вазирлиги ҳузуридаги Алоҳида Мажлиснинг 1943 йилнинг 3 августидаги Марям Султонмуродовага доир қарори бекор қилинсин ва унинг ҳаракати жиноят йўклиги учун тўхтатилсан”.

Марям бу ажрим билан икки ойдан кейингина, 1957 йилнинг 14 октябрида таништирилди. Озод этилганидан кейин яна икки ой тутқунликда яшади, шўрлик.

Ҳақиқат қарор топди. Лекин бунинг учун ўн тўққиз йил керак бўлди. Эссиз, хайф кетган умр...

Ажрим сўнгида Марямнинг уйини тинтуб қилиш чоғида олиб кетилган Дармштадт шаҳрида муаллимлар тайёрлаш семинарийсини тамомлангани ҳакидаги дипломи ва 1928 йили профессор Финкельштейннинг Берлиндаги болалар шифохонасида олти ойлик ҳамширалик курсини тугаллагани ҳакидаги маълумотномани қайтариб сўраганлиги қайд этилади.

Лекин Марямнинг сарсон-саргардонлиги бу билан поёнига етмади. Ишга жойлашиш учун хужжат керак. Хужжатлар эса тинтуб пайтида олиб кетилган. Марям ариза кўтариб, Хоразм вилоят Давлат Хавфсизлиги Кўмитаси раҳбарига мурожаат этади. Бу аризасида у ажрим хатида таъкидланган хужжатларини ва меҳнат дафтарчасини қайтариб беришларини сўрайди. Аммо хужжатлар унга қайтариlmайди. Хужжатлар қайтариlmайди-ю, лекин ундан тилҳат олинади. Бу тилҳатда 1956 йилнинг 3 декабрь куни менга 1937 йилнинг 13 сентябрь куни хибсга олинган чоғимда олиб кетилган хужжатларни орадан узок муддат ўтганлиги учун сақланиб қолмаганини эълон қилишди, дэя имзо чекади.

Шу билан Марямнинг Давлат Хавфсизлик Кўмитаси билан борди-келдиси ўз нихоясига етган бўлса керак деб ўйласангиз, адашасиз. Марям кейинчалик ҳам бу маҳкамага ариза йўллашга мажбур бўлади. Юқорида айтиб ўтилганлардан биласиз, уни журнал таҳририятида ишлаб юрган чоғида хибсга олишган. Ўн йил қамоқ муддатини ўтаб қайтгач, у Янгибозор тиббиёт пунктида ҳамшира бўлиб ишлаган. Эндиликда иш стажини тиклаш учун унинг 1949 йилда иккинчи бор хибсга олингунга қадар ҳамшира бўлиб хизмат қилганлиги тасдиқланishi керак эди.

Ахийри, 1958 йилнинг 21 март куни Давлат Хавфсизлик Кўмитаси тарафидан маълумотнома юборилиб, унда 1949 йилнинг 30 марта ҳибсга олингунга қадар Марям Султонмуродова Урганч туманидаги Янгибозор тиббиёт участкасида ҳамшира бўлиб ишлаганлиги тасдиқланади. Марям бу маълумотномани ҳам 1958 йилнинг 3 апрелида тилҳат бериб олади.

Бир инсонни ёмон отлиқ қилиш бунчалар осон-у, унинг номини тиклаш, ҳайтга қайтариш қанчалар қийин...

Мен ўзим кўрган “жиноятнома” асосида Марям Султонмуродованинг кечмишларини сизларга баён килдим. Минг афсуски, бу ёлғиз Марям Султонмуродова бошига тушган кўргиликлар эмас. Даҳшатли 1937 йилда “халқ душмани” деган тавқи лаънатга тақалган онахонларимиз, опахонларимиз қанчалигини аниқ билмасам-да, бир ракам келтираман. Ҳозирги “Саодат” ойномаси 1925 йилда “Янги йул” номи билан чиқа бошлаган ва 1937 йилларга келиб “Ёрқин турмуш” номида чоп этилган. Шу ойноманинг биринчи мухаррири Тожихон Шодисева ва ундан кейинги мухарриларидан Собира Холдорова ҳамда адабий ходима Марям Султонмуродовалар “халқ душмани” сифатида турли муддатларга қамоқ жазосига маҳкум этилиб, Сибирнинг турли лагерларида қамоқ муддатини ўтаб қайтдилар. Марям билан Олмонияда бирга ўқиб, шифокор бўлиб қайтган дугонаси тошкентлик Ҳайринисо Мажидхонова эса, отиб юборилган...

Бу сўнгги сатрларни ёзаяпман-у, бу маҳкумаларнинг хайф кетган ёшлигига, хазон бўлган умрига аза тутган қалбимнинг дуди қўкка ўрлайди, ўзимни қўярга жой тополмайман. Аламли дилимда пайдо бўлган саволларга жавоб излайман: Бундай кемтик тақдирли аёллар қанча бўлди экан? Балким биладиганлар бордир? Улар хақида ёзмоқ керак... Ҳақиқатни ҳамма билмоги керак...

Марям Султонмуродованинг аччик тақдирни, алданган умидлари ҳақидаги лавҳага ҳали нуқта қўйилганича йўқ. Унинг Урганчга қайтиб борганидан кейинги кечинмаларидан биз бехабармиз. Бу бўшлиқ унинг қариндош-уруглари, фарзандлари, ёр-дустлари, қўни-қўшнилари, ёнма-ён ишлаган ҳамкаслари томонидан тўлдирилишига умидвормиз.

Орадан кўп ўтмади. Урганчда Маряннинг ўғли Омон Султонмуродовдан мактуб олдим. Омон ўз хатида онаси у оғир даврлар ҳақида ҳеч нима гапирмаганлигини, шу сабабли ўзи шоҳид бўлган нарсалар ҳақидагина ҳикоя килажагини ёзади. Омоннинг мактубидан билишимча, Марямни 1954 йилда окланиб қайтгач, Тошкентта ишга таклиф этганлар, аммо у ўз туғилиб ўстган Чандир Қиёт

кишлогида онаси Дуржон Кўчисева багрида яшай бошлаган. У даврда ҳаёти жуда оғир бўлган: ҳеч ерда иш беришмаган. Нечаки ташкилотлар остонасидағи сарсон-саргардонликдан кейин Урганч туманидаги Қораман қишлоғидаги тиббиёт бўлимига ишга жойлашишга муваффақ бўлган. Ўша чоғлар Марям дала шийпонидаги совуқ хонада ўтилчаси билан икки йил яшаган. Қатагон йиллари одамлар шу қадар юрак олдириб қўйганларки, унга ёрдам кўрсатишга ҳам айғоқ қўзлардан чўчиғанлар.

Юқорида айтганимдек, унинг Олмонияда ўқиб олган хужжати ҳам, сургундалик чогида ўқиб келтирилган дипломи ҳам тергов ташкилотларида қолиб кетган. Бу ерда эса дипломинг йўқ, деб ишдан бўшатишга уринганлар. Шунинг олдини олиш учун Марям кундузи ишлаб, кечаси ўтилчасини опичиб бориб, кечки ҳамширалик курсини битирган. Саккиз соатлик иш вақти тутагаса-да, унинг ёрдамига мухтож бўлиб ёлвориб келганларни ноумид қайтармаган, “Гўдак болам бор, ёлгиз қолиб кетади”, - деб важ-корсон кўрсатмаган. Айтадилар-ку, ахир, қайси бандасини Аллоҳ сўйса, унга одамларнинг ишини тушириб кўяди, деб. Шундай экан, Аллоҳ таоло ўзи сўйган бандасини нега бунчалар қийнади-я, деган ўйлардан қалбим ёнади.

Икки йилдан сўнг Марям ўзи тўғилиб ўсан Чандир Киёт қишлоғида очилган тиббиёт бўлимига ишга ўтди. Аввалига бу ерда мудира бўлди, кейинчалик то нафақага чиккунига қадар фельдшер бўлиб ишлади. Омонжон онаси ҳакида эслаб, шундай дейди: “Ҳеч қачон ўзларини ўйламасдилар, бундай фидойиликни мен баъзан тушунмасдим. “Онажон, зўрга юрибсиз, сал ўзингизни аянг, тинчгина ўтиринг, ахир ёшинтиз ўтиб қолди, соғлиғингиз ҳам яхши эмас”, десам, кулардилар. Рўзгор ишларини ўринлатиб қўйсам, дарҳол меҳрларини изҳор қиласдилар: “Жонгинам болам! Сенadolatлисан, ҳамма ишни ақл кўзи билан қилишингга, қўлингдан келгунча инсонларга яхшилик қиласдигингта ишонаман. Чунки, сен менинг юрак меҳрим билан сугорилган гулсан. Гуллаб яшнайвер. Одамлар сени ўстирган онантга раҳмат десинлар!” - деб насиҳат қиласдилар. Онам шундай багри кенг инсон эдилар”.

Марям дардини тишида тишлади, ҳар қандай шароитда одамлардан яхшилигини аямади. Буни бирор билди, бирор билмади. Баъзи ўзини билмаган кимсалар унга надомат тошлирини отди ҳам. Мана шундай юраги қўйган чоғларда Марям дардини қоғозга тўқди. Унинг ўғли Омон онасининг ёзганларини менга йўллаган эди. Маряннинг ёлғизлиқда битган дил изҳорини қисқартириб, хавола қиласман. Бу Марям Султонмуродованинг сўнгги дил изҳори:

“Жоним азобда қолди. Юрагимни очиб сўзлайдиган кимсан йўқ. Қалбимни қоғозга тўқиб солмоқчиман. Шу ниятда қўлимга қалам олдим.

Илгарилари мен Давлат Хавфсизлиги идораларида ҳаётни яхши билган, Совет ҳокимиятига садоқатли одамлар ишлайди, деб ўйлар эдим. Шунинг учун бўлса керак, назорат килиб туриш ҳолларига рўпара келганимда, бунда ҳеч қандай ёмонлик кўрмасдим. Ҳаётда шундай бўлиши керак деб ўйлардим, буни тўгри деб тушунардим.

Менинг виждоним пок эди. Мен берилиб, виждон билан меҳнат қиласадим. Аммо, ҳеч қачон жиноят қилмаган эсам-да, мени яна қамоққа ташладилар. О, қанчалар азобда қолганимни билсалар эди...

1954 йилда яна юртимга қайтиб келдим ва Қорамонда ишлай бошладим. Бу ерда ҳам атрофимни ўшандай одамлар куршади ва менга аввалгидай азоб бериб, мазах қила бошлашди. Уларнинг баъзилари менинг тақдирим уларнинг қўлида эканини англатиб қўйишга уринса, бошқалари мен билан яқинлашишга, дўстлашишга ҳаракат қилишарди. Ўзларини якин кўрсатиш учун ҳар хил гаплар қилишарди.

Масалан, бир киши 1958 йили, якинда Ички ишлар вазирилигига бўлганини, у ерда менинг тўгримда суриштирғанларини, ким билан яқинлигимни, нима дейишимни, сиёсат билан қизиқишиш-қизикмаслигим, газета ўқишиш-ўқиши маслигимни суриштирганларини сўзларди.

Суриштиrsa-суриштираверишsin, менинг ҳеч қандай ёмон одамлар билан ошначилигим йўқ... Совет ҳокимиятига қарши бирор ёмонлик қилиш хаёлимга ҳам келмайди. Мен билан қизиқишиш-қизиқишаверишишsin. Бу, уларнинг иши.

Аммо, барибир, алам қиларкан, кишига. Одамлардан уяларкансан. Шу алфозда яшамоқ қанчалар оғир!

Менга болалиқдан виждонли инсон халки ва давлати дардига малҳам бўлмоги керак деб ўргатишарди. У ўз ватанинг ижтимоий ҳаёти билан қизикмоги, партия ва ҳукуматнинг мақсад ва вазифалари нимадан иборатлигини билмоги керак дейишарди. Акс ҳолда, у юртининг ҳақиқий фуқароси бўлолмайди.

Матбуот - ижтимоий ҳаёт мактабидир.

Матбуот - совет кишиси учун энг яхши мактаб.

Матбуот - кишиларни олға ундовчи байрок.

Шундай экан, менинг нега газета ўқишим мумкин эмаслигини тушунолмайман. Она юртида нима бўлаёттанидан бехабар киши унга қандай хизмат қила олади, ўз халқига қандай фойда келтира олади?!

Лекин шундай деб суриштираётган бўлишса, демак ҳақиқатан ҳам газета ўқимаслигим керакдир, дедим-да, уч йил мобайнида кўлимга газета ва журнал ушламадим. Лекин бундан сўнг ҳам менга ўша-ўша муносабатда бўлишгач, хато қилаёттанимни, мени барибир ўз ҳолимга кўймасликларини англадим, бўлганча бўлар, деб қўл силтадим. Келаси 1960 йил учун қўпгина газета ва журналларга обуна бўлдим. 1957 йили мени оқлашган. Мендан бахтли одам йўқ эди. Ахийри, орзуим ушалди! О, менинг хурсанд бўлганларим...

Ҳаётимда катта бир ўзгариш кута бошладим ва, ахийри, тўла ҳукуқли совет фуқароси бўламан, деб ўйладим. Лекин афсус, кўп ўтмай, ихлосим қайтди. Мен ҳамон назорат остида эканлигимни, шармисорлик тамгасининг юки ҳамон босиб ётганини англадим.

Мени Давлат Хавфсизлик вазирлигига чақирдилар. Ижтимоий келиб чиқишимни, қариндошларимнинг, бирга хизмат қилганларнинг исмини ва манзилгоҳини ёзиб беришни буюрдилар. Мен итоат қилдим ва бунинг натижаси тезда ўзини намоён этди. Менинг шахсимга қизиқиш янада ортгани сезилиб турарди. Ўша кунларда мен ўзимни яна терговда хис этдим. Яна тинчлигимни йўқотдим, ўзимга ишончим қолмади.

Мен билан бирга хизмат қилганлардан бирини чақиртиришди. Шундан кейин у менга менсимай қарайдиган бўлди...

Ўзлигингни пастга уришларини ҳис этишдан ортиқ алам йўқ оламда. О, бу қанчалар оғир!..

Агарда менга юқоридан масхараомуз қараётган мана шу кимсалар мендан яхшироқ ва мендан покроқ бўлишгандагу, балки бу ҳолга чидардим. Лекин асло унда эмас эди. Аксинча, уларнинг бири чайқовчилик, ичкилик-бозлик, бузуқчилик киларди. Иккинчиси, бирорвнинг эрини тортиб олган, фарзандини отасиз қолдирган эди. Ўз юрти конунларини хурмат қилмаган кимсанни виждонли киши деб бўладими, унга ишониб бўладими? Виждон конунини писанд қилмаган, бошқаларнинг кўз ёшларини оқизган кимсанни инсон, деб бўладими?

Ҳақиқий инсон ҳамма ерда: ҳаётда ҳам, ишда ҳам соғ виждонли бўлмоғи даркор.

Аслида ўзлари чиркин табиатли, пасткаш одамлар мени қўрқитишар, осуда ҳаётимни заҳарлашга уринишарди. Бир куни ўша аёл гуё менга ачинган бўлиб, ўглимни ишончлироқ жойга жойлаштиришни маслаҳат берди. “Ким билади, ҳали бошингизга не савдолар тушади”, - деди. Мен унга ўғлим ҳали ёш бола, менга бирор кор ҳол бўлишига ақлим бовар қилмайди, дедим-да, хотиржам ишлай бошладим. Шунда у менга истехзоли тиржайиб: “Жуда иродангиз кучли экан”, - деди.

Хеч бўлмаса, мана шу кимсалар мени тинч қўйишса эди, кўнглимга гулу солишмаса эди! Йўқ, улар менга сира тинчлик беришмас, оловга мой қуйишарди. Менга ўзларини яқин қўрсатиб, ҳар нималарни очиқ гапирган бўлиб қандай максадни кўзлашяпти экан?

Яна бири менга уни тергов қилиб, мен тўгримда суриштирганларини, менинг француз тилини ҳам билишмни, лекин буни яширишимни айтганларини сўзлади. Нима учун менга ишонмайдилар? Унинг ёлғон гапирмаганини мен Хавфсизлик идораси офицери билан сўзлашганимда англадим. У менга, унда француз тилида ёзилган хат борлигини, ўқиб беришимни сўради. Майнавозчиликни каранг! Тавба!

Мендан бирга ишлаганлар ҳақида суриштиришганда бир аёлнинг номини тилга олгандим. Орадан бир мунча вақт ўтгач, у менга:

- Афсус, улар сизни тинч қўймайдиган қўринади, - деди. Якинда эса, орамиз бузилиб қолганда:

- Шуни билиб қўйингки, тақдирингиз менга жудаям боғлик! - деди у зарда билан.

Хар кимса кайфиятига қараб мен билан хоҳлаганича гаплашиши мумкин экан-у, мен тилимни тийиб индамас-лигим керак...

Ҳамма вақт шундай. Ҳатто ҳамширалик мактабида ҳам бир айғокчи бўлгувчи эди. Қаерга борсам, рўпарамдан чиқаверарди. Наҳотки, мен шунчалар Хавфли жиноятчи бўлсан, наинки, мени назорат килиш учун бутун бошли штат белгиланса? Наҳотки, шундай қилишга ҳақли бўлсалар?!

Давлат манфаати мени назорат остида тутишни талаб қилди, дейлик, нега улар буни намойиш қиласидилар? Нега энди мен буни билиб туришим керак? Ёки мени қўркитишмокчими? Нега? Агар менинг поклигимга заррача бўлса-да ишончсизлик бўлса, мени оқламасликлари мумкин эди-ку?!

Мана шундай хаёллар мени қийнайди - жоним азобда қолади.

Мен бутун умр виждан билан яшадим ва меҳнат қилдим. Ҳаётимда бир бор беихтиёр қоқилган бўлсан, наҳотки, қайта-қайта йикитиш, кайтиб қад ростлай олмайдиган қилиб ташлаш керак? Наҳотки, менга қўл чўзиб, тўғри йўлга бошлаш мумкин эмас? Нега энди менинг дилдираган қалбимни илиқ сўз билан, дўстона эътибор билан иситиш мумкин эмас?!"

Бу сатрларни ўқиганимда, Марямнинг аччиқ қисмати қиймалаган дилимга таскин бераман, унинг сабри, бардоши, қаноатига таҳсин ўқийман. Яхшиямки, Марямлар бор дунёда, бундан кейин ҳам бўлади. Ҳаёт давом этади. От босмаган жойларни той босади, деганларидай, Марямга насиб этмаган яхши кунларни унинг қизи Анор, ўғиллари Пўлат билан Омон ва уларнинг фарзандлари кўради...

## Яна Марям Султонмуродова ҳақида

У ўша қуниёқ ўзини унугтган ҳолда жонажон юртига, ўз жигар-гўшаларига мажолсиз ҳолда бўлса-да, унинг илик ҳавосидан нафас олгандай бир хат ёзди:

*Азизларим!*

*Бизлар бутун сургундан бўшадик. Уй ва молларни ўз баҳосига сота билсак октябрь осёкларина кетамиз. Сота бил-масак, бу ерда кишлаймиз.*

*Рахмат, албатта, паспорт олиши билан кетади. У сизларнинг ёнингизда бўлса, бирмунча жоним тинч бўлажак. Соғ бўлинг. Согликда кўришайлик. Хат ёзинглар. Ҳаммангизга салом билан:*

*Марям ЎзССР, Хоразмская область, с/совет Чандир кият, Султановой.*

*Село Большой Улут, ул. Кирова 38, Султановой.*

Хўш, Марям Султонова нега сургунда юради, нима гуноҳлари учун камалган? Рахмат ким? Нега у ҳам сургун килинган?.. Куйида шу жумбок ҳат ва унинг эгаси ҳақида биз ҳам хикоя килмоқчимиз.

Марям асли хоразмлик бўлиб, 1905 йил 13 февралда Хивада “Ёш хиваликлар” ҳаракатининг фасл иштирокчиларидан маърифатпарвар Мулла Жуманиёз оиласида дунёга келди. Унинг отаси Мулла Жуманиёз Хива хонлиги тузумига карши курашда иштирок этиб, Хоразм инқилобидан сўнг Хоразм Халқ Шўро Республикасининг фаол раҳбарларидан бири бўлиб ишлайди ва шу туфайли кейинчалик айrim жохиллар томонидан ваҳшийларча ўлдирилади.

Бу ҳақда Марям Султонмуродованинг ўзи шундай хикоя қилган: “Отам ҳонга қарши кураш ҳаракатининг энг актив иштирокчиларидан бўлган. Менинг болалигим ҳам феодал Хоразмдаги ана шундай ижтимоий курашлар тўлқинида ўтди. Бу кураш, айникса, бизнинг оиласида хайтимизга оғир таъсир қилган. Биз доимо кувгин-таъқиблар остида яшаганмиз. Ҳатто онам бир неча бор қамоқ азобларига ҳам учраган. Хива хонининг буйруги билан отамнинг унга қарши кураш ҳаракатидаги иштироки туфайли унинг тўрт ака-укаси қатл қилинган. Буларнинг

ҳаммаси менинг ёш қалбимга асорат қолдирмасдан иложи йўқ эди...”

Марям дастлаб 6-7 ёшида Урганч ва Тўрткўлдаги янги усул татар мактабида ўқий бошлайди. У бу ердаги ёш татар, ўзбек ёшлари билан иноклашиб, савод чиқарди. Отаси Жуманиёз ака ўз даврига яраша анча зиёли ва “ёш хиваликлар” каби илгор маърифатчилар ва ислоҳотчилик тарафдорларига маслақдош бўлгани учун ҳам ўз қизларини янги замонавий мактабларда ўқитишни, илм-маърифатли қилишни орзу килган. Шу сабаб бўлса керакки, кизи Марямни, бу ердаги мактабни тугатгач, 1919 йилда Тошкентдаги ўқитувчилар тайёрловчи татар Маориф институтига ўқишга жўнатган. Бу ерда икки йилча ўқигач, ёш, тиришқоқ ва илмга чанқоқ бўлган Марям 1920 - 1921 йилларда Оренбургга бориб, у ердаги татар педагогика институтида ҳам бир муддат таҳсил олган.

У 1922 йил кузидаги ўқиш орзуси билан яна Оренбургдан Тошкентга кайтади. Бу сафар уни Туркистон республикаси раҳбарлари бир гурӯҳ маҳаллий ёшлар қаторида “Энди бизнинг олдимизда Европа фан ва техникасини ўзлаштириш ва улардан ўзиб кетиши вазифаси турипти”, - деган ақида билан Германияга ўқишга юборадилар. Марям Германиянинг Дармштадт шаҳрида дунёнинг турли мамлакатларидан келган ёшлар билан бирга ўлкамизнинг маърифати ва маданиятини ривожлантириш орзуси билан ёниб илм олади. 1922 - 1923 йилларда у Германияда немислар билан бир хонадонда яшаб, дастлаб Берлин универсиитети қошидаги 6 ойлик немис тили курсини тутатади. Сўнг 1924 йили Дармштадтга бориб, 1926 йилгача ўқитувчилар семинарийсида ўқыйди. 1927 йил Берлинга келиб, бир йил амалий машгулотда бўлади. 1928 йил ўқишни тутатиб, СССРга қайтади. Бу ерда у аввал Тошкентдаги Эски шаҳар кечки Коммунистик университетнинг ўқув бўлими мудири, сўнг 1935 йилдан “Гулистан” журналида Собира Холдорова, Тожихон Шодиева, Саодат Шамсиева каби ўша даврнинг илгор хотин-киз журналистлари билан бирга ишлай бошлайди. Матбуот саҳифаларида ўзбек аёлларининг ўтмиши ва ҳозирги турмушидан қатор хикоя ва очерклар ёзади. Рус ва немис классик адабиётининг

буюк сиймолари А.С.Пушкин ва И.В.Гётелар ҳакида мақолалар эълон қилади. Уларнинг мазкур миллий адабиётлар тарихидаги ўрни ва аҳамияти ҳакида фикр юритади. Жумладан, у Гёте ҳакидағи мақоласида шоирнинг жаҳон ва немис адабиётида туттган ўрни ҳакида шундай ёзади: “Жаҳон адабиётида энг юқори ўрин туттган ёзувчилардан бири XVIII асрнинг охирларида яшаган немис шоири Иоханн Вольфанг Гёtedир...

“Штурм унд Дранг” номи билан машхур бўлган адабий харакат, эндиғина уйгониб келмоқда бўлган немис фуқаросини дворянлар синфига қарши қўяр, ном ва мартаба, бойликлардан кишилардаги ақлни, ижодий қобилиятни устун қўяр, кишининг шахсини озод қилишга интилар эди. Бу даврнинг яратган асарлари шу вактдаги немис жамияти тузилишига қарши норозилик ва нафрат билан тўла эди. Гёте немис фуқаросининг дунёга бўлган мана шу янги қарашини ўз ижодида одатдан ташқари равшанлик ва ўткирлик билан ёрита олган... шоирдир. Унинг поэзия ва фалсафасида ёш буржуазиянинг эски дунёга қарши исёни очиқ кўриниб туради” (М.Султонова, “Ўлмас бир сиймо”, “Гулистон” 1935, 8 -9-сон, 47-бет).

Марямнинг кувонч ва орзулари узокқа бормади. Ўзи каби эркин хотин-қизлар авлодининг бошқа қалдирғочлари қатори у ҳам айни парвоз этаётган 30-йилларда мустабид тузумнинг қонли исканжасига тушиб, қанотлари қайрилди. 1937 йил кузида тўсатдан “немис жосуси”, “фашизм тарафдори” сифатида айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига хукм этилди. 1947 йил қамоқ жазоси тугаб, Хоразмга қайтгандан кейин ҳам узок ўтмай, 1949 йили яна қамалди. Бу сафар уни Берлиндаги қандайдир “Озод Туркистон” аксилиңқилобий миллатчилик ташкилоти билан шубҳали алоқада бўлганлиги, дугонаси Ҳайринисо билан Парижга борганида Мустафо Чўқаев билан учрашганлиги, профессор Энгляндга немис жосус ёлланганлиги каби айблар юзасидан сўроқ қилинди.

Марям Султонмуродова Сталин вафотидан сўнг ҳам эски шубҳа ва гумонлардан тамомила қутуло маётганлиги ҳакида 1956 йилда шикоят қилиб, СССР Бош прокурорига

мурожаат қилди. Унда 1937 йилда тухматта учраб, 10 йилга қамалганлиги, 1947 йилда жазо муддатини ўтаб қайтгач, 1949 йили яна эски айб билан айбланиб, Краснодар ўлкасига сургун қилинганлиги, ҳолбуки, ҳеч қандай айби ўйклиги ва давр сиёсатининг бегунох қурбони бўлганлигини айтган ва терговчиларнинг бу борадаги ўта адолатсизликларига тўхтаб, шундай деб ёзган эди:

*Вахоланки, мен ҳеч қачон ҳукуматта қарши бормаганман ва вижданан революцияга қарши ҳеч қандай иш кўрмаганман. Ўзимни фақат вужудга келган шароит қурбони хисоблаб, ишимни қайта кўришингизни сўрайман.*

*Менга кўйилган айбларни, қуйидаги сабабларга кўра, асоссиз деб хисоблайман:*

1. *Мени айблашларича, гуё мен Берлинда бўлган вақтимда “Озод Туркистон” деган аксилинқилобий жосуслик ташкилотининг аъзоси бўлиб, шу ташкилотнинг топширигига биноан Германия фойдасига жосуслик ишлари олиб борган эмишман.*

*Мен ҳеч қачон аксилинқилобий бирорта ҳам ташкилотнинг аъзоси бўлган эмасман. “Озод Туркистон” деган ташкилотнинг борлигини ҳам биринчи бор тергов вақтидагина эшитдим.*

*Менинг билишимча, 1922 йили Бухоро Ҳалқ Республикаси ва Туркистон Совет Республикасидан 60 га якин киши Германияга ўқишга юборилган эди. Ўша йилнинг кузиди Ҳоразм партия Марказий Комитета бюросининг қарори билан мен ҳам ўша ерга бордим. Менга, энди бизнинг олдимизда Европа фан-техникасини кувиб стиш ва ўзиб кетиш вазифаси турганлигини айтганларидан кейин мен у ерда ўқишга розилик берган эдим.*

*1922 йилдан то 1924 йилнинг бошлиригача Берлинда бўлдим, кейин Дармштадтга ўқишга кетдим... Мен ўша вактларда биз, студентларни Туркистон талабалари жамияти номли ҳамюртлар уюшмаси бирлаштириб туришини билардим.*

*Бу, юртдошлиқ қабилидаги очик ташкилот бўлиб, унинг фаолияти давлатимизнинг воситачилиги билан боғланган эди. Кейинчалик бу уюшмани Германиядаги*

*бутун Советлар Иттифоқи талабалари жамияти билан бирлаштирилдилар. Бундан бошқа яна қандай талабалар жамияти бўлганлиги менга сира маълум эмас.*

*2. Мени, Тошкентта келган вақтларимда аллақандай Энглиянд номли профессор орқали жосуслик ишлари олиб борганликда айбладилар. Бу тухмат!..*

*Мен душманга қандай маълумот бердим ва у қандай амалга оширилди? Бундай айбнинг тасдиги учун бирорта фактни далил ва гувоҳлар билан кўрсатишмади... Менга нисбатан сохта гувоҳлик берган одам билан юзма-юзлаш хакидаги илтимосимни эса рад этишди. Шунинг ўзи менга қўйилган айбнинг ёлгон ва сохта эканлигини кўрсатиб туришти.*

*3. Мени, гуё “Гулистан” ва “Ёркин турмуш” журналларида ишлаб туриб, аксилинқилобий миллатчилик йўлини ўтказганликда айбладилар. Бу фаолиятим нималарда кўрин-ганлигини менга айтишмади...*

*Адабий ходим ва журналист сифатида баъзан журналларда айрим мақола, очеркларим, кўпроқ рус мумтоз адабиётидан таржималарим босиларди. Улар гоявий соглом ва совет маданияти ривожи учун фойдали эди. Бу айбловларим учун хам бирорта факт келтира олмадилар”.*

*Марям Султонмуродова ўша аризасида тергов органларининг унга қўйган бошқа айбларнинг хам асоссиз-лигини кўрсатади. Жумладан, унга қўйилган яна бир айб, Парижда бўлган вақтда Мустафо Чўкаев билан учрашганлиги фактига муносабат билдириб, ёзали:*

*4. Менга қўйилган айбларда Парижда бўлган вақтимда Мустафо Чўкаев билан учрашганлигим гапирилади. Бу тўтри. Лекин учрашув тасодифий ва дақиқалик кечган. Биз ўша куни Мужижахонова (Хайринисо Мажидхонова бўлиши керак - Ш.Т.) билан операга бориш учун тўпла-ниб, меҳмонхона ошхонасининг ходимасига бизга кечки овқат қолдиришни айтиш учун ошхонага кирган эдик.*

*Худди шу вақтда Парижда ўқиб юрган Аҳмад Наим хам ошхонада бўлиб, у бизни Чўкаев билан таништириди. Биз операга шошиб турганлигимиз учун улар бизни тутиб турмай, чиқиб кетдилар. Ўша вақтда биз у кишининг ким эканлигини ҳам билмас эдик. Шунинг учун бу учрашув*

хеч қандай аҳамиятта эга бўлмаган. Чунки, мен Германияга ўқишига кетган вақтимда эндиғина 17 ёшга кирган, ҳали шаклланмаган эдим ва унинг Ўрта Осиёдаги аксилинқи-лобий фаолияти ҳақида ҳеч нарса билмас эдим... Наҳотки, мен саёҳат вақтимдаги ҳар бир тасодифий учрашган одам учун жавоб беришим керак бўлса?!”

У тергов вақтида уюшган жиноятчиликда айблаш учун далиллар кўрсатиш лозимлигини айтди, терговчиларнинг гайриқонуний хатти-харакатларини тақиқлашни талаб этди, ёш болали аёллардан зўравонлик йўли билан соҳта жавоб олиб, қўл қўйдиришларини очиб ташлади:

Мустафо Чўқаев инқилобгача Россия Мувакқат ҳукуматининг бошлиги Керенский билан бирга Петербург дорил-фунунининг ҳукуқ факультетини тамомлаган. Октябрь инқилобидан сўнг Туркистон Мухторияти ҳукуматининг раиси бўлган, Мухторият ағдариллач, чет элга кетган. Аввал Франция, сўнг Германияда бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши бошларида Берлинда вафот этган

5. Мени уюшган жиноятчиликда айблашди. Лекин мени улардан алоҳида ажратиб, гувоҳларсиз суд қилишди. Агар менга қўйилган айбда заррача ҳақиқат бўлса, очик намунали суд қилишлари керак эди, деб ўйлайман. Бундан ташкари, тергов вақтида ҳам, судланув вақтимда ҳам буни катъий талаб қилган вақтимда менга бундай дейишиди: “Буни сизга фойдаси йўқ, чунки, масала олдиндан тайёрланган бўлиб, саволларни фақат НКВД ходимлари беришади, сиз “бўлмаган эди”, деганингизда ҳам гувоҳлар “бўлган эди”, - дейишиади, аниқлик киритиш ва тушунтириб ўтиришга эса ружсат этилмайди. Менинг нега ҳеч қандай далилларсиз, фақат тухмат ва ёлғонларга асосланиб, соф совет аёслини бадном қилмоқчи бўласизлар?” - деган саволимга терговчи очик қилиб: “Мен инқилоб солдатиман, мендан нимани талаб қиласалар, шуни бажараман”, - деди. “Агар сиз яна ўжарлик қилаверсангиз, гўдагингизни тортиб олиб, сиз билан бошқача гаплашамиз”, - деганидан кейин менинг бирор жиноят қилганлигим ёки қилмаган-лигимнинг ҳам ҳеч кимга қизиги йўклиги, ҳамма-ҳаммаси менга аён бўлди ва улар мендан нимани хоҳлаган бўлсалар, ҳаммасига қўл қўйдим.

Марям Султонмуродова мазкур аризасида 20 йилдан бери мана шундай ноҳақ тухматлар, ҳукмлар ва қора тамға остида юраётгандиги, бу ноҳақликларнинг факат ўзинингина эмас, оила аъзолари, болаларини ҳам даҳшатли ҳолга қўяётгандигини афсус ва надомат билан ёзади. 30-40-йиллардаги қонунчиликнинг бузилиши натижасида унинг бўйнига осилган қора тамтани ҳаётининг сўнгти дамларида олиб ташлаб, хеч бўлмаса, бу дашномнинг фарзандлари бўйнида осилиб қолмаслигини ўтиниб сўрайди.

“...Менинг виждоним пок. Менинг ягона хатоим, у ҳам бўлса Германияга ўқишга кетишига розилик билдирагним... Агар шу маълум хатоим бўлмаганида, тақдирим тамоман бошқача бўларди ва мен бугунгидай баҳтсиз одам бўлиб ўтирмасдим. Мен адолатсизлик билан кечирган ишлардан нихоятда азобланмоқдаман. Бу қалбаки тухматлардан қарийб 20 йил давомида факат менгина эмас, менинг болаларим, ака-сингилларим, онам ҳам азоб тортилар ва ҳамон азоб тортиб келмоқдалар. Шунинг учун сиздан менинг ишимни қайта кўриб чиқишингизни ва гуноҳсиз гуноҳларимдан кутқаришингизни сўрайман”.

Сталин вафотидан кейин Марям Султонмуродова томонидан СССР Бош прокурори номига ёзилган мазкур аризадан сўнг ҳам хушёр совет қонунчилари уни тамомила оқлашга щошилмадилар. 1956 йил 13 сентябрда (аризадан қарийб 4 ойча ўтгач) Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги Давлат Ҳавфсизлик Комитетининг Хоразм вилояти буйича маҳсус терговчиси майор Курглишев, энди хеч нарсани билмаган ва кўрмаган кишидай, Марям Султонмуродовани гувоҳ сифатида сўроққа таклиф килади ва унинг Германияга ўқишга кетиши сабаблари, қаерда ўқигани ва кимлар билан мулоқотда бўлгани, уларнинг советларга қарши бўлган ва бўлмаганлигини яна бошқатдан титкилай бошлайди. Бу саволларнинг ҳаммасига Марям яна дадил, холис жавоб беришга интилади. У терговчининг 1937 йил 21 декабрда “бўйнингизга олган айбларни тасдиқлайсизми?”, деган саволига бу кўргазмани мутлақо тасдиқламаслиги, терговчига ўша куни бундай кўргазма бермаганлигини, унга сўроқ қайдномаси мутлақо кўрсатилмай, дўк-пўписа билан кўл қўйдириб олинганли-

гини айтади. Тергов қайдномасида бу ҳақда шундай дейилган:

Савол: Сизга 1937 йил 21 декабрда берган кўргазмангиз ўқиб берилди. Ундан Олимжон Идрисийнинг аксишўровий характер ва исломпарастлик руҳида сухбат олиб борган талабалар йигинида қатнашганлигингиз аён бўлиб турибди. Сиз бу кўргазмангизни ҳозир ҳам тасдиқлайсизми?

Жавоб: Менга ўқиб берилган 21.12.1937 санали кўргазмани тасдиқламайман. Мен шахсан бундай кўргазмани бермаганман. Мени сўроқ қилишганда менга фақат қайдномани имзолаш учун беришган, аммо унда нима ёзилганини менга ўқиб ҳам беришмаган.

Менинг бу хужжатлар мазмунини ўқиб бериш ҳақидаги талабимга жавобан боламни мендан ажратиб кўйишларини пўписа қилишди, мен сўроқ қайдномалари мазмунини билмаган ҳолда уларни имзолашга мажбур бўлдим”.

Шундан кейингина ноилож қолган адолат посбонлари Марям Султонмуродованинг ишини қайта кўриб чиқишига киришдилар. СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг юстиция полковниги Лихачев раислигидаги Ҳайъати 1957 йил 2 августдаги мажлисида “Ёркин турмуш” журналининг собиқ адабий ходими Марям Султонмуродова иши қайта кўрилиб, унинг оқланганлиги эълон қилинади. Ҳарбий Коллегия қарорида шундай дейилади:

*СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг 1938 йил 9 октябрда чиқарган хукми ва СССР ДХМ Алоҳида Мажлисининг 1949 йил 3 августда Султонмуродова Марям масаласида чиқарган қарори янги очилган тафсилотлар туфайли бекор қилинсин ва бу ҳақдаги иш жиноят таркиби бўлмагани учун тегишли имзолар билан ишлаб чиқаришдан тўхтатилсин.*

*Аслига тўғри: Ҳарбий Коллегия зобити Артишченко 10.09.1957 йил.*

Шундай қилиб, охир-оқибат, қисман бўлса-да, адолат тикланди. Марям Султонмуродова умрининг охирларида юқоридаги бир парча қоғозни қўлга олди. Она шахри Урганчда яшаб, ишлай бошлади. Лекин унинг бунгача узоқ йиллар давомида қамоқхоналарда, Красноярск ўлкасининг каҳратон қишли ўрмонларида ўзига ўхшаган минглаб

бегуноҳ маҳбуслар билан бирга кечирган азоб-уқубатли, таҳкирли кунлари-чи? Унинг ортида зор-зор йиглаб қолган ўғли Пўлатбек, кизи Анорхонларнинг ахволи-чи? Эри жаҳолатпастлар томонидан ёвузларча ўлдирилиб, қариган чоғида мункайиб қолган унинг муштипар, мунглиг онаизори-чи?! Улар не хавфу хатарлар, азоб-уқубатлар, хўрлик ва зорликларни бошдан кечирмадилар, дейсиз?

“Онамнинг айтишларича, - деб хотирлайди унинг кизи Анорхон Давронова изтироб билан, - 1937 йил 30 августда хозирги Тошкент шаҳар Олой бозори яқинидаги Уездная кўчасидаги, 13-йўдан эрта тонгда икки ҳарбий кийимли киши келиб, тўсатдан 5-6 ойлик чақалоклик вактимда онамни, мен билан бирга ҳайдаб, қамоққа олиб кетишган экан. Онам 1947 йили биринчи марта қамоқдан келганларида ҳам ёрут кун кўрмадик. Бунга қадар мен аммамлар кўлида, акам Пўлатбек Аҳмадбеков эса аввал стимхонада, сўнг холам Гулчехра кўлида онага зор бўлиб яшадик. Чунки у вактда Гулчехра холамнинг эрлари таникли адабиётшунос олим Раҳмат Мажидий ҳам “халқ душмани” сифатида қамоқ ва сургунда кўп азоб-уқубатларни бошдан кечирганлар. Онам 1937 йил сентябрдан то 1939 йилгача аввал Тошкент, Қозон ва Суздал қамоқхоналарида, сўнг узоқ Колиманинг каҳратон совуқлари остидаги “Дальстрой”га сургун бўлганлар. Бу ерда 1947 йил 13 сентябргача ишлаб, кейинчалик оқлансалар ҳам орадан икки йил ўтар-ўтмас, яна қамаб, сургун килдилар. Укам Омон эса сўнгти йилларда турмада туғилиб, ўша ерда ўсган. Мен 1954 йили ТошМИда ўкиб, “Малик” совхозида пахта териб юрган куз кунларининг бирида онам оқланиб, сўнгти сургундан қайтиб, мени излаб, пахта даласига келдилар. Ўша вактда санитария-гиёгена бўлими раҳбарлари ҳатто тухмат билан ўн-ўн беш йил қамоқда бўлиб қайтган онам билан бирга бир-икки кунга уйга бориб келишга ҳам рухсат беришмади ва биз она-бола, шу ердаги бир хонадонда хўрликдан тонг-отгунга қадар ухломай, йиғлашиб ўтказдик. Эртаси онам Урганчга, мен эса пахта даласида йиғлашиб ажрашдик.

Онам умрининг охиригача туғилган Урганч шаҳар, Чандир кият қишлоғида ўзи севган матбуотчилик соҳасидан тамомила узоқ бўлган бошқа бир соҳада ишлашга

мажбур бўлиб, орзу-армонлари ушалмай, оламдан ўтиб кетдилар. Бутун умрлари давр зулми остида заволга кетди.

Биз ҳар йили болаларимиз билан онамнинг Урганчдаги қабрини зиёрат қилиб қайтамиз. Укам Омон Султонмуродов ўша ердаги мактабда тарих ўқитувчиси. У онам ёқсан маърифат чирогини ўчирмай, ёш юртдошлирага хормай-толмай таълим ва тарбия бериб келмоқда. Ўзбекистон мустақиллигидан кейин бу чироқ яна ҳам ёрқинроқ ва ёрутроқ бўлиб ёнмоқда“.

## Яна Марям Султонмуродова тўғрисида

1947 йили, Совет давлати барпо этган азобгоҳларда кечган 10 йиллик азоб-уқубатдан кейин, Марям Султонмуродова ота-она юртига қайтгач, худо хоҳласа, энди ўн беш кунлик ойдин ҳаётим бошланади, деб умид қилди.

Қамоқхона ва “мехнат-тузатув лагери” деб аталган азобгоҳларда маҳбуслар бир-бирларини: “Ойнинг ўн беши коронги келса, ўн беши ёргу бўлади”, дея овутар ва ўзларига ҳам таскин берар эдилар. Унинг назарида, 10 йиллик қоронғилиқдан кейин камида 10 йиллик ёруғлик келиши адолатдан эди. Аммо орадан икки йил ҳам ўтмай, яна ўша совук турқли кишилар 1949 йил 29 март куни эшик очиб келдилар.

Марям бир зумда тушунди. Улар мени яна қамоққа олиш учун келганлар, шу фикр унинг миясига чақмок бўлиб урилди. Бир чақирилмаган “мехмонлар”га, бир қизига қараган она ҳам аждахонинг оғзи яна очилиб, қизини ютмоқчи бўлиб турганини кўрди. Марям қочишнинг ҳам, улардан муруват сўрашнинг ҳам фойдасизлигини билиб, зарур нарсаларни йигди-да, бундан икки йилча аввал олиб келган бир эски халтага жойлади. Кўзларида шашқатор оққан ёшлари билан болаларини, сўнг онасини кучоқлаб, хайрлаша бошлади.

Онаси нима воқеа рўй бераётганини ва бунинг олдини олиш ҳеч кимнинг қўлидан кела олмаслигини сезса-да, фалажланган бир ҳолатда қизини бағрига босиб, “дод” солди:

- Йўқ, бормайсан! Яна қамоққа юборадиган қизим йўқ! Шунча азоб берганлари етади! Уйинг куйгурлар нега қамаб тўймас экан-а! Эй худо, наҳотки, кўрмаётган бўлсанг! Нима гуноҳ қилганмиз сенинг олдингда?.. Айт!!!

Она йиглаб, “дод” солар экан, шапка кийган кишилардан бири ёнидагига буюрди:

- Давай, раздели. Мы не пришли смотреть домашний спектакль!

Шундан кейин келгиндилар она-болани куч билан

ажратиб, “дод” солган онани ҳовлида колдирилар-да, икки кишилашиб Марям Султомуродованинг оёгини ерга тегизмай, олиб чикдилар. “Қора қўнғиз” эшигини очиб, тайёр турап эди. Марямни куч билан машинанинг деразасиз қажавасига тикиб, эшикни ёпдилар. Мотор гуруллаб ишлай бошлади. У энди юра бошлаган ҳам эдики, она “Қизимни бсрларинг, балога йўликкурлар! Дод сенларнинг дастингдан! Давлатингта ўт тушсин!”, дея дод-фарёд кўтариб, кўчага отилди. У бутун кучи ва бир тугунча келадиган вужуди билан машинани тўхтатмоқчи бўлди. “Аввал мени ўлдирларинг, жаллодлар!” - деб бакирди яна.

- Давай, скорей! Не смотри на эту старую б.., - буюрди каттаси.

Машина тезлик олиб, ҳеч нарсага қарамай, олга кетди. Бечора она кип-кизил қонга беланиб, ўлиб ётарди.

Марям йиги ва изтироб ичида рўй берган фожиани сезмади. У факат бир нарсани - муnis онасини сўнгти бор кўрганини билар эди, холос.

P.S. Мавжуд тартиб-коидаларга кўра, Марям Султон-муродованинг онаси қатағон қурбони ҳисобланмайди.

## Сора Тўрабекова

1937 йил 20 ноябрь куни тузилган “Айблов хулосаси”да бундай сўзлар бор:

*Шу нарса аниқландики, 1897 иили Исфизор кишлогида тугилган, “ўзбек, 1920 йилдан ВКП(б) аъзоси, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринbosари Тўрабеков Жўра хорижий разведкалар билан алоқада бўлган буржуа-миллатчилик ташкилотининг фаол аъзоси, Ўзбекистондаги троцкийчи-бухаринчи блокнинг қатнашчиси бўлиб, мафкура жабхасида зааркунандалик ишларини олиб борди, партия ташкилотини ижтимоий ёт миллатчи унсурлар билан булгаб ташлади. Ташкилотнинг пахтачилик, аҳолини нон билан таъминлаш соҳаларида олиб борган зааркунандачилик ишларида фаол иштирок этиб, сунъий равишда нон масаласида қийинчиликлар туддирди.*

*Тўрабекова - Эгамбердиева Сора 20 йил мобайнида халқ душмани билан бирга яшаб, унинг аксилик инқилобий-миллатчилик троцкийчилик фаолиятини яшириб келди ва шу йўл билан унинг сотқинлик-зааркунандалик аксилик инқилобий фаолиятига кўмаклашди.*

Сора Эгамбердиева бўлажак эри Жўра Тўрабеков билан бир йилда, юкорида айтилганидек, 1897 йилда эмас, балки 1899 йилда ва Хўжанд вилоятидаги бир қишлоқда тугилган. Турмушга чиққач, эрининг фамилиясини қабул қилиб, у қаерга ишга юборилса, ўша ерда эри билан бирга яшаган.

1937 йилнинг алғов-далғов пайтларида эри Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринbosари бўлиб хизмат килмокда ва бошқа хукумат раҳбарлари қатори, нуфузли хисобланган Оққўрғон кўчасидаги 5-ўйда яшамокда эди. 1937 йилнинг 29 сентябрь куни НКВД ходимлари Жўра Тўрабековни хизмат жойида қамоққа олдилар. 2 октябрь куни эса навбат унинг хотинига келди.

Шу машъум кунни, орадан роса йигирма йил ўтгач, 1957 йил 24 октябрда бўлиб ўтган сўрот пайтида Сора Тўрабекова бундай деб эслаган:

“37-йил охирларида эрим НКВД ходимлари томонидан ҳибсга олинганда нималар олиб кетилгани менга маълум эмас. Чунки у Совнаркомдаги хизмат кабинетида соат 12 да қамоққа олинган. Ўша куни ё тахминан соат 12 ларда уйимизга 3 ходим ва 1 аёл келиб, ҳамма хоналарга кириб чикиб, шкаф ва сандикларни титиб ташлади-да, эримга тегишли ҳужжатларни олиб, бир оғиз сўз айтмай чиқиб кетди. Улар, ҳаттоқи, темир қутини ҳам очишмади - унда иккита тўппонча бор эди. Ўша куннинг эртасига, кечаси тахминан соат 11-12 ларда уйимизга 6 киши кириб келди. Улар орасида 3 та милиционер ва бир аёл ҳам бор эди. Улар уйимиздаги барча мол-мулкни йигиб, бир хонага олиб кириб кўйдилар. Иккинчи томондан, болаларимни қаергадир юбориб, мени конвойга қўшиб, қамоқхонага олиб келдилар... Шу вактда уйимизда укам Эгамбердиев Абдулла ва Исфизордан меҳмон бўлиб келган қайним Тўрабеков Аҳмаднинг хотини Ҳанифа ҳамда унга эргашиб келган Абдуқодир деган бола бор эди”.

Сора опа тилга олган бола 17 яшар Абдуқодир Усмонов бўлиб, у 1957 йил 24 октябрда мол-мулк масаласида бўлиб ўтган можаро пайтида бундай маълумотни берган:

“1937 йилнинг иккинчи ярмида мен Тўрабеков Аҳмаднинг хотини Ҳанифа билан бирга Тошкентга, Тўрабеков Аҳмаднинг акаси Тўрабеков Жўранинг уйига меҳмон бўлиб бордим. Бизни Жўра Тўрабековнинг хотини Сора кутиб олди ва биз ўша ерда тунагани қолдик. Шу куни кечаси, тахминан 2-3 ларда Тўрабековларнинг уйига бир неча НКВД ходимлари келиб, ҳаммамизни уйғотишиди ва бизнинг кимлар эканлигимизни текшириб чиқишиди. Барча мол-мулкни залга - меҳмонхонага олиб кириб, эшигини муҳрлаб кўйишиди-да, кейин Тўрабековнинг кизи Тожи ва ўғли Комилни машинага солиб, аллақаерга жўнатишиди, Тўрабековнинг хотини Сорани эса бошқа машинага солиб, уни ҳам аллақаерга жўнатишиди. Бизни бўлса, бир милиционер поездга ўтказиб, Ленинободга кайтариб юборди”.

Энди худди шу воқеанинг ўзини Сора опанинг укаси Абдулла Эгамбердиев талқинида эшитинг. У 1957 йил 17 октябрь куни бўлиб ўтган сўроқ пайтида бундай деган:

“Мен Юридик институтда ўқирдим... Ўша куни

кечкурун опамнинг уйига борсам, уйда опам Сора қизи Жўраева Тожи ва кенжা ўғли Комил билан бирга ўтирган, катта ўғли Ҳамид эса Тошкент курилиш институтининг ётоказида экан... Ўша куни кечаси, тахминан соат бирларда НКВД органларининг 3 ходими кириб келди... Куролларни олиб, тахминан соат 2 ларда уйни мухрлаб калитини бир чолга бериб кетиши".

Шундай қилиб, Жўра Тўрабеков хизмат жойида қамокқа олинган куннинг эртасига, 2 октябрь куни унинг хотини Сора ҳам қамокқа тушди, 11 ёшли ўғли Комил билан 14 ёшли қизи Тожи НКВД ихтиёридаги болалар уйига юборилди. 18 яшар Ҳамид эса ўша кунлари ётоказада ётиб юргани учун эртасига дарс вақтида НКВД ходимлари томонидан чақириб олиниб, Қўйликдаги болалар уйига юборилди. (У 1947 йилда озодликка чиққан.)

Жўра Тўрабеков катта лавозимда хизмат қилгани учунми ё бошқа сабаб биландир, анчагина яхши турмуш кечирган, мол-мулки ҳам ҳавас қиласи даражада сара бўлган. Шубҳасиз, катта оиланинг қамокқа олиниши билан бу мол-мулк ҳам талон-торож этилган. Аммо гап молда эмас. Инсон боши болта тагида бўлганидагина эмас, бошқа пайтларда ҳам инсонни ўйлаш, унинг қадрига стиш, унинг инсоний ҳак-хуқуклари билан ҳисоблашиб зарур. Афсуски, қатагон даври бу масалага бошқача кўз билан қаради. Мустабид тузум бегуноҳ кишиларни қамабгина қолмай, ўзига керакли кўргазмаларни олиш учун улар бошига не-не азоб-уқубатларни солмади. 1937 йил октябрида бўлиб ўтган суроқ пайтида Сора Тўрабекова терговчининг саволларига бундай жавоб берган:

Савол: Тўрабеков Жўрага турмушга чиққанингизга анча бўлганми?

Жавоб: Мен Тўрабеков Жўрага 18 ёшимда, 1917 йили турмушга чиққанман. Ўтган вақт ичида у билан бирга яшаб келдим.

Савоб: Эрингиз аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси сифатида қамокқа олинган. Унинг аксилинқилобий фаолияти тўғрисида нималарни биласиз?

Жавоб: Эрим Тўрабеков Жўранинг аксилинқилобий фаолияти тўғрисида ҳеч нарсани билмайман.

**Савол:** Унинг яқин дўст-ёрларидан кимлар кўпроқ уйингизда бўлишган?

**Жавоб:** Уйимизга, айниқса, бозор кунларида Тўрабековнинг қуидаги яқин дўст-ёрлари кўпроқ келиб туришар эди: 1) Ширин Ҳамидов - ЎзК(б)П МК ходими, 2) Болтаев - у сўнгти пайтда Хоразмда ишлаган, 3) Ғулом Ёкубов - эрим билан бирга Москвада ўкишган, 4) Шерматов Абдусаттор ва 5) Ахмадбеков - ЎзМИҚ собиқ хотиби.

**Савол:** Юқорида номлари қайд этилган кишилар уйингизда тўплантган пайтда нималар тўғрисида гаплашишган?

**Жавоб:** Мен улар сухбатлашган пайтда улардан советларга қарши бирорта ҳам гапни эшитмаганман. Умуман, улар билан бирга ўтирганман.

**Савол:** Терговга шу нарса маълумки, сиз собиқ масъул ходимларнинг сизга яқин бўлган хотинлари ўртасида аксиликклибий миллатчилик руҳидаги тарғиботни олиб боргансиз. Шу ҳақда кўргазма беринг.

**Жавоб:** Мен ҳеч қачон миллатчилик руҳидаги гаплар ва тарғибот билан шугулланмаганман.

**Савол:** Сиз терговдан миллатчилик ва аксилишурорий фаолиятингизнинг ҳаммага маълум бўлган фактларини яшираяпсиз. Тергов эрингизнинг аксилишурорий фаолияти тўғрисида ҳаққоний кўргазма беришни сизга тавсия килади.

**Жавоб:** Мен эримнинг аксилишурорий миллатчилик фаолияти ва аксиликклибий ташкилотта мансуб бўлганлиги тўғрисида ҳеч нарсани билмайман.

Сора Тўрабекованинг “жиноий-архив иши”да мавжуд бўлган ягона сўроқ қайдномасида факат шу сўзларни ўқиймиз, холос. Лекин бизнинг бу кунларга сог-саломат етиб келган қатагон курбонлари бўлмиш аёллардан шуни яхши биламизки, терговчилар маҳбусалардан зарур кўргазмаларни олиш учун уларни номардларча кийнаганлар. Аёлларимиз сўроқхоналарда тик турган ва қимир этмаган ҳолда қанчадан-қанча кунлар ва тунларни азоб билан ўтказганлар. Уларга ҳатто шу вақт ичida сув ва нон ҳам беришмаган. Калтак, ҳақорат, қийноқ - ёвуз ва вахший

одамзоднинг бу қуроллари уларга, шу жумладан, Сора Тўрабековага ҳам шафқатсиз равишда қўлланган.

Жўра Тўрабеков 1938 йил 6 октябрь куни Тошкентда отиб ташланди. Сора Тўрабекова эса уч йил қамоқда ётиб, соглигини йўқотди. 1939 йили озодликка эришиди.

Унинг юқорида қайд этилган ишида, афсуски, фарзандларнинг мол-мулк ҳақидаги ариза ва савол-жавобла-ридан бошқа жабрдийда оналари тақдирига алоқадор бирор маълумот йўқ.

Агар умри қатагон заҳри билан заҳарланган Сора опа бу бевафо дунёни тарк этган бўлса, унинг муборак рухи шохистай жаннатда жабрдийда эрининг рухи билан бирга роҳат ва фароғат оғушида яшаётган бўлсин.



## Хикматжон Фитратова

1937 йил 24 апрель куни Фитрат, қатағоннинг иккинчи тўлкини чарх урганда, ўзбек ёзувчилари орасида биринчи бўлиб қамоққа олинди. Ўша йилнинг 31 декабрида бошқа бир улуг адаб - Абдулла Қодирийнинг машъум ертўлага келтирилиши билан ўзбек адабиёти намояндаларини киргин-қатагон этиш тўхтагандек бўлди. Аммо Совет давлатининг сиёсий идораси ёзувчиларни қамоққа олиш билан гина кифояланиб қолмай, уларнинг хотинлари, болачакалари, қариндош-уругларини ҳам тинч қўймади. Ҳатто 20-30-йиллардаги воқелик тақозоси билан эрларининг ишларидан мутлақо хабарсиз бўлган ва хабарсизлиги ойдек равшан бўлиб турган аёллар бошида ҳам мустабид тузумнинг қамчиси синди.

Фитрат факат ёзувчигина эмас, балки йирик давлат ва жамоат арбоби ҳам эди. Шунинг учун ҳам унинг

гарданига қўйилган айблар, айниқса, залворли бўлди. У, биринчидан, “Миллий иттиход” аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти билан мустаҳкам алоқа ўрнатган Ўзбекистондаги аксилинқилобий ташкилотнинг раҳбарларидан бири, учинчидан, ёшлар ва адабиёт ходимларини аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига тортган, уларни аксилинқилобий миллатчилик руҳида тарбиялаган мураббий ва ниҳоят, тўртинчидан, аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги асарларни ёзган ёзувчи сифатида хибсланган эди. Аёнки, бундай айблар билан қамалган адаб хотинининг эркинликлда яшashi, Совет давлати назарида, мумкин эмас эди.

Шундай қилиб, мудҳиш Йилнинг 22 сентябрида адабнинг хотини Ҳикматжон ҳам қамоққа олинди.

Бу вақтда Фитратнинг Гулистон кўчасидаги 116-уйида адаб оиласининг қуидаги аъзолари истиқомат килишар эди:

1. Фитратнинг онаси Бибижон. У 1865 йили Бухорода туғилган. 72 ёшда бўлгани учун, хужжатларда айтилганидек, меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган. Ўзи деҳкон оиласидан, аммо эри Абдураҳим Абдугафуров Бухоронинг йирик савдогарларидан бири бўлган.

2. Фитратнинг хотини Ҳикматжон Фитратова (Қандова). 1912 йили Бухорода туғилган. Чаласавод. Савдогар оиласидан. Унинг биринчи эри Нуруллаҳўжа йирик савдогар бўлган. 1933 йилдан бошлиб Фитрат билан яшайди.

3. Севара Фитратова. Ҳибсга олинган адабнинг ўгай кизи. 7 ёшда. Мактабга бормайди.

Фитрат Тошкентга кўчиб келганидан кейин дастлаб Олой бозори яқинидаги кўчада, сўнг Бешоғоч даҳаси билан Чорсу ўртасида жойлашган Чакар деган мавзеда яшаган. Гулистон кўчаси худди шу ерда бўлган.

Адабнинг кизи (Фитрат уни ўз фамилиясига ўтказиб, севимли фарзанди сифатида тарбиялай бошлигаган) Севара Кароматиллаҳўжасева ўша даҳшатли йилларни ёдлаб, бундай ёзган эди:

“Кунларнинг бирида беш-олтита шапка кийган,

шинелли одамлар бостириб кирди. Улар сўкиниб, дўкпўнисалар билан уйимизни ағдар-тўнтар қилди, кейин отамни олдиларига солиб олиб чиқиб кетди. Мен ва онам зор-зор йиглаб қолавердик. Шундан сўнг отамни бошқа кўрмадим. Орадан тўрт ой ўтгач, онамни ҳам камадилар. Мени эса Кумлоқдаги болалар уйига топширдилар...”

Ҳикматжон Фитратовани хибсга олишдан аввал у ҳақда муайян маълумотнинг тўплланган бўлиши шубҳасиз. Ҳикматжоннинг чаласовод уй бекаси бўлгани, ҳатто 1936 йил 29 сентябрда Фитратнинг никоҳидан расман чиққанига қарамай, у таржимаи ҳолидаги айрим нуқталари билан НКВДнинг дикқат-эътиборини ўзига қаратган эди. Биринчидан, у йирик савдогар оиласига мансуб бўлиб, акаси Саидахмад Қандов ўзининг сиёсий идоралар олдида-ги бурчига совуққонлик билан қараётган (1938 йил 14 январда у ҳам қамоққа олиниб, отиб ташланган), биринчи эри Нуруллахўжа эса гуё аксилинқилобий йўналишдаги ишлари учун аллақачон камалган эди. Иккинчидан ва энг муҳими, на Фитратни, на унинг яқин дўстларини аксилинқилобий фаолиятда айблаш учун далил-ашёлар топилмаётган эди. Ҳикматжоннинг эридан расман ажralгани эса (бу ҳақдаги белги Фитратнинг паспортида кайд этилган) НКВД ходимларида унинг бундай ашёни беришига умид уйғотди.

НКВД ходимлари, Севара Кароматиллахўжаева хотира-сида тилга олинганидек беш-олтига бўлмаганлар, албатта. Улар одатда икки-уч кишидан ошмаган. Улар Гулистан кўчасидаги 116-ўйга бостириб киришлари биланоқ маҳалла комиссияси раиси Исмоил Қосимов ва гувоҳ Убайдулла Одилов иштирокида тинтуб ўtkаздилар. Шахсан Фитратнинг ўзига тегишли барча мол-мулқ, китоб ва кўлёзмалар адид хибллангани куниёқ олиб кетилганига қарамай, Ҳикматжонга тегишли 68 номдан иборат уй буюмлари, 187 номдан иборат жиҳоз ва буюмлар, шу жумладан, аёлнинг тилла зирак ва узуклари мусодара этилди. Ҳовли ва уй эшиклари муҳрланиб, маҳбуснинг онаси Бибижон аяни Ўзбекистондан ташқарига - ижтимоий таъминот тизимидағи уйлардан бирига, Севарани Ўзбекистондан ташқарига - болалар тарбияси билан шугулланувчи

муассасалардан бирига юбориш, Ҳикматжон Фитратованинг ўзини эса қамоққа олиш ва лагерга юбориш ҳақидаги қарор ўқиб берилди. Ушбу қарор НКВДнинг 1937 йил 15 августда чиқарган буйруги асосида тайёrlанган эди.

Севаранинг тасвирлашига кўра, Гулистон кўчасидаги уй-жой кўш дарвозали, ичкари-ташқарили, саҳнлари кенг, уйлари пешайвонли, ёруғ ва баҳаво, тўрт тарафи турфа гулларга гарк бўлган уй эди. Совет давлати бу ажойиб даргоҳнинг соҳибини қамабгина қолмай, уй-ховлини ҳам мол-мулки билан тортиб олиб, унинг эркинликдаги эгала-рини чор тарафга қувиб юборди. Уй бекасини эса қамоққа ташлади. Совет давлати тарихининг бундай аянчли саҳифалари билан танишар экансиз, миллионлар кони эвазига етмиш йил умр кўрган адолатсизлик, ҳақсизлик ва хунрезликнинг қизил кўргонига бўлган нафратингиз жўш урмай илож йўқ.

Шубҳасиз, Ҳикматжон Фитратовани қамоққа олинган кунларидаёқ, сўроқ қилган бўлишлари керак. Аммо унинг ишида фақатгина 1937 йил 15 октябрда - орадан 23 кун кечгандан кейингина бўлиб ўтган сўроқ қайдномаси сақланган. Кўйида ушбу ҳужжатни тўла ҳолда эълон қиласиз:

**Савол:** Айтинг-чи, ҳибсланган аксилиңқилобчи Фитрат сизга ким бўлади, сиз у билан қандай муносабатда бўлгансиз?

**Жавоб:** Профессор Фитрат Абдураҳимов менинг эrim бўлади. Мен 1933 йилдан бери у билан бирга яшаб келганман. Ўзим саводсизман, шунинг учун Фитратнинг аксилиңқилобий ишлари тўгрисида ҳеч нарсани билмайман.

**Савол:** Сиз Фитратнинг аксилиңқилобий ишларини биласиз. Шулар тўгрисида сўзлаб беринг.

**Жавоб:** Фитрат Файзулла Хўжаевнинг яқин кишиси бўлган, ҳар доим унга ёрдам берган. Фитрат доим Файзулла Хўжаевни мақтаб юрар эди.

Бундан ташқари, Фитрат, Чўлпон, Музаффаров, Рози Олим Юнусов, Мўминжон Аминов ва бошқа қамоққа олинган бухороликлар билан bogланган эди. Кўпинча гурух-гурух бўлиб йигилишар ва ҳар доим бир-бирлари билан нималар ҳақидадир гаплашиб ўтиришар эди.

Мен Фитратнинг аксиликобий киши, миллатчи эканлиги тўгрисида кўп маротоба эшитганман, аммо мен шахсан бу ҳакда ҳеч нарса билмайман.

Савол: Сиз уйингизда бўлиб ўтган ва миллатчилар тўпланган аксишўровий йигинларни биласиз. Нега буларни ҳоқимият органларидан яширмоқдасиз?

Жавоб: Ҳа, чиндан хам, миллатчиларнинг аксишўровий йигинлари уйимизда бўлиб турган, аммо мен уларда бўлган гап-сўзларнинг мазмунидан хабардор эмасман. Миллатчиларнинг уйимизга келиб туришларини мен Фитратнинг дўст-ёрлари томонидан зиёрат қилиниши, деб тушунганман.

Савол: Баён этилганлардан ташқари, яна нималарни номларини айтишингиз мумкин?

Жавоб: Шуни айтишни хоҳлардимки, мен Фитрат билан ахилликда яшамаганман. Фитрат ҳеч бир нарсада менга ишонмас, ҳатто оиласвий ишларда ҳам мени сиқар, менга пул бермас эди. Мен ана шу заминда Фитрат билан ажрашганман, тўтириғи, ундан кетиб, 1936 йилда тўрт ой давомида акамнинг уйида яшадим. Аммо Файзулла Хўжаев номидан иш кўрган Аминовнинг тазиики остида яна Фитрат билан ярашиб, у қамоққа олинган кунга қадар у билан бирга яшадим”.

Кўрамизки, Ҳикматжон Фитратова НҚВД ходимларига эрининг аксиликобий фаолиятини тасдиқлаши мумкин бўлган бирорта ҳам фактни айтмаган. У бундай фактни билмас ҳам эди. Айни пайтда, унинг Совет давлати олдида тарикча гуноҳи бўлмаган. Ҳатто унинг ё Фитратнинг ташаббуси биланми, 1936 йил 29 сентябрда эр-хотин ўртасидаги никоҳ бузилган ва расман улар 1937 йилда эр-хотин ҳисобланмаганлар. Бироқ шунга қарамай, 1937 йил 20 октябрда тузилган ва ўша йилнинг 31 октябрида тасдиқланган айбномага биноан, Ҳикматжон Фитратованинг “жиной иши” Алоҳида Мажлиснинг судига ҳавола этилди. Чамаси, Алоҳида Мажлис қошидаги суднинг карори билан бўлса керак, 1938 йил 30 декабрда Ҳикматжон Фитратова Тошкентдан четта чиқмаслик шарти билан қамоқдан озод килинди. Аммо унинг “иш”ини тўхтатиш ҳақидаги қарор 1939 йил 7 февралга келибгина тасдиқланди.

Яна Севара Кароматиллахўжаеванинг юқорида кичик бир парчаси келтирилган хотираси билан танишишда давом этайлик. Севара Кумлокдаги болалар уйида кечган ҳаёти ҳақида ёзиб, яна бундай деган:

“У ерда олти ойча бўлдим. Кейин мени тогам олиб чикиб кетди. У киши савдо ҳалқ комиссарининг муовини, каттакон бир универмагнинг директори эдилар. Орадан кўп ўтмай, у кишини ҳам қамадилар.

Бу воқеалардан ярим йилча ўтиб, онамни қамоқхонадан озод қилдилар. Онам қайтиб келгач, бирга Гулистондаги уйимизга бордик. Аммо, минг афсуски, уйимизга аллақачон бошқа одам кириб олган экан. У бизни оғиз очиргани ҳам қўймади: “Кани, дарров йўқолинглар, ҳалқ душманининг думлари! Ҳозир яна турмага тиқиб қўяман!” Яқингинада қамоқдан чиқкан, камераларнинг кўланса хиди ҳали димогидан кетмаган онам иккимиз ночор қайтиб кетишга мажбур бўлдик.

Онам бир куни отамни сўнгги марта кўргани ҳақида гапириб берди. Бир гал аёлларни негадир муддатидан олдинроқ турма ҳовлисига сайрга олиб чикибдилар. Кейин “тасодифан” Фитрат отамни ҳам айлантиргани олиб чикибдилар. Кунлар анча совиб қолган экан. Отам таниб бўлмас ҳолда экан: соч-соқоли тақир олинган, кўзлари ичига тортиб кетибди. Ранги сарик, кайфияти шикаста. Уйдан олиб кетган адёлнинг ўртасидан ўйиб, кийиб олибди. “Бу охирги кўришишимиз, лекин мен хурсандман”, дебдилар отам. “Нимага хурсандсиз?” деб сўрабдилар онам. “Сиз билан учрашганимга”. Бошқа гаплашишнинг имкони бўлмабди. Улар йиглаб ажралибдилар...”.

Севара тасвир этилган воқеалар рўй берганида бор-йugi 7-8 ёшда эди. Шунинг учун ҳам унинг хотиralарига баъзи бир изоҳлар бериш зарур бўлади. Юқорида кўриб ўтганимиздек, унинг онаси ярим йилчадан кейин эмас, балки бир йилу тўрт ойдан кейин, эри Фитрат отиб бўлингач, озод этилган. Бу бир йил-у тўрт ой аёллар саржиндек тахланган, ифлос ва иссиқ камераларда, терговчи ва назоратчиларнинг гайриинсоний хатти-харакатлари авж олган мухитда кечган. Агар улар уйига кириб олган киши қамоқдан эндингина чиқкан она-болани ҳайдаб солган ва

уларни яна турмага тикиш билан қўркитган бўлса, турма-хоналардаги назоратчилар билан терговчилар унга, ўнлаб Ҳикматжонларга нисбатан қандай муносабатда бўлардилар экан?!

Фигратнинг қамоқхонадаги хотини билан “тасодифан” учрашиб қолиши бежиз эмас. Бундай “тасодифлар” мумкин бўлмаган шароитда уларни ўзаро учраштиришдан мақсад (агар учраштирилган бўлса!) “Мана, хотининг ҳам, ойинг ҳам, қизинг ҳам қамоқда! Агар қайсарлик қиласерсанг, сенга кўшиб, уларни ҳам истаганча қийнаймиз!” дейиш ва унинг мўртлашиб қолган иродасини синдириш эди.

Бечора аёллар! Фиграт ва Чўлпон сингари миљатиарвар кишиларнинг хотинлари бўлгани учунгина қанчадан-қанча бало-офатларга дуч келмади, улар. Бечора Ҳикматжон ая, сизнинг бошингизга туштан кўргиликлар душманнинг ҳам бошига тушмасин. Бу дунёга келиб кўрганингиз азоб-уқубатлар эвазига рухи покингиз нариги дунёда роҳат ва фароғат оғушида, сизлардан тортиб олинган файзли ҳовлидан ҳам ортиқ арши аълода яшасин.



## **Собира Холдорова**

1975 йилда “Саодат” журналининг 50 йиллик юбиле́йига ҳозирлик кўраётган чоғимизда, Собира Холдорова-нинг бошига тушган савдолардан хабар топдим. Ҳали ўзим ҳеч қачон кўрмаган ва танимаган бу аёл қисмати юрагимни ўргади, қалбимни сирқиратди. Журналимиз собик мухаррирлари суратини қатор териб кўйган чоғимизда Собира Холдорованинг суратдан туриб мунгли бокиши мени хайратга солди. Наздимда, бу мунг абадул-абад чўккан эди, унинг кўзларига... Кўзларигагина эмас, унинг қалби тубига ҳам чўккан эди, бу мунг...

Мана, бутун мен яна унинг кўзларига тикиляпман-у, у билан унсиз сұхбатлашапман.

Кўлимда Собира Холдоровани Ўзбекистан ССР Жиноят Мажмуасининг 63 ва 67-моддалари билан айблаш буйича тўпланган хужжатлар. Бу иш 1937 йилнинг 22 сентябридан бошланиб, 1938 йилнинг 29 марта тутатил-

ган. “Бир ярим йил тергов беряпти-я”, - деган нидо янграйди, дилимда. Юкорида айтганларимни хужжатлар тилига кўчирадиган бўлсак, “Жиноятнома”нинг 41-саҳифасидаги айблов хуносасида қуйидагиларни ўкиш мумкин:

*1907 йилда Чуст районининг Чуст кишилогида тутилган, СССР граждани, партиясиз, 1927 йилдан 1937 йилгача ВКП(б) аъзоси бўлган ва синфиий ҳушёрлигини йўқотган ҳамда аксилинқилобий унсур билан алоқа боғлагани учун (бу ерда гап унинг эри Мўмин Усмонов хақида кетаяпти - X.A), партиядан ўчирилган, камалгунига қадар Тошкент шаҳар, Киров тумани партия қўмитаси котиби бўлган Собира Холдорова Ўзбекистон ССР Жиноят Мажмуасининг 63 ва 67-моддалари бўйича айбдор саналади.*

Ушбу ишни кўриш учун СССР НКВД хузуридаги Алоҳида Мажлисга йўллансан.

*Мазкур ҳужжатта шу соҳанинг казо-казолари имзо чекишган. Сахифанинг сўнгида яна шундай ёзув бор:*

### **МАЪЛУМОТНОМА**

*Айбланувчи Холдорова (1937 йилнинг 22 сентябридан бошлаб қамокла. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги СИЗОсида сакланмокда. Иш бўйича ашёвий далиллар йўқ.*

**НКВДДҲБ**

*Шошилинч ишлар бўйича вакили.*

Кўриб турганимиздек, ҳеч қандай ашёвий далилларсиз ҳам бир инсонни қамаб юборса бўлаверар экан.

“Жиноятнома”нинг биринчи сахифасини очаман. Унда 1937 йил 20 сентябрь куни аксишўровий Собира Холдоровани эри Мўмин Усмонов билан бирга аксишўровий иш олиб боргани учун хибсга олиш ва Тошкент турмасига қамаш хақидаги қарор бор.

Жумхуриятимизда хотин-қизлар матбуотининг вужудга келишига ўз хиссасини қўшган биринчи журналист аёл Собира Холдорова босиб ўтган ҳаёт йўли, унинг аччик қисмати ҳар сахифани вараклаганим сайин бутун чалкашликлари билан кўз ўнгимдан бир-бир ўта бошлайди...

Мана, унинг тергов анкетаси. Мен ундан Собира Холдорованинг 1907 йили Чустда камбағал дехкон оиласида

дунёга келгани, 1921 йилгача, яъни ўн тўрт ёшга тўлгунча интернатда тарбиялангани, ўқигани, ўрта маълумот олгани, коммунистик партия сафига кирганини билиб оламан. Оиласида 12 ёшли ўгли Пўлат ва 5 яшар қизи Манзура, қари онаси Комила бор. Эри Мўмин Усмонов аксилин-килобчи саналиб, ундан хиёл олдинроқ қамоққа олинган...

Бир хонадондан ҳам ота, ҳам она хибсга олинса, болаларнинг холи нима кечади?!

1937 йил шундай даҳшатли йил эдики, етим қолаётган болалар тақдири нима бўлиши ҳеч кимни қизиқтирумасди - етим учун стимхона бор, деб қаралган, у пайтларда Собира Холдорова ва Мўмин Усмоновнинг икки боласи стимхонага жўнатилди. Эр-хотинга тегишли мулк ҳар бириники алоҳида-алоҳида хатта олиниб, онаси билан болаларининг кийим-боши, кўрга-ёстиги-ю, гўшт қийма-лагичдан тортиб қошиққача мусодара қилинди.

Азиз ўкувчи, бу ёзаётганларим балки сизга икир-чикир бўлиб кўринар, лекин буни атай таъкидлаб ўтмокчиман. Зеро, уйда кекса она, норасида икки гўдак қолаяпти-ю, лекин комиссарликнинг “хушёр” ходимлари болалар дўпписидан тортиб велосипедгача, самовардан тортиб чит кўйлаккача хатлаган эдилар. Собира Холдорованинг хатланган рўзгор буюмлари рўйхатига қараганимда, ўша чоғларда жумхуриятимиз зиёлиларининг ўрта холгина яшаганларига амин бўлдим.

Унинг айби нимадан иборат эди?!

ЎзССР Ички ишлар ҳалқ комиссарлигининг Холдоровага эълон қилган 1936 йилнинг 26 мартаидаги карорида шундай дейилганди:

*Тергов Собира Холдованинг Ўзбекистонда барбод этилган аксишўровий ўнг троцкийчи ташкилот аъзоси бўлганини аниклади. У Ўзбекистон К(б)П Марказий Кўмитасининг собиқ саркотиби, хозирга келиб отиб юборилган ҳалқ душмани Акмал Икромов раҳбарлигидаги аксишўровий миллатчи, ўнг троцкийчи ташкилотта аъзо бўлган. Шу уюшма топшириғига кўра, гоявий фронтда зарарқунандалик қилган. Марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига нашр этиши ишига зарар етказиш ниятида Холдорова 1932-34 йилларда эри Усмонов билан*

*биргаликда ўрток Сталиннинг “Ленинзм масалалари” асарини бузиб таржима қилган ва 30000 нусхада чоп этган. Охир-оқибатда сиёсий хатолари туфайли бу китоб савдо ташкилотларидан йигиштириб олинган ва натижада давлатта 144782 сум 82 тийин зиён стказилган...*

Худди шу куни, 1939 йилнинг 16 марта Собирани терговга чакирадилар.

Холдоровага доир “жиноятнома”ни ўрганганимда совет конунларининг шафқатсизлиги ларзага солди, мени. Гап шундаки, тергов давомида рухий дардга чалинган Собирани шифохонага йўллайдилар. Бу табиий ҳол, албатта. Лекин негадир унинг онаси билан учрашувга ижозат сўраб берган аризаси қондирилмайди. Нега? Ахир рухий дардга чалинган кишини даволаш учун, энг аввал, унга рухий хотиржамлик кўл келмайдими?

Жумхурият рухий шифохонаси директори Матюхиннинг 1939 йил 9 июнь куни ЎзССР ИИХКга йўлланган жатида, “шифохонага текшириш учун йўлланган маҳкума С.Холдорова онаси ва болалари билан учрашиш истагини билдириб, буни сизга етказишни талаб қиласкан. У 12 июндан бошлаб учрашувга ижозат берилгунга қадар очлик эълон қилди” - деб ёзди.

Боякиш аёл! Фарзандлари тақдири, кекса онаси тақдири бу дардман аёлни қанчалар ташвишлантирган...

Ахийри, 17 июнга келиб Холдорованинг оиласи билан учрашувига ижозат берадилар.

Яна бир “иш” бор. “Холдорованинг мулкига доир” деб юритилади, у. Шу “иш”нинг 22-23-саҳифаларига Собира Холдорованинг ўғли Пўлат Усмоновнинг Сталинга ёзилган мактуби тиркалган. У “халқлар отаси”га умид ва ишонч билан ёзилган бу аризада “Ўртоқ” фабрикасида 120 сўм маош олиб ишлайдиган бувиси қарамогида олти ёшли синглиси билан қолгани, мол-мулки мусодара қилиниб, кийналиб қолганликларини айтиб, онасининг қисматини енгиллаштиришни сўраган. Бечора бола “халқлар отаси”нинг шафқат қилишига ишонган бўлса керак. Аммо унинг жати онасининг “жиноятномаси”га шунчаки тиркаб кўйилишини у қаёқдан билсин!..

1938 йилнинг 26 декабрида маҳкуманинг онаси Комила

Қўзибоева Ички ишлар халқ комиссарлигига ариза йўллаб, моддий ахволи оғирлигини, 115 сўм ойлик билан икки норасидани бокиш мушкуллигини, кизи тарафдан содир қилинган гуноҳга болаларнинг алоқаси йўклигини айтиб, ўзига ва болаларга тегишли буюмларни қайтариб беришларини сўрайди.

Унинг аризаси оқибатсиз қолдирилмади. 1939 йил 13 январь куни комиссарлик қарор чиқаради. Бу қарорга кўра:

1. Комила Қўзибоева сўраган буюмларнинг қайтариб берилиши;

2. Собира Холдорова ва эри Мўмин Усмоновга тегишли буюмлар (иккинчи рўйхат билан) давлат фондига топширилиши кўрсатилади.

3. Собира Холдорованинг шахсий буюмлари эса НКВД АҲОсининг маҳсус омборида вақтинча саклашга топширилсин, дейилади.

Махкуманинг онасига қайтариб бериладиган буюмлар рўйхатини ўқиб, юрагим увишиб кетди. Ахир ота-она хибсга олинган бўлса, болаларнинг хаёти тугаши керакми? Тирик жоннинг яшаши учун кундалик ҳаётда зарур бўлган оддий буюмларни ҳам тортиб олиш зарурмиди?

Куйида эътиборингизга ана шу буюмлар рўйхатини келтираман - ўзингиз хulosага кела қолинг.

1. Кулранг чит — 10 м.
2. Кўк сатин — 7 м.
3. Ўзбекча чит қўйлак — 2 дона.
4. Камзул — 1 дона.
5. Жигарранг пальто - 1 дона.
6. Кўрпа — 4 дона.
7. Сўтилган кўрпа — 1 дона.
8. Калиш — 1 дона.
9. Велосипед - 1 дона.
10. Болалар каравати - 2 дона.
11. Болалар кўрпаси - 2 дона.
12. Чойшаб — 1 дона.
13. Болалар ички кийими.
14. Дўппи — 1 дона.
15. Кизил бахмал — 2,5 м.
16. Самовар — 1 дона.

17. Сандик - 1 дона.
18. Фотоаппарат — 2 дона.
19. Штатив - 1 дона.
20. Биллиард -1 дона.

Хар бир тирик жон учун зарур бўлган шу буюмларни ўйламай-нетмай қандай қилиб хатладилар экан! “Астағифурullo!” деб ёқа ушлайсан, киши.

Қизи билан күёви советларга қарши харакатда айбланиб камалган Комила опанинг икки етимни едириб-ичириб, тарбиялашдан ташқари ҳам ташвишлари қўп. Бу юргур-югурулар орасида тинтув пайтида олиб кетилган 1560 сўм пул ва беш минг сўмлик давлат заёмини қайтариб олиш йўлидаги саъй-харакатлари ҳам унинг тинка-мадорини куритди. Пўлат ҳам тинч турмай, 1939 йил 9 октябрда Ички ишлар халқ комиссари Саджаяга ариза ёзил, ўша хатланган пул ва заёмларни қайтаришларини сўрайди. Бу аризага жавобан 1939 йил нояброда тайёрланган хulosада: “Собира Холдорованинг ишонч хатига биноан унинг онаси Қўзибоевага болалари тъминоти учун бир минг юз сўм пул берилсин”, деб “марҳамат” килинади-да, 5000 сўмлик облигациялар ва 702470-ракамли “Мозер” соати ЎзССР ИИХК Молия бўлими кассасига саклаш учун қўйилади.

Бу орада Собира Холдорованинг “жиноий иш” и кўрилмай, у турмада азоб чесиб ётади. Комила опа Ички ишлар халқ комиссари Саджаяга 1939 йил 15 декабрда йўлланган аризасида қизининг Тошкент турмасида ётгани, икки йилдан ортиқ тергов килинаётгани, қизи айбор бўлса, терговни тугашини дараги йўқлигини, қизи айбор бўлса, терговни тезлатиб суд килишларини сўрайди.

Ниҳоят, Собира Холдорова 1940 йилда СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Алоҳида Мажлиси қарори билан 5 йил муддатга Ёқутистонга бадарга килинади.

Бизда шундай бўлган: бир одамнинг номи ёмонга чиқдими - тамом, суроби тўғри бўлгунча кетига тушилади...

Собирани 1942 йили қайтиб келганидан кейин ҳам тинч қўймадилар. 1949 йил майида у яна Тошкентдан бадарга килинди. У яна руҳий хасталар шифохонасига тушди ва уч ой даволанди. Лекин ҳали шифо топиб ултурмасидан Тошкентдан 50 километр нарига жўнатилди. Шу кетганича

умумий афвдан кейингина қайтиб келди.

Собира ўзининг ноҳақ маҳкум этилганини айтиб, оқлашларини сўраб 1943 йилдан то 1949 йилгача СССР Олий Совети ва СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигига бир неча бор ариза ёзди. Лекин аризалари оқибатсиз қоларди...

Орадан яна етти-саккиз йил ўтди. Ахийри, ҳақиқат қарор топди. 1956 йилнинг 22 июняси Туркистон харбий округининг харбий трибунали Собира Холдорованинг ишини қайта кўриб чиқди. Подполковник Гуськов раислигига, адлия подполковниклари Шербаков ва Иванов аъзолигига ажрим чиқарди. Ажримда шундай деб кўрсатилиди:

*...Холдорова иши бўйича тергов холис олиб борилмаган, қонунга хилоф равишда айблашга уринилган. Холдорова хибсга олингандан кейин орадан ўн стти ой ўтгандан кейингина унга айбнома эълон қилинган.*

Бу гал терговчилар салафлари эътибор килмаган кўрсатмаларни инобатга оладилар. “Бўлар экан-ку!” - деб юборасан, беихтиёр.

Яна ажримга мурожаат этаман:

*Дастлабки терговда Холдорова ўзининг аксилшўровий миллатчилик ташкилотига аъзолигини қатъиян рад этиб, ўзини факат Сталиннинг “Ленинизм масалалари” китобини ўзбек тилида хатолар билан чоп этишда айбдорлигини тан олади. КПСС Марказий Кўмитаси котибига ёзган шикоятида ҳам, 1956 йил мартаидаги терговда ҳам Холдорова аксилинқилобий фаолиятидаги айбни қатъиян рад этган...*

Яна, экспертизанинг хулосасига қараганда, “Холдорова таржима қилган китобда қўтина атамалар нотўри таржима қилинган, бир қатор хатоларга йўл қўйилган. Бу ҳол таржимонларнинг рус ва ўзбек тилини яхши билмаганликлари, етарли назарий тайёргарликлари бўлмаганлиги, шунингдек, иш олиб борган соҳаларини яхши билмаганликларидан келиб чиккан”, - деб кўрсатилади. Хуллас, бу гал ҳақиқатни гапирдилар. Дарҳақиқат, китоб таржимасидаги хатолар атайлаб қилинган зааркундалик бўлмай, юкорида санаб ўтилган сабаблар оқибати эди. Бу хато учун

дунёга атиги бир бор келадиган инсоннинг жонига бунчалар жафо килиш инсофдан эмас.

Ана шу ва бошқа қатор ҳолатлардан келиб чиқиб, ССРР НКВД хузуридаги Алоҳида Мажлиснинг 1940 йил 5 декабрдаги Собира Ходдоровага доир карори бекор қилинади.

Ҳақиқатнинг қарор топиши ўн тўққиз йилга кечиккан эди. Собиранинг ўн тўққиз йиллик хаёти ҳасрат ва надоматда, азоб ва уқубатда ўтди.

Бу азоб-уқубатлар эса асоратсиз кетмаган эди. 1940 йил 5 декабрдаги қарорнинг бекор қилингани ҳақидаги маълумотномани Собирага йўллаганларида у бетоб эди. 1956 йилнинг 30 июнь куни бу хужжатни унинг ўғли Пўлат имзо чекиб олади, хужжатнинг бошқа бир нусхаси орқасига эса катта лейтенант: “ўглининг айтишига кўра, С.Ходдорова 1956 йилнинг 20 майидан шу кунга қадар Тошкентдаги руҳий шифохонада даволанаяпти”, - деб ёзиб қўяди.

Бошга тушганни кўз кўрар экан. Бошига не-не кўргиликлар тушса ҳам Собира ҳаётда умид билан яшади. Ҳаётнинг аёвсиз бўронлари оша унинг кўксини ғоз тутиб юришининг сири бор эди. У бутун орзу-умидларини фарзандлари Пўлат ва Манзура билан боғлаган эди. Яратганга шукур, фарзандлари инсофли, тавфикли, илмли ва меҳрибон чикишди. Ўғли Пўлат кўнгилли бўлиб фронтга кетди, жароҳатланиб қайтди, уч фарзандни камолга етказди. Унинг Темур, Саида ва Комил исмли уч фарзанди бор - учови ҳам олий маълумотли. Қизи Манзура ядро физикаси бўйича йирик мутахассис - жумхуриятимизда аёллар ичida ягона физика-математика фанлари доктори. Манзуранинг қизи Лайлло - рассом. Аммо, афсуски, Собирага болалари нингроҳатини кўриш насиб этмади, у ҳаётдан кўз юмди. Бироқ от босмаган ерларни той босади, деганларидек, Собира кўрмаган яхши кунлар унинг фарзандлари ва набираларига насиб этсин...



## **Вилоят Хўжаева**

Неча ойдирки, жоним азобда қолди. Бир аёл тақдири жисми-жонимни ўртаб, ларзага солиб келаётибди. Унинг ёшгина бошига тушган кўргиликлар... Қайси бирини санаб адо қилиб бўларкан, бу азобларнинг “Банданинг боши - Аллоҳнинг тоши” - деганлари шу эмасмикан?!..

Ёзув столимда миттигина сопол гулдон, унда жажжина уч дона сап-сарик гул. Номи ҳам рангига яраша - заъфар. Ҳалқ қўшиғида: “Этим ориқ рангим сарик”, - дейилганининг нақ ўзи-я... Шу гулдонга кафтдек келадиган бир суратни тираб қўйганман, илк бора ушбу сурат қўлимга текканида унинг нигоҳи мени лол қолдирган.

Бу қизнинг номи Вилоят, Ўзбекистон ССР Ҳалқ Комиссарлари Советининг биринчи Раиси Файзула Хўжаевнинг якка-ю ягона кизи. Бухоронинг, наинки, Бухоро, балки бутун Ўзбекистоннинг энг баҳтли бекам кизи...

Ҳамма баҳтиқароликнинг бошланиши Вилоятнинг отаси Файзула Хўжаевнинг 1937 йилнинг 9 июляда

(бундан олтмиш саккиз йил бурун) Москва шаҳрида хибсга олинган кундан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ Комиссарлари Совети Раиси Файзулла Ҳўжаев “халқ душмани” деб эълон қилинган эди.

1938 йилнинг 2 марта Москвада “ўнг троцкийчилар” устидан суд бошланган. Бу суд жараёни менинг ҳам ёдимда қолган. Ўшанда республикамиз раҳбариятидан Акмал Икромов билан Файзулла Ҳўжаев ҳам шу блокка тааллукли саналиб, суд қилинган ва отишга хукм этилган. Шу йўсин Файзулла Ҳўжаевнинг эндигина тўққизинчи синфда ўқиётган ўн олти яшар кизи Вилоят Ҳўжаева ҳам “халқ душмани”нинг фарзанди сифатида хибсга олинган. Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Вилоят отасининг аксилиниқилобий фаолиятидан хабардор бўла туриб, буни ҳокимият органларидан яширишда айбланган - ҳукуктаригибот идоралари буни катта гуноҳ деб биларди. СССР Марказий Ижроия Кўмитасининг 1934 йил 8 июнь санали қарорида бундай гуноҳ билан суд қилинганларнинг оила аъзолари ҳақида ҳам маҳсус кўрсатма бор. Унда ракам қилинишича: *Хоиннинг балогат ёшидаги оила аъзолари, хиёнат содир этилган пайтда у билан бирга яшаган ёки қарамогида бўлганлар беш йилга Сибирнинг узок ўлкаларига бадарга қилинади ва сайлов ҳукувидан маҳрум этилади.*

Вилоят Ҳўжаева айнан шу қарор асосида жазоланганди. Фарқ шунда эдики, Сибирнинг узок ўлкалари ўрнига уни Қозогистон вилоятига онаси Малика Ҳўжаева билан бирга сургун қилгандилар.

Ўша қарорга асосан Файзулла Ҳўжаевнинг онаси Райхон Сайд Мурод кизи, синглиси Робия Убайдулла кизи ҳам сургун қилинган.

...Ана шу кундан бошлаб унинг неча-неча йиллик умри хўрлик ва хорликда, зорлик ва интизорликда ўтди. Вилоят ёлғиз эмас эди. Бородулиха қишлоғида у бемор онаси Малика Ҳўжаева билан бирга яшади. Тириклилик ниҳоятда оғир. Бемор онасини бокиш, даволатиш каби оғир вазифалар мургаккина қиз зиммасида бўлди. Ҳамма машғулотларга ёлғиз ўзи балогардон. Ҳаётда тиргак бўлгувчи кимсаси йўқ. Қилмаган иши қолмади. Қозогистон

вилоятининг Усть-Каменогорск шаҳридаги “Иртишгэсстрой” курилишида ишчи, табелчи бўлиб ишлади, ҳеч қандай меҳнатдан бўйин товламади.

Йиллар ана шу зайдада озиқ-овқатга зор, яқин-йироқ қавм-қариндошлар дийдорига интизорликда ўтди.

Ана шундай оғир дамларда ўн саккиз яшар Вилоятнинг хувиллаган қалбида мухаббат мўралади. Качонлардир рус подшоҳлиги даврида Россияга таклиф этилган авлодларидан бири қора қош, кўнгилчан, хаёлчан инженер-геодезист йигит Виктор гўзал Вилояттага мухаббат изхор этди. Суюкли отаси отилиб, қавм-қариндошлари тараф-тараф қилиб юборилган, борай деса макони йўқ - она юритдан суриб чиқарилган, бу ёруг оламда дардман онасидан бўлак ҳеч кими қолмаган навдадеккина қиз учун Виктор ишонган bog, suyngan toq bouldi.

Сирасини айтганда, унинг пойқадами қутлуғ келди. Вилоятнинг аризасини кўриб чиқан Алохида Комиссия 1938 йилнинг 9 апрелида уни озод этиш ҳақида қарор чиқарди. Лекин бечоранинг қувончи узокқа чўзилмаганини Вилоятнинг сургундалик чоғида Берияга ёзган аризасидан биламиз. Аризада, жумладан, шундай сатрлар бор: *1938 йилда озод этилганимдан сўнг Тошкентдаги пойафзал фабрикасига ҳисобчи бўлиб ишга кирдим. Лекин 1938 йилнинг 21 октябрида яна қамоққа олиндим. Қозонистон вилоятининг Усть-Каменогорск шаҳрига, илгари табелчи бўлиб ишлаган еримга - “Иртишстройга” юборилдим, кидирув гуруҳида ишчи бўлиб ишладим. 1939 йилнинг 4 октябрида ишдалигимда ИИХК туман бўлимига чақирилди. У ерда менга Усть-Каменогорск шаҳридан чиқиб кетишни буоришиди. Ҳозир Бородулиҳо қишлигидаман. Усть-Каменогорскда оила курган эдим. Эрим Иртишгэсстройда геодезист бўлиб хизмат қиласди. Мен бу ерга келганимдан бери на ишга кироламан, на яшашга жой топа оламан...*

*...Ёшим ўн саккизда. Ўқишини, ватанимга фойдам тегишини истайман.*

Отасидан жудо бўлган, барча қавм-қариндошларидан, уй-жойидан, бутун хонумонидан айрилган аёлнинг бор-йўқ бисоти шу ерда топган ёри Виктор эди. Икковининг

ҳам бутун ёргу оламда бир-биридан бўлак ҳеч кими йўқ эди. Онаси Малика ая эса ҳам жисмонан, ҳам рухан толиқкан, ҳаётдан умидини узган, чўп-устихон бўлиб қолган эди. У 1953 йили сургунда, кизи Вилоятнинг тиззасига бош қўйган қўйи ҳаётдан кўз юмди.

Ижтимоий хатарли одам саналиб, беш йил муддатга бадарға қилинган Вилоят Хўжаева, уч фарзандлик бўлганидан кейингина она юртига қайтиш имкониятига эга бўлди.

Бу вақт ичида СССР Ишлар Халқ Комиссарлиги хузуридаги Алоҳида Комиссия қарорини қайта кўриб чикиш ҳақида ёзган қанчадан-қанча аризалари оқибатсиз қолдирилди.

“Осмон узок, ер қаттиқ”, - деганлари рост экан. Ўзининг begunoхлигига қаттиқ ишонган Вилоят, қай маҳкамага бош урмасин, натижа бўлмади. Азоб-укубатларнинг охири кўринишидан умидини узди.

Унинг баҳтига, 1985 йилнинг май ойида Ўзбекистон ССР прокурорининг биринчи ўринbosари, 3-класс юстиция давлат маслаҳатчиси В.Зотов СССР ИИХК хузуридаги Алоҳида Кенгашинг 1938 йил 29 май қарорини юзасидан кўриб чикиб, протест келтирди. Иш суд коллегиясида кўриб чиқилиб, бир тўхтамга келинди. Бунинг бир сабаби бор эди: ҳарбий суд хайъати 1965 йилнинг 6 марта (Файзула Хўжаев отиб юборилгандан 27 йил кейин), унинг ишини тўхтатган ва уни оқлаган эди...

Шу сабабдан ҳам В.Хўжаеванинг шу иш юзасидан айбланиши асоссиз эди.

Ушбу зикр этиб ўтилганларга биноан ва ЎзССР ЖПКси 353-моддасига кўра, СССР ИИХК хузуридаги Алоҳида Комиссиянинг 1938 йил 29 майдаги қарори тўхтатилади.

Вилоятнинг бадаргадан қайтиб келгандаги кўргиликлари устида тўхталиб ўтиришни лозим топмадим. Зоро, ҳар қандай ақли расо одам буни тасаввур қила олади: отасининг уй-жойи, мол-мулки қоқканда қозик қолдирilmай мусодара қилинган... Вилоят Хўжаеванинг тўнгич ўғли билан бўлган сухбатдан шуни англашимки, бадаргадан

қайтгач, Вилоят борарга жойи бўлмаганлигидан нима киларини билмай, уч фарзанди билан Файзула Хўжаевнинг синглиси Робияни кора тортиб, Тошкент вилояти, Бекобод тумани Сретенка қишлоғига боради. (Робия Хўжаева шу ерга бадарга қилинган эди.)

У уч фарзанди билан Робиянинг бир хонали кулбасида бошпана топишга топди-ю, лекин беш, уч ва бир ярим яшар болалари билан жуда-жуда қийналди. Негаки, ишга жойлаша олмади. Ахийри, Бекободда нон заводида бухгалтер бўлиб ишлади. У кора кунларни эслайверса, тасвиirlашга тил ожиз.

Лекин ҳаёт ҳаёт экан. Қоронгу тундан кейин ёргу кун, албатта, келганидек, Вилоятнинг ҳаётида ҳам қора кун ёришгандек бўлди - Тошкентта қайтди. Вилоят Хўжаевага Тошкентнинг марказидан уч хонали уй бердилар.

Шу-шу бўлди-ю, у ортиқ ўзини кунжакка урмади. Отаси Файзула Хўжаев фаолияти ҳақида қалам тебратган журналистларга, Файзула Хўжаевнинг уч жилдги асарлари устида иш олиб борган олимларга баҳоли қудрат кўмаклашди. Хуллас, у ҳаётининг сўнгти йилларини уни дунёда энг баҳтли ва баҳтсиз қилган Файзула Хўжаев фаолияти кирраларини ўрганишга баҳшида қилди. Отасини, ўзини ва барча яқинлари ҳамда қанчадан-қанча юртдошларимизни бадном қилган собиқ Совет ҳоқимияти йилларида ҳатто ўрта маълумот ҳам ололмай қолган Вилоят Хўжаева журналистлар, олимлар билан бакамти бўлиб, отасининг фаолиятига доир бўлган, шу чоққача ўзи билмаган маълумотларни ўрганди. Оилада ўғлонлари ва набираларига севимли момо бўлди.

“Кайнонамни жуда яхши кўрадим, жуда адолатли инсон, жойлари жаннатда бўлсин. Ҳамма вақт уларнинг иродаларига ҳавас билан яшадим”, -деб эслайди катта келинлари Флора.

“Онагинам саботли инсон эдилар. Бошларига тушган кўргиликларни тишларида тишлаб ўтдилар. Ҳаётларидан нолиганликларини эшигмаганман. Ҳар қандай қийинчиликларни сабот билан, матонат билан енгдилар”, - эслайди Вилоятнинг тўнғич ўғли, ҳозирда шифокор бўлиб ишлаётган Рудольф Викторович Борхет.

Қанча қийинчиликларни кўрган билан ҳам хақиқий инсон ўзининг инсонийлигини намоён этаркан. Вилоят ҳам шундай. У ҳаётда ўзидан из қолдирди. Вилоятнинг қатор фарзандлари ва набиралари унинг ҳаётини давом эттиришашапти. Вилоят менинг кўз ўнгимда қийинчиликларда тобланган бўрондан-да кучли инсон сифатида гавдаланади.

\* \* \*

Суратдан кўзингизга тик боқиб турган бу кизга қаранг. Унинг чакнаб турган шахло кўзлари не-не азобларга шоҳид бўлмади. Бир вақтлар у диёримизда энг бахтли қиз саналарди. Вилоят Хўжаева Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг биринчи раиси Файзула Хўжаевнинг қизи эди.

Бу одамга фарзанд бўлишлик унга ҳаётда қанчалик бахт-саодат ҳадя этган бўлса, ҳаётининг энг гуллаган ёшлик чогида шунчалар азоб-укубат, бахтикароликни дохил қилдики, бу кунлар ўзининг бошига тушмаганида инсонга азобнинг бу хил турлари бўлиши мумкинлигига акли бовар қилмаган бўларди.



## Она, бола ва келин Хўжаевалар

ВКП(б) Марказий Кўмитаси Сиёсий бюросининг 1936 йил сентяброда қабул қилган “Аксилинқилобчи троцкий-чи-зиновьевичи унсурларга муносабат тўғрисида”ти қарори 1937-1938 йилларда авж олган қатағон тўлқининга кенг йўл очиб берди. Сталиннинг собиқ сафдошларидан бири Бухариннинг қамалиши билан қатағон қузунлари Ўзбекистон республикаси раҳбарлари устида ҳам гала-гала бўлиб уча бошлади. 1937 йил бошларида Москвага Сталиндан нажот излаб борган Файзулла Хўжаев ўша срда ҳибсга олиниб, Лефортево қамоқчонасига келтириб ташланди. Шундан кейин кўп ўтмай, Ўзбекистонда ўнлаб, юзлаб ва минглаб кишилар қамоққа олинди. Бу кишиларнинг маълум бир кисми Файзулла Хўжаев билан хизматдош ё сухбатдош бўлганлиги учунгина “халқ душмани”нинг думлари деган тамгага “сазовор бўлди”.

Вазият шундай йўналиш олгач, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раиси қариндош-уругларининг озодликда юриши гайритабиий эди. Шунинг учун ҳам 1937 йил тўлқини хайқира бошлаган кунларда сиёсий идоралар Файзулла Хўжаев оиласига тегишли кишиларни ҳам,

хар эҳтимолга қарши, қўйида келтирилаётган рўйхат буйича хисобга олиб қўйдилар:

Файзулла Хўжаевнинг қариндош-уруглари

1. Петрова Фатина Михайловна, 1910 йили Оренбургда тугилган, дворян қизи, партиясиз, комсомол, Тошмедфак талабаси. Тошкент шаҳар, Чимкент тракти, 2-берк кўча, 6-йида яшайди (1933 йилда турмушга чиққан).

2. Хўжаева Малика, Файзулла Хўжаевнинг биринчи хотини, 34 ёшда, бухоролик савдогар қизи, тоҷик, 2-Оққўргон тор кўчаси, 5-йида яшайди.

3. Хўжаева Вилоят, 16 ёшда, Файзулла Хўжаевнинг қизи, 9-синфда ўқийди, 2-Оққўргон тор кўчаси, 5-йида яшайди.

4. Хўжаева Райхон, 54 ёшда, Файзулла Хўжаевнинг онаси, савдогар қизи, 2-Оққўргон тор кўчаси, 5-йида яшайди.

5. Хўжаева Робия, 42 ёшда, Файзулла Хўжаевнинг синглиси, миллионер қизи, 2-Оққўргон тор кўчаси, 5-йида яшайди.

6. Бозоров Ҳамроқул, асранди ўғли, 23 ёшда, Кишлок хўжалиги институти талабаси, 2-Оққўргон тор кўчаси, 5-йида яшайди.

7. Хўжаева Муслима, асранди қизи, 12 ёшда, 2-Оққўргон тор кўчаси, 5-йида яшайди.

8. Хўжаева Ҳамида, Файзулла Хўжаевнинг ўтгай онаси, 52 ёшда, савдогар қизи, 2-Оққўргон кўчаси, 5-йида яшайди.

9. Хўжаева Амина, акасининг хотини, 32 ёшда, савдогар қизи, 2-Оққўргон кўчаси, 5-йида яшайди.

10. Хўжаев Ориф, акасининг ўғли, 16 ёшда, 7-синфда ўқийди.

11. Хўжаев Бўри, акасининг ўғли, 9 ёшда, 2-синфда ўқийди.

12. Хўжаев Эрик, акасининг ўғли, 7 ёшда, мактабга бормаган.

13. Хўжаева Мухтарам, акасининг қизи, 12 ёшда, 4-синфда ўқийди.

14. Хўжаева Маҳбуба, акасининг қизи, 10 ёшда, 2-синфда ўқийди.

15.Хўжаев Адик, акасининг ўғли, 4 ёшда, мактабга бормайди.

Бу рўйхат билан танишган кишида баъзи бир саволларнинг пайдо бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам Файзулла Хўжаев оиласи билан боғлиқ айрим тафсилотларни айтиб ўтмай илож йўқ. Аввало шу нарсани эътиборда тутиш лозимки, Файзулла Хўжаевнинг отаси Бухородаги Энг бадавлат кишилардан бўлгани учун бир неча хотини бўлган. Отанинг бу анъанасини фарзандлари ҳам давом эттиришган. Шу сабабдан Файзулла Хўжаевнинг Чимкент трактидаги ва 2-Оккўргон тор кўчасидаги уйларида икки онаси, икки хотини ва икки янгаси, шунингдек, уларнинг фарзандлари яшашган.

Файзулла Хўжаевнинг Ибод Хўжаев исмли акаси Тошкентда, республика аҳамиятига молик вазифада хизмат қилган. Унинг хизмат соҳаси эмас, балки дунёкараши билан танишиш муҳимроқ бўлгани учун Бухоро Ҳалқ Республикаси раҳбарларидан бири Ота Хўжаевнинг 1937 йили 16 апрель куни берган қўйидаги кўргазмасини сиз, хурматли ўқувчиларнинг эътиборингизга ҳавола этсан:

“1935 йили, - деган эди у сўрок пайтида, - Ибод Хўжаев мен билан қилган сұхбатларида Совет ҳоқимияти вақтидаги оғир хаётдан шикоят қилиб турарди. Кунларнинг бирида у менга, бизга нисбатан хорижда яшаш яхшилигини айтди. Хорижда яшаётган шайх (Назруллаев) бизнинг бу ерда яшаётганимиз учун бизни аҳмоқлар, деб масхара қилган экан. Шу сұхбатдан кейин кўп ўтмай, Ибод Хўжаев менга Тожикистонга ишга бормокчи, у ердан эса секин-аста Афғонистонга қочмоқчи бўлганини сўзлади”.

Ўша йиллари НҚВДда тузилган сўроқ қайдномаларидаги ҳамма гапларга ҳам ишониб бўлмайди. Лекин, бизнингча, Ибод Хўжаев ҳақидаги бу сўзлар ҳақиқатга якин. Ҳар ҳолда у 1936 йили мушкул аҳволга тушгани учун ўзини-ўзи отган. Шундай кейин Файзулла Хўжаев унинг икки хотини билан болаларини ўз тарбиясига олган. Файзулла Хўжаев манглайига “ҳалқ душмани” тамгаси ўйилганидан кейин бу ўн беш кишидан иборат оила бошига ҳам бало ва оғат дўллари ёғилди.

Бояги рўйхат бежиз тузилмаган эди. Унинг сўнгидаги

куйидаги сўзларни эса Файзулла Хўжаевнинг бу қарин-дош-уруглариға қаратиб отилган сочма ўқдеса, адолатдан бўлади:

“Хибсга олинажаклар: 1) Петрова, 2) Хўжаева Малика, 3) Хўжаева Вилоят.

МХҚдаги болалар тарбияси муассасаларига юборила-жаклар: 1) Хўжаева Муслима, 2) Хўжаев Бўри, 3) Хўжаев Эрик 4) Хўжаева Мухтарам, 5) Хўжаева Махбуба, 6) Хўжаев Адик”.

Ушбу мудхиш рўйхат тузилганидан сўнг, кўп ҳам ўтмай, НКВД ходимлари рўйхатда тилга олинган шахсларни шошилинч равишда қамоққа олдиlar.

### Фатина Петрова

1937 йил 9 июль куни кеч соат 12 да Файзулла Хўжаев Москвада қамоққа олинди. Сўнгги вактларда Тошкент газеталари Файзулла Хўжаев фаолиятига тез-тез қора кўзойнак орқали назар ташлаб, оқни қора, корани оқ деб чиқаётгандари ва бу ҳол унинг сабр косасини тўлдириб юборгани учун жумхурият раиси иккинчи хотини Фатина билан Москвага адолат излаб борган эди. У Совет давлати раҳбарларидан бирининг қабулига кириш учун елиб югурди. Шундан сўнг уни партия назорати қўмитасига чақириб, масалани дикқат-эътибор билан ўрганиш ва адолатли ҳал этишга ваъда беришди. Шунинг учун ҳам 9 июль куни ярим тунда рўй берган воқеа унинг учун ҳам, хотини учун ҳам кутилмаган, момагулдиракли бир воқеа бўлди.

1937 йил даҳшатлари рўй берган вақтда қамоққа олинган бирорта ҳам кишининг на хотини, на бошқа яқинлари ўз жигарларининг ноҳақ қамоққа олинганларини айтиб, бирор нуфузли ташкилотга шикоят йўллашмаган. Бу борада факат уч-тўртга рус аёлларигина истисно бўлганлар, холос. Ана шундай истисно аёллар орасида Фатина Михайловна Петрова ҳам бор эди. У ўша кунлариёқ Сталин номига ариза йўллаб, унда, жумладан, бундай сўзларни ёзган:

...Мен у билан (Файзулла Хўжаев билан - Н.К.) беш йилдан бери бирга яшайман ва унинг партия олдида

бирорта ҳам айби йўқлигини биламан. Мен шу нарсани билганим учун ҳам Сизга мурожаат қилишга журъат қиляпман. Мен Сиздан унинг ишини кўриб чиқишини тезлатишингизни, унинг 20 йиллик сийсий ҳаётида кўйган ҳар бир қадамини муфассал ва пухта текширишингизни илтимос қиласман. Зеро, у 17-18 ёшларида ск инқилоб ишига келиб кўшилган. Мен унинг ҳаёти билан муфассал қизикканман, у мендан бирорта ножӯя ишини яширмаган. Йўқ факат мендан эмас, ўз ҳаёти ва хатти-ҳаракатларини хеч кимдан, айниқса уни тарбиялаган ва у бутун ҳаётини багишлаган партиядан яширмаган. У менга 1918 йилда ва чамаси, 1923-24 йилларда йўл кўйган хатоларини айтиб берган. У менга шу ерда, Москвада, партиянинг у қилган хатоларни билишини, бу хатоларни тузатгани ва бундан кейин ҳам уларни тузатишига тайёр эканини, аммо ҳозир уни нима учун айблашаётганини мутлақо билмаслигини айтган. Мен ҳам унинг ҳозирги айби нимада эканини билмай турибман. Майли, унинг акаси миллатчи бўлган экан, ахир у бу ҳақда Файзуллага хеч нарса айтмаган-ку. Ёдимда, акаси ўзини-ўзи отганида (бу воеа бизнинг кўз ўнгимизда бўлган), Файзулла акасининг шахсий ҳаётига нисбатан бешарволик қилгани, шу сабабдан унинг маиший бузилиб, аёлларга ўралашиб қолгани, кўп ичиб, ҳаётини шундай енгилтаклик билан тутатгани учун ўзини-ўзи кемирган. Мен шунга аминманки, Файзулла акасининг миллатчи эканини ва аксилинқилобчилар билан мошқатиқ бўлганини билмаган....

Одатда турли хужжатлардан кўчирмалар келтириш ўқувчининг гашини келтиради. Лекин Фатина Петрованинг ушибу хатида яқин тарихимиз учун мухим бўлган факт ва фикрлар борлити туфайли кўчирма келтиришда давом этсак:

*Мен ақл-хушимни старли даражада йигиштириб олган кишиман, бинобарин, унга кўр-кўронা ишониб, уни идеаллатиришлан узоқман. Мен темир йўлда 25 йил хизмат қилган машинист оиласида катта бўлганман... Ор-номусли, соғлом бир оиласада тарбия топганман. Эҳтимол, шундай тарбияланганим туфайлидир турмушга хушёр кўз билан карашга одатланганман. Мен эримнинг нуқсонларини ҳам*

биламан, у баъзан хиссиеётга берилиб кетади. Мен Аминовнинг (Мўминжон Аминов назарда тутилмокда - Н.К.) ёрдам сўраб ҳар турли ҳатлар ёзганидан сўнг унга пул билан кўмак берганини шу ҳол билан изоҳлайман. Файзулла Хўжаев менинг хузуримда маошидан 100 сўм ажратиб, конвертга солди-да, Аминовга юборди. Яна шу нарсани биламанки, Аминов ва бошқалар қандайдир шубҳали ишларда қатнашганини эшишиб, шахсий кўриқчилари билан милиционерларга Аминов ва бошқаларни уйимизга киритмаслик ҳақида кўрсатма берди...

Шу нарсани биламан ва шу нарсага аминманки, у айбдор бўлмагани учун партия уни оқлади. Мен Файзулланинг карамогида 13 кишидан - факат аёллар ва болалардан иборат катта оила бўлгани учун ҳам унинг ишини текширишни тезлатишингизни сўрайман. Менинг ўзим Тиббиёт институтининг 4-курс талабаси бўлганим сабабли катта оиласа ёрдам қилиш имкониятига эга эмасман. Зоро, шу пайтгача стипендия олмаганман, ҳозир ҳам олмаяпман. Пулимиш йўқ. Турмушимиз онир. Бундан ташқари, бу ерда менинг яшайдиган жойим йўқ. Ўйлашимча, оиласизни ҳам Тошкентдаги уйимиздан чиқариб юборишиди, демак уларга ҳам бошпана керак. Бир ойдан кейин эса янги ўкув йили бошланади, аммо мен қасрга ва қандай жойлашишни билмай турибман....

Бу ҳат, кейинги жумлага қараганда, Москвада, ўша даҳшатли йил июлининг охирги ўн кунлигига ёзилган.

Фатина рус тилида унча-мунча шеър ҳам ёзиб турар эди. У ўща, Файзулла Хўжаев қамоққа олинган куни, яъни 9 июлда НКВД ходимлари келгунларига қадар “Метрополь” меҳмонхонасининг деразасидан Москванинг гавжум кўчаларига қараб, ўзи ва эрининг нохуш кайфиятлари билан москваликларнинг завқли-шавқли холатини киёс қиласа экан, бундай сатрларни коғозга туширган:

*Бу қоронги хонада*

*Ўлтирибмиз биз ёлгиз.*

*Салқиган кўзларинг-у*

*Манглайнингда чуқур из.*

*Сен сукут огушида*

*Лекин учар хаёлинг -*

*Балки Волга бўйига  
Ё далага йўл олдинг...  
Қалбинг соф шалоладек.  
Аммо оғуга тўлган.  
Ўтирасан сен якка,  
Гўёки унут бўлган.  
Ажинлар қудугидан  
Милтирайди кўз ёшлар.  
Хафа бўлма, кун тутиб,  
Кўзларинг кула бошлар..*

Бу жўн ва содда сатрларда Файзулла Хўжаевнинг озодликдаги энг сўнгги, кайғу ва ҳасрат билан тўла дақиқалари ўз тасвирини топган. Бу дақиқалар кайсиdir шоирнинг бадиий хаёли билан эмас, балки шу дақиқаларнинг тирик гувоҳи бўлган, мушкул ҳолатга тушган эрига суюнч тоги бўлишга уринган, аммо бунинг уддасидан чикмаган аёл томонидан ҳаққоний чизилган.

Фатина эрининг кристалл қалбли инсон ва давлат арбоби эканлигига ишонгани учун уни тез орада қўйиб юборишади ва унинг чехрасига яна табассум чечаклари ёйилади, деб ўйлади. Лекин у, бошқа “халқ душманлари”нинг хотинлари сингари, чучварани хом санаган эди. Аксинча, 22 сентябрь куни Чимкент тракти, 2-берк кўча 6-уйга бостириб келган НКВД ходимлари уйни яна бир бор тинтуб қилиб, Фатинанинг ўзини ҳам қамоққа олдилар. Орадан ўн кун ўтгач, 2 октябрда кечаги жумҳурият раиси Файзулла Хўжаевнинг севимли хотинини Тошкент турмасининг 38 киши ётган камерасига олиб келиб ташладилар. Фатина бу камерага банди бўлиб келганида у ер хотин-халажлар билан тўлган, шунинг учун ҳам унинг ётиб-туришига симон полдан бошқа жой топилмаган эди.

Фатина Михайловна Петрова 1910 йили Оренбургда туғилган. Унинг Файзулла Хўжаев билан қачон ва қаерда танишгани хусусида бизда бирор маълумот йўқ. Аммо у 1933 йилдан бошлаб Файзулла Хўжаев билан эр-хотин сифатида яшаб келди. У қамоққа олинган пайтида онаси Е.А.Петрова ва опаси Лидия Михайловнадан ташқари, бири Шарқ факультетида декан, иккинчиси эса ҳарбий учувчи бўлган икки акаси ҳам бор эди. Ф.М.Петрова

эрининг уйида ташкил этилиб турган миллатчиларнинг аксилишурорий йигинларида иштирок этганликда, 1937 йили айрим миллатчилар фош этилганларидан кейин эса Файзулла Хўжаев билан улар ўртасидаги яширин алоқани амалга оширганликда айбланди. Фатина тергов пайтида ҳам, кейин ҳам ўзига қўйилган айбларни тан олмаганига қарамай, 1938 йил 9 апрелда Алоҳида Мажлис қарори билан 8 йилга кесилди.

Фатинанинг онаси Евгения Андреевна етимликада ўсиб, 19 ёшида Ашхабодда чўқинган форс йигити Михаил Петрович Петровга турмушга чиккан. Отаси 27 йил давомида темир йўлда ишлаб, 1932 йили трамвай ҳалокати пайтида вафот этган. Опаси Лидия Михайловна эса 1937-1938 йилларда эри Н.С.Фирсов билан бирга Тошкентдаги рус драма театрида хизмат қилган. Агар унинг 1927 йилдан бери Тошкентда яшаб келганини инобатта олсан, Файзулла Хўжаевнинг Фатина билан танишуви ҳам Тошкентда, эктимол, ўша театрдаги премьеरаларнинг бирида рўй берган, деб тахмин қилишимиз тўғри бўлади.

1937-1938 йилларда собиқ СССР худудларида концентрацион лагерлар шу қадар кўп бўлганки, уларда шифокорлар етишмаганилиги учун озми-кўпми тиббий маълумотга эга бўлган маҳбуслар ҳам шу лагерлардаги санитария қисмларида шифокор мутахассис сифатида хизмат қилаверганлар. Фатина ҳам 1938 йил ўрталаридан 1942 йилнинг 31 августига қадар қараганда вилоятидаги лагерлардан бири Ягринлагда хирург-шифокор бўлиб ишлади. Шу вақтдан бошлаб унинг онаси турли ташкилотларга тинмай хат ёди, қизини қамоқдан озод қилиш мақсадида ҳамма айбни Файзулла Хўжаевнинг гарданига ағдариб, мархум “халқ душмани”нинг устига челяклаб магзава тўқди. Унинг шундай аризаларининг натижаси бўлса керак, 1942 йил сентябрида Фатина Архангельск шаҳрининг Сўл соҳилига жойлашган тақсимот турмасига шифокор-хирург сифатида кўчирилди. Ниҳоят, 1945 йил 2 октябрь куни у озод этилди. Аммо энди Чинкин деган кимсага турмушга чиқиб, Сўл соҳилнинг ўзида 1-колониянинг шифокори сифатида яшашда давом этди. Ўша йилнинг 4 октябрь куни у даволовчи шифокор лавозимига кўтарилди, 1947 йил

апрелида эса 1-колонияга қарашли касалхонага бош врач этиб тайинланди. 1950 йил 16 августдан эътиборан Фатина Красноярск ўлкаси Катта Мурта туманидаги касалхонага онколог-шифокор сифатида кўчид борди. Шундай қилиб, у бизга маълум бўлган 13 йиллик азоб-укубатли ҳаёти давомида аёллар лагеридан Катта Муртадаги туман касалхонасигача бўлган турли “мехнат-тузатув масканлари”да мустабид тузумнинг тузини тотди. У ҳатто қамоқдан озод этилгандан кейин ҳам ёлланма ишчи сифатида меҳнат қилиб, тиббиёт хизмати лейтенанти ҳарбий унвонига ҳам муяссанар бўлди.

Файзулла Хўжаевдан кейин яна икки маротаба турмуш кўрган Фатина Михайловнинг иши 1954 йил 16 апрелда жиноят таркиби бўлмагани учун ишлаб чиқаришдан тўхтатилиб, Алоҳида Мажлиснинг 1938 йилда чиқарган ҳукми бекор қилинди. Аммо бунинг учун 17 йил даркор бўлди. Бу 17 йил ичида Фатина Михайловна не-не азоб-укубатларни кўрмади, не-не ҳақоратлар ва таҳқирларни бошидан кечирмади. У Файзулла Хўжаев билан бирга яшаган 5 йиллик баҳтли-саодатли ва осуда ҳаёти учун 17 йил давомида юрак қони, сиҳат-саломатлиги ва аёллик иффати билан товон тўлади.

## Малика Хўжаева

Малика Хўжасва Файзулла Хўжаевнинг биринчи хотини бўлиб, 1901 йили Бухорода туғилган. Архивда сақланган ишида на ҳаёт йўли, на бу йулнинг Файзулла Хўжаев билан боғлиқ нукталарига доир қарийб бирорта ҳам маълумот йўқ. У ҳақдаги бор-йўқ маълумот унинг дехқон оиласида туғилгани, ўзбек миллатига мансублиги, чаласавод бўлганлиги, бинобарин, бирор қасб-корга эга бўлмаганидир. Бу маълумотлар биз учун бирон-бир қимматга эга бўлиб кўринмаса-да, худди шу фактлар Ўзбекистон Ҳалқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаевнинг ўзбек хотини бўла туриб, иккинчи марта 1932 йили Фатина Михайловна Петровага нега уйлангани ва унинг бу икки хотинининг қайси бирига кўпроқ меҳр кўйгани масалаларига ойдинлик киритади. Шубҳасиз,

Фатина Малика Хўжаевага нисбатан ёш, гўзал, ўқимишли, замонавий аёл бўлгани учун Файзулла Хўжаев кўпроқ у билан Чимкент трактида жойлашган уйида яшаган, уни севги ва мухаббат фавворалари билан қуршаган. Ҳатто омад сиёсий саҳнадаги ҳаётидан юз ўтира бошлаган кунларда ҳам у Москвага Фатина билан кетган.

Файзулла Хўжаев нафақат забардаст давлат арбоби, балки келишган, жозибали йигит, ўз нутки ва инсоний фазилатлари билан кўплаб кишиларни, шу жумладан, аёлларни ҳам мафтун эта биладиган сиймо эди. У ана шу фазилати билан аёллар ўртасида анчагина муваффакият қозонган. Бундай омадли йигитнинг ёшлик пайтида уйлангани “чаласавод” аёл билан бир умрга баҳтли ва аҳил турмуш кечириши маҳол. Иккинчи томондан, “миллатчи” деган лаънат тамғаси ўйлаб топилган даврда кўпгина ўзбек зиёлилари бу кора дөгни ўзларига юқтирумаслик мақсадида рус ё татар миллатларига мансуб қизларга уйланганлар. Шу жиҳатдан қараганда, Файзулла Хўжаев ҳам истисно бўлмаган.

Энди масаланинг бошқа томони ҳам бор. Агар дехқон оиласида дунёга келган, замона зайди билан хат-саводи ҳаминқадар бўлган, бирор ихтисосни эгалламаган бўлса, булар Малика Хўжаеванинг айбими? Ахир катта бир давлатнинг раҳбари бўлмиш киши хотинини ўзининг даражасига олиб чиқишига ҳаракат қилмайдими? Уни ташлаб, бошқа бир аёлга уйланиб, шу аёлга кўнгил қўйиб кетаверадими?..

Йўқ, биз Файзулла Хўжаевни айбламоқчи эмасмиз. Бизнинг ниятимиз Малика Хўжаеванинг руҳий холатини тушуниш, холос. Ахир, у эрига катта умидлар билан турмушга чиқсан бўлса-ю, эри уни ташлаб, бошқа бир аёлга, яна рус аёлига уйланиб кетаверган бўлса. Яна Малика Хўжаева шу эрининг хотини бўлгани учун қамокка тушиб, терговчилар ва назоратчилар томонидан ҳақоратланса, инсоний ҳақ-хуқуқлари топталиб, азоб ва уқубатларга дучор бўлган бўлса?.. Ахир, бу ўта кетган шафқатсизлик эмасми?!

...Шундай қилиб, 1937 йил 22 сентябрь куни Малика Хўжаева қизи Вилоят билан бирга 2-Оқкўргон кўчасидаги

үйида қамоққа олинди. Унинг ва 16 ёшли қизи Вилоятнинг Совет давлати олдидағи бор-йўқ айби “халқ душмани” Файзулла Хўжаев оиласининг аъзолари - бири хотини, иккинчиси эса қизи бўлганида эди.

Ўша йилнинг 8 октябрида Малика Хўжаева биринчи маротаба сўрокқа чақирилди. Ушбу сўроқ қайдномасида баъзи бир ҳаётий маълумотлар мавжудлиги учун қўйида шу сўроқ қайдномасини тўла келтирамиз:

**Савол:** Эрингиз Файзулла Хўжаевнинг Сизга маълум бўлган аксиликандий фаолияти тўгрисида кўргазма беринг.

**Жавоб:** Мен эрим Файзулла Хўжаев билан инқилобдан аввалги вақтдан, яъни 1915 йилдан бери бирга яшаб келаман. Бизнинг биргаликда кечирган бутун ҳаётимиз давомида Файзулла Хўжаев ўзининг сиёсий фаолияти тўгрисида менга ҳеч нарса демаган. Файзулла Хўжаевнинг аксиликандий фаолияти менга маълум эмас.

**Савол:** Эрингиз Файзулла Хўжаев билан яқин алоқада бўлган шахслар ва уларнинг аксиликандий фаолияти тўгрисида кўргазма беринг.

**Жавоб:** Эрим билан яқин алоқада бўлган шахслардан қуидагиларни биламан: Ота Хўжаев, Мўминжон Аминов, Саттор Хўжаев, Қандов Сайд Аҳмад, Ибод Хўжаев, Мукамил Махсум Бурхонов. Бу шахсларнинг аксиликандий фаолияти ҳақида мен бирор нарсани айтиб беролмайман.

**Савол:** Сиз эрингиз Файзулла Хўжаевнинг аксиликандий фаолиятига ёрдам берганингиз ва уни яширганингиз учун маъсулиятта тортиляпсиз. Шу масала юзасидан бор гапни айтиб беринг. Файзулла Хўжаевнинг аксиликандий фаолиятида иштирок этганингиз ҳақида.

**Жавоб:** Мен эрим Файзулла Хўжаевнинг аксиликандий фаолияти тўгрисида ҳеч бир кўргазма беролмайман ва ҳеч бир нарсани билмайман. Хўжаев Файзулланинг аксиликандий фаолиятига ёрдам кўрсатмаганман.

Терговчи Малика Хўжаевани қамоққа олиш ҳақидаги қарорга уни “чаласавод” деб ёзганига қарамай, ундан нафақат эри Файзулла Хўжаев, балки у билан яқин мулоқотда бўлган кишиларнинг аксиликандий фаолиятини

ҳам фош этувчи маълумотлар беришни талаб этганки, бу ўта мантиқизлилар ва кулгилидир. Зоро, 20-30-йилларда яшаган Малика Хўжаева қабилидаги ўзбек хотинлари уй бекаси бўлишдан бошқа бирор нарсани мутлақо билмаганлар. НКВД ходимлари шу нарсани яхши била туриб, унинг ишини Алоҳида Мажлис эътиборига ҳавола килганлар. 1937 йил 4 ноябрда тузилган қўйидаги айбнома сўзларидан уларнинг ёвуз мақсади кундек равшан бўлиб туради:

*Мазкур иш Хўжаева Маликанинг эри, 1920 йилдан бошлаб “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига раҳбарлик килган ва Ўзбекистондаги Совет ҳоқимиятига қарши фаол кураш олиб борган Файзулла Хўжаевнинг “халқ душмани” сифатида фош этилиши муносабати билан пайдо бўлди.*

*У 1925 йилда “18 лар гуруҳи” деб аталган ўнг миллатчиларнинг бирлашган марказини ташкил этди. Сўнгти йилларда ўнгларнинг Москвадаги маркази билан алоқа ўрнатиб, ўз олдига ЎзССРни СССРдан ажратиб олиб, Ўзбекистонда мустакил буржуа давлатини барпо этиш вазифасини қўйган аксилинқилобий пантуркистик ташкилотни тузди.*

*Хўжаева Малика халқ душмани Файзулла Хўжаевнинг биринчи хотини бўлгани учун эрининг аксилинқилобий фаолиятидан хабардор бўлса ҳам, бу нарсани Совет ҳоқимияти органларидан яшириб келган.*

*Юкорида баён этилганларга асосланиб, 1903 йили Бухорода тутилган, партиясиз, ўзбек, СССР фукароси, саводли, уй бекаси Хўжаева Малика собиқ эри - халқ душмани Файзулла Хўжаевнинг фаол аксилинқилобий миллатчилик фаолиятини била туриб, шу нарсани Совет ҳоқимияти органларидан яшириб келганликда, яъни ЎзССР ЖК 14, 60, 67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланади.*

*Юкорида баён этилганларга асосланиб, Хўжаева Маликани айблаш бўйича тузилган 6953-сонли терлов иши СССР Ички ишлар халқ Комиссарлиги қошидаги Алоҳида Мажлисга кўриб чиқиш учун юборилади.*

*ЎзССР НКВД ходимлари томонидан тузилган бу*

айбномага илова қилинган маълумотномада маҳбусанинг 1937 йил 2 октябрдан бошлаб Тошкент қамоқхонасида сақланаётганлиги айтилган.

Мазкур бўлим ходимлари Малика Хўжаеванинг жиноий жавобгарлигини ошириши ниятида унинг ёшини икки йилга қисқартириб, чаласавод аёлни саводли деб кўрсатганларига қарамай, Алоҳида Мажлис 1938 йил 9 апрель санали карори билан маҳбусани озод этди ва унинг ишини тўхтатиш ҳакида карор қабул қилди. Аммо орадан бир ою йигирма кун ўтгач, Алоҳида Мажлис кимнингдир тазиики остида аввалти карорини бекор қилди ва Хўжаева Маликани ижтимоий хавфли унсур сифатида 5 йил муддатга Козогистондаги лагерлардан бирига юборди.

Бу дунёга келиб ҳузур-халоватдан кўра азоб-уқубатни кўпроқ кўрган, айтиш мумкинки, қолган хаёти жаҳаннам ичида ўтган Малика Хўжаева сургун пайтида, бегона юртларда мустабид тузумнинг “лагерь” деб аталган азобгоҳларидан бирида вафот этди. Унинг бор-йўқ айби фалакнинг гардиши билан Файзулла Хўжаевга турмушга чикиб, унинг кўз очиб кўрган хотини бўлганлигида эди.

## Райҳон Хўжаева

22 сентябрь куни 2-Оккўргон кўчасидаги 5-уйда бўлиб ўтган тинтувдан кейин Малика Хўжаева билан бирга унинг ва Файзулла Хўжаевнинг машаққатли қисмати Холида Ахророванинг ҳассос қалами билан тасвиirlангани учун биз куйида шу куни қамоққа олинган яна бир жабрдийда - Файзулла Хўжаевнинг волидаси Райҳон Сайдмурод қизи Хўжаева ҳакида хикоя қиласиз.

Райҳон ая 1855 йили Бухорода, қизи Малика сингари, дехқон оиласида дунёга келган. Ўша кезларда тайёрланган НКВД хужжатларида унинг миллати гоҳ ўзбек, гоҳ тоҷик деб ёзилган. Ҳар ҳолда у ўзбек тилида ҳам, тоҷик тилида ҳам бемалол сўзлашган ва унинг учун бу икки миллатдан қайси бирига мансублиги масаласи мутлақо аҳамиятсиз бўлган.

Агар биз Райҳон аяннинг 1937 йили 72 ёшда бўлганини

эътиборга олсак, нафақат сиёсий ҳаётдан узок, балки ойланинг майший ташвиш ва қувончларини ҳам гоҳ сезиб, гоҳ сезмай яшаган кекса мунис бир аёлнинг қамоқقا олиниши золимлик ва ёвузликнинг авж нуқтаси бўлишига ишонч ҳосил қиласиз.



Биз бу ўринда бугунги стмишдан ошган аёллар билан 30-йиллардаги кампирлар ўртасида баҳор билан куздек фарқ борлигини эътибордан қочирмаслигимиз лозим. Бинобарин, Райҳон аянинг - бир фарзанди ўзини-ўзи отган, иккинчиси эса “халқ душмани” деб эълон қилиниб, Москвада қамоқقا олинган, бу ҳам камлик қилганидек, “халқ душмани” оиласининг аъзолари деган айбнома туфайли ҳар куни, ҳар соат таҳқирланган онанинг шафқат-талаб бир ҳолатда бўлганига қарамай, уни қамаш, сўнг Тоштурмада азоб-уқубатларга гирифтор этиш ваҳшийлик эмасмикан?! Кайси бир жамиятда кечаги подшо ё салтанат бошлигининг кексайган онасини сазойи қилганлар?! Бундай шафқатсизлик фақат совет мустабид тузумидагина

содир бўлган, десак, балки хато бўлмас.

Райхон Хўжаева ўғли, “халқ душмани” Файзулла Хўжаев ва Ибод Хўжаевнинг “фаол аксиликобий миллатчилик фаолиятлари”ни била туриб, уни Совет ҳокимияти органларидан яширганликда айбланди. 25 октябрь куни бўлиб ўтган ягона сўроқ пайтида ундан шу айни тасдиқлайдиган маълумотни олишга ҳаракат килинди. Кекса аёлнинг терговчи саволларига бирор жўяли жавобни берганига ишониш кийин. Шунинг учун ҳам, ўйлаймизки, куйида келтирилаётган сўроқ қайдномаси бошдан-оёқ терговчилар томонидан уларда мавжуд бўлган маълумотлар асосида тузилган. Аммо шу нарсага амин бўлганимизга қарамай, остига Райхон Хўжаева бармогининг излари тушган ушбу қайднома мудхиш 1937 йил хужжатларидан бири сифатида тарих сахифаларида қолиши лозим.

Мана, ўша қайднома:

Савол: Сиз халқ душмани Файзулла Хўжаевнинг онаси бўласиз, шунингдек, Сиз Файзулла Хўжаевнинг миллатчилик аксиликобий ташкилотининг аъзоси бўлганини ҳам биласиз.

Жавоб: Ҳа, мен, Хўжаева Райхон, эндиликда фош этилган халқ душмани Файзулла Хўжаевнинг онаси бўламан. У менинг туққан ўглим бўлади. Мен у билан бирга яшадим, аммо унинг советларга қарши аксиликобий ишларидан хабарсизман ва ўглим Файзулла Хўжаевнинг аксиликобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганини билмаганман.

Савол: Ёлгон кўргазма беряпсиз. Сизнинг уйингизда миллатчи аксиликобчиларнинг йиғинлари бир неча маротаба бўлиб ўтган ва уларда Ота Хўжаев, Мўминжон Аминов, Мухторжон Сайджонов, Фитрат, Саттор Хўжаев ва бошқалар бўлишган.

Жавоб: Ҳа, тўтри. Юқорида саналган шахслар бизнинг уйимиз тез-тез йигилиб туришган, аммо уларнинг бирор-таси менга ҳеч нарсани айтмагани учун уларнинг қандай масалаларни муҳокама килганларини билмайман.

Савол: Сизга халқ душмани, ўғлингиз Файзулла Хўжевни ўз паноҳингизга олганингиз ва унинг жиноий фаолиятини яширганлигинги учун айнома қўйилмоқда.

**Жавоб:** Менга қўйилган айбнома бўйича ўзимни айбдор, деб хисобламайман. Негаки, ўглим Файзулла Хўжаевнинг жиноий фаолияти ҳақида хеч нарсани билмайман.

**Савол:** Ўғлингиз Файзулла Хўжаевнинг аксилиники-лобий алоқалари тўгрисида кўргазма беринг.

**Жавоб:** Ўглим Файзулла Хўжаев халқ душманлари сифатида яқинда қамоққа олинган Ота Хўжаев, Муинжон Аминов, Саттор Хўжаев, Муса ва Мухтор Сайджоновлар, Абдурашид Мукомилов, Бурҳонов ва ўзига-ўзи суиқасд қилиб ўлган Ибод Хўжаев билан яқин алоқада бўлган.

**Савол:** Сиз ўз кўргазмангизга яна нимани қўшимча килишингиз мумкин?

**Жавоб:** Ўз кўргазмаларимни бошқа бирор нарса билан тўлдира олмайман. Сўроқ қайдномаси менинг сўзларим асосида тўгри ёзилди ва менга ўқиб берилди. Саводсиз бўлганим учун унга ўнг қўлимнинг бош бармоғини босаман”.

Кулгили, деймизми, ачинарли, деймизми, чекистлар Файзулла Хўжаев оиласининг бошқа бирор аъзосидан эмас, балки айнан унинг кекса онасидан ҳар иккала қўлидаги ўн бармоқнинг изларини олганлар. Бундай ўта эҳтиёғкорлик ва хушёрлик чоралари эса шу вақтгача факат юлдузни бенарвон урадиган ўтилар, муттаҳамлар ва давлат жиноятчиларига нисбатантина қўлланилган, холос.

Ўша сўрокдан кейин 1938 йил апрелга қадар Райхон ая бошқа бирор маротаба ҳам сўроққа чакирилмади. Уни қайта сўроқ қилишда на маъно бор эди, на бир эҳтиёж! Бу орада эса ўғли Файзулла Хўжаев 1938 йил 13 март куни Москвада отиб ташланган эди.

Муштипар она шу даҳшатли кунларда нималарни ўйлади экан? Ўз азоблари, изтироблари қолиб, “халқ душмани”га чиқарилган фарзандининг ташвиши билан яшадими, қизлари ва келинларининг турмада кечеётган холидан юрак-багри эзилдими, ё “шакардан ширин невараларим қаерда қолди? Уларга ким сув-нон беради? Уларнинг уст-бошидан ким хабар олади?», деб кечалари билан йиглаб чиқдими? Унинг кўз ёшлиари қаерга окди экан?! Тurma камрасига дарё бўлибми ё қон-қатра бўлиб, ичига?!.

1938 йил 2 май куни унинг тақдири, ниҳоят, ҳал бўлди. “Халқ душмани”ни түккан онаси отилмади. СССР НКВДси қошидаги Алоҳида Мажлис Райхон Хўжаевани ижтимоий хавфли унсур сифатида 5 йил муддатта “мехнаттузатув лагери”га юбориш ҳақида ҳукм чиқарди. Нима учундир 5 йиллик муддат у қамоққа олинган 1937 йил 22 сентябрдан эмас, балки 23 октябрдан ҳисобланishi уқтирилди. Ўша йилнинг 4 июнида эса, Райхон аяни кўргаштиги шай бўлиб турган биринчи этап билан Карагандага - НКВД Қараганда лагери бошқармаси ихтиёрига юбориш ҳақидаги карорга имзо чекилди.

Аммо тақдир кўргиликлари етмиш ёшдан ошган, мўнкиллаб қолган кампирга оғирлик қилиб, унинг нозик жуссаси тогдек гам ва аламнинг залворли юкини кўтара олмай, Райхон ая ётиб қолди. Уни Қарагандадаги хотин-киз жиноятчилар лагерига йўллашнинг иложи бўлмади.

Райхон ая ҳам ўзи тўғрисидаги ҳукм чиқмай турибок қасаллиги орқасида НКВД тизимидағи изоляторларнинг бирига тушиб қолган. Унинг соглигига бирор ижобий ўзгариш кўринмагач, у 15 апрелда турма қошидаги қасалхонага даволаш учун юборилди. Аммо унинг хасталиги тобора оғирлашиб, бу дунёдаги энг баҳтсиз раҳбарлардан бирининг энг баҳтсиз онаси қамоқхона қасалхонасида ҳаётдан кўз юмди.

## Робия Хўжаева

1937 йил 23 октябрь куни 2-Оққўрғон кўчасидаги 5-йида яна алғов-далғов бўлди. Файзула ва Ибод Хўжаевнинг қамалмай қолган катта ёшдаги барча яқин кишилари хибсга олинди. Шу куни тинтувчилар энди Ибод Хўжаевнинг оиласини ғалвирдан ўтказдилар.

Мазкур хонадонда Файзула Хўжаевнинг қарамогида яшаган аёллар орасида Робия Хўжаева бўлган. Терговчилар кейинчалик уни Ибод Хўжаевнинг синглиси сифатида қабул қилиб, уни акасининг аксилиңқиlobий фаолиятини яширганликда айблаб, сўроқ қилганлар. Аммо Ибод Хўжаевнинг онаси Ҳамида Хўжасва ўша вактда фарзандлари бўлмагани, факат Ибод Хўжаевдан тугилган невараларнинг

бувиси эканлигини айтган. Айни пайтда, хужжатларда Робиянинг Райхон Хўжаеванинг қизи эканлигига ҳам шама берувчи бирор имо йўқ. Шунга қарамай, биз уни бу икки ака-уканинг синглиси деб қарасак, хато бўлмайди.

Робия Хўжаева 1890 йили Бухорода туғилган. У дастлабки сўроқ пайтида оила-аъзоларини санаб, акаси Файзулла Хўжаев, келин ойиси Фатина, жияни Вилоят ва онаси Райхон Хўжаеваларнинг исм шарифларини тилга олган. Робия Хўжаеванинг жиноий ишида Мунира ва Мойира (Мохира) исмли икки қизининг аризаси бўлиб, ундан бу қизларининг отаси, яъни Робиянинг эри ҳам “халқ душмани” сифатида қамалгани маълум бўлади. Бироқ унинг ким бўлганлиги хусусида мазкур ишда бошқа маълумот учрамайди. 22 октябрда бўлиб ўтган сўроқ қайдномасидан эса Робия Хўжаеванинг Тошкентдаги Лермонтов кўчаси, 9-үйда истиқомат қилганини биламиз. Тахминимизга кўра, эри Файзулла Хўжаевнинг куёви сифатида қамалгунинг қадар у оиласи билан шу манзилда яшаган ва эри хибсга олингач, 2-Оққўргон кўчасидаги жигарлари бағрида яшай бошлаган.

Робия 1933 йил Бухорода икки йиллик педагогика курсларини тутатган. Ушбу курсларда таҳсил кўраётган пайтда у меҳнат самарасини оширишга қаратилган зарбдорлик ҳаракати мусобақасидаги ташаббускорлиги учун “зарбдор” унвони билан тақдирланган. Айни пайтда, унга қизил гвардиячилар ва қизил партизанларнинг шаҳодатномаси ҳам берилган. Бундай шаҳодатнома соҳиблари эса 30-йилларда шаҳар транспортидан бепул фойдаланиш, уйжой, сув, электр ва бошқа майший хизматлар учун тўланадиган маблагнинг ярмидан озод бўлиш каби кўплаб имтиёзларга эга бўлишган. Ф.Хўжаев оиласи аъзолари орасида Фатина Петровадан кейин фақат Робия Хўжаевагина ўз даврининг турли имтиёзларидан фойдаланиб яшаган.

Аммо акаси Ф.Хўжаев “халқ душмани” деб эълон қилинганидан кейин унинг барча имтиёzlари совун кўпигидек учib кетди ва унда фақат бир хукуқ - мустабид тузумнинг аччиқ тузини totish хукукигина қолди.

У терговчининг анъанавий саволларига жавоб берар экан, Ибод Хўжаевнинг аксилинқилобий фаолияти

тўгрисида хеч нарсани билмаслигини айтган. Навбат Файзулла Хўжаевга келганда эса, унинг хонадонига ташриф буюриб турган кишилар қаторида Совнарком раиси ўринбосари Каримов, Тўрабеков, Акбар Исломов, Цехер, Манжара номларини тилга олган. Унинг бундан ортиқ маълумотни билиши ва бериши маҳол эди. Шунинг учун Робия Хўжаева ҳам ҳар иккала акасининг “фаол миллатчилик аксилиңқиlobий фаолияти”ни Совет ҳокимиyati органларидан гўё яширгани сабабли Алоҳида Мажлиснинг қарори билан “ижтимоий хавфли унсур” деб топилди ва 1938 йил 29 майда 8 йилга кесилди.

Робия Хўжаева 1938 йил 13 майдан (демак, ҳали Алоҳида Мажлис хукми чиқмасидан оддин) 1939 йилнинг 22 октябрига қадар НКВДнинг меҳнат-тузатув лагерида - ўз низомига эга бўлган кишилек хўжалик артелида меҳнат қилди.

Мунира ва Мохиранинг юқорида эслатиб ўтилган аризаси шу вактда ёзилган. Улар ЎзССР Ички ишлар ҳалқ комиссари номига 1939 йил 1 июнда йўллаган аризаларида бундай ёзганлар:

“Отамиз ҳалқ душмани сифатида қамалганидан кейин, 1937 йилнинг октябрь ойида ойимиз ҳам хибсга олинди. Ва ҳозирги вактда меҳнат посёлкасида яшамоқда. Ойимиз биз билан яшарди, бизни тарбия қиласди ва бундан ташқари, у қолок ва саводсиз аёл эди. Биз шу кунларда Сталин номидаги мактабнинг 5-синфида ўқимоқдамиз. Онасиз яшашимиз жуда кийин кечмоқда. Шунинг учун ҳам унинг ишини қайта кўриб чиқишингизни ва ойимизни озод этишингизни жуда-жуда сўраймиз”.

Мунира ва Мохира кўли билан рус тилида ёзилган бу ариза кимларнингdir кўнгилларини юмшатдими ё бошқа бирор сабаб биланми, ҳар ҳолда Робия Хўжасва 1939 йил 17 ноябрь куни бир хафтадан кейин қайтиш шарти билан меҳнат-тузатув лагеридан озод этилди. Лекин орадан уч кун ўтмай, лагерь бўйлаб “тревога” кўтарилиб, Робия Хўжасеванинг озод этилгани нотўри бўлгани ҳақида бонг урилди.

Робия эса бор-йўги болаларини кўриб, уларни қонталаш бағрига бир оз бўлса-да босиб келиш учун бир хафтага

рухсат сўраган эди.

Бу дунё эзгу ниятли, покиза қалбли кишилардан холи эмас. Кимнингдир холис хизмати билан 1940 йил мартаиди Робия Хўжаевани иккинчи маротаба озод қилиш мақсадида Алоҳида Мажлис учун ҳужжат тайёрланди. Лекин у с尔да алоҳида тарбия кўрган, меҳр-шафқат нималигини билмаган шахслар ишлашар эди. Шунинг учун ҳам Алоҳида Мажлис Робия Хўжаева ҳақида аввал чикарилган ҳукмни 1941 йил 31 мартда яна ўз кучида қолдиради.

Тергов ҳужжатларида Робия Хўжаеванинг кейинги тақдири тўғрисида бошқа бирор мъалумот йўқ.

## Ҳамида Хўжаева

Ибод Хўжаевнинг онаси Ҳамида Хўжаева 1873 йили Бухорода туғилди. У бирдан-бир фарзанди Ибод Хўжаев билан Тошкентга кўчиб келганидан кейин, бегона шаҳарда, фақат набиралари билан овуниб юрди. Ҳамида аянинг 1936 йили ёлғиз ўғлидан жудо бўлгани етмай, ўглим деб суюнгани Файзула Хўжаевнинг “халқ душмани”га чиқарилиб, қамокка олиниши, улар яшаган уйда кетма-кет тинтувларнинг ўтказилиши унинг қаддини букиб, манглайига қўша-қўша янги ажинлар туширди. Аммо бу кўргиликлар камлик қилгандек, 1937 йилнинг 23 октябрида унинг ўзи ҳам қамоққа олинди.

Орадан кўп ўтмай, 25 октябрь куни у, анъанавий бесьмани саволлардан иборат сўроққа чакирилди. Ҳамма нарса кафтдагидек, аён бўлганига қарамасдан, Хўжаевлар оиласининг бошқа барча аъзолари қатори, Ҳамида ая ҳам ўз тақдирининг ечимини кутиб, 1938 йилнинг ёз ойлари гача Тошкент қамоқхонасида ётди. Ниҳоят, 1938 йил 25 майда 65 ёшли Ҳамида Хўжаева ижтимоий жиҳатдан хавфли унсур сифатида меҳнат-тузатув лагерларида ўташ шарти билан 5 йилгача озодликдан маҳрум этилди. Ўша йилнинг 4 июнида эса уни Маринск шаҳрига - НКВД Сиблаги қошидаги тақсимот бўлими ихтиёрига юбориш қарор килинди.

Унинг шундан кейинги тақдири номаълум бўлиб келди.

Унинг шундан кейинги тақдири билан хеч ким

**қизиқмади.**

Унинг тақдири билан қизикувчи бирорта ҳам зот озодликда яшамаётган эди.

Хайриятки, Маҳбуба ва Мухтарама деган неваралари бор экан. Улар бир оз улгайгач, ўзлари ҳам истибодод курсонлари бўлганига қарамай, бечора бувини излашга тушдилар. Тоҷикистондаги тегишили ташкилотлардан бири Маҳбубанинг 1966 йил 26 сентябрдаги илтимосномаси асосида барча ҳужжатгоҳлардан етти ой мобайнода изланишлар олиб борди, аммо жабрдийда кампирнинг изини топа олмади.

“Бувим 1937 йили 64 ёшда эди, у 1873 йили туғилган. Орадан 28 йил ўтгач, хозир у 92 ёшга кирган бўларди. У 09.11.1938 йилда Поискка сургун қилинган, аммо у ерга стиб боролмаган... 64 ёшга кирган кампирни нима сабабдан қамоққа олганларини билмайман. Унинг вафот этганлиги хақида ҳеч ким ҳатто маълумотнома беришни ҳар истамаяпти”.

Маҳбуба ўз илтимосномасида шундай деб фарёд кўтарган эди. У кейин ҳам бувисининг фожеали тақдири билан қизиқиб, хат ёзмаган шахри, ариза йўлламаган идораси қолмади. Ниҳоят, даҳшатли ҳақиқат аён бўлди. Маҳбуба билан Мухтараманинг 1989 йил 24 июль санали Ўзбекистон Давлат Хавфсизлиги кўмитасига ёзган аризасида бу ҳақда қўйидаги сўзлар бор:

“Бувимиз лагерга юборилган ва ўша ерда кўр бўлиб, вафот этган экан.

Биз Тошкентга келганимизда отамиз (Ибод)нинг қабрини портлатиб юборгандарини айтиб беришди.

Биз таълим олиш, на бирор эпакали уйда яшаш имкониятга эга бўлдик. 1966 йили мусодара этилган мол-мулкимиз учун мен билан синглимга Тошкентда 500 сўмдан пул беришди. Иккимиздан биримиз 50 сўм ҳажмидан нафақа оляпмиз. Иккимиз ҳам хозир нафақадамиз!

Ҳамида ая ҳақидаги бор маълумотлар шулардан, иборат.

Бутун бир мамлакатта раҳбарлик қилган кишининг катта оиласидаги бир кам дунёга келишдан бошқа гуноҳи бўлмаган аёллар қатори Ҳамида аянинг ҳам кексайган пайтида хўрлаб таҳқирланиши ва таҳминан 1941-1942

йилларда Занги отадаги лагерда кўр бўлиб ўлишида мустабид тузумнинг асл киёфасини кўрамиз. Ана шу кўзгуда ўзбек халқининг сара “гул”ларини қириб ташлаган большевиклар тузумининг афут-бащааси аён кўринади.

Модомики, жабрдийда кампирнинг икки жабрдийда невараси ҳам хикоямизга келиб қўшилган экан, улар билан боғлиқ бázзи мушкул воқеаларга ўтсак.

1930 йили улар меҳрибон оналаридан жудо бўлдилар: Малика Арабова(Хўжаева) Бухорода вафот этди. Шундан кейин унинг фарзандлари Маҳбуба, Мухтарама ва Ориф отаси Ибод ва бувиси Ҳамида ая билан Тошкентта кўчиб келишди. Ҳамида ая келини Маликага тегишли барча молмулкни келажақда невараваларига аскотди, деган Ибоднинг Бухородаги уйида қолдирди. Ибод Хўжаев эса Амина Бойбекова (Хўжаева)га уйланиб, нафақат мархум хотини, балки ундан тутилган фарзандларини ҳам унугтан кунлари оз бўлмади. 1937 йил бўрони Хўжаевлар хонадонини вайрон этиб юборгач, Тошкент ва Бухородаги уларга тегишли уйларни XX асрнинг бойўғиллари эгаллаб олдилар.

1937 йил 23 октябрь воқеаларидан кейин НКВДнинг Ўзбекистон бўлимидаги бошликлардан бири номига шундай хужжат топширилди:

### *РАПОРТ*

*НКВД УГБ томонидан берилган 1528, 1529, 1930, 1931, 1532- рақамли ордерлар асосида Оқкўргон кўчаси, 5-йдаги 2-хонадонда қуидагиларнинг ҳибсга олинганини ва илова этилаётган тилхатлар билан Тошкент қамоқхонасига ўтказилганини маълум қиласман:*

1. *Хўжаева Райхон - Файзулла Хўжаевнинг онаси.*
2. *Хўжаева Робия - Файзулла Хўжаевнинг синглиси.*
3. *Хўжаева Ҳамида - Ибод Хўжаевнинг онаси.*
4. *Хўжаева Амина - Ибод Хўжаевнинг хотини.*
5. *Хўжаев Ориф - Ибод Хўжаевнинг ўғли.*

*(1528, 1529, 1530, 1531 ва 1532-рақамли тилхатлар)*

*Хўжаева Ҳамидадан бир минг икки юз сўмлик қимматбахо нарса тортиб олиниб, 102-рақамли квитанция билан Молия бўлимига топширилди, Хўжаева Аминадан, бир юз эллик сўм пул (150 сўм) ва бир минг уч юз сўм (1300 сўм) микдорида заём тортиб олиниб, 103 ва 705- рақамли*

*квитанциялар билан, оқ маъдандан ясалган соат эса 693-ракамли квитанция билан Молия бўлимига топширилди.*

*Колган 6 кишидан иборат ёш болалар, кўрсатилган йўналишлар бўйича, болалар тақсимотхонасига юборилди:*

*1. Хўжаева (Муродова) Муслима, 1924 йили тугилган, Файзулла Хўжасвенинг синглиси Хўжаева Робиянинг асраб олган кизи.*

*2. Хўжаев Алик (Нодир), 4 ёш, Ибод Хўжаевнинг ўғли.*

*3. Хўжасва Мухтарама, 1924 йили тугилган Ибод Хўжасвенинг қизлари.*

*4. Хўжаева Маҳбуба, 1927 йили тугилган.*

*5. Хўжаев Бўри, 1927 йили тугилган, Ибод Хўжаевнинг ўтиллари*

*6. Хўжаев Ириқ, 1930 йили тугилган.*

*Мазкур болаларга тегишли буюмлар, илова этилаётган рўйхатларга биноан, тақсимотхонага топширилди. (6 кишилик болага 6 та тилҳат ва болаларнинг мулкига оид 6 та рўйхат илова этилмоқда.)*

*Операция пайтида хеч қандай фавқулодда холлар рўй бермади. 2-Оққўргон кўчаси, 5-йўдаги 3 хоналиқ 2 хона-дон муҳрланди ва у срдаги мол-мулк рўйхатга олинди.*

Ушбу рапортда қайд этилган барча болалар ўша куниёк болалар тақсимотхонасига жойлаштирилди. Кўп ўтмай, муҳгарама билан Маҳбуба Актюбинск шаҳридаги болалар уйига жўнатилди. Улар тегишли жазо муддатини ўтагач, Дўшанба шаҳрида яшадилар.

Бошқа жабрдийда Хўжаевлар тўгрисида 60-йилларга қадар бўлган узук-юлук маълумотлар қуидагилардан иборат:

Хўжаева Райхон - қамоқхонада ўлган.

Хўжаева Ҳамида - Занги отадаги лагерда кўр бўлиб ўлган.

Петрова Фатина Михайловна - Москва вилояти Старая рўза шаҳридаги Дорохове, 12 -йда яшаган.

Хўжасва Робия - Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида Дзергинский номли жамоа хўжалигида яшаган.

Хўжаева Вилоят - Фрунзе шаҳри, Лермонтов кўчаси, 47-йда яшаган.

Хўжаева Амина - тақдири номаълум.

Хўжаев Ориф - бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган.

Хўжаева Мухтарам - Душанба шаҳри Свириденко кўчаси, 19-й, 10- хонадонда яшаган.

Хўжаева Махбуба - у ҳам ўша ерда яшаган.

Хўжаев Бўри - Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 3-йда яшаган.


Хўжаев Ирик - у ҳам ўша ерда яшаган.

Бозоров Ҳазратқул - Файзулла Хўжаевнинг жияни, урушда ҳалок бўлган.

Хўжаева Муслима - тақдири номаълум.

Совет мустабид тузуми томонидан мажакланиб ташланган Файзулла ва Ибод Хўжаевлар оиласидаги баҳтиқаро аёллар ҳамда болаларнинг фожиали қисмати шулардан иборат.

Оллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин.



## Раҳбар Шермуҳамедова

Таникли ўзбек зиёлилари орасида фамилияси Шермуҳамедов бўлган кишилар оз эмас. Мирмуҳсин ва Мирмулла Шермуҳамедовларни XX аср ўзбек адабиёти билан шугулланувчи олимлар яхши билишади. Ана шундай фамилияли зиёлилар орасида яна бир ажойиб шахс бўлганки, баҳтга қарши, унинг номи фақат оз сонли тарихчиларгина маълум.

Мирмуҳсин Шермуҳамедов - 1899 йили Тошкентда, дехкон оиласида туғилган. У юқорида номлари тилга олинган фамилиядошларидан партия ходими бўлганлиги билан фарқ килади. Мен уни қандай қилиб 1918 йилдаёк партия сафига киргани ва шу вактдаги ижтимоий фаолияти билан кизиқкан эмасман. У 1937 йил 7 сентябрда хибсга олиниб, Москвада суд қилингани учун унинг тергов иши ҳам Москвада, Россия Федерал хизмати архивида сакланади. Аммо Тошкентда мавжуд бўлган айрим манбаларга қараганда, Мирмуслим Шермуҳамедов 1932 йили Свердлов

номидаги Коммунистик университетни тутатганидан кейин дастлаб Самарқанд ва Наманган, сўнгра Тошкентда шаҳар партия қўмитаси котиби лавозимида хизмат қиласи. “Халқ душмани” сифатида ҳибсга олинган вактда эса у Ўзбекистон К(б)П Марказий Қўмитасида қишлоқ хўжалиги бўлими мудири вазифасини адо этаётган эди.

Бугун биз 20-30-йилларда давлат ва партия идораларида раҳбар лавозимларда хизмат қилган сиймолар тўғрисида ийманиб сўзлашга, иложи бўлса, уларни четлаб ўтишга интилмоқдамиз. Ваҳоланки, бу раҳарлар орасида шундай сиймолар бўлганки, улар том маънода маданиятли, ор-номусли, халқпарвар, ўз манфаатини мутлақо ўйламаган, шахсий-бойлик ортириш ва имтиёзли турмуш кечиришни хаёлларига ҳам келтирмаган кишилардир. Шундай сиймолардан бири Мирмуслим Шермуҳамедов эди.

1957 йил 5 сентябрда, эрининг қамоққа олинганидан роса 20 йил кейин, НКВД ходимларига берган кўргазмасида Раҳбар Шермуҳамедова бундай деган:

*Мен ўша пайтда ҳам ишонар эдим ва ҳозир ҳам шунга аминманки, Шермуҳамедов партия ишига садоқатли ва ор-номусли киши бўлиб, ўзининг бутун кучини шу ишига багишлаган эди. Шунинг учун ҳам мен унга тухмат қила олмас эдим...*

Партия ҳам ўша пайтда Мирмуслим Шермуҳамедовнинг виждонли ва садоқатли киши эканлигини яхши билган. Аммо “тозалаш” компанияси даҳшатли дараҷада кўлам касб этган 1937-1938 йилларда унинг виждонли ва садоқатли бўлгани учун ҳам отиб ташланиши лозим эди. Сталиннинг кечаги тарихни яхши билган, большевикларнинг қонли сирларидан хабардор бўлган кишилардан холос бўлишга интилиши тушунарлидир. Негаки, М.Шермуҳамедов сингари кишилар пештоқида олижаноб шиорлар порлаб турган давлатнинг миллий сиёсати ҳам, ички сиёсати ҳам халқ манфаатларидан узок эканлигини кўра бошлаган эдилар. Шунинг учун ҳам улар ёппасига қамоққа олиниб, “халқ душманлари” деб эълон қилинди. Модомики, улар “халқ душмани” экан, нега энди бу “халқ душманлари”нинг хотинлари ва фарзанд-

лари эмин-эркин турмуш кечиришлар керак?

НКВД ана шу саволга ўз буйруги билан жавоб берди. Бу буйруқка кўра, “халқ душманлари”нинг хотинлари ҳам қамоққа олиниши ва жазога тортилиши шарт эди.

Хуллас, шу буйрукнинг руҳидан келиб чиққан ҳолда 1937 йилнинг 30 сентябрь куни Раҳбар Шермуҳамедова ҳам хисбга олинди.

Раҳбархон 1910 йили Кўконда, худди эри Мирмуслим Шермуҳамедов сингари, камбагал дехқон оиласида дунёга келган. Бинобарин, у қамоққа олиб бориб ташланганида ҳали 27 ёшга тўлмаган эди. У гарчанд турмуш қурганига 8 йил бўлган ва икки ажойиб қизнинг онаси бўлган эсада, айни ҳаётнинг шавқ-завқини сурадиган фаслда эди. Эри Мирмуслим Шермуҳамедов адабиёт ва театрни севгани учун у ҳам уй-бекаси бўлганига қарамай, эрига муносиб хотин бўлишга интилди. Ўша йилларда расм бўлган таомилга кўра, раҳбар лавозимдаги кишиларга одатда кўнгилочар жойларга эркин бориб туришлари учун уларга рухсатнома берилар эди. Санъат ишлари бошқармасидан берилган ана шундай хужжат билан эр-хотин Шермуҳамедовлар кўпинча Ҳамза театрига бориб, ҳар бир янги спектаклни биринчилардан бўлиб томоша қилар эдилар. Агар ўша вактда бу театр спектаклларининг ҳалқ маърифати ва маданиятини муттасил равишда кўтариб борган бирламчи омил бўлганини эътиборга олсан, Раҳбархон ҳам оддий уй бекаси эмас, балки ўша йиллардаги ўзбек аёлларидан, бир баҳя бўлса-да, орта юрган аёл эмас эди. Мирмуслим Шермуҳамедов эса Москвада таҳсил кўрган ва хизмат сафарида бўлган кезларида марказий театрларининг энг машҳур спектаклларини қўришни ўзининг ички эҳтиёжи, деб билган ва шунинг учун ҳам юксак маданият ёғдулари билан тўйинган шахс эди. Унинг кўз очиб кўрган ва ҳар куни ишга кетиши олдида ва ишдан қайтиши билан кучиб ўпадиган қизларидан бирини Вика (Виктория), иккинчисини эса Лиля деб атагани ҳам бежиз эмас эди.

Раҳбархон бу икки гунчанинг алвон баргчалари хийла очилганда уларни энагага қолдириб, Тошкент тиббиёт институтига ўқишга кирди. Унинг бу олий ўкув юртини танлашдан мақсади ҳам азиз фарзандларини соглом ва

гўзал қизлар қилиб ўстириш эди.

Мирмуслим Шермуҳамедов нафакат ширин қизалоклари, балки уларнинг онасини ҳам чин қалбдан севар ва уни турли ҳадялар билан хушнуд этиб, ўзининг ҳам баҳри дили очилар эди. 30 сентябрь куни 1-Туркистон кўчасидаги 14-йда бўлиб ўтган тинтуб пайтида бояги “руҳсатнома”, 270 сўм пул, 2160 сўмлик заёмлар билан бирга олиб кетилган соатли билакузук ҳам унинг хотинига қилган совғаси эди. Ҳали ҳеч бир дугонасида бўлмаган бу соатни Мирмуслим Шермуҳамедов совға қилганида Раҳбархон ўзини қандай баҳтли хис этган ва бу узук-соатни тақиб боражаги, спектаклни қанчалик интиқлик билан кутгани кувончли бир ҳол эди. Мана энди шу соат ҳам унинг кўзига кўринмай қолди. Гёё унинг миллиарига эмас, балки эрининг қамоққа олинishi ва қамалиши навбатининг ўзига келиши билан ҳаётнинг нурли дақиқалари тақа-так тўхтади.

Терговчилар уйни обдон титиб чиққанларидан кейин Раҳбархонни қамоққа, бири эндиғина 7, иккинчиси эса эндиғина 5 ёшга кирган гул-лолаларни болалар муассасалариға юбориш ҳакидаги қарорни унинг қўлига бердилар. Раҳбархон бу қоғозни қўлига олар экан, боши чирпираб айланиб кетди, унда ёзилган даҳшатли сўзларни англаб ҳам улгурмади. Чор атрофи қоронгилашиб, оловли бир гирдоб ичида қолаётгандек бўлди.

Эри Марказкўмга ишга ўтганида уларга Уездний кўчасидаги 24-шинамгина уйни беришган эди. У қамоққа олинган куни бу уй тортиб олинди. Шундан сўнг Раҳбархон 1-Туркистон кўчасидаги кичик бир уйга кўчиб кирди. Мана бугун бу уй ҳам тортиб олиниб, уни қамоқхонадаги 40-50 киши аранг сиққан камерадаги эни бир-икки қариҷ келадиган жойга кўчиришди. У ҳали фалаж ҳолатидан чиқмагани учун бунинг уйми-гўрми эканлигини сезмади. Уни йиги-сиги билан кутиб олган таниш аёллар ҳам кечаги қувноқ, баҳтли, гўзал, тўладан келган аёллар эмас, балки уларнинг соялари эди.

Ҳаёт бир зумда шундай кескин ўзгарди.

Раҳбархон Мирмуслим Шермуҳамедовга турмушга чиққанидан кейин Ўзбекистон Маориф институтида 1929

йилгача таҳсил кўрди. Викага ҳомиладор бўлган кезлари институтни тугатди. 30-ийларнинг бошларида эса шифокор бўлиш орзусида Тиббиёт институтига ўқишга кирди. Келажакда қизларини, яқин қариндош-уругларини, ҳамشاҳарларини даволамоқчи эди. Мана энди унинг ўзи тиббий ёрдамга муҳтож. Тўғрироги, илохий ёрдамга муҳтож. Негаки, уни бу фожиавий ҳолатдан ҳатто Лукмони ҳакимнинг ҳам олиб чикиши маҳол.

Мирмуслим Шермуҳамедов, бошқа аксар давлат ва партия арбоблари сингари, ҳеч қандай аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлмаган. У бизнингча, биринчи сўрок пайтида бирорта ҳам ташкилотга аъзо бўлмаганини айтган. Аммо унга нисбатан қўлланган жисмоний тазииклардан кейин у 21 сентябрь куни бўлиб ўтган сўрок қайдномасига 1928 йилдан бери “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотига аъзо бўлганлигини имзо чекиб тасдиқлаган.

Раҳбар Шермуҳамедова шу ҳодисадан кейин бир ою саккиз кун ўтгач, сўрокка чақирилди. Терговчи уни Эридан олинган кўргазма билан таништириб, ундан шу кўргазма билан уйғун бўлган маълумотни беришини талаб этди. Аммо бундай маълумотни бериш учун ҳаётдан унинг асосини, заминини топиш лозим эди. Шунинг учун ҳам Раҳбар Шермуҳамедова эрининг аксилинқилобий фаолияти тўғрисида бирор маълумотга эга эмаслигини айтди.

Модомики, Раҳбархон бу сўзларни соддадиллик ва самимийлик билан айтган экан, терговчи ҳам ўз мақсадига ана шу соддадилликнинг чарогон кўчалари орқали бормоқчи бўлиб, сўради:

- Эрингиз Мирмуслим Шермуҳамедов кимлар билан учрашиб турган? Уйингизга кимлар келиб турарди?..

Гўё бу беғараз савол орқасида терговчининг “Миллий иттиҳод” ташкилотининг эрингиздан бошқа яна қайси аъзоларини биласиз?” деган гаразли ётади. Раҳбархон эса худди ҳеч нарсани сезмагандек жавоб берди:

- Эрим Шермуҳамедовнинг дўст-ёўлари куйидаги лардир: Тўрабеков Жўра, Исроилов Нормат - Хоразм шаҳар партия ташкилоти котиби, Болтабосев Содик - ЎзК(б)П МҚ нинг З-котиби, Бандаев - Андижон шаҳар партия ташкилоти котиби, Шарипов Камол - ЎзК(б)П

МК да ишлаган. Бу кишиларнинг ҳаммаси уйимизга келиб туришган. Менинг тикиш-бичишларим эса қуйидагилар: Тўрабекова Сода (Зода ёки Сора - Н.К.) (Тўрабеков Жўранинг хотини), Болтабоев Мўътабар (Болтабоевнинг хотини), Шарипов Зухра (Камол Шариповнинг хотини). Бу аёллар бизнинг уйимизга тез-тез келиб кўринган, мен ҳам уларнинг уйига бориб турганман.

Раҳбар Шермуҳамедова терговчининг буралма саволларида жавоб бериб, яна бундай сўзларни айтган:

- 1937 йил майида уйимизда факат бир маротаба йигилиш бўлган. Бу йигилишда эримнинг Болтабоевдан бошқа юқорида номлари тилга олган барча дўстлари қатнашган. Мен дастурхон тузаш билан банд бўлганим учун бу йигилишда нима ҳақда сўз борганини эшитмаганман.

Раҳбар Шермуҳамедовадан олинган бор-йўқ кўргазма факат шулардангина иборат. Унинг МХХ архивида сақланастган тергов ишида бошқа бирорта сўроққа чакирилгани тўгрисида маълумот йўқ. Лекин бу ҳол НКВД ходимларининг Раҳбар Шермуҳамедовага ўта маданий муносабатда бўлганларини англатмайди. Аксинча, эри ҳақида тұхматдан иборат маълумотни бермагани учун улар бу бечора аёлни терговхоналарда неча кунлар давомида тиккайтириб қўйғанлар. Натижада оёклари шишиб, мускуллари бўшашиб, ҳатто камерага етиб олиш ҳам муаммо бўлиб қолган. Унинг эри Мирмуслим Шермуҳамедовнинг аксилиңқилобий фаолияти ҳақида бирорта маълумот бермагани на қайсарлиги, на эрига бўлган меҳр-муҳаббати, на инсоний жасоратининг натижаси эди. Аммо шунга қарамай, унинг айрим аёллар сингари, маҳбуса эридан ажralиш ҳақида ариза ёзмагани, у туфайли бало офатларга гирифттор бўлганини айтиб зорланмаганининг ўзидаёк 1937 йил воқеалари фонида ҳақиқий жасоратдир.

Ҳарбий Коллегия шунинг учун Раҳбар Шермуҳамедовани озод этмай, 1938 йил 10 июль куни уни янги топилган айб - “Ватан хоини оиласининг аъзоси сифатида” меҳнат-тузатув лагерларида ўтиш шарти билан 5 йилга кесди. Адолатсизлик ва ноҳақлик давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган бир замон учун бу оддий ҳодиса эди. Раҳбар Шермуҳамедова 1943 йили жазо муддатини

ўтаб қайтганида на уйи, на эри, на қизлари бор эди. Уйи тортиб олинган, эри отиб ташланган, қизлари Қозогистондаги болалар уйига юборилган, ўзининг эса шарпасигина қолган. Ана шу шарпа ўн йилдан зиёд вақт давомида ўзи, қизлари ва эри учун курашди.

1957 йил. Шахсга сигиниш иллатлари тош бўла бошлиған кезлари Раҳбар Шермуҳамедова ҳақиқат ахтариб, яна ўша таниш ташкилотга мурожаат этади. У терговчи билан юзлашиб, бундай фарёдли сўзларни айтади:

*...Шермуҳамедов хибсга олингунинг қадар мен у билан 8 йил яшадим. Шу вақт ичиде икки қизим туғилди. У ҳали ёш бўлгани учун бутун кучини ишга багишлаган эди. Свердлов номидаги Москва Давлат университетини тутатгач, эрим Намангандан, кейин Тошкент шаҳар партия ташкилотларида котиб бўлиб ишлади ва шу ердан Марказий Кўмитага ишга тайинланди...*

Мен ўша пайтда ҳам ишонар эдим ва ҳозир ҳам шунга аминманки, Шермуҳамедов партия ишига садоқатли ва ор номусли киши бўлиб, ўзининг бутун кучини шу ишга багишлаган эди. Шунинг учун ҳам мен унга тухмат тошларини ота олмас ва ўзимнинг айбимни ҳам тан ола олмас эдим. Мендан Шермуҳамедовнинг гўё гаразли фаолияти ҳақида кўргазма беришини талаб этиб, тик тургазиб қўйиши, аммо мен бундай кўргазмани бермадим.

Мен камоққда 11 ой ёттанимдан кейин СССР НКВДси қошидаги Махсус мажлис томонидан Ватан хоини оиласининг аъзоси сифатида меҳнат-тузатув лагерларида ўташ шарти билан беш йилга озодликдан маҳрум этилганимни эълон қилишди.

1956 йили мен ишни қайта текшириб чиқишиларини сўраб, ариза ёздим ва 1957 йил февралида Москвадан ишнинг... қайта кўриб чиқишаётгани ҳақидаги жавобни олдим. Мен асоссиз равишда қамалганим учун мени оқлашлари шарт, деб ҳисоблайман...

Ҳозир менинг иккита қизим бор. Улар жазо муддатини ўтаётган пайтимда Қозогистондаги болалар уйида эди. Жазо муддати тутагач, 1944 йили уларни ахтариб топдим ва ҳозир улар билан бирга яшамоқдаман. Эримнинг ва менинг камоққа олинишим қизларимнинг ҳаёт йўлида ўз изини

*қолдирди, ноҳақ қамалган (мен шундай хисоблайман)  
оталарининг доги хозирга қадар уларнинг манглайдидан  
кетмаган.*

*Эрим ва менинг қамалишим муносабати билан оиласиз  
уй-жойдан маҳрум бўлди. Бу ҳам қизларим тарбиясида  
акс этмай колмади...*

Раҳбар Шермуҳамедованинг бу сўзларида қатағон даврининг барча фожиалари, шиша идишга кириб олган жиндек, сиқилиб ва қисилиб турибди. Агар буни очиб юборгудек бўлсак, нафакат Раҳбар ая, балки барча қатағон курбонларининг кўз ёшлари дарё бўлиб оқади.



## **Тожихон Шодиева**

Республикамизда донги кетган бу аёл билан мен олтмишинчи йилларда танишганман. Бу аёлнинг қисматини эшигтганимда: “Душманингга ҳам солмасин, унинг кўргиликларини”, - деб ўйлаганман, бехосдан.

Эшишишмча, шўрлик 12 ёшида 50 ёшли қарияга иккинчи хотинликка узатилган. Не-не кунларни кўрди Тожихон, шу ёшида. Бир ёқдан кундош азоби бўлса, иккинчи ёқдан, қари эрининг золимлиги. Тожихон кунда, кун ора бўлиб турадиган ур-сурларга, баланд-паст можароларга дош беролмади -эридан ажралди.

Асримизнинг 20-йиллари... Ўзбекистонда хотин-қизлар кенгашлари фаолият бошлаган “Хужум” йиллари. Хотин-қизлар кенгашларининг ҳайбаракалласи билан Тожихон паранжисини ташлади ва кенгаш вакиллари ёрдамида бошлангич маълумотли Тожихонни кўтар-кўтар билан хотин-қизлар шуъбаси инструктори килиб Хоразм округига жўнатишди. Балким ўша чогда уни шу йўл билан эрининг тазиикидан кутқармокчи бўлишдими, ҳар ҳолда республиканинг энг узоқ гўшасига, ҳатто ҳали темир йўли ҳам

бормаган Хоразмга жўнатишиди. Орадан бир йил - бир ярим йил ўтиб, уни Кўқонга йўллашди. Бу ерда ҳам шаҳар хотин-қизлар шуъбаси мудири бўлиб ишлади. Кўтар-кўтар билан йигирма беш ёшида хотин-қизлар бўлимни мудири вазифасида ишлай бошлади. Айни шу кезларда - 1927 йилда Тожихон Шодиева “Янги йўл” номида чиқиб турган журналга маълум бир муддат муҳаррир бўлиб ҳам ишлади.

Йўқ, у журналист эмас эди. Ўша давр фирмә удуми республика миқёсидағи ишончли шахснинг хотин-қизлар матбуотини бошқаришини тақозо қиласади. Шу сабабдан ҳам Тожихонга “Янги йўл” журналига муҳаррирлик килиш ҳам юклатилган бўлиши керак. Гайрат, шижаотта тўла қалб ишлаб чарчамас, ўзига юклатилган вазифаларнинг ҳар қанча зил юкини кўтаришга хозир ва қодир эди. Фирқани у золим эр таҳқиридан куткарган бир куч, деб биларди. Эгнида чарм камзул, бошида кепка, ҳар қандай топширикни адо этишга шай, ўз даврининг фарзанди эди, у.

Унинг такдири атоқли кинорежиссер Малик Қаюмовни ҳам қизиқтирган. Ва у 1932 йилда “Тожихон Шодиева” деган ҳужжатли фильм яратган. Бу фильmdа кинорежиссер республикамиизда биринчилардан бўлиб паранжисини ташлаган, Фарғона МТСи сиёсий бўлимни бошлиги Тожихон Шодиева ҳаётидан қатор лавҳаларни кинолентага туширган...

Ўша кезлар у русча қўшиқни ёқтириб қолган эди. Ўзи рус тилини яхши билмаса-да, бир амаллаб ёдлаб олган ва марш куйидаги бу қўшиқни юрган йўлида дилида куйлаб, шу куй усулида шахдам қадам ташларди. Бу, яқин-яқингача бутун собиқ иттифоқда куйланган маълум ва машхур қўшиқ эди:

*Широка страна моя родная,  
Много в ней лесов, полей и рек.  
Я другой такой страны не знаю,  
Где так вольно дышит человек...*

Бу қўшиқнинг куйи, сўзи, кўтаринкилиги Тожихоннинг ўша чоғлардаги ахвол-руҳиятига мос эди.

Тожихон ўзи туғилиб ўсган Фарғона водийсига қайтган, ота-онаси багрида, икки синглисига раҳнамо бўлиб яшар, ота-онасини қўллаб-қувватлай олаётганидан боши осмонда эди. Лекин ҳаммаси бир кунда кун-паякун бўлди. У севиб куйлаган қўшиқдаги ҳаёт чаппасига кетди. Ўзи яшаётган юртнинг қанчалар бепоёнлигини, ундаги ўрмонлар, далалар ва дарёларнинг кўплигини бандиликда кизил вагонларнинг тирқишлардангина кўрди. Жанубдаги тоғлардан шимолдаги денгизларгача инсоннинг хўжа бўлиб эмас, банди бўлиб азобда қолганининг шохиди бўлди. Узок Шимолда, Магадан ўлкасида бандиликнинг бари азоб-уқубатларини неча-неча йиллар давомида бошидан кечирди.

Юртимиз узра, наинки, юртимиз, балки шўролар юрти деб аталмиш беадад ҳудудда душман излаш, жосус қидириш, ота фарзандидан, aka укасидан ҳадисираган 1937 йил шарпаси кезар эди. Москвадан тортиб энг чекка вилоятларгача, Жанубдаги тоғлардан Шимолдаги денгизларга қадар стиб борди, бу жосус ахтариш жараёни. Куни кечагина республикани бошқарган, юртнинг садоқатли фарзанди саналган Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов каби раҳбарлар хибсга олинниб, авахтага ташланган эдилар. Улар кетидан хибсга олинганларнинг бари Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевнинг дум” и деб аталарди. Шу қисмат Тожихон Шодиеванинг ҳам бошига тушди.

Бу баҳтиқаролик 1937 йилнинг 24 сентябрида НКВД-нинг Тожихон Шодиевани ҳибсга олиш ҳакида чиқарган қароридан бошланди. Унда Ўзбекистонда фош этилган аксилиинқилобий миллатчилик ташкилоти аъзоси сифатида зараркунандалик ишлар олиб боргани учун ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 60-66-1 ва 67-моддаларига кўра Тожихон Шодиевани қамокқа олиш лозимлиги кўрсатилган эди.

Махбусанинг анкетасида қайд этилишича, ўша пайтларда Тожихон Шодиева Молотов тумани партия ташкилотининг котибаси бўлган. Оиласида 84 ёшли отаси Тошмат Мирзаев, 53 ёшли онаси Ҳамробиби Мирзаева, 19 ёшли синглиси Марям ва 11 ёшли синглиси Умия бўлишган. Кўкон шаҳри Совет кўчасидаги 64-йда истиқомат қилишган.

1937 йил 7 октябрда яна бир хужжат - айблаш қарори пайдо бўлади. Бу қарорга кўра, Тожихон Шодиева 1928 йилдан аксилиниклобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганликда айбланади. Бу ташкилотнинг ўз олдига куролли ҳаракат билан Совет ҳукуматини ағдариш ва Ўзбекистонни СССРдан ажратиб, буржуа демократик давлатини тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги кўрсатилади. Бу хужжат тагида Тожихон Шодиеванинг бундай дастхати ва имзоси бор: “Менга баён этилган айбномани тан олмайман”.

1937 йил 5 декабрдаги терговда Тожихон Шодиевага: “Сиз Икромов раҳбарлигига хокимиятни қуролли йўл билан ағдаришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган аксилиниклобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганликда айбланасиз”, - деган даъво бор. Бунга жавобан Тожихон Шодиева:

“Аксилиниклобий миллатчилик ташкилотига ҳеч қачон аъзо бўлмаганман”, - дейди.

Тожихон Шодиевани, яна Акмал Икромовнинг топширигига кўра, қўпорувчилик ишларини олиб борища айблайдилар. У пилла тутиш режасига заарар етказиши ниятида тут дараҳтларини кестирганликда ва 1937 йил пилла тутиш режаси бажарилмаганликда айбланади. Колхозлараро ўтган йўларнинг кенгайтирилиши сабабли тут дараҳтларини кесиб ташлаш зарурати тугилганлигини ҳеч ким инобатта олмайди. Зарурат туфайли қилинган иш маҳсус қилинган заарқунандалик деб саналади.

Хуллас, яна бир йил давом этган терговдан кейин 1938 йил 4 октябрь куни СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг сайёр сессияси ҳукмни эълон қилади. Ҳукмда қуидаги сатрлар бор:

... *Шодиевани ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 63, 14-64 ва 6-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этишда айбдор топиб, СССР Олий Судининг Ҳарбий Коллегияси ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 628 ва 131-моддаларига асосланиб, ҳукм қилади:*

Тожихон Шодиева 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинсин, беш йилга сиёсий ҳукуклардан маҳрум

*этилсин, унга тегишли мол-мулк мусодара қилинсин...*

*Хўкм қатъий, шикоятга ўрин йўқ...*

Хужжатлар орасида яна қуидаги маълумотнома ҳам учрайди:

*1938 йил 4 октябрда 10 йилга маҳкум этилган Тожихон Шодиева жазо муддатини ўташ учун Қозон турмасига жўнатилди. 10.03.1939 й.*

Конун бўйича жазоланган биргина Тожихон Шодиева бўлгани билан бутун бир оила қон қақшаб қолган эди. Чунки 84 ёшли ота, мунглиғ она ва ҳали қўлида хунари бўлмаган икки синглиси учун Тожихон суюнган төғ эди. Шу сабабдан ҳам, қизининг бегуноҳ қамалиб кетишига чидай олмаган ота Тожихоннинг ишини қайта кўриб чиқишиларини сўраб, юқори ташкилотга ариза беради. Бу аризани 1940 йилнинг 9 апрелида кўриб чиқсан 1-ранг ҳарбий юрист Г.П.Липов, аризага ижобий жавоб беришни хаёлига ҳам келтирмай, уни Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги архивига ўйлайди.

Неча-неча йиллар давомида она диёридан, қавму-қариндошларидан йироқда азоб чекди, Тожихон Шодиева. У срларда ўтган ҳар бир кун йилдек туюлди - эркинликни яқинлаштирадиган қунларни қунда неча-неча бор санади у. Бу азоб-укубатлардан ана қутулдим - мана қутулдим, деганда ўлганнинг устига тенгтан қабилида яна бир жазога мубтало қилинди. 1950 йил 28 октябрь куни Алоҳида Мажлис қарори билан Тожихон Шодиева беш йил муддатга бадарга қилинди ва у Хабаровск ўлкаси, Магадан шаҳри, Нагаево посёлкаси, Октябрь қўчасидаги 29-ўйда яшай бошлади.

Бир қанча йиллар давомида совук ўлкаларда утказган маҳбуслик ва бадарга азоблари беиз кетмади: гипертония ва миокардо склерёз дардига чалиниб, кўзлари хираклашиб қолди. Унинг саломатлигини текширган назорат комиссия-сининг қарорида саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли Узок Шимолдан кетиши лозимлиги кўрсатилди. Аммо бу срдан кетиши қаёқда? Бу ушалмас орзу, холос. Лекин ўнга қарамай, умидли дунё экан, Тожихон энг оғир қунларда ҳам умид билан яшади. “Ётиб қолгандан кўра отиб қол” қабилида иш тутди. У Магадан вилояти Ички Ишлар

Бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. 1954 йил 11 июнда ёзган бу аризасида Тожихон бир йиллик тергов жараёнида 27 маротаба сўроқ қилингани, унга кўйилган айбга иқорор килдириш учун турли усуслар кўлланганлиги ҳакида ёзди: “Суд олдидан устки кийимларимни счиб олиб, мени БОКСга қамадилар, уч кеча-кундуз ичида БОКСда уйқусизликдан ва совукдан азоб чекиб, кучдан қолдим. Шундан сўнг қўқкисдан мени судга чакирдилар ва мен “буржуя аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлганман, деб жавоб қайтардим”.

Бу ўринда яна бир ҳақиқатни қайд этиб ўтмоқ жоиз. Гап шундаки, шу иш бўйича текширув олиб борган ИИХК ходими И.Ф.Соловьев фуқароларни қонунга зид равища хибсга олганликда ва 1937-1939 йилларда тергов ишларини сохталаштиришда айбланиб, суд қилинган. Қасосли дунё деганлари шу бўлса керак. Бирорларга қилинган ёмонлик беиз кетмай, бу дунёдаёт ўз жазосини олади.

Халқимизда “Ойнинг ўн беши коронгу бўлса, ўн беши ёргу”, - деган нақл бор. Тожихон Шодиева ҳаётининг интиқлиқ билан кутилган ёргу кунлари ҳам келди. 1956 йил биргина Тожихоннинггина эмас, СССР деб атальмиш беадад ҳудудда бегуноҳ қамалган миллионлаб кишиларнинг иши қайта кўрила бошланди ва уларнинг аксарияти оқланди. Тожихон Шодиева ҳам оқланиб, юртига ёргу юз билан қайтган миллионларнинг бири эди. У узоқ дам олиб ўтиромади. Республика раҳбарлари уни Фаргона вилоятидаги боғдорчилик совхозига директорлик вазифасига тавсия этдилар. Совхоз ишчилари эса унинг номзодини бир оғиздан маъқулладилар. Раҳбарнинг улдабуронлиги ва совхоз ишчиларининг зиммаларидаги вазифаларни сиддиқидан бажариши сабабидан бўлса керақ совхоз иши йил сайин яхшиланади.

Тожихон Шодиева раҳбарлик қилган пайтида бу совхозда бир неча бор бўлганман. Совхоз қошида маҳсус очилган техникиумда мутахассислар тайёрлаш борасидаги ишлар билан танишганман. Тожихон опанинг 60 йиллик юбилейи кунларида, наздимда, совхоз бир катта рўзгор-у Тожихон Шодиева шу рўзгорнинг онахонидек туюлган эди, менга. Зоро, Тожихон ўзи раҳбарлик қилган корхона

ишчи-хизматчиларига онадай меҳрибон, онадай ғамхўр эди. Бу совхозда уруш йиллари она юртларидан қувғин килинган Крим татарлари яшар ва меҳнат қиласар эди. Ҳақсизликни бошидан кечирган Тожихон қўлидан келган яхшиликни улардан аямасди. Шу сабабли қўплар учун у онадай азиз бўлиб кетган эди.

Тожихон Шодиева ҳакида фикр юритар эканман, бундан олтмиш йиллар мукаддам бир журналда ўқиган сатрларим ёдимга келди:

*Ҳаёт огир, дам огир, сўзлаш ҳам огир,  
Турмуш шундай бир чўққики, йўли ёнбагир.*

Кисмат Тожихон Шодиева чекига ҳаётнинг оғир дамларида умргузаронликни ёзган эди ва у ёнбагир йўллардан тармаша-тармаша, толмай, юксаклик сари интилди. Бу юксакликларга у ўз кучи, иродаси ва бетиним меҳнати билан эришди - эл меҳрида қолди.

Не баҳтки, ёруг кунларга етдик. Эндиликда фарзандларимиз, улардан сўнг келажак авлод хурриятда камол топади. Бунга ишончимиз комил. Лекин ёшми-кексами ҳар биримиз огоҳ бўлмогимиз лозим.



## Зайнаб Ҳошимова

30-40-йилларда қатагон этилган давлат ва жамоат арбоблари рафиқалари орасида Ўзбекистон Фанлар Кўмитасининг биринчи раиси ва ҳозирги Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг сабиқ директори Отажон Ҳошимовнинг умр йулдоши Зайнаб Ҳошимова ҳам бор эди.

Зайнаб опа 1909 йили Ўзбекистоннинг гўзал гўшаларидан бири Наманган шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топади. Унинг отаси 1913 йилда, яъни Зайнаб опа 4-5 ёшлигигидаёқ вафот этади. У отадан жуда эрта ажралиб, акалари Ҳасан ва Иброҳим Булатовлар, опаси Амина Булатовалар билан бирга онаси Латифа опа бағрида тарбиялана бошлади. Зайнаб опа 9 ёшга киргач, янги усули мактабига ўқишга боради. Совет даврида Тошкентдаги Татар маориф институтига ўқишга киради ва шу ерда тўрт йилча ўқийди. Шу вақтда унинг опаси Амина ҳам Тошкентда бўлиб, у Собир Мирзажонов деган ўзбек йигитига турмушга чиқкан, Зайнаб опа ҳам улар билан

бирга яшар эди. 1926 йилда Собир аканинг ёшлиқ давридаги қадрдонларидан бири, Москвада ўқиб турган Отажон Ҳошимов Тошкентта ёзги таътилга келади ва дўсти Собир Мирзажоновнинг уйида меҳмонда бўлади. Шу кезларда Отажон Ҳошимов шу ерда Зайнаб опа билан танишиб, унга уйланади. Шундан сўнг Зайнаб опа Отажон Ҳошимов билан бирга Москвага кетади. Отажон Ҳошимовнинг ўкиши тугагач, улар ўша йилларда Ўзбекистоннинг пойтахти бўлган Самарқандга келиб, у ерда яшай бошлайдилар. Отажон Ҳошимов Самарқандда очилган янги Педакадемияда сиёсий иктисод ва фалсафадан дарс бериш билан бирга “Қизил калам” номли янги адабий-бадиий ташкилотнинг раҳбарларидан бири бўлиб ҳам ишлайди. Бу даврда Зайнаб опа Педакадемияда ўқиш билан бирга ўшларга билим бериш ва тарбия ишларида фаол қатнашади, Отажон Ҳошимов билан Педакадемияда бирга ишлаган Фитрат, Булат Солиев, Шокир Сулаймон каби таниқди адабиётшунос ва тарихчи олимларнинг марокли сухбатларидан баҳраманд бўлади.

30-йилларнинг бошларида Отажон Ҳошимов Ленинградга Шарқшунослик институтининг аспирантурасига ўқишига кетади ва у ерда бир муддат миллий секретар ҳам бўлиб ишлайди. 1933 йил Тошкентта қайтиб, дастлаб Ўзбекистон Фанлар Қўмитасини, 1934 йили эса Тил ва адабиёт институтини ташкил қилиб уларга раҳбарлик қиласди. Зайнаб опа эса бу даврда республика янги терминология қўмитаси қошида очилган стенографистлар курсида ўқитувчилик қиласди ва янги лотин алифбоси асосидаги стенография буйича кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этади. У, айни пайтда, Отажон Ҳошимов ташкилотчилик ва илмий фаолиятининг самарали бўлиши учун унга оиласда қулав шароит яратишга интилади.

1937 йил 2 августда Отажон Ҳошимов бехосдан Ўзбекистонда аксиинқилобий миллатчилик ташкилотининг фаол аъзоси сифатида қамоққа олинади. Орадан бирор ой ўтгач, Зайнаб опа ҳам эрининг миллатчилик ташкилоти аъзоси эканлигини била туриб яшириб келганликда ва шу йўл билан эрининг аксиинқилобий фаолиятига кўмаклашганликда айбланиб қамалади. Уйидаги бор мол-

мулки НКВД ходимлари томонидан олиб кетилди, унинг ўзидан эса эри Отажон Ҳошимовнинг аксиликкабий фаолияти ҳақида кўргазма беришни талаб килдилар. Зайнаб опа эрининг аксиликкабий ҳаракати ҳақида ҳеч нарса билмаслиги, унинг олдига келувчи олимларнинг ҳам фактат иш юзасидангина сўзлаганларини айтди.

Зайнаб опанинг 1937 йил 24 октябрь кунги терговда НКВД терговчисининг саволларига берган жавоблари шу жиҳатдан, айниқса, характерлидир.

**Савол:** Нега сиз эрингиз Отажон Ҳошимовнинг аксиликкабий фаолияти ҳақида давлатга хабар бермагансиз?

**Жавоб:** Отажон Ҳошимовнинг аксиликкабий фаолияти ҳақида ҳеч нарса билмайман. У қамалгач, у ҳақда газеталар халқ душмани деб ёзишди, мен буни билмайман.

**Савол:** Отажон Ҳошимов кимлар билан алокада бўлар ва хонадонингизда қандай йигинлар бўлиб турар эди?

**Жавоб:** Хонадонимизга Ойбек, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Аъзам Аюб, Мўмин Усмонов, Анқабой ва бошқалар келиб туришарди. Улар кўпинча ёлгиз ёки икки киши бўлиб келишарди, лекин йигинлар бўлган эмас.

**Савол:** Мазкур кишилар хонадонингизга келган вактларида қандай аксиликкабий гапларни гапиришган?

**Жавоб:** Менинг олдимда бундай гаплар ҳеч қачон бўлмаган. Бошқа ҳеч қандай кўргазма бера олмайман”.

Зайнаб Ҳошимова ҳеч қандай асоссиз Тоштурмада бир ярим йилча қамалиб азоб чекиб ётди. Гуноҳсизлиги аниқланиб, қамоқдан озод қилинди. Шунга қарамасдан, Зайнаб опа кейин ҳам доимо таъқиб ва тазииклар остида яшади, уй-жойи, ишидан четлатилган аёл турли жойларда сарсон-саргардонлик билан хаёт кечирди. У ҳатто 1957 йили эри оқланганидан кейин ҳам рӯшнолик кўрмади. Отажон Ҳошимовнинг қариндош-уруглариникида яшаб, нафакага чиқди, охири бир хоналик уйга эга бўлиб ёлғизликда умр кечирди. Зайнаб опа Отажон Ҳошимовнинг 85 йиллиги муносабати билан унинг 1937 йили тинтуб пайтида олиб кетилган кўлёзмаларини қайтаришни сўраб, Давлат Ҳавфсизлиги Кўмитасига мурожаат килди.

1988 йил 15 марта Ўзбекистон орган бўлими ходимла-

ридан бири Зайнаб опани сухбатга чорлаб, Отажон Ҳошимовнинг барча кулёзмалари ва ҳужжатлари йўқ қилиб ташланганини хабар қилди.

Шундай қилиб, унинг охирги орзуси, эри Отажон Ҳошимовнинг олиб кетилган асарларини кўриши, уларни юбилей кунларида элга кўз-кўз қилиб, чоп этиш орзуси ушалмай, ўша йилнинг охирларида оламдан кўз юмди. Отажон Ҳошимовнинг жияни Республикада хизмат кўрсатган юрист, хозирда меҳнат фахрийси Жонрид Ҳошимов Зайнаб опа ҳакида бизга шундай ҳикоя қиласиди:

“Отажон ака ва рафиқалари Зайнаб опа бир-бирларини ниҳоятда севишар ва қадрлашар эдилар. Уларнинг биргаликдаги маъсум ва беғубор ҳаётлари Отажон аканинг 1937 йил 2 августда қамалиши билан тугади ва шундан кейин Зайнаб опанинг ўзи ҳам ишлаб турган вазифасидан бўшатилиб, “халқ душмани”нинг хотини бўлгани учун қамалади, ҳеч асоссиз равишда 17 ой қамоқхонада терговлар азоби ва қийнокларини бошидан кечирди. Бунинг устига, унинг опаси, Аминанинг эри ўша даврнинг маъсул раҳбар ходимларидан бири Собир Мирзажонов ҳам “халқ душмани” сифатида қамалиб йўқ бўлиб кетди.

Уйи ва мол-мулкининг тортиб олинганлигини кўрган Зайнаб опа узок йиллар турли таниш-билишларининг ўйлари ва ётоқхоналарда сарсон-саргардон бўлиб, қийин ахволда, доимо кузатув остида яшади, бир неча бор НКВД органларига чакирилиб турди. У ҳатто ўз касби бўлган ўқитувчиликка ҳам жойлаша олмайди. Фақат 1939 йил октябрь ойидан сўнгина Тошкент шаҳридан узоқ бўлган Калинин қишлоқ туманидаги Дмитров номли бир мактабда рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади. 10 ойдан сўнг ёшлар тарбияси учун гоявий заарли бўлган собиқ ҳалқ душмани Отажон Ҳошимовнинг хотини, деган айб билан у ердан ҳам ишдан бўшатишиди. Сўнг опа Оржоникидзе районидаги 60 (48)-сонли мактабга рус тили ўқитувчиси бўлиб жойлашади. Сал ўтмай, эски айб билан яна ишдан бўшатилди. Охири у 1942 йилда ўз касбини ўзгартириб, Тошкент механика заводида токарь ёрдамчиси бўлиб ишлашга мажбур бўлади. У ерда бир неча ой ишлагач, 1943 йили февралда Тошкент темир йўли ҳарбий трибунали

уни ишдан ўзбошимчалик билан кеч қолди, деган айнома билан беш йилга қамоқ жазосига ҳукм қилди. У ерда бир йилча бўлиб, озодликка чиқди. Лекин унинг орқасидан бўлган таъкиб ва тазийклар асло тўхтамади. Натижада, у Тошкентдан узоқ жойга Қашқадарё вилоятига кетиб, Китоб туманидаги пахта заводининг ошхонасида ишлади. Орадан анча вақт ўтгач, Тошкентга қайтди ва шаҳардан узоқ бўлган қишлоқ хўжалик техникуми ошхонасида, сўнг шаҳар “Тез ёрдам” станциясида тиббий ҳамшира бўлиб хизмат қилди.

Зайнаб опа ушбу кўп йиллик қийноқ ва қувгинлар, тазийқ ва таъқиблар оқибатида соглигини йўқотди, кўп вақтларини касалхоналарда ўтказди, кўзлари заифлашиб, бир неча бор жарроҳлик операцияларини бошидан кечирди.

Опа бизнинг оиласизга ниҳоятда яқин ва меҳрибон бўлиб, Отажон ака қамалганидан кейин қайнонаси Ҳамробиби ва бизларни ҳам сира эсдан чиқармади. Ўзи қийин аҳволда бўлса ҳам, доимо бизлардан хабар олиб, ойлаб бизларникига келиб, қайнонасига қараб турди. Опанинг фарзандлари бўлмагани учун у бизларни ўз фарзандлариdek кўрар, рафиқам ва болаларимни ўз келини ва набиралари каби бошига кўтариб, эъзозлаб суръ эди. Биз ҳам Зайнаб опанинг амаким Отажон акага бўлган бу меҳр ва муҳаббати, садоқатини сўнгги оғир хасталик дамларида ҳам унугтмай, унинг ёнида бўлиб, дунёдан ўтиши билан тобутларини елкамизда кўтариб, қабрга кўйдик.

# Мундарижа

<b>Муқаддима .....</b>	3
<b>Холида Аҳророва. Хадича Алиева .....</b>	7
<b>Наим Каримов. Кимёхон Ашурова .....</b>	15
<b>Наим Каримов. Тожихон Аҳмедова .....</b>	21
<b>Дилшод Ражабов. Валентина Васильева .....</b>	29
<b>Наим Каримов. Яна Валентина Васильева тўгрисида .....</b>	34
<b>Наим Каримов. Кетеван Исломова .....</b>	40
<b>Наим Каримов. Элмира Исломова .....</b>	50
<b>Наим Каримов. Мақсуда Исҳокова .....</b>	57
<b>Шерали Турдиев. Хайринисо Мажидхонова .....</b>	63
<b>Наим Каримов. Асҳоб Миршаропова .....</b>	70
<b>Шерали Турдиев. Матлуба Муҳамедова .....</b>	77
<b>Наим Каримов. Зоя Оллакулова .....</b>	84
<b>Шерали Турдиев. Гулсум Раҳимова-Ашрафий .....</b>	91
<b>Наим Каримов. Сабоҳат Раҳматова .....</b>	100
<b>Наим Каримов. Екатерина Сулаймонова .....</b>	104
<b>Холида Аҳророва. Марям Султонмурадова .....</b>	111
<b>Шерали Турдиев. Яна Марям Султонмурадова тўгрисида .....</b>	130
<b>Наим Каримов. Яна Марям Султонмурадова</b>	
<b>тўгрисида .....</b>	140
<b>Наим Каримов. Сора Турабекова .....</b>	142
<b>Наим Каримов. Ҳикматжон Фитратова .....</b>	147
<b>Холида Аҳророва. Собира Холдорова .....</b>	154
<b>Холида Аҳророва. Вилоят Ҳўжаева .....</b>	162
<b>Наим Каримов. Она, бола ва келин Ҳўжаевалар .....</b>	168
<b>Наим Каримов. Раҳбар Шермуҳамедова .....</b>	192
<b>Холида Аҳророва. Тожихон Шодиева .....</b>	200
<b>Шерали Турдиев. Зайнаб Ҳошимова .....</b>	207

## **Кор қўйнида лолалар (қатагон этилган аёллар ҳакида очерклар)**

**«Академия» наприёти  
Тошкент - 2001**

Нашр учун масъул *Д.Кобулова*  
Мухаррир *T.Соатова*  
Рассом *P.Султонов*  
Мусаххих *Г.Абдуллаева*  
Техник мухаррир *Л.Фахрутдинова*  
Компьютерчи *Д.Карабаева*

Теришга берилди 10.07.2001 йил. Босишга рухсат этилди 9.08.2001  
йил. Бичими 84 x 108 1/32. Офсет босма. Шартли босма табоги 13,4.  
Нашриёт хисоб табоги 13,0. Адади 2000. Буюртма №96 Баҳсси  
шартнома асосида.

«Akadem-Xizmat» босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45.